


ХОРАЗМ ДОСТОИЛАРИ



ОШИКНОМА

**АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

ХОРАЗМ ДОСТОИНЛАРИ

ОШИҚНОМА

5 - КИТОБ

“Ошикнома” рукни остида 5-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага “Тохир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” достонининг Умар Бокий варианти, “Ошиқ Кумри”, “Саёд ва Ҳамро” достонининг оғзаки варианти киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир:

- С.Р.РЎЗИМБОЕВ,
профессор,

Нашрга тайёрловчилар:

- С.Р. Рўзимбоев, С.М.Сориев,
И.О.Исмоилов, М.Ш.Жамметова.

Такризчи:

- Г.О.Эшчонова,
филология фанилари номзоди, доцент,

© “Хоразм” нашриёти - 2011 йил
ISBN 978-9943-314-23-8

© С.Р.РЎЗИМБОЕВ С.М.СОРИЕВ, М.Ш.ЖАММЕТОВА,
И.О.ИСМОИЛОВ. “ОШИКНОМА”

223 | 1

ТОХИР ВА ЗУХРА

Ровийлар андоғ ривоят килурларким, Тотор деган бир катта вилоят бор эрди. Унинг Бобохон отлиғ подшоси бор эрди, бу подшонинг бир вазири бор эрди, уни Бохир вазир дер эрдилар. Буларнинг иккаласининг ҳам мол- давлатдан, обрў-эътибордан кам-қўсти йўқ эрди, аммо бир камчилиги буларнинг иккаласида ҳам фарзанд йўқ эрди. Подшо билан вазир фарзандлик дотига ҳеч чора тополмай кўп ғамгин бўлиб, зору- гирён килар эрдилар.

Бир куни подшо билан вазир ўзаро сухбатдош бўлиб, маслаҳат килдилар. Шунда подшо вазирга айтдики:- Эй Бохир вазир, бизларнинг иккимизда ҳам ўғил- қиздан нишон йўқ. Фарзандсиз кишига бу вилоят, бу юрт ҳаромдир. Кел, иккимиз бошимизни олиб, бу ватанини тарқ этиб бир тарафларга кетали, -деди.

Вазирга бу маслаҳат хуш келиб, “ажаб бўлгай” деб жавоб берди. Шу ниятда подшо билан вазир иккаласи тонг чоғида ҳамма уйкуда вактида ҳеч кимга билдирамасдан, шаҳардан чиқиб чўлу-саҳрого, дашту-биёбонга караб равона бўлдилар, шу боришлирида кун ботар вактида кадим вактдан колган бир катта кабристонга дуч келдилар. Булар бу кеча шу кабристонда тунамоқни бўлдилар. Иккаласи шу ерда ўтириб, Яратгандан фарзанд тилаб, нола килдилар. Шунда подшо Худодан бир ўғил тилаб бир газал айтди:

*Даргоҳингга юзим тутдим Яратган,
Сен менинг дардимга далолат айла.
Сенсан аввал мени йўқдан бор этган,
Бузилган шахримни иморат айла.*

*Шукрим кўпdir дўймоқ бўлмас ўйлингдин,
Ал кўтардим давлатингдин, молингдин,
Карамли зотингдин, қудрат-қўлингдин,
Бир фарзанди солиҳ-саҳоват айла.*

*Захар ичарман, шарбатим йўқ, болим йўқ,
Жудо тушибим, ватаним йўқ, элим йўқ,
Ўрним тутган авладим йўқ, ўғлим йўқ,
Холимга ҳомий бўл, ҳимоят айла.*

*Сен туфайли жаҳон-олам мунаввар,
Фаҳри жаҳон сенсан, оламга сарвар,
Ҳақнинг дўстси сенсан, Расул пайгамбар,
Икки дунё менга шафоат айла.*

*Юртнинг подшосиман, Бобохон отим,
Боҳир вазиримдур, кўнгулда шодим,
Уймади ўрнимда ўғил-зурёдим,
Иккимизга фарзанд иноят айла.*

Алкисса, Бобохон подшо сўзини тамом этди. Бу кеча қабристонда ётдилар, аммо кўзларига уйку келмади. Тонг сахар чоғида кўзлари уйкуга кетди. Боҳир вазир тушида бир ахвол кўрди: Подшонинг кучогига бир чакалокни, Боҳир вазирининг кучогига бир чакалоқни келтириб солдилар. Шунда вазир уйкудан уйғонди, шул вактда подшо ҳам уйкудан уйғонди. Подшо сўради -кани, эй вазир, нима ахвол кўрдинг? Боҳир вазир айтди: -Эй подшоҳим, тушимда бир ахвол кўрдим, толеинг, икболинг очилди, толе сенга қулиб бокди, деб бир газал айтди:

*Эй шоҳим, ётардим, бир ахвол кўрдим,
Раҳмат майи мени мастан айлади.
Мақсадинг Ҳақ берди, таъбириң йўрдим,
Барча мушкулларинг осон айлади.*

*Ҳафтан, ситан, чилтан барча жасам бўлди,
Кўлин очиб ҳаққа муножжот қилди,
Тилади муродинг-Худодан олди,
Ҳар кимга бир зурёд аён айлади,*

*Давлат қуши соя солди бошингга,
Раҳм айлади кўздан оқкан ёшингга,
Икки анвар туғиб келди қошингга,
Нуридин жаҳонни бўстон айлади.*

*Икки анвар бир-биридин зиёда,
Лабларида шароб, кўлида бода,
Аҳволим барҳақдур, етдим мурода,
Менинг кўнглим мундог гумон айлади.*

*Боҳир айтар, будир кўрган аҳволим,
Сизларга гумонлиг, ўзимга маълум,
Бир кун чикар икки сарви ниҳолим,
Бизнинг била аҳди паймон айлади.*

Алкисса, подшо вазирининг бу сўзларини эшитиб дарров ўриидан туриб, вазирининг юзидан ўпид айтди:

-Эй Боҳир вазир! Агар сўзларинг чин бўлиб, Худои таоло икки-

мизга ҳам ўғил берса, улар иккаласи дўст бўлсинлар, бир тан, бир жон бўлсинлар. Агар иккаласи ҳам қиз бўлса, улар киёматлик опа –сингил, дугона бўлсинлар. Агарда бири ўғил-бири қиз бўлса, унда улар бир-бири билан жуфти ҳалол бўлиб, иккаласиз қуда бўламиз, деди.

Шунда Боҳир вазир: -Эй подшоҳим, давлатингиз барқарор бўлсин. Сиз бир подшо, хукмдор бўлсангиз, мен эса эшигингиздаги бир хизматкор бўлсан, бу кандай ахлу паймон бўлади,-деди. Унда подшо ҳеч вакт сўзидан томаслигини айтиб касам ичди. Сўнгра кўлига қоғоз-қалам олиб, “валлохи-аълам” деб, ахд боғлаб аҳднома ёзиб, муҳр босиб, вазирнинг кўлига берди. Бу ишдан вазирнинг вакти чоғ бўлди. Сўнгра иккаласи шаҳарга қайтилар. Келиб, подшо ўрнида ўтириб, хукм сурмаклика давом этди. Подшо хотингларининг орасида Шохижонон деган бир аёли бор эрди. Вазирнинг суюкли бир аёли бўлиб, унга Шохижўбон леб ном берар эрдилар. Кунлардан бир кун Шохижонон ҳомиладор бўлди. Унинг изи билан бир хафтадан сўнг вазирнинг хотини Шохижўбон ҳам ҳомиладор бўлди.

Шундан кейин орадан тўkkиз ой, тўkkиз кун, тўkkиз соат, тўkkиз дақика ўтгаидан кейин подшонинг бир қизи бўлди. Бу чақалокнинг оғзи гунча, лаблари лаъл, кўзлари мастона, қалам кошли, инжу тишли, кора сочили, юзи жаннатнинг гулидай, овози Боги Эрам булбули янглиғ, хусни гунчай офтобдай, ўн тўрт кечалик ойдай шуъласи осмонни ёритар, кўрган кишида бир меҳр пайдо килар эрди. Шу вактда бир каниз подшоға бориб -Эй подшоҳи олам! Давлат чироғинг ёнди: Шохижондан бир офтоб дунёга келди,” деб суюнчилади.

Подшо бу сўзни эшишиб, қазинасдан канизга суюнчи учун кўп инъомлар бериб, узатди ва шахарнинг ичida тўй-томуша бошлаб юборди. Барча кулларни озод этди, факиру фукаро, гарibu- бенаволарга кўп инъомлар улашди. Бу тўю томоша тўkkиз кеча-кундуз давом этди. Сўнгра подшо курондоз, мунажжимларни, фалакиёт илмидан хабардор уламоларни, ҳокимларни, бекларни йигиб буларнинг ҳар бирига лойик инъом-эхсонлар бериб: “Бу моҳи анварга бир от кўйинг!”-деди. Бири: “Ой кўяйлик” деса, яна бири “Кўёш кўяйлик”-деди. Шу ерда бир неча от айтилган бўлса –да, уларнинг ҳеч бири подшонинг кўнглига маъкул бўлмади. Шу тўйда бир меҳмон бор эрди, отига Мулланрафас Мару Шохижонон леб от берар эрдилар. Унинг аёлига Бўстончи элти леб от берар эрдилар. Уларнинг иккаласига ҳам Пайгамбарнинг сояси, Худонинг назари тушган эрди. Подшо “Мана шу инсонлар исм кўйсилар, шулар от кўймаса, бошқаларнинг кўйган отлари менинг кўнглимга маъкул тушмади”, деб амр этди. Шундан сўнг элти чакирилар. Элти келиб бувак қиз билан кутлади. Элти бика ўз олкишларини тутаттандан сўнг, шу ердаги аёллардан бири айтдики: -Эй элти биби, подшонинг кизига от кўймоқлик ихтиёри сизга берилди. Бу кизга Сиз от кўйингт. Аммо отининг бир тарафидан ой ва кўёш

айрилмасин,- леди. Элти жойида ўлтириб, бувак кизнинг юзини очиб, зиёрат этди ва айтди:

-Эй халойик бу киз ойнинг, куннинг баробаридаги қиз экан, яна ўн икки юлдуз бордир-шамс дерлар, камар дерлар акраб дерлар, мезон дерлар, ковус дерялар, офтоб бурчидар намоён бўлурлар. Ҳам яна бир юлдуз бордур, отига моҳи-Муштарий дерлар-унинг нури, шуъласи ойдан, кунлан зиёдадир. Яна ҳам бир юлдуз борким-у тўққизинчи фалакнинг юзида туғади. Отини Зухра дерлар, ўзи мутриб -созандада бўлар ишқи баланд созандадир. Юзининг шуъласи ой-куннинг шуъласидан етти хисса зиёдадур. Бу кизнинг отини Зухра кўймоқлик душвордир. леди. Халойик кабул этдилар: "Юзи Зухра, оти ҳам Зухра бўлсин"-деб кутлалилар. Шу тариқа кизнинг отини Зухра кўйдилар. Сўнгра Зухранинг ёнига икки юз канизи билан Мулланафаснинг аёли Бўстон энагани тарбияламоқ учун бердилар.

Зухра кизнинг юрагида ишқ хаваси борлиги учун унинг мудом йигламоқдан бошка иши ўйқ эрди. Аммо юзи, хусни жамоли кун-кунга зиёда бўлиб, кўрган одамнинг аклини шошириб, ҳамма унга хавасда бўлдилар. Унинг хуснининг овозаси Қофдан Каъбага мағрибу машрикка, еру-кўкка тарқалиб, оламга овоза бўлиб кетди.

Эндиги сўзни Бобохондан эшитинг. Подшо киз фарзанд кўрганидан сўнг, кўнглига шундай бир хаёл келдики: "Бохирнинг ўғли бўлса мен нима киласман? Жанинат гулини бир туяга ҳамсuxбат этмак ноўрин бўлар? Мен катта бир юртнинг подшохи бўлсанам, Бохир менинг қулим бўлса, мен унга нима учун кизимни беришим керак? Аммо, энди унга кизимни бермасам, аҳди-вафо килганман, сўз берганман. Окибатини ўйламасдан, аҳдимни елга бериб, бу ишларни фикр этмасдан, бекорга аҳднома ёздирибман, охирни ўйламасдан иш килибман. Аммо менинг бундай аҳди-паймон килганимни ким кўрибди, ҳеч ким кўрган эмас. Мабодо Бохирнинг хотини ўғил тутса нима бўлади? Шунинг учун Бохирнинг бошига тез етайнин, уни гумдан килайин, деб кўп гам ғуссага ботиб ўйлай бошлади.

Ана вакти соати етиб Бохир вазирнинг ўғли бўлди. Гўдакнинг жамоли ойдан, кундан ҳам зиёда, хусни чиройидан бутун олами жаҳон мунаввар бўлди. Ҳаттоқи шохлар буни кўрса, бошларидаги тожларини унга лойик топар эрдилар. Зухра билан иккиси гўёки бир олмани бўлиб кўйғондек эди. Бохир вазир ҳам тўй-томоша бошлади.

Ўглининг отини Тохир Мирзо кўйдилар. Бу чакалокни ҳам энагага топширдилар. Энагалар бу иккаласини элдан -кўздан саклаб, вояга етказдилар. Ана кундан-кун, ойдан ой ўтиб Тохир ва Зухра етти ёшига етдилар. Кунлардан бир кун Бохир вазир бу оламдан кетди. Унинг ўрнига душман ўтири, булар оиласининг давру-даврони тугали. Эндиги сўзни Бобохон подшодан эшитинг. Подшо Мулланафас охунни мулла қилиб тайинлади. Бутун эл ўз фарзандларини Мулланафасга гар-

бия килиш учун бердилар.

Шохижакон Зухражонни, Шохихубон Тохирни муллага топшириди. Зухражон ва Тохиржон мактабда бўлган вактларида мактабга, устоз ва жами болаларга шодлик элтиб, шод-хуррам, вактлари хуш бўлар эрди. Уларнинг иккаласи мактабдаги бошқа болаларнинг орасида ой билан куёшдек, болалар бўлса гўёки уларнинг атрофидаги юлдузлардек эди. Тохиржон билан Зухражоннинг хусн-жамоли хам, бўйибести, зехилари хам баробар эрди. Домла-устоз таълим берса, ўзлари билар эрдилар, вактларини хушлаб, Куръон оятларини ўқир эрдилар. Ойлар, кунлар шу тарзда ўтиб, булар вояга етдилар. Вакти келиб Зухражон ва Тохиржоннинг ўртасида ишк-муҳаббат асари лайдо бўлди. Улар бир-бирини кўрганда ишк ўти буларнинг юрагидан кечар эрди. Агарда бир-бирини кўрмасалар, юракдаги ишқдан дали-девона бўлар эрдилар. Эрта билан туриб, мактабга хам бирга келиб, бирга кетар эрдилар. Шу тарзда кунлар ўтаверди.

Бир куни Тохиржон эрта ўрнидан туриб Зухражон билан учрашадиган жойга келди. Аммо Зухра киз келмади. Тохирнинг юрагига ларза тушиб: “Зухражонга бир гап бўлғонга ўҳшайди, келмади” леб интизор, муштоқ бўлиб турғонида мактабдошлиридан Гулқамар отлиғ бир киз Тохиржоннинг ёнидан ўтаверди. Ошик Тохиржон айтди:- Эй Гулқамаржон, тўхта, бироз кутуби тур.

Гулқамар тўхтади. Шу сарда Тохиржон Зухражондан хабар сўраб бир газал айтди. Гулқамаржон хам жавоб берди. Иккисининг савол-жавобли сўзи:

Тохир:

*Гулқамарэсон, хабар бергил бизлара,
Ҳамсирдошинг Зухражонни кўрдингми?
Курбон бўлай шаҳду-инакар сўзлара,
Кўнглим олган дилрабони кўрдингми?*

Гулқамар:

*Ёрим келмади деб гумон айлама,
Келар Зухражонинг, гамгин бўлмагил.
Шод кунгларинг охирзамон айлама,
Келар Зухражонинг, гамгин бўлмагил.*

Тохир:

*Бугун мен айрилдим савсон сўнадан,
Ман билмадим, гап етдими онадан,
Нечун юз ўғирди мактабхонадан,
Тоза очилган тар гунчани кўрдингми?*

Гулқамар:

*Рост қомати алвон гуллар ичинда,
Элининг назаргоҳи тўйлар ичинда,
Тахтин курмии яхши ўйлар ичинда,
Келар Зухражонинг гамгин бўлмагил.*

Тохир:

*Ола күз, оқ жайрон ақтимни олди,
Эйланди, келмади, ничик сир бўлди,
Сабоқлар ўқилмай, бандивон қолди,
Шоҳиниг қизи, шаҳзодани кўрдингми?*

Гулқамар:

*Тўйга сайдон этди қизларнинг хони,
Ёнинда қиз-келип, ҳам навжусуони,
Ёндириб, кийдириб жумла жаҳонни,
Келар Зухрақсонинг, гамгин бўлмагил.*

Тохир:

*Нечук тўйдур ушбу кунлар тутулғон,
Эҳсоннинг ўрнига зиён битилғон,
Зухрақсон банд бўлиб, ой-кун тутулғон,
Жондан азиз ул жононни кўрдингми?*

Гулқамар:

*Ман санга сўзларман сирри-никоним,
Санга ёлғон айтсан тўкилсин қоним,
Етишар дамба-дам, сабр айла жоним,
Келар Зухрақсонинг, гамгин бўлмагил.*

Тохир:

*Тохир айтар, бошим меҳнат тошинда,
Йиглаб ўлар бўлдим етти ёшимда,
Ўзим мунда, кўнглум ёрниг қошинда,
Зухра отли саргардонни кўрдингми?*

Гулқамар:

*Гулқамар дер, бошим сизларга банда,
Кўрдим кўнгуларни ҳизирон шоминда,
Санинг кўнгалинг ёрда, ёр кўнгли санда,
Келар Зухрақсонинг гамгин бўлмагил.*

Аликисса, бу сўзлар тамом бўлгандан сўнг, Гулқамаржон мактабга караб жўнайверди. Тохиржон бу ерга келиб, икки соат кутиб турди, аммо Зухрақсон келмади. Тохиржоннинг охири сабру-карори тугаб Зухра кизнинг бонига караб равона бўлди. У боғда сарви леган бир баланд дараҳт бор эрди. Тохирбек шу ларахтга чикиб, Зухранинг йўлига караб ўтириди. Бир оз вактдан сўнг Зухра киз канизлари бирлан олам-жаҳонни нурга тўлдириб клаверди. У кўлидаги қизил олмани ҳидлаб, қизил тилладан жилдланган ҳафтиякни кўтариб келар эрди. Заррин камар, эгнида кийим-либослар ярашган, ўн бармогида ўн тилло узук, ҳар узуги бир киммат дурдин ясалған. Кўллари хиноли, юзи гулоб сувли, холлари ўсмали, кўзлари сурмали, кулоклари исирғали, бошинда қизил ёқутдан ўтога, кар-кара суратинда битилган дуру-жавоҳири гулдек очилиб, бу ёлғончи дунёни гулистон этиб клаверди. Бунга назари тушган Тохир

ёниб-куйиб бир абёт ўкиди:

Санго туңиди назарим, севгили жонон, бари гал,
Сочи мүшк исти юпор сунбулирайхон бари гал,
Гулбадан, гулгун ранги, тұни зарағашон бари гал,
Ол ёноқ, киприки олма занахдон бари гал,
Жониннега садқа бұлам, севгили жонон бари гал.

Париларнинг подиоҳи, балли мастана гүзал,
Сен бир шам чирогу, мен сенга парвона гүзал,
Хулқи хүш, лабзи шириң юзлари нурона гүзал,
Бағри бұш, сұзлари дүз, тиллари дурдона гүзал,
Лаби лаъл кийдиги ол, жсаннати ризвон, бари гал.

Чекарам ҳар кечаларда оху зорингни сани,
Мандан ўзга ким чекади дарду зорингни сани,
Бермарам іоз минг тумана зулфи торингни сани,
Оқ күксингда биттеги олма, анерингни сани,
Тутымасам қолар буқун жонимда армоп, бари гал.

Гоҳ қулиб, бари бокиб, ноз бирла саллонасан,
Гоҳда қошинингни читиб, ҳар тарафа тавлонасан,
Үз юзинг шуғласина, балқи ўзинг ҳам ёнасан,
Олама шуыла солған сен бир ажойиб сұнасан,
Жигарим ўтга ёқсан оташа сұзон, бари гал.

Севдигим, ҳар сұзингга, сұзла шириң жонни берай,
Ҳар нұқта холингга мен Эрону Турини берай,
Ҳар сочининг бир торина ҳұр ила гилмонни берай,
Сайр этиб, бокишиңга Балху Бадахшонни берай,
Қылайин ман бу жаҳонни санга қурбон бари гал.

Дүймосин ғанда рақиб бир ера пінхон бұлоли,
Жонни жсон ичра қўшиб, бир тапу бир жсон бұлоли,
Максади ҳосил қышыб, мүшкүли осон қилоли,
Үйнашиб бир-биримиз, бирға қадрдан бұлоли,
Беш күн сиз бизга, биз сизга меҳмон, бари гал.

Уялиб, ерга бокиб, бизданки ибо қиласан,
Қўзлайиб кўз учила сийнама ўтлар ёқасан,
Бир куни ўлдирасан, охир ижоним олисан,
Бандивон ўлдине ҳамишиша ғашду шаккар билга сап,
Тоҳиринг кўнгли севгап тоза гулстон бари гал.

Тохирбек Зухранинг бу келишини зеб-зийнатлар билан безатилган либосларини томоша этиб, юзи зарьфарондек саргайди. Ва акли хайрон, күзлари гирён бўлиб яна бир байт айтди:

*Хусни минг -туман баҳоли,
Дилбарим, дилдорим келди!
Сўрмоқа келмиси бу ҳоли,
Ғанимга гамхорим келди!*

*Лабларинда бол сочиғон,
Мехрибон бўлиб очиғон,
Сунбул бас келмас соч ила
Жон риштаси торим келди.*

*Ел келса, зулфинг додигитур,
Сайнамда шиқинг додигидур.
Етмасман ёрнинг додигидур,
Гўзал вафодорим келди.*

*Кувондим хусни-олина,
Алдандим макру-олина,
Қўлимни қўйиб олдина,
Зулфлари шоморим келди.*

*Жилваси олам норидур,
Илтифот биздан наридир,
Қўлинда олма-норидур,
Қўзлари хупхорим келди.*

*Жамоли олам ёридур,
Ҳар зулфи олам ёритур,
Қўрган дер: "Кимнинг ёридур"
Ул фасли баҳорим келди.*

*Оқ юзида нуқта ҳоли,
Тоҳирнинг не кечар ҳоли,
Сўрмоқа келмас бу ҳоли,
Соқий гулруҳсорим келди.*

Алкисса, Тоҳиржон сўзини тамом этди. Шу вактда Зухра киз ҳам этиб келди. Тоҳиржон дарахтдан тушди. Иккаласи бир оз вактгача ўпишиб, кучоклашиб, бир-бирига пешакдай чирмашиб, бир-бирининг

вактини хушлаб, шол -хуррамликда ўтирдилар. Шундан сўнг Тохиржон Зухранинг кеч колгани учун хафа бўлиб, бир абёт айтди:

*Эй шамси анвар юзи гул,
Кўрмагай эрдим кошки.
Аввачда мен сенга ќунгил,
Бермагай эрдим кошки.*

*Эй булбул Боги Эрам,
Эй меҳрибон зебо-санам,
Лаълинг закотин дам-бадам,
Сўрмагай эрдим кошки.*

*Ишқингда мен, эй бехабар,
Йиглаб кезиб шому-саҳар,
Хизиронингда хуни ёсигир,
Тилмагай эрдим кошки.*

*Сан ёсилва айлаб ёсон аро,
Девонаман инсон аро,
Бошдан қочиб майдон аро,
Кирмагай эрдим кошки.*

*Излаб висолинг мен гадо,
Қилдим азиз ёсоним фидо,
Ҳиммат этагин белима,
Урмагай эрдим кошки.*

*Тохир айтар, эй бокарам!
Бўлдим мен бугун лојсарам,
Мардонавор ишққа қадам,
Кўймагай эрдим кошки.*

Алкисса Тохиржон бу сўзини тамом қилғандай сўнг Зухражоннинг ишқи жўш уриб: -Эй Тохиржон, жоним йўлингда қурбон бўлсин. Энди юр, мактабга кетайлик”-деб иккиси мактаб тарафга жўнадилар. Бу икки ёшнинг ишқ савдоси олам-жаҳонга овоза бўлиб кетди. Аммо Бобохон билан Бохир вазирининг аҳду вафо қилғанлари юрт ахлига, шахар халқига маълум эрди. Аммо Тохиржон билан Зухражоннинг бу гап-сўздан хабарлари йўқ эрди.

Кунлардан бир кун Зухражон билан Тохиржон мактабдан кайтганда, буларнинг йўли бир бўз тўкиётган момонинг уйи устидан ўтар эди, у кари момо бу ошик-маъшуқларнинг олдилариға чиқиб айтди:

-Эй қўзиларим мен бу ерда бўз тўкийман, сиз менга бўз тўкиётгонда ҳалақит берасиз, тўкиётган матомга зарар-зиён етказарсиз. Бўзларимнинг устидан ўтманг, ўзга ердан ўтинг ва бу билан бир савоб иш қилиб, мен гарифнинг дуосини олинглар. Тоҳиржон кампирнинг сўзларига кулоқ солмади. У ошикни тикиб, қўлидаги қўргошин куйилган соккани отиб юборди. Сокка ошикка тегиб юкорига сакраб дастгохнинг икки аршини кесиб ўтли. Бунга кампирнинг қаҳри келиб: “Эй болаларим, биз бир гариф-камбағал бўлсақ, сизлар бир бекзода бўлсангизлар. Сизларга ёмон ёки каттиқ сўзлаб билмасман, ҳар ҳолда икки калима арзим бор”, деб бир газал айтди:

*Тоҳиржон ҳазил этма манга,
Ҳазил этгил Зухрајсон билан.
Ўйнаб -тегишмояқ ярашмас,
Кампирга нав жусон билан.*

*Ҳар ким ўйнар ўз тенгила,
Бош урма дунё жсангина,
Ғафлатда қолиб сўнгина,
Ўтмагайсан армон билан.*

*Орангизда бир сўз бордир.
Шоҳ вазирга ошкорадир,
Шаҳар ҳалқи бехабардир,
Аён эрмас гумон билан.*

*Ёмон йўлдир ишқнинг йўли,
Бўларсан девона, дали.
Хақиқатни сўргил vale,
Онанг Шоҳихўбон билан.*

*Даврон устингизда турмас,
Кўнглиңг истаган ерга юрмас,
Шоҳ Зухрани сенга бермас,
Елга учар думон билан.*

*Юзлари жаннатнинг гули,
Зулфлари савсон-сунбули.
Овози Эрам булбули,
Ўртар сени фигон билан.*

*Кексаларнинг пандин олсанг,
Ғарибларга раҳм қиласанг,
Зухражисона ошиқ бўлсанг,
Ўтар умринг ҳизисрон билан.*

*Кампир айтар будир сўзим,
Кўп савдолар кўрди кўзим,
Сан-ўғлим, Зухражсон -қизим,
Аҳдингиз бор паймон билан.*

Тоҳиржон бу сўзни эшитиб юрагига ўт тушди ва ўйнамоқдин –
кулмакдин ва емак-ичмакдин безор бўлди. Ўйин –кулги, соз сухбат
йирок бўлди. Сўнгра онасининг ёнига бориб айтдики:

-Эй она, саҳрова ёз чикибдир, гуллар очилибдир, ажаб лолазорлик
бўлибдур. Зухра билан сайдга чиксак не қилур? Шунда онаси: -Эй
кўзимнинг равшани, кўнглимнинг чироги, бошимнинг тожи, бағримнинг
пайванди, юрагимнинг тираги, Оллоҳ таолонинг менга берган ёлгиз
фарзандим. Сенга ростини айтмасам кимга айтаман: Эй кўзим! Бобохон
билан Боҳир вазирнинг ахлу паймон этгани тўғридир. Аммо Бобохон
ахидан қайтди, у замонлар, у вакълар ўтиб кетди. Отанг ҳам оламдан
ўтиб кетди. Сен ҳам бу ниятингдан қайтил, умидингни узгил. Чунки у
ваъдалар пуч бўлғандир. У шоҳ эрур. Сув сойға, бой ҳам бойға
деганиларидек, шоҳлар шоҳлар билан лойикдир. Биз бир факирлирмиз.
Сен ҳам ўз тенгингни топарсан. Зухражонга кўнгил берма, фитналик
пайдо бўлар, душманлик ортар!-дели. Унда Тоҳир: -Эй она!
Аввалроқдан хабардор этсанг, яхши бўлар эрди. Энди сўрсанг, ишқ
манинг ихтиёрими олибдур. Жонимни Зухра кизнинг йўлида фидо
этарман!-деб ишқи аввалгидан ҳам зўрайиб, бир ғазал айтди. Ғазал
бутир:

*Мен бугун душимишам ишқининг йўлини,
Она, менда на ихтиёр бор энди?
Зухражоннинг оқ юзинда холина,
Кўнглим ҳавас, кўзим интизор энди!*

*Ишқининг ўти ўттар тану-зоримни,
Булбулим сайд эттар гулузоримни,
Бир замон кўрмасам севар ёримни,
Телба кўнглим бўлар бекарор энди.*

*Кўйинда қуюндеқ оввора бўлсам,
Чорасин топмайин бисёра бўлсам,
Зухражоннинг қошинда юз пора бўлсам,
Муродим, мақсадим, шунда бор энди...*

*Ёлгиз ўзим, юз душмандин шаънима,
Охир бир кун қолар ноҳақ қонима,
Шоҳнинг раҳми келмас ширин ясонаима,
Ошиқларга Ҳақдир мададкор энди.*

*Ишкнинг ўти тушиса, жаҳонни ўртар,
Отам ўлса, тақдир яна бир тортар,
Олтин ерда ётса, шуъласи орттар,
Гавҳар кулда қолиб, бўлмас хор энди.*

*Ҳақ ошиқман, ишқ йўлинда ўтартман,
Ё Раб, мақсадима қачон етартман,
Зухра билан сайди бозга кетартман,
Очилибдир бозга гулузор энди.*

*Ҳеч бир кимса хабар олмас ҳолимдин,
Ман помардам, агар дўисам ўлимдин,
Тоҳир айтар, мастман, кўрқнам ўлимдин,
Курсалар олдимдан юз-минг дор энди.*

Алкисса, Тохир сўзини тамом этиб, киссасига бир кисм бўғирсок солиб, мактабга қараб йўл олди. Мактабдаги барча муридларнинг, ўқувчиларнинг эн билогони Зухражон иккоби эрди. У стозларининг оти Мулланафас Мару-Шоҳнижаон эрди. У кўп нарсалардан хабардор эрди, ҳам жуда ишкбоз бўлиб, ишқ йўлинда кўп захматларни бошидан кечирган эрди. Бу мулла Зухра билан Тохирнинг бир –бирларига ошику-бекарор эканликларни билар эрди. Кунлардан бир кун мулла айтдики:- Эй Зухражон, Тохирбекнинг ҳам сабокидан бехабар бўлмагил деб, ўзи чикиб кетди. Қараб кўрса ошиклар бир-бирларига савол беришган бўлиб, ўз меҳрларини изхор этар эрдилар.

Булярнинг ишқи кун-кундан ортиб борди. Зухражоннинг ҳусни кун-кундан ортиб, Тохиржон унинг атрофида парвона бўлиб, иккаласи ишқ оташига гирифтор бўлиб, висоли-хижрон ўтларга тушиб айрилсалар бир-бирини ёдлаб йиглар эрдилар. Кунлардан бир кун Зухражон айтдики:

-Эй Тохиржон ишқнинг йўли машаккатли бўлар, бу йўйда ранжу-машаккат кўп кўрилса керак. Анча ошиклар ишқ дардидадод этиб ўтгандир. Ишқнинг юки тоғдан-тошдан ҳам оғир бўлар, ишқ ўти дўзах ўтидан ҳам баттардур. Бу ишқни Оллоҳ таоло иккимизнинг бошимизга солибдир. Ошиқлик йигит кишининг ишидур, бу йўлда мардона бўлмок керак!-деб Зухражон бир ғазал айтди:

*Тоҳиржон, бу йўлда мардана бўлгил,
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.
Жоним қурбон санга, жонона бўлгил,
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.*

*Рақиб билса, бизни қиласар ошкора,
Маломат кўп бўлиб, қилур овора,
Мен дўймасман, агар бўлсан юз пора!
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.*

*Аввал қисмат бизга қилди бу дардни,
Иқди никоҳ айлаб, бир-бирга берди,
Отам аҳдин бузди биздан на кўрди,
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.*

*Нечун бу висолда кўп ўигладинг зор?
Кетирсанг юнглинга бир айрилиқ бор,
Ошина бўлмоқ осон, айрилиқ душвор,
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.*

*Ишқнинг ханёсиридан сийнам жароҳат,
Истагим соглигинг, бўлгил саломат,
Энди менда не сабр бор, не тоқат,
Бугун ишқнинг савдосига тушмишам.*

*Ман поставон ким эшишар бу дардим?
Магар мадад берса пирим, устодим.
Зухраисон дер, сансан мақсад-муродим,
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.*

Алкисса, Зухражон бу сўзини тамом этгандан сўнг айтди:-Эй Тоҳиржон, вакти келиб бошингга ўлим ёки зулм тушса, отамдек аҳдингдан кайтмагил. Вактинг хуши бўлған вактида “ошикман” деб, бошингга иш тушгандা, дўнсанг, мени ва ўзингни элга масхара этарсан-деди.

Унда Тоҳир:-Эй Зухражон! Мен сенга ўз эрким билан ошики – бекарор бўлған эмасман, менинг сенга ошиклигим бокий ва ҳакиқидир, -деб бир абёт айтди:

*Бир ошиги мастанингман,
Қўриқмам каманди-дорингдан!
Ўлсан сенинг қурбонингман,
Хавф этмагил дилдорингдан.*

*Сап бир гулсан, ман хорингман,
Чин ошиқи дийдорингман,
Мастона ғулбул зорингман,
Кувламасаң гулзорингдан.*

*Ишк ичра сийнам дөглиман,
Фарҳоду Мажсун чоглиман,
Бир итинг бүйни боғлиман,
Банд ўлмишам бир торингдан...*

*Кўйинда телба нодонман,
Жон бериб орзу-жононам,
Хуснинг багинда-богбонам,
Термишам олма-норингдан.*

*Лайли, Ширин сенча бордур-
Десалар, ул сўз бекордур,
Телба кўнглим ваҳмдордур,
Юзда икки шоморингдан.*

*Ҳақ назар солмии ўзинга,
Қошинга, наргис кўзинга,
Давомат боқсам юзинга,
Кўзим тўймас дийдорингдан.*

*Тоҳир дер, кунда ёнаман,
Ишқ ўтига парвонаман,
Соғ эмасман, девонаман,
Кечмишам номус-оримдан.*

Алкисса, Тоҳиржон бу сўзини тамом этди, иккови бир-бирининг кўнглида не борини билиб, бир-биридан рози бўлишиб, ўшишиб, кучишиб йиглашдилар. Шул вақт Тоҳир айтди: Эй Зухражон, кел бу ерда йиглашиб, ғамгин бўлиб, ўтирмайлик, боғ сайлига кетайлик.

Зухранинг отасининг бир боги бор эрди. Уни Зухражонга атаб барпо қилдирган эди. Богнинг отига Богимайдон дер эрдилар. Бу богнинг таърифига сўз йўқ эрди, мисли жаннатнинг боғларидан эрди. Кимки ғамгин бўлган вақтда борса, хушвакт бўлиб, йиглаганлар кирса кулиб чикар эрдилар.

Тоҳиржон Зухражоннинг муборак оппок билагидан тутиб: “Богимайдонга сайронга кетали” деб, бир ғазал айтди:

*Богларингда тоза гуллар очилмиши,
Кел, Зухраxon, bog сайлига кетали.
Булбуллар маст бўлиб шабнам сочишмиши,
Юр, Зухраxon, bog сайлига кетали.*

*Сиринг маълум этсанг яхши-ёмона,
Васфинг етар ўн саккиз мине жаҳона,
Рақиб билса, бизни қўймас омона,
Юр, Зухраxon, bog сайлига кетали.*

*Алифдек қомитинг ўҳшатма дола,
Курбон ўлам, сарви қадди-ниҳола,
Жоним фидо бўлсин оқ юзда хола,
Юр, Зухраxon, bog сайлига кетали.*

*Булбул сайрони этар гулда, чаманда,
Айролиқ ваҳмидан кўнглим фигонда,
Тоҳир айтар, армон қодмасин жонда,
Тур, Зухраxon bog сайлига кетали.*

Алкисса, Зухра киз: "Хар ким ваъда килиб, ваъдасидан тонса, унинг иймони йўқдир! Отам аҳдидан тонса ҳам мен ҳаргиз тонмасман. Кел. Тоҳир билан bog сайлина борсам борай", -деб бокка кетдилар. Иккови Лайли-Мажнундек бири кизил, бири ложарам гулгун либосларини кийиб, гўёки эгизаклардек бўлиб, бокка сайл этиб, вактларини хушлаб юрар эдилар. Гоҳ Зухранинг кўли Тоҳирнинг бўйнига чирмашиб, гоҳ Тоҳирнинг кўли Зухранинг бўйнига чирмашди.

Аммо боғнинг Ҳасан чугул отли бир боғбони бор эрди. Кун чошсоҳ вакти у ҳам боғини айланиб юрган эрди. Кўрса боғнинг ичидаги овоз эшилдики, минғир-минғир. Боғбон бу овозни күшникими, инсонникими, ёки инс-жинснинкими, яхши англаб билмасдан кўрқанидан кочиб ташкарига чиқди. Кейин: "Агар бунинг аниғига етмасам, бирлан бокка карокчи зарар етказса, подшоға не деб жавоб берарман", -деб яна бокка кириб, аста-аста юриб, шоҳ-шаббалардан букилиб ўтиб, овоз томонига якин борди. Якинроқ бориб кўрса, Тоҳир билан Зухра... Зухра киз бир ширу-шаккар, ошикона оҳангда газал ўқимоклаки, унинг овозига, товушига жумлан жаҳон маст бўлаёттир. Ана боғбон ҳам бир оз хушидан кетиб, бехуш бўлиб ётди. Бир оздан кейин ўзига келиб: "Буларга озор етирмайин. Буларнинг тул каби менгзини сўлдирмайин, ўзгага ошкор этмайн"-деб аста чиқиб, изига кайтди. Ана боғбон шундай деб борар экан. унинг кўнглига шайтон васваса солиб, ўзига ўзи айтдики: -Эй Ҳасан чугул, сен умринг давомида гап-сўз, мишмиш, ғийбат ташимоклан бошка иш килмадинг. Олтмишингдан ўтгандан

кейин каткудо бўлмассан. “Эгри ёғоч ўз ётишида кетади” деган накл борлир. Икки бошдан бу сўзларни бирорга айтмасдан юриб билмассан. Ҳар иеки бўлса ҳам аввалги баракат топган корингдан кўл узмагил. Ва бу хақда тезлик билан подшога хабар бергил, деди ва Бобохоннинг ёнига бориб, кўл ковуштириб: “Шохи Бокарам. Бу гариди кулингизни сизга айтажак арзи бор!” деди ва Зухрани гулга, Тохирни булбулга мангзатиб, бир газал айтди:

*Гул билан булбул келиб, гул ичра сайрон қилди гул,
Гул томошосин кўриб, ўз баргини қон қилди гул.*

*Гул бу қунлар ҳолина, гулларни сайрон айлашиб,
Рашкидин раҳим айлайиб, азми биёбон қилди гул.*

*Мен дедим: «Ё раб, не гулсан, гулни ҳайрон айлаган»,
Гул кулиб, сўзлаб ўзи, ҳам бизни хандон қилди гул.*

*Гул гула сарви хиромон, гул била айлаб хиром,
Сарвни айлаб адам, гулни хиромон қилди гул.*

*Булбула гуллар муносиб, гул муносиб булбула,
Булбула ўтлар солиб, хуснин гулистан қилди гул.*

*Гул юзига гулни ўхшатсам, гулга не айб эзур,
Ўзининг зийнатини, ер бирла яксон қилди гул.*

*Гул гула гулгашт этар, гуллар гула ҳайрон ўлуб,
Шабнам эрмас, гул аро васи ичра гирён қилди гул.*

*Гул гула бас айласа, гуллар муносибдур гула,
Гулга булбул маст этар, оламини мастан қилди гул.*

*Гул шитоби суратиндин, музтариб, гул ҳар тараф,
Гул ўтарда вахм этиб, ўрининда ларзон қилди гул.*

*Сунбулидур ёки саргармии юзи, гул тобидин,
Булбула ёлгиз йўл очиб, зулфин зарафишон қилди гул.*

*Исми гул, рухсори гул, десам хатодир ул гула,
Воҳ, ажсаб дононлари васфинда нодон қилди гул.*

*Боғони бўлуб бу кун, боғ ичра кўрдум бир булбул,
Булбулнинг сурин кўриб, чоки гирибон қилди гул.*

Алкисса, боғбон хабарни айтган захоти, подшо буни фаҳмлади. Подшо айтдики: “Эй боғбон, яхши хабарингни бердинг!”-деди. Боғбон изига кайтди.

Подшо дарғазаб бўлиб, тилло таҳтига чиқиб жаллодларга: “Боринг, Тоҳирни тутиб келтиринглар” деб амри-фармон этди. Ясовуллар дарҳол бориб, Тоҳирки бекабар ўтирган жойидан тутиб, подшонинг ихтиёрига олиб келлилар. Ҳалойик тўп-тўп бўлиб келгандаризда, уюлишиб, оёқ остида колиб нечалари босқида колиб ўлдилар. Шу вактда бир сандик келтириб, Тоҳиржонни сўзлатмасдан, хабар сўрамасдан, сандикка солдилар. Подшо: Дарёга ташланг!-деб хукм киlldи. Тоҳирнинг ахволига шахарнинг ети ёшидан етмиш ёшигача бўлған аҳли йиглашдилар.

Шу вактда Тоҳиржон: Эй ясовуллар, бироз сабр этинг, менга фурсат беринг, сандикнинг оғзини бир давр, бир соат очинглар, бир оз ёкти жаҳонни кўриб, ўрайин. Мен бугун сафар этарман. Зухражондан айриларман, Зухра киз билан аллаёрашиб кетайин,-деди. Шул холатда Зухра киз юрагига ўт тушиб, кўзида ёш, бағрида тош, хунигирён бўлиб, зор-зор йиғлаб, халқни бир тарафга суриб, Тоҳиржоннинг ёнига борди. Айтдики: -Эй Тоҳиржон, хизматингга келдим, бу жоним санга курбондир, на сўзинг бўлса айтавер!-деди. Шунда Тоҳиржон зор-зор, чун абри навбаҳор йиглаб, бир газал айтди:

*Зухражон, йиглагил айрилиқ куни,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!
Газаб уриб, сўлди умрим гулшани,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Сан бир гулсан, қўнган зогу-зогондур,
Гулдан айри булбул иши фигондур,
Туганмас айрилиқ, охирзамондур,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Келиб, нима кўрдим дунё ичинда,
Фарид бошим юз-минг гавво ичинда,
Сандикдир масканим дарё ичинда,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Отам келиб менинг орқамини тутмас,
Гадоларнинг иши шоҳгардан битмас,
Ул сабабдан ошиқ мурода етмас,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Фалакнинг инига ҳайрон бўлибман,
Ҳизжронингда зору-гирён бўлибман,
Кўзларинг ёшига қурбон бўлибман,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Бу нечук замондир, нечук макондир,
Дарёдан сув топмай, ичдигим қондир,
Ғариф онам, оти Шоҳихўбондир,
Кетар бўлдим, Оллоҳ ёринг, хўши энди!*

*Тоҳир айтар, мендан юзинг дўндирма,
Авват куйган жоним яна ёндирма,
Богларимга зогу-зогон кўндирма,
Кетар бўлдим, Зухрижоним, хўши энди!*

Алкисса, Тохиржон бу сўзини тамом қилди. Зухра киз айтди: ~
Эй Тохиржон! Агар мени ҳар куни Жиржис каби ўлдириб-
тирилтирсалар ҳам, Ҳазрати Закариё алайхиссаломдек бошимни арра
билан, пора-пора қисалар ҳам, то қиёмат махшаргача сендан бошқани
демасман, леб бир газал айтди:

*Зогу-зогон кўнар дейиб йиглама,
Сенинг учун бокқум сўлу соглара,
Сен бўлмасанг мунда турар чоғлама,
Хазон тегсин бу бўстонли боғлара.*

*Яратган эшиксин оху-зоримни,
Унга топширмишам ҳарна боримни,
Тердигинг тар гулинг олма-поримни,
Раво кўрман қарга билан зоглара.*

*Яна бу жойларга гузар солмасанг,
Ёринг билан беш кун ўйнаб кулмасанг,
Мундан кетиб, келар чоғда келмасанг,
Мен ҳам кетам дарёларга, тоглара.*

*Қодир Оллоҳ бизни бор этди йўқдан,
Ўтдан сувдан, елдан ҳок-тупроқдан, -
Умидим кўн яна етсанг йироқдан,
Тушмагайсан жасалод қурган дорлари.*

*Шартим будир, яна бу жоя келсанг,
Ҳасратни ночорнинг кўнглини олсанг,
Бобохон ўлдирса, Зухра деб ўлсанг,
Менам тутам, азиз бошим тиглари.*

Зухра киз сўзини тамом этди. Бу вокеани Шохихўбон эшитиб: -Эй бархудоё! Поки парвардигоро? Бу нечук сир бўлди, бу нечук хабар бўлди... -деб? Сандикнинг ёнига келди ва кўзидан катра-катра ёшин тўкиб; -Яна ҳам бир оз вакт сабр килинг. Эй ҳалойик! Бу икковлари, менинг жоним-жаҳоним, руҳи-равоним, иймоним, жонимнинг роҳати, дардимнинг дармонидир. Булардан жудо бўлиб, юрганимдин юрганим яхшироқдир. Эй ҳалойик! Менинг ҳакимға бир дуо ўқинг, мен Ҳакнинг олдила жон таслим этиб, омонатимни тоширайин, бу менинг максадимдур: хеч бир она менинг каби зору-тирён, бағри бирён, ақли хайрон бўлмасин... Булар менинг бошимнинг тожи, умримнинг равшани. Мен бориб подшоға арз этайин юракда армоним қолмасин!-деб подшонинг ёнига борди ва : -Эй подшоҳим, ғариб-бечораларнинг гамхўри, суюнган-таянгани сенсан!-деб бир сўз айтди:

*Подшоҳим, санга арзим сўйлайин,
Кел, менинг боламни озод айлагил!
Сени Яратганга қўрбон бўлайин,
Кел, менинг кўзимни озод айлагил!*

*Озод айла, Яратган ҳаққи учун,
Ҳақ мурсали анбиё ҳаққи учун,
Севар кизинг-Зухрајон ҳаққи учун,
Менинг Тоҳиржоним озод айлагил!*

*Боҳир вазир билан айладинг паймон,
Дўимагил аҳдингдан, гар бўлса шаймон,
Ошиқтар қалбинда қолмасин армон,
Кел, менинг Тоҳирим озод айлагил!*

*Тоҳиржоним бугун ўи тўрт ёшинда,
Сен сабабли душманлари дошинда,
Умр сурсин Зухрајоннинг қашинда,
Сен менинг Тоҳирим озод айлагил!*

*Бугун ўтирмасин отнинг тўзинда,
Оқизиб юборма дарё юзинда,
Зухранг жонин берар унинг изинда,
Шоҳ менинг ўғлимни озод айлагил!*

*Адолатли шоҳда бир бўлар иккор,
“Шоҳман!” деб аҳдини бузмоқ не даркор?
Ёзиқли қулингман, бўлдим харидор,
Шоҳ менинг ўлимни озод айлагил!*

*Дунё бир фонийдир, бўлмас поёни,
Ютар бир лаҳзада шоҳни, султонни,
Хушнуд этиб юбар Шоҳихӯбонни,
Шоҳ, менинг кўзимни озод айлагил!*

Шоҳихӯбон сўзини тамомлади. Подшо айтдики: -Эй Шоҳихӯбон! Сен тезда бу ердан кет, жони-бошинг омонликида. Сенинг ўзингнинг жазоси ўлимдир. Ҳануз саклаб турибсизларми? Тезда дарёга элтиб ташланг!-деб ҳукм этди.

Ана подшонинг ясовуллари Тохиржонни сандикка солиб, дарёнинг ёқасига олиб бордилар. Ул вактда улли-киччи шаҳар ҳалки йигналишиб: -Подшога яна бир арз этиб кўрайлик, -деб яна подшога арзи-дод килдилар. Аммо подшо уларнинг сўзлари тугул, ўзларини хам кабул килимасдан, ясовулларнга айтиб, ҳайдаб солди. Улар хам рухлари сўниб, йиглашиб, доду-фарёд этиб кайтдилар.

Ясовуллар сандикни беркитиб, кулфладилар ва уни дарёга ташладилар. Шу вактдан Зухражон кўлларида кора рўмол, белида кора белбоғ, кора кўйлак кийиниб, ўтга тушган парвонадек бўлиб, зор-зор чун абри наубаҳор йиглаб, сандикка ёпишиб “ё хув” деб, сандикни изидан ўзини дарёга ташлади. Шоҳнинг қизига хеч ким қўл теккизиб билмади. Бунинг изидан канизлардан ва томоша килиб турғон халқнинг ичидан уч юз йигирма киши ўзини дарёга ташладилар. Зухражон сувда гоҳ чўмиб, гоҳ чикиб, чўмилиб-чикиб, окиб бориб сандикка ёпишибди. Шу вактда дарёда шундай бир тўфон бўлдики, гўё Ҳазрат Нух пайғамбарнинг тўфонидай, кўп одамлар дарёга чўкиб ҳалок бўлдилар. Кирғокда турғонларнинг хам кўпчилиги тўфонда ҳалок бўлдилар. Аммо Зухражон эса сандикка маҳкам ёпишиб, окиб барад кетди. Ҳалойик: -Тохиржон кетди, Зухражон хам у билан кетиб колади”,-деб зору-афғон килдилар. Шу вактда сандик бир гирлобга етди. Гирлоб сандикни айлантириб-айлантириб дарёнинг кирғогига чикарди. Шу вактда Шоҳихӯбон этиб келди ва ўзини дарёга ташлаб Зухражон билан сандикни тортиб дарё ёқасига чикардилар ва бехуш бўлиб йикилдилар. Буларнинг устига тўн ёниб кўйдилар. Ясовуллар сандикни яна дарёга отдилар. Шу вактда сандикдан: “Эй Зухражон, ҳамма улли-киччилар, Оллоҳ ёриниз бўлсин”-деб овоз чиқди. Зухражон кўзини очди. Карасалар сандик дарёда окиб бораётир... У: -Мен хам Тохир билан кетарман, -деб ўзини дарёга отмокчи бўлиб турганинда, Зухражоннинг кирқ канизи бор эрди, бу канизлар ичидаги Гулзода, Гулқамар, Гавхар ва

Садина деган түрт саркарда канизлари бор эрди, улар Зухражоннинг түрт тарафидан тутиб юбормадилар: Эй Зухражон, ошик захмат чекмай, хижронни бошдан ўтирмай мурода етмас. Хижрон чўлига тушмаган ошик-ошик бўлмас. Энди яна дарёға тушсанг ҳалок бўларсан. Тохир дарёнинг ичи билан окиб кетса, биз киргоқдан кетамиз. Бир қулайроқ жойда дарёдан чикариб олармиз, дедилар. Зухражон кирк канизи билан дарёнинг киргогидан равона бўлдилар. Шунла Зухражон кариндоштугиштанилари билан видолашиб, бир газал айтди:

*Хуши қол энди, элим куним,
Бу манзилда турарим йўқ.
Дарёга тушди маҳзаним,
Колмоқга ихтиёrim йўқ.*

*Кўп савдоға солдим бошим,
Тинмай оқар қўздан ёшим,
Ботибдир ойим, қўёшим,
Чиқмазунча қарорим йўқ.*

*Қайга борса, ман бормисам,
Ёр билан даврон сурмасам,
Тоҳирнинг юзиң кўрмасам,
Хеч суҳбатда турорим йўқ.*

*Ёр кетди, саргардон манам,
Ишқининг ўтига ўртнанам,
Мани ёқди отам-онам,
Эл-кун сиздан озорим йўқ.*

*Менам дарёда кезарам,
Гоҳи бўйлаб, гоҳ сузарам,
Эл-кун, сиздан ал ўзарам,
Тарк этдим, номус орим йўқ.*

*Кетмакка белим боғларман,
Конли жигарим додгарман,
Севар ёр учун йигларман,
Ғайри бир касби-корим йўқ.*

*Зухра дер, баҳтим қародир,
Юрагим юз минг яродир.
Сийналарим минг порадир,
Юрай десам, мадорим йўқ.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этиб, яна йўлиға равона бўлди. Аммо юрмакка мадори бўлмади, ишқ қувватини олибдир, айрилик ваҳми уни шунчалик ожизлаштирибдик, гўё каноти қиркилган күшдек мажолсиз эрди. Тохирнинг кароси аста-секин узоклашиб борар эрди. Зухражон шунда не киларин билмасдан бир сўз айтди:

*Ёрим кетди, ёлгиз қолдим изинда,
Ё Яратган, мадад берар кунингдир.
Гул таним кул бўлди ҳисясерон тўзинда,
Бугун манга қувват берар кунингдир.*

*Ё пайгамбар саллогоҳу вассалам,
Ё ҳазратор, барчалардан мукаррам,
Бу ҳолимни раҳм айлаб дамба-дам,
Бу кун манга қувват берар кунингдир.*

*Оргум бор, кетсан бирга юрмака,
Қувватим йўқ, йўлга қадам урмоқа,
Мажсолим йўқ ўтиргага, турмоқа,
Бугун манга қувват берар кунингдир.*

*Вайрон бўлсин шахри Тотор қалъалар,
Тоҳир учун қанда работ солалар,
Манга келсин санги келган балолар,
Бугун манга қувват берар кунингдир.*

*Зухра дер, қолмади сабру-карорим,
Дарёга гарқ бўлди севикили ёрим,
Бу ишқиниг офати олди мадорим,
Бугун манга қувват берар кунингдир.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этди. Унинг иолишини Оллоҳ таоло эшилди. Зухранинг танаи андомида қувват пайдо бўлди. Ундан сўнг Зухра кизнинг юрагида ўт, тўрт тарафга, телмуриб, яна туриб, канизлари билан йўлга равона бўлди. Юришлари илдам эрди.

Шахарга: “Зухра қиз кирқ канизини олиб, ўлқадан чиқди”, деган хабар овоза бўлиб кетди. Бу хабарни подшо эшишиб, аркони давлати-вазиру вузаролари билан шахардан чиқиб, кизнинг олдинга келиб: -Эй Зухражон! Менинг гуломимга мунча кўнгил бериб, менинг номус-оримни срга урдинг. Ишшоолло, ўз баробарингга қўшиб, муродингга стиарман”- деб таваюл этди. Аммо Зухражон отасининг сўзига кулок солмай кетаверди. Шоҳ вазир-лари билан ҳар қанча ялинсалар хам бўлмади. Шундан сўнг иодио: “Зухражон, юртдан чиқадир, мунга

тавалло этиб бунга гапини, сўзини ўтириб биладиган шахарда хеч бир одам йўқми?"-деди. Шул вақтда бир киши: -Зухражон билан Тохиржонни ўқитган бир мулла бор. Балки Зухражон шунинг гапи – сўзига кулоқ солар, -деди. "Зухра кизни нишатсан хам кайтарайлик"-деб шул муллага бир одам юбордилар.

Мулла подшонинг одам юборганинги эшишиб, унинг ҳукмини икки килмасдан, отини эгарлаб, хуржунни хам эгнига ташлаб, элтини хам от оркасига миндириб йўлига равона бўлди. У Зухражоннинг изидан этиб бориб, олдига ўтиб: -Эй қўзим! Отангни мунчалик хижолатга кўйма-деб ёлворди. Аммо Зухражон устозининг хабарини олмасдан, ўз карорини ўзгартирасдан, яна йўлидан қайтаслан кетаверди. Шунда мулла:-Бу киз бизни аввалги кўрган, аввалидан тарбиялаган Зухра киз эмас, -деб яна кизнинг олдини тўсди. Аммо Зухражон бу сафар хам ёнидан ўтиб, аввалидан хам шиддат билан йўлида давом ғаверди. Шунда мулла:-Ҳай, ҳай Зухражонни тут! Тўхтат! Унга бир тавалло этиб колайлик!-деди. Элтибика ўзини отдан ташлаб, бориб Зухражоннинг кўлидан тутди. Зухра кўлини силкиб олди. Элтибика уни дарров белидан кучоклаб, кўйиб юбормасдан; айтдики: -Эй Зухражон! Сен бироз тўхтаб, мулланинг сўзларига кулоқ тут... Сўнг қаерга кетсанг-кетавер, сени кўйиб юборамиз. Мен хам сенингдек, ишқ лардига йўлиkkан бўлмасам хам, оз-моз бошимдан кечирганман. Сендеқ ошикликни кўрмаган бўлсан хам, чалароқ ёнидан ўтганман, -деди. Шул вақтда Мулланафас Зухранинг олдига ўтиб, уни тўхтаби: -Эй Зухражон! Мен хам шу элти учун ишқ саҳросида кезиб эрдим. Ишкнинг асоси сабр этмакдир. Сабр килиб севганингга етарсан, деб Зухражонга кўнгил бериб, бир сўз айтди:

*Иншоолло мақсадингга етарсан,
Йилгама, Зухражон қизим, қайт энди!
Тоҳир билан ўйнаб-кулиб ўтарсан,
Йилгамагил, Зухра қизим, қайт энди!*

*Отанг этган иши оламга тонгдир,
Хали сенга шоҳдир, маҳшир кетгандир.
Элти бир онандир, мулла отангдир.
Севар қўзим, Зухражоним, қайт энди!*

*Золим отанг қанотингни қайирди,
Тоҳиржонни оқизнингга буюрди,
Бугун сени севар ёрдан айнроди,
Эрта келар, Зухра болам, қайт энди!*

*Кўп инбиё-авлиёлар ҳаққи чун,
Минг бир отли Оллоҳимнинг ҳаққи чун,
Тангрим олган ул Куръоннинг ҳаққи чун.
Сўзим тингла, Зухра қизим, қайт энди!*

*Ишқ ўти туташса ёлгон жсаҳона,
Ёндирап кул қилиб ушибу замона,
Сансан ишқнинг юкин чеккан мардона,
Мардона бўл, Зухражсоним, қайт энди!*

*Лайли чекди ул Мазисуннинг жафосин,
Суриб билмай ўтди завқу сафосин,
Ким кўрибдур бу дунёнинг вафосин,
Мехрибоним, Зухра қизим, қайт энди!*

*Нафас дер, дунёга келиб-кечибман,
Ишқ баҳриндан етти дарё ичибман,
Мунажэсум илминнан китоб очибман,
Таъниқ келар, Зухрағсоним, қайт энди!*

Алкисса, Мулланафас сўзини тамом этди. Зухражон устозининг сўзига қулоқ солиб, тўхтади. Аммо дарёнинг конхўр тўлкинлари мавж уриб, ҳар мавжи осмонга чиқиб, сандикни оқизиб балар кетди. Дарёнинг шу жойида бир гирдоб бор эрди. Уига Гирдоби Марям деб от берар эрдилар. Сандик шу гирдобга тушиб, гоҳ у киргокка, гоҳ бу киргокка урилиб, гоҳ у гирдобга, гоҳ бу гирдобга тушиб, борар эрдики, шу вактда шамол санлиқ тараф эсиб, сандик томондан, санликнинг ичидан зоригирён бир овоз келди. Овоз шундай нолали, зору-гирёнли эрдики, халойик эшишиб кўрсалар, қулоқ солиб кўрсалар Тохиржоннинг овози. Тохиржоннинг оқиб бораётган жойида зору—гирён билан айтиб бораётган сўзи:

*Зухрағсон, ҳақиқингда қўйдим, жон сендин айрилиб,
Чун бўлиб дийдаларим гирён сендин айрилиб,
Бузилиб кўнглум уйи-вайрон сендин айрилиб,
Қоямади тоқат манга фармон сендин айрилиб,
Топмадим бу дардима дармон сендин айрилиб.*

*Гар газаб қил, гар раҳм қил, меҳрибоним сен менинг,
Жоним ол, ё жон беру, ороми-жоним сен манинг,
Қадди зебо, боз аро сарви-равоним сен менинг,
Қўнглим олгон бир нариваи дилситоним сен менинг,
Юз алам, юз нолайи-ағон сендин айрилиб.*

*Кўнглими хушгоҳи сенсан, кўзларимнинг равшани,
Барча хўблар сарвари, ишқ элининг тоқу-сари,
Бормидир ушбу ясаҳонда сен каби зебо пари,
Зийнати рўйи заминининг ҳам осмоннинг анвари,
Оқмисшам дарё билан, армон сендин айрилиб,*

*Новаки мужгонларинг бағримда пайкондур бугун,
Айришиқ охирзамонидир, рўзи-хижрондур бугун,
Енсагим захри қотил, ичганим қондур бугун,
Бу тирикликдан манга ўлмаслик осондир бугун,
Бўлмади бир мушкулим осон, сендин айрилиб.*

*Тоҳир айтар, Зухражон сўрмоқа келмас ҳолими,
Сендан ўзга ким билар бошдан кечган аҳволими,
Найлайн қаже айлади қаҳбо фалак иқболими,
Қошки кўрсам юзинг қўлсам тасаддуқ молими,
Ўтди биздан давлату-даврон, сендин айрилиб.*

Алкисса, Тоҳиржон сўзини тамом этди. Дарёнинг ёқасида бир кўшик бор эрди. Сандик окиб бориб, шу кўшкнинг остидан ўтаетган вактида дарёда тўлкин туриб, дарё суви чарх уриб, сандик у ён-бу ёнга урилиб борар эрди. Шунда Зухражон бошини ерга уриб зор-зор йиглаб, бир газал айтди:

*Дод этайин Бобохоннинг алиннан,
Бугун мани севар ёрдин айирди.
Шайдо булбул учди тоға гулиннан,
Богнинг кўрки-булбул зордин айирди.*

*Муштоқ бўлдим ёрнинг юзин кўрмака,
Рақиблар қўймади бундай юрмака,
Карорим йўқ ўтирмоқа, турмоқа,
Гул-чаманли харидордан айирди.*

*Ёрим кетди, қолдим мунда қон юиглаб,
Айрилиқ ўтига жигарим додглаб,
Коларди қўшик узра ҳар дам сўроғлаб,
Кўлим кўрки, бўз шунқордин айирди.*

*Ман билмадим, не гирдобга етибдур,
Гирдоб ичра қайси балиқ ютибдур,
Шамчирогим қайси лойга ботибдур,
Фалак мени номус-ордан айирди.*

*Зухра айтар, йўқдур сабру-қарорим,
Жайхунга гарқ бўлди, севгили ёрим...
Йиглаб ўтди умри, лайли-наҳорим,
Тоҳир отли шаҳсувордан айирди.*

Зухражон сўзини тамом этди. Дарё мавж уриб, сандикни оқизиб кетаверди. Зухра киз сандикни кўриб, халтка ёлворди, бўлмади. Зухражоннинг гапи сўзига кулоқ осадиган одам бўлмади. Ана ночор киз зор-зор йиглаб, “Дилбаримдан айрилдим!”-деб фалакдан шикоят килиб бир мухаммас айтди:

*Нозли ёр, эй сулузор, чўх бекарор этдинг мани,
Йиглатиб зор, элга ошкор телба кор этдинг мени,
Алмудом ҳуснингга зор, девонавор этдинг мени,
Бешумор дарда гирифтор, хаққа зор этдинг мени,
Зарнигор, эй шоҳимор, сен шармисор этдинг мани.*

*Ёна-ёна, ҳар ёна парвонадай бўлдим бугун,
Термулиб, ҳуснинг кўриб, чўх саргариб сўлдим бугун,
Дард ила, ҳасрат ила, фурқат ила ўлдим бугун,
Ёр сен, дилдор сен, гамхўр сен-билдим бугун,
Санга ёр, жоним нисор, чўх интизор этдинг мени.*

*Ҳар замон зулм этса, гар қаҳри ёмон бўлгай манга,
Бегумон, беҳадди-сон охирзамон бўлгай манга,
Билмадим ишқ илгидин суди-зиён бўлгай манга,
Ўртаниб ҳајсирингда, валинг беноён бўлгай манга,
Айрилиб, ақдим олиб, чўх бемадор этдинг мани.*

*Хум сўзинг, хушрўй юзинг, нарғис қўзинг жонимдадур,
Қоши қоқиб, эгри боқиб, бу шум ракиб ёнимдадур,
Мен сенинг терсам гулинг, бир истагинг қонимдадур,
Шум рақибининг шодлиги бу зори гирёнимдадир,
Зухра дер, кўн йиглатиб, ишларга зор этдинг мани.*

Алкисса. Зухражон сўзини тамом этди. Сандик бир гирдобга тушиб, тўлкинда бир кўтарилиб, бир кўриниб, бир кўринмасдан оқиб борар эрди. Дарёпинг ёқасига азм этиб, ларzon урар эрди. Зухражон икки кўзини сандикка тикиб, сандик каэрга окса, бу ҳам шу ёкка караб борар эрди. Бирдан сандик у ён-бу ён айланиб ўврилиб, қачонлардан буён кўпириб оқаётган ерга бориб, серпилиб, охири ул бўғозда йилдиримдек кечиб, паст томонга равона бўлди: Зухра киз буни кўриб, қолмокка токати бўлмасдан, югуриб мулланинг ёнига бориб: -Менга

рухсат бер, муллам! Тохир кетди... Тохиржондан қолмокка тоқатим йўқ!
—деб ёлвориб, бир сўз айтди:

*Ёрим кетди, дарё билан айланниб,
Кўйвор оҳун, ёрим билан кетайин.
Элсиз-кунсиз бир сандиқа жойланиб,
Кўйвор муллам, ёрим билан кетайин.*

*Ёрим кетди, жон риштаси узилди,
Багрим кабоб бўлди, шиши тизилди.
Ожиз бўлдим, бошим шума ёзилди,
Кўйвор муллам, ёрим билан кетайин.*

*Дарё ютиди дур нуқранинг қоинини,
Қайси балиқ ютиди азиз пошини,
Чорам йўқдур отам қилган ишини,
Кўйвор, муллам ёрим билан кетайин.*

*Ё бу майдон ичра ўлдиргил мени,
Бошимга тушибасин хижронинг туни,
Киёматлик отам демишам сени,
Кўйвор, муллам ёрим билан кетайин.*

*Зухра деяр, гул юзимда хизисордур,
Ишқ расвоси бўлиб бағрим кабобдур,
Бу айрилиқ ўлмагимга сабабдур,
Кўйвор, муллам ёрим билан кетайин.*

Алккиса, Зухражон сўзини тамом этди. Мулладан видо чикмади, Зухражон сўзи битмажагини билиб, уидан умидини узди. Ёнида элти бика бор эрли, унга караб-Икки дунё қиёматлик энам, мен сенинг тузингни еб эрдим, сен бу инимга бир чора топ, мулладан рухсат олиб бер, деб уни кучоклаб, ёлбориб бир абёт айтди:

*Сут ўрнига шакар берган энамсан,
Охунимга орзу ҳолим, арз айла.
Хаста бўлсан ҳолим сўрган энамсан,
Рухсат берсин, кетар ўллим, арз айла.*

*Алифбедан илм ўқидим абжасаддан,
Ошиқ бўлдим қайтмоқ йўқдур бу дардан,
Тоқатим ўйқ жоним чиқар эмасаддан,
Каро бўлди каже иқбогим, арз айла.*

*Эл ўртанаар афғонимдан, сұзимдан,
Сұрма дардым, фахм айлагыл юзимдан,
Тоҳири, деб қонлар оқар күзимдан,
Ёвуз куним, бу ахволим, арз айла.*

*Сийнам узра турли-турли яродур,
Айрилиқ дардиңин бағрын порадур,
Хұмой баҳтим јұз феълимдин қародур,
Фалак бузған бу ахволим, арз айла.*

*Сайёд ақсал түзөк қурды қошима,
Қаҳбо фалак оғу құшди ошима,
Зухра айттар раҳм эт, құзда ёшима,
Йиглаң үтгап мөхі солим, арз айла.*

Алқисса, Зухражон сүзини тамом этди. Элти бика айтди: -Эй Зухражон, мен сенинг нолишиңгә чидаб билмасман. Муллага ёлбориб күраман, деб зеріга юзланиб: -Эй охун, сен хам мен сабабли күрган жағоларингни эсла, ошиқлик мушкул ишдур. Ишк үти дүзахдан балтарлур, деб бир газал айтди:

*Мулла, сенга арз айлаюр Зухражон,
Күйвор, муллам, Зухра кетсін йұлина.
Тоҳир учун жонин айламии қурбон,
Күйвор, муллам, Зухра кетсін йұлина.*

*Тоҳиржонга сандық ичи бир зипдон,
Ғарқи гирдоб ўлмии құзлари гирён,
Зухражоним колмиши изида ҳизжрон,
Күйвор, муллам, Зухра кетсін йұлина.*

*Гулдек юзи зағаронда сұлиббұр,
Жони чиқыб, жасасад мунда қолиббұр,
Тирик гүмөн этина-Зухра јлиббұр,
Юбор, муллам, Зухрам кетсін йұлина.*

*Хохии этиб, ўзинг бунда соларсан,
Барча шини мендан яхши биларсан,
Ошиқларнинг заволина қоларсан,
Юбор муллам, Зухрам кетсін йұлина.*

*Ёри гайри юртга бўлибдур мумтоз,
Чўлдан учди, дарё тушди олгир боз,
Ёридан айриб, қиммагил парвоз,
Кўйвор муллам, Зухрам кетсин ўзиниа.*

*Отаси раҳм этмас ёлгиз қизина,
Зухра сигинмишдур Ҳақнинг ўзина,
Кулоқ солгил Бўстонжоннинг сўзина,
Кўйвор, муллам, Зухрам кетсин ўзиниа.*

Алкисса, хоним сўзини тамом этди. Мулла бунга не деб жавоб берарин билмасдан, паришон бўлди,-мулладан садо чикмади. Зухра киз нолиш килди, инс-жинслардан ваҳий келди фалақдан малаклар нола килди:

-Даргоҳи илоҳо, ё Парвардигоро! Бу икки ошикка ўзинг раҳм эт!-деб нола килиб арз этдилар. Шу вактда Мулланафас ҳам тахорат килиб икки намоз ўқиб киблага юз буриб:

-Илоҳим, бу ошикларга фазлу-марҳаматингдин етири,-деб зор-зор ийғлаб, хожатини Ҳудой таолодан тилаб, бир мухаммас айтди:

*Ё илоҳо, барча гуллар кўнгелини сен итод қил!
Ўзингга дўст айлайиб, дўстинг уйин обод қил,
Алмудом ёд айлайин, сен ҳам гулингни ёд қил,
Раҳм этиб оқисизларга, золимларни барбод қил,
Ё Карим сан, Зухражонни гам-қайгудин озод қил.*

*Кули оламни яратган подшоху-бокарам,
Кечакундуз ҳожатим-сеннан давомат истарам,
Лол бўлибдур хор ичинда булбули Боги Эрам,
Зухражон сўрса савол, унинг жавобин не берам,
Ё Тангрим, сен Зухражонни қайгудин озод қил.*

*Кечакундуз этибон, истайиб жабборини,
Фурқат ўти кўйдиривбур, ҳуснининг ғулзорини,
Шум рақиблар қасд этиб, ёрдан айирди ёрини,
Раҳм этиб оқисизларги ҳар дам этиштигил зорини,
Ё Карим, сен Зухражонни қайгудин озод қил.*

*Кетди ёри қошидан, дарё билан мажлис қуриб,
Қўзлари изинда гирён, чор тарафга термулиб,
Гўёки парвонадур оташ аро ўзин уриб,
Тоҳиридан айрилиб, бегич букиб, бўйин дуриб,
Ё Раҳим, сен Зухражоним қайгудан озод қил.*

*Барча хұбларнинг ичинда хурлиқо, соғибтамиз,
Айрилик ўти қора баҳтін қылабдур резу-рез,
Кунда із вақт термулиб хизматинда қирқ каниз,
Йиғелабон дарә лабинда, ёрин истар Зухра қыз,
Нафас айттар, Зухражсонни қайғудан озод қил.*

Алкисса Мулланафас сүзини туттагандан сүнг күкдан бир ниде келди. Эшитиб туриб, күрсалар: олтындан ясалған бир таҳт, устида дарёдаги жамики ошиқларнинг подшоси ўтирибди. Фарходу Ширин, Лайлар ва Мажнунлар, хар тарафида із каниз. Улар ерга тушдилар ва айтдиларки: -Эй мұла, кел, бу хақият шаробини олиб, Зухра киз бирлан ўзингиз ичинг,-дедилар.

Мұлла якинрок бориб күрса, олтындан бир лаган, ичидә түккиз пиёла шароб. Мұлла түртгасини күтариб ичди ва беш косасини Зухра кизга берди. Иккаласи ҳам шаробини ичіб хүшидан кетиб йикилдилар. Үндән сүнг хоним Муллани, Гавхар каниз Зухрани күтариб, шахарга кетдилар.

Эндиги хабарни Тохирдан эшитинг. Сандик дарёнинг ўргаси билан оқиб борар эрди. Дарёда бир гирдоб бор эрди. У гирдобға хар неки түшса, уни балиқ ютар эрди. Сандик шул гирдобға тушиб, бир кечә унда түрди, аммо сандикка ҳеч зот зиён бермади. Сандик шул зайдә яна йўлиға равона бўлди. Тохирбек сандикнинг ичидә ётган ерида англадики, сандик яна йўлиға тушиб кетди. Шунда Тохиржон эл-кун, туғишган – кариндошлиридан айрилганини билib, юрагини дөглаб, жонхавлига ўтга тушиб, юраги жўш уриб, бир сўз айтди:

*Шум фалакнинг гардишидин,
Юракда армоним қолди.
Айрилдим ёшинг қошидин,
Қоплари камоним қолди.*

*Фалак манга ситам қилди,
Гўзал ёрдан айро солди,
Дардлар манинг билан бўлди,
Табибим, дармоним қолди.*

*Сафоли манзил маконим,
Ёрим кетди ёнди жоним,
Қон тўқди чашиби-гирёним,
Гулим, гулистоним қолди.*

*Ёр макони ўзга бўлди,
Висол йўлип ракиб олди.
Куруқ жасад бунда келди,
Ёр ёнида жоним қолди.*

*Осмон бошина йиқилиб,
Кўзиндин ёнглар тўнгилаб,
Қомати шундек букилиб,
Ул сарви-равоним қолди.*

*Айро тушиб, ақлим тошиб,
Рақиблар билан бош қўшиб,
Ёр узатиб, йўллар ошиб,
Моҳи меҳрибоним қолди.*

*Дош қолди таҳтим-сарайим,
Дарёдир манзилим жойим,
Энди тугнис куним, ойим,
Ул ёхти жаҳоним қолди.*

*Мудом хизматда турдигим,
Соз билан сұхбат қурдигим,
Жонимдин азиз қўрдигим,
Иzzатли меҳмоним қолди.*

*Тоҳир деяр, дунё ёлғон,
Сенсан сийнамга ўт солғон,
Ёнида қирқ каниз билан,
Йиглаб Зуҳражоним қолди.*

Алкисса Тоҳиржон сўзини тамом этди. Сандик оқиб йўлида борар эрди. Шу боришада ун ой дарёда оқиб борди. Тоҳиржоннинг ёнида захирада ғамлаб кўйган сиймлик кўп эрди. Аммо ичимлик суви оз эрди. Тоҳиржон дарё сувининг намини сўриб, шимиб, каноат этар эрди. Шу боришада бир гулгулзорлик жойга етиши. У жойда сув одамлари бор эрди. У сув оламлари чўл одамларидан кўркар эрдилар. Улар: “Оламзоднинг иси келиб турибди!” деб, баланд овозда кий-чув соглилар. Ва овозларининг етган еридан кўшин йигиб, бир соат ичиди уч юз минг кўцин жамладилар. Сўнгра атрофина коровул кўйиб: “Бу одамзод бизнинг бир томонимиздан чикар, унинг билан уришармиз”, деб тайёр бўлиб турдилар. Шу вактда сандик ҳам оқиб буларнинг ёнига келди. Аммо улар: “Бу сандикдан кўркманг, аммо ҳамма бало сандикнинг ичинда..” деб, ҳар кайсиси бир ёна кочди, урушишга ҳам

иложлари қолмади.

Тохир эса келган бу шөвкиннинг нималигини, кимданлигини тушунмас эрди. Бироздан сүнг бу шөвкин-сурон, ур-тўйполон бирдан тиниб қолди. Тохиржон уларнинг қочганини билди. Сандик шу жойда бироз тўхтади. Сўнгра дарё яна чайкалиб, тўлқинланиб, сандикни оқизиб бадар кетди. Сандик шу оқиб боришида яна бир гирдобга тушди. Ул гирдобда катта-катта наханг баликлар бор эрди.

Дарёнинг кирғозида дов-дараҳтлар ўсиб, кўкариб турар эрди. Ул дараҳтларнинг боши осмон кадар баланду, осмон билан баробар эрди. Шоҳалари дарё сувининг устига тегиб турган эрди. Шу ёғочларнинг, дов-дараҳтларнинг устида катта-катта қушларнинг уялари бор эрди. Ул дараҳтларнинг орасидан икки күш чикиб, сувнинг устига тушдилар. Караб кўрсалар, нақшли, бир ажойиб сандик оқиб келётир. Қушлар буни анойи кўриб, кўтариб, учиб, уяларига чикардилар. Сандик бу ерда бир неча кун колиб суви куриди. Тохиржоннинг юрагига гулгула тушиб: “Бунда турғондан кўра дарёдан оқиб кетганим яхши эрди. Охир бир вилоятнинг чегарасидан чикар эрдим ва бирор кўрар эрди ва куткарап эрди. Аммо бу дараҳтнинг устида сандикни ким кўриб, ким эшигади. Ким ёрдам беради...” леб, Худоға ёлвориб, бир мухаммас айтди.

Эй соҳиби маҳтүқот, қолдим бир чоҳ ичинда,
Бу ҳолимга раҳм айла, ушибу маъво ичинда,
Бир сандик ичра зиндон, дилим сано ичинда,
Ишқнинг юки орқамда, қоматим ё ичинда,
Лошим ҳар ёна тортар, қушлар ошё ичинда.

Сайфул Митҳаджамол деб, уммонда сурди даврон,
Балқис дейиб Сулаймон, саир этди сүйи- осмон,
Юсуфжон деб Зулайҳо, давомат чекди армон,
Варқа, Гулиод топмади ишиқнинг дардинга дармон,
Мурод ҳосил бўлмади, ўтиди армон ичинда.

Ошиқ Фарҳод Ширин деб, йиглаб югурди ҳар ён,
Тошларни лаъл этарди, кўзларидан оққан қон.
Кора товга газ уриб, ясанди қўшки-айвон,
Висол дейиб йиглади, етишиди рўзи-ҳискорон,
Ширин дебон жон берди Фарҳод қоя ичинда.

Мажнун дали-девона истаб ул Лайлли ёрин,
Лайлли қизнинг юзинда кўради Ҳақ жамолин,
Мудом йиглаб кезарди, чақириб бируборин,
Бир кун Худо дуч этди, эшишиб оху-зорин,
Шул вақтда жон берди Мажнун саҳро ичинда.

*Бомиқ Үзро ишқинда ширип жондан кечарди,
Юзин күрмаган чогда оғиздан јт сочарди,
Вомиқина раҳм этиб, гоҳи юзин очарди,
Қамбар Аргужон дейиб, гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди,
Күр Тоҳир Зухра дейиб, оқди дарё ичинда.*

Алкисса, Тохиржон нолишини Оллоҳ таоло эшитиб, бир куни кучли бир баҳор шамоли туриб, чанг-тўзон кўтарилиб, Тохиржоннинг сандикини сувга туширди.

Дарё суви сандикни яна оқизиб бадар кетди. Тохиржон сувсизлиқдан чанкаб, каттиқ хўрланди. Ул: -Эй Худойим, бу дарё манинг ўлар жойим бўлди, деб шум фалакнинг кажлигига, шумлигига ёнар эрди.

Яна ўзиға -ўзи тасалли бериб: Сабр-вакти хушликнинг калитидир, “Келар бўлса келар шому-Ироқдан; кетар бўлса кетар кошу-капокдан”, киши ҳар аниқ мақсадига сабр ила етар. Мен ҳам сабрли бўлайин, деб бир абёт ўкиди:

*Қафас ичра лочин каби ҳаволаб,
Қанот қоқиб учма ҳар ёна кўнглим.
Зухранинг дийдорин Оллоҳдан тилаб,
Шукр айла, Яратгон субҳона кўнглим.*

*Оташ жудо бўлмас ишқ ичра ҳисдан,
Ишқ ичра ўлган эр ишқсиз-нокасдан,
Ёрнинг орзусида чиқсин қафасдан,
Ҳаяжон солмагил бу жона кўнглим.*

*Кўнглим мардона бўл мардлигинг сўйла,
Чиқарсан дарёдан, оқмассан бўйла,
Инжима, саргайма бир дам сабр айла,
Етарсан мақсадли макона кўнглим.*

*Токи бориб термай Тотор гулидан,
Жоми май тутмаса оптоқ қўлидан,
Бош кетса ҳам ҳарғиз қайтмам ўйлимдан,
Бўлса бу ҷун охир замона кўнглим.*

*Тўйибдур бу жоним ҳижерон заҳрина,
Мудом интизорман висол баҳрина,
Кетсанг тез етарсан Багдод шаҳрина,
Моҳим отли севар жонона кўнглим.*

*Тоҳир айтар, рақиб дарбадар бўлсин,
Ҳоки замин билан сарбасар бўлсин,
Бу ўйлда хайр бўлсин, ёки шер бўлсин,
Киргил, менинг билан майдона кўнелим.*

Алқисса Тоҳир сўзини тамом этиб, Оллоҳдан мадал сўраб кўнглини Оллоҳга боғлаб йўлга равона бўлди. Шунда сандик бирдан дарё сувининг кучли зарби билан кирғозда турғон катта тошга бориб урилди. Бу зарбдан сандикнинг ионалари, михлари бўшашибгандай бўлди. Аммо сандикка бошига хеч нарса бўлмади. Натижада сандик яна оқиб кетаверди. Бу дарё Фирот дарёсига бориб кўшилар эди. Фирот дарёси Бағдод шахрининг ўртасидан ўтар эрди. Сандик шу боришида Бағдод шахрига етди. Бу шахарнинг подшосининг отига Одилшоҳ дер эрдилар. У одилликда кадим ўтган Эрон шохи Нўширавондан, сахийликда Хотамтойдан колишимас эрди. У подшохнинг уч кизи бор эрди. Каттасининг оти Жаҳонгир, ўртанчасиники Шаҳрижон ва кенжасига Моҳимжон дер эрдилар. Подио буларнинг ҳар бирига битта кўшк ва кирк каниз бериб кўйган эрди. Улар подшонинг кўрар кўзи эрди. Бир кеча Моҳимжон туш кўрди. Тушида бир йигит кунчикар томонга караб ўтирибли. Моҳимжон уни кўриб, аклу-хушидан айрилиб, унга ошиқ бўлиб колиб, ҳар неча бор “Бу ёнга бок” деб кичкирса ҳам бокмас эрди. Шунда Моҳимжон: “Эй йигит, бир раҳм эттил, бир киё бокғил” деб йинглаб ёпишиди. Шунда у йигит: Эй жон, мен бир Оллоҳнинг банласи, ишик гулзорининг булбулимсан. Ўзим Тотор вилоятидан мен, насибам тортиб келурман. Ман бир гулга ошиқ, яна ўша гулнинг висолига кетарман, отамининг отини Бохир дерлар, менинг отим Тоҳирдир. Мендан сенга висол эмас ситам етар”, деди. Бу сўзининг устида Моҳимжон сесканиб, ох тортиб уйғонди. Кўрсаки хеч ким йўқ, туши эркан.

Моҳимжоннинг юрагига ўт тушиб, онасиининг ёнига йиглаб бориб: -Эй она, мен бир туш кўрдим, сенга айтарман. Сан уни менга бир йўриб бер, -деди. Онаси: Хўп бўлади, болам, -деди. Моҳимжон кўрган тушини баён этиб, бир муҳаммас ўқиди:

*Ушбу дарё ичра кўрдим бир ажсиб зебо йигит,
Сўзлаганда, хуш сухандир бўлбули шайдо йигит,
Ногаҳон кўрдим юзин-мудом ажсиб барно йигит,
Олди жоним юзи анвар, комати раъно йигит,
Асли одамзодадан ҳеч бўлмагай пайдо йигит.*

*Бир замон кўрдим жамалин, ақлими ҳайрон этар,
Фурқат айёминда доим кўзларим гирён этар,
Ёрими сандиқда кўрдим, сув аро сайрон этар,*

*“Күрмаган гулдек юзун күрсам”, -дейиб армон этар,
Мен күярман ул дейиб, бизданки бепарво йигит.*

*Әгнида атлас либос, бекмудур, сұлтонмидур,
Әки бир ишқда күйгән сарғаштайи ҳайронмидур,
Билмадим жодуму бир, ә Юсуфи Канъонмидур,
Әр дейиб васфин ўқыйдур, дурмидур, дөстонмидур,
Хар пари түшиңга кирмас бүйла бир мирзо йигит.*

*Найлайин, ишқ -мухаббат савдоси түшіди бошима,
Қародур баҳтим менинг-рахм эттәди күз ёшима,
Айтабылмам бу сирин, күнгіл ёриб тенг түшима,
Кунда юз күрсам юзин, келса, ўтираса қошима,
Шамчироқдан ою-күннан, күркі бир турфа йигит.*

*Күлларинда баҳри лочин ҳам утағу баҳри-боз,
Овлаги совсан сұна, күлларда кезган құв ва ғоз,
Сүзласа бұлбул нағо, қолди қулогимда овоз,
Моҳим айтар, күлларым мен тоги тоши сарафroz,
Дүнёда ўзи каби ҳеч бұлмомниш пайдо йигит.*

Алкисса, Моҳимжон сўзини тамом этди. Онаси айтди: -Эй
Моҳим-жон, кулок сол. мен сенга түшингни йўриб берайин, деб бир сўз
айтди:

*Эй Моҳимжоним, бу түшнинг,
Сенга зарра вафоси йўқ,
Йиглаб, кўздан тўқма ёшине,
Бир зарралик фойдаси йўқ.*

*Жоним дейиб жон ёқарсан,
Кўчларингдан қон тўқарсан,
Бу гун изтироб чекарсан,
Эрта келесак сафоси йўқ.*

*Бир булбул қўнимши гулингга,
Бени кун сайд этар элингга,
Ногаҳон түшиса юлингга,
Бир гавҳардир баҳоси йўқ.*

*Ишқ дарёсина түшибсан,
Шаҳзодага йўлиқшибсан,
Минг турли дардга түшибсан,
Бу дардингнинг давоси йўқ.*

*Вафоси йўқдир бу сўзинг,
Ботил йўлга туттма юзинг,
Ишрат юзин кўрмас кўзинг,
Суржак завқи-сафоси йўқ*

*Ўчар йигитлик чироги,
Сийнандан айрилмас доги,
Сенга етар жафо тиги,
Даво бўлар шифоси йўқ*

*Давомат шикقا ёнарсан,
Ёнарсан, қачон сўнарсан,
Ҳизнерон майиндан қонарсан,
Висолга ибтидоси йўқ*

*Онанг йўрди ушбу тушинг,
Ўртанаарсан ёзу-қишишинг,
Эмас вафоли йўлдошишинг,
Кўймаклигинг равоси йўқ,*

Алкисса, онаси сўзини тамом этиб айтди: -Эй Моҳимжон, мен сенинг тушингни йўрдим, санга кунчикар тарафдан бир гўзал йигит келар, аммо санга унинг вафоси йўқдир. Унинг ўз дарди ўзига етарлидир, у бир парининг дилдоридир, сенинг билан иши йўқдир. Бу тушингни ҳеч кимга айтмагил, масхара бўлиб ортиқча гап сўзга қоларсан, каттиқ томга теша ургандек бўларсан.

Моҳимжон хар неча ўзига тасалли бериб ўзини-ўзи босмокчи бўлса ҳам ўтира олмади. Кеча-кундуз орому-қарори колмади, алмудом кунчикар тарафини кўзлаб юрар эрди. Сўнгра: “Онам буни йўриб билмади, йўргудай истаги бўлмаса керак. Буни кизларга ҳам бир айтиб кўрайин. Улар не дерлар, сўзларини эшишиб кўрайин, балки, улар бошкacha йўрарлар”, деб Моҳим кизнинг ишки кўтарилиб, токат килабилмасдан, канизларини излади. Улар келиб:

-Не унун бундай бекарор бўлдинг? –деб сўрадилар. Унда Моҳим кўрган ахволини баён этиб, бир ғазал айтди:

*Тушимда бир булбул гўрдим,
Хуркиб келмиш гулзориннан,
Кайси бознинг булбулидур,
Кайси бозчанинг пориннан.*

*Гўрмашам саҳар чоғлари,
Сийнама ботмии додлари,*

*Боида қаро ғулпоқлари,
Нозикдир сунбул ториннан.*

*Құрбон бұларман ўзина,
Шакардан шириң сұзина,
Давомат боқсам іозина,
Күзим түймас дайдориннан.*

*Юзи ойдек шуъла сочар,
Хұспи фалакдин бояс алар,
Айтинг, ёрим қачон келар,
Борсам дарә канориннан.*

*Еқди мани бир нозанин,
Фидо бұлсын рүйін замин,
Хеч бир кимса манинг каби,
Айрылмасин ишориннан.*

*Құнглымда оху-зоридур,
Юзлари машриқ саридур,
Билмарам кимнинг ёридур,
Хабар келмас дайдориннан.*

*Хеч кимса сирин билмаса,
Моҳимнинг ҳолин сўрмаса,
Ошиқ бир зулм қўрмаса,
Айро тушарму ёриннан.*

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом этди. Моҳимжоннинг кирк канизлари бор эрди. Уларнинг ичинда тўрг бошлиги бор эрди. Ўзлари жуда гўзаш эрлилар. Бирининг оти Садаф, бирининг оти Гулзор. бирининг оти Гулираъно ва яна бирининг оти Гулзебо эрди. Бу тўрг кизнинг хар бири ўн кизнинг бошлиги эрди.

Моҳим қиз хизматини шу тўрг кизга буюрар эрди. Қизлар:
-Эй дугоналар, бу бир улуғ воқсадир, маслаҳат беринг”, -деб бир-
бир кенгаш қилдилар. Гулзебо -Бизлар бир ёши кичик одам бўлсак,-
деди. Унда Моҳимжон айтди:

-Эй Гулираъно сенинг бу канизлардан ақлингда, хуснинида шойи-
зиёд. Бу тушни сен йўр, деб буюорди. Гулираъно каниз бир кося май
ичиб, сармаст бўлиб, зехнини жамлаб: -Эй бибим, сенга Оллоҳ узок умр
берсин, умрингни зиёда кильсан! Бу тушинотнинг таъбирини мен кўн-
яхши айтарман, -деб бир ғазал ўқиди:

*Бир шаҳзода келмиши Машириқ шаҳриннан,
Гашт айлаюр гул-гуңчали жойларни.
Ёрдан айро тушмиши шоҳнинг қаҳриннан,
Кўпдир юрагинда оху-войлари.*

*Назар солиб соги билан сўлингга,
Ёринг келар раҳм айлаюр ҳолингга.
Суярсан севдигинг тушар қўлингга,
Хуш кечарсан бу кунлару ойлари.*

*Багрина санчилмиши бу гулнинг хори,
Магар сандан ўзга ёри бор, ёри,
Не учун ёзламиши ул Машириқ сари,
Сенинг сари тўлганнамиши сойлари.*

*Мен таъбир айладим қўрган тушингга,
Тогларнинг тарлони қўнар бошингга,
Дамба-дамдан ёринг келар қошингга,
Ул куни тутар томошали тўйлари.*

*Гулираъно дер, ичдим қўлимда бода,
Сўзим йўқдур энди, бундан зиёда,
Олло етири барча кунни мурода,
Ҳақ солидбур санга ушибу қўйлари.*

Алкисса. Гулираъно сўзини тамом этди. Моҳимжон бирдан ўрнидан туриб, Гулираъноға бош-оёқ сарно берди.

Алкисса Одилшоҳнинг кизларининг бир боғи бор эрди, унга Ризвон дер эрдилар. Бу боға подшонинг уч кизи канизлари билан навбатма-навбат сайрга чикар эрдилар. Баҳор айёми бўлғон, гуллар очилғон, неъматлар сочилиғон, вактлар эрди.

Булбуллар соз этиб, кумрилар кукулашиб, тўтилар ваъз айтиб боғнинг гуллаб очилиб, ажид бир лолазорлик касб этган вакти эди.

Кунлардан бир куни Моҳимжоннинг бокка сайр этар вакти, навбати келди. Моҳимжон айтдики:

-Эй кизлар, бошқа вакт якка-якка сайр этар эрдик, бу сафар жам бўлиб сайр этайлик. Канизлар жони тили билан: -Хуш бўлғай!-дедилар. Шундан сўни Моҳимжон ўзига якин билгандарига: -Боғи Ризвонга ва Фирот дарёсиға томоша этмакка кетайлик -деб нома юборди. Ўзи ҳам сахар туриб хаммомға кириб ювиниб, тараниб гўё моҳитоб, шуълаи офтобдай бўлиб, товус күшдай хусн жамолини борича намоён килиб, заррин либосларини кийиб, қошлигини ўсма, кўзларига сурма чекиб, кирк ўрим килиб ўрилган зулфларининг ярмисини сийнасининг устидан юбориб, ўзига безак, зеб оройиш бериб туғишиганлари бирлан бокка сайр

этмакка кетар бўлди. Буларни кўрган одамлар акл-хушларидан айрилиб, хайрон колар эрди. Боғда қуриш учун бир чодир юбордилар ва отасининг каттакон кайнекларидан бирини боғнинг чеккасига келтирилар.

Улар боғ ичиға кириб, томоша килиб юриб, боғнинг ичидан Фирот дарёси оқиб ўтар эрди, булар кайик бирлан дарёга кезмакка тушдилар. Моҳимжон кайикда дарёнинг шамолига юзини тутиб борар эркан, ногахон сувда узоқдан бир каро кўришиди, олтингдек шуъла сочиб келар эрди. Моҳимжон яхшилаб сар солиб кўрса, сандикка мангзайди. Шунда туғишганларига қараб:

-Дарёда бир зот оқиб келур. Агарда у сандик бўлса, ичи меники, ташқариси сизларники,-деди. Туғишганлари қабул килдилар: қараб кўрсалар оқиб келаётирган нарса сандик эркан. Моҳимжон: -Ғаввосларга айтинг, сандикни сувдан чикариб олсинлар, -деб буюрди. Ғаввослар: - Такиб тортиш учун бир аркон керак,- дедилар. Аркон топишмади. Аммо Гулираъононинг кирк кулоч сочи бор эрди. Бу сочни кўрган одам хайрон колар эрди. Ўрилган сочининг кокиллари нозик бўлса ҳам, калинлиги шундай берк эдик, ҳар ёнидан ўн киши тортса ҳам узилмас эрди. Сандикни Гулираъононинг сочига боғлаб, дарёнинг киргогига чиқардилар. Кўрсалар сандик мум билан пухта килиб маҳкамланган, сиртига сув кирмаслиги учун яхшилаб ишлов берилган.

Моҳимжон, опаларига: -Агар вайзага вафо бўлса, сандикнинг оғзини очармиз -деди.

Туғишганлари: -Ичидা оламга баробар зот бўлса ҳам сеники бўлсин, сенга баҳи этдик, -дедилар. Моҳимжон шатир-шутур сандикнинг оғзини очди. Кўрсанки, сандикнинг ичидаги бир гўзал йигит ётибди, на жони бор, на нафас олади. Моҳимжон ўйлаб кўрса, ўз тушида кўрган ўғлони, икки жаҳон матлаби экан.

Моҳимжон ишни кўтарилиб, бир оҳ уриб, бехуш бўлиб йикилди. Дунё юзи туман бўлди, еру-кўк ларзага келди. Охига дунёни тутун коплаб, күёшнинг борлигини билмас даражага етди. Бироздан сўнг канизлар, Моҳимжон юзига сув сепиб, уни хушига келтирилар. Шунда унинг хусни жамолидан жаҳон юзи ҳам ёп-ёруг бўлди. Шахрижон: -Эй Моҳимжон, сенга не бўлди?-деди. Шунда Моҳимжон зор-зор йиглаб: - Эй кондошим, бу ишдан асло бехабар экансан. Бу йигитни тушимда кўриб эрдим. Шундан бери менинг сабру-карорим йўқдир. Бу менинг бошимга ишқ савдосини солған йигиттур, -деди. Канизлари:

-Эй Моҳимжон, бу йигитдан хабар ол, халок бўлмасин,-дедилар.

Шундан сўнг дарров Тоҳиржоннинг юзига гулоб сепиб хушига келтирилар. Моҳимжон хабар сўради, Тоҳиржон ҳам жавоб берди:

Моҳимжон:

Хабар бер, не ердан келдинг бу ёқقا?

Сўзла эконим, қайси боғнинг гулисан?

*Сандық билан нечун күрдинг дарёла?
Сұзла, жоним қайси богнинг гулисан?*

Тохир:

*Гул эмасман, булбулман бир богнинг,
Гулдан-гулга сайдон этиб келарман.
Хам ул гулнинг дози, хам сенинг дозиги,
Ақлу хушим ҳайрон этиб келарман.*

Моҳимжон:

*Не чамандан эсіб келган шамолсан?
Қайси ойдан айро түшіган ҳалолсан?
Не шакардин томған обу-зилолсан?
Сұзла, жоним қайси богнинг гулисан?*

Тохир:

*Үшім Тохир, мениң отамдир Бөхир,
Оғир бозирғонам, күпдур жақвохир,
Пинқон сирим санға айлайын захир,
Үл мұлкимни вайрон этиб келарман.*

Моҳимжон:

*Бұлбұл бұлсанғ, гулузоринг қаерда?
Гавхар бұлсанғ, харидоринг қаерда?
Ошиқ бұлсанғ севар ёринг қаерда?
Сұзла жоним, қайси богнинг гулисан?*

Тохир:

*Гулнинг булбулман ҳұсни-хазона,
Чиқардым құшкина зинама-зина,
Бұгун жудо бүлдім күнгілім камина,
Күз ёшиимни ғирён этиб келарман.*

Моҳимжон:

*Е мұжаррамусен, катхудомисен?
Е бир пари учун жони фидомусен?
Е қаландармусен, е гадомусен?
Сұзла, жоним қайси богнинг гулисан?*

Тохир:

*Бир гарібам, мададкорим іўқ менинг,
Қавму-қардош, ховандорим іўқ менинг,
Сендан ўзға севар ёрим іўқ менинг,
Хижерон күннің думон этиб келарман.*

Моҳим:

*Моҳим айттар, қаро баҳтим уйғонди,
Давлаттінг чирози құлымда ёнди,
Худо бағыт айлады даөрон дұланди,
Магар этиди Моҳимжоннинг гулисан.*

Тохир:

*Моҳимжон эшиштгил, тўғри сўзимни,
Мудом Машриқ сари тикиб кўзимни,
Тоҳир деяр, мусофирам ўзимни,
Беш кун сенга меҳмон этиб келарман.*

Алкисса, Тохир билан Моҳимжон сўзларини тамом этдилар. Моҳимжон Тохиржоннинг бир ошик йигит эканини англади. Ўйладики: “Менга ҳам тўннинг бир этаги етар”, деб хуввакт бўлиб сандикни хизматкорларга кўтаририб кўшкига келди. Моҳимжон Тохиржоннинг дийдорига мушток бўлиб, кўзини ундан узмай ўтириди. Аммо у қанчалик тикилиб ўтирасин унинг хусн-жамолига тўймас эрди.

Моҳимжон ўйладики: “Бу ишдан, воеадан отамини хабардор этайин, отами шу юртнинг эгаси. Баногоҳ кўнглига оғир олиб, мени ёзгариб, Тохирни ҳам кувиб юбормасин”, -деб ўзининг хизматкорларини чақириб, отасига бир хат юборди, хатнинг мазмуни шундай эрди:

*Бобоға бир нолишим бор,
Бахши айласин бобом менга.
Бир неча арзу-ҳолим бор,
Бахши айласин бобом менга.*

*Бир сандиқ келди дарёдин,
Ҳадя келибдур Оллоҳдин,
Тилагимдур Одилшоҳдин,
Бахши айласин бобом менга.*

*Олма-аноримиз пишди,
Боғбон келиб қўлга тушибди,
Оллоҳум раҳматин соҷди,
Раҳм айласин бобом менга.*

*Бир сандиқдир, хонга лойик,
Бек ила суитонига лойик,
Берса, Моҳимжонга лойик,
Бахши айласин бобом менга.*

*Умидим бор, отам келса,
Сандиқда не борин билса,
Кўли билан ҳар зот бўлса,
Бахши айласин бобом менга.*

*Моҳим айтар, қылдим изҳор,
Бобомга бўйла арзим бор,
Дунёнинг моли не даркор,
Бахш айласин бобом менга.*

Одилшоҳ мактубни олиб ўқиб, мазмунини англаб, шундай жавоб берди: “Эй кўзимнинг равшани! Ул сандикнинг ичинда нима бўлса ҳамки, агар сандикнинг ҳар тахтаси забаржадлан, кулфи-калити олтий-кумушдан бўлса ҳам, юз-минг тумалик мол-дунё бўлса ҳам, агар у сандикнинг ичинда дуру-жавоҳир ёки мушки Ҳутан ёки одамзодму, паризодму, хуру-ғилмон наслиданму, магарам олам-жаҳон мулкина арзигулик-баробар зот бўлса ҳам санг баҳш айладим, насиб этсин”, -деди. Бу хат Моҳимжонга етишиди. Моҳимжон отасидан келган хатни ўқиб, шоду-хуррам бўлиб, кўп замонлар хайрон-хаяжон билан осмонга боқиб, Худоға шукур килиб, отасининг даргоҳи томонга қараб уч марта таъзим килди. Шундан сўнг Тоҳиржонни ювинтириб, тарантириб, боши-оёқ кимматбахо сарнолар кийдириб, бошиға мурассасъ тож кийдириб, белига олтин камар боғлади. Тоҳиржон аввалгидан ҳам кўрқли йигит, унинг кўркига янада кўрк кўшилди. Аммо булатнинг хеч бири Тоҳиржонни қизиктирмади. Чунки Зухражоннинг хаёли билан банд эди. Шу ўй-хаёл билан кечакундуз оҳ-фарёд чекиб, кўзларидан катра-катра ёш тўкиб юрар эрди. Моҳимжон бир сўз деса ҳам, розилик билан жавоб бермас эрди. Шу ахволда Багдод шаҳрида неча йил умр сурди. Шу алфозда ойлар, кунлар ўтаверди. Карасаки, орадан етии йил ўтибди:

Бир куни Моҳимжон ўзига зеб-зийнатлар бериб, товусдай жилоланиб Тоҳирнинг ёнига келиб: -Эй севгилим, танимдаги жоним, бошимнинг тожи, кўтар кўзимнинг равшани! Мана сен келгандан бўён неча йил бўлибди, сабр килиб, хажрингда ёниб жафо чекиб келдим. Энди менинг сабр косам тўлиб, токат колмади. Менга раҳм этиб бир назар солсанг,-деди. Аммо Тоҳиржон бу сўзга ҳам жавоб бермади. Канизлар ҳам жавоб кутдилар ва лекин алик олабилмадилар. Чунки Тоҳир бечоранинг мусофирилиги ёдига тушиб, тили томогига тикилиб ганилаб билмас эрди. Шунда канизлар: -Бунинг сўзламасдан жим ўтиргони розилигидан нишонадир. Жимлик розилик алематидир. Бу эса шариатга тўғри келар,-деб никоҳ кийиб, Тоҳиржон билан Моҳимжонни бир майдонда колдириб қўйиб кайтдилар. Моҳим киз шоду-хуррам, вақти хуш бўлиб бир ғазал ўқиди:

*Шукур Оллоҳ, бугун етдим мурода
Ғаріб қўнглим ёр васлига етишиди.
Хижрон чекиб ҳилол бўлган қоматим,
Раъно бўлиб нав ниҳолга етишиди.*

*Юзим ойга түздиди, кўзларим қўнга,
Айролик қунларни солмасин яна,
Мудом чўлда кезган ташналагаб сўна,
Бугун мурғозорли кўла етишиди.*

*Юрагим қон бўлиб, кўзим ёси бўлиб,
Гизлаган сирларим элга фоши бўлиб,
Гул булбула, булбул гула дуч бўлиб,
Иккиси мурода бирла етишиди.*

*Икки ошиқ бир-бирина жам бўлиб,
Соз каби тортилиб, зили-бам бўлиб,
Шум рақибнинг сабо вақти шом бўлиб,
Кўз ёши ранг топиб, ола етишиди.*

*Товус жилва айлаб қув ва гоз билан,
Қумрилар дам тортиб хуш овобз баглан,
Булбул наво тузиди нағма соз билан,
Тўти гуфтор айлаб бола етишиди.*

*Ошиқлиқ барчани ҳайрон айлагай,
Жабрлар додгина сайрон айлагай,
Белин букиб, қалбин вайрон айлагай,
Ишқинг юки Рустам Зола етишиди.*

*Моҳим айтар, сухбат курдим ёр билан,
Булбул ҳамроҳ бўлди лолазор билан,
Назарим йўқ қардош, ховандор билан,
Оч кўзларим юзи хола етишиди.*

Алкисса, Моҳимжон сўзини тамом қилди. Бир кечада улар бир-бирининг висолига етишилар. Улар висол оғушида ётган бўлсаларда биринчи кечада Моҳимжон ҳам, Тохиржон ҳам бир-бирига хеч бир чурк этмадилар. Иккинчи кечада Моҳимжон ўзига жилва бериб, ясаниб, тараниб, етти кат парданинг ичидаги товусмисол жилваланиб, нозушишвалар билан Тохиржонни ўзига мойил кильмокчи бўлди. Аммо Тохиржон буларнинг хеч бирига эътибор қилмади. Шунда Моҳимжоннинг сабри тугаб, токати ток бўлиб; -Эй Тохиржон! Аввалда мен сени дарёдан куткариб олдим ва сенинг жонсиз танангта жон бағишладим. Сени деб ор-номусдан кечдим. ҳар тарафдан душанларнинг гап-сўзига колдим. Оқибатда элга масхара бўлдим. Шахзодалардан келган совчиларнинг хеч бирини кабул кильмадим. Биргина сени деб шахзодалигин билан ўзимни сенга муносиб кўрганимда, сен не учун

ўзингни манга муносиб кўрмассан?-деди. Тоҳиржон бечора бу сўзни эшитиб:-Эй Моҳимжон! Бошим сенга садака бўлсин. Аммо манда бир гавхари-шамчирок бор эрди. Ул гавхардан айрилганим учун, бу дунёни ўзимга талок килдим, ҳаром килдим. Ул гавхарни яна бир кўрсам армоним йўк. Агар кўрмасам бутун жумлаи оламнинг зебу-зийнатлари, мол-дунёсини ўзимга ҳаром биларман, деб бир сўз айтди:

*Моҳимжон, арзимни баён айлайин,
Бир гавҳари шамчироқдан айрилдим.
Гоҳи майдон ичра сайрон айлабон,
Ёр юртида шаҳар ўтөвдин айрилдим.*

*Баҳор бўлса, қизил гуллар очилар,
Мушки-анбар чор тарафга сочилар,
Майхонада гулгун шароб ичилар,
Сармасст бўлиб кезан чогдан айрилдим.*

*Чорвалари сахроларда кезарлар,
Қизу жувон яйраб нағма тузарлар,
Йигитлари олма-анордип узарлар,
Олмали-анжисири боғдан айрилдим.*

*Тоғларига чўқар абрӯ-смёҳлар,
Жилгасида унир турли гиёҳлар,
Каптари, яйлови, баланд қоялар,
Тарлон маскан тутғон тогдан айрилдим.*

*Тоҳир дер, сигиндим пиру-устода,
Рақибнинг дастидин қолмишам дода,
Ишқнинг маъжлисида қўлида бода,
Пиёлалар сунгган согдан айрилдим.*

Алкисса, Тоҳиржон сўзини тугатиб айтдики: -Эй Моҳимжон! Менинг дардим бошимданам зиёда, менинг аҳду-паймоним бир парига боғлидур. Агар бундан ортиқ жабр қиласанг, озор берсанг, мен ўзимни ўлдирмақдан бошка чорам колмайди. Чунки Куръони каримда “Ваъда карздорликдир” деб ёзилғондир”, деб Моҳимжон билан ўзининг орасига кескир килич кўйиб ётдилар. Моҳимжон ўйлаб кўриб, ўзига-ўзи: “Ёрингдан заарар кўриш ҳам фойданинг ўзидур. Мен бундан буён Тоҳиржонга бўлғон хис-туйгуларимни жиловламасам, элга бадном бўларман. Тоҳиржонга бўлғон ошиклигимни тарқ этайин”, деб ўзига-ўзи кўнгиллик бериб бир ғазал ўқиди:

*Күнглим, сенга арзим баён айлайин,
Күнгли бошқа бевафодин дүн, күнглим.
Толеим терс келар бұлса наилайин,
Ети бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

*Чин гүлни сактасанғ минг йилда сұлмас,
Бевафони севсанғ қафирингни билмас,
Айтадур ўзганинг ёри ёр бұлмас,
Ёри бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

*Етти йилдир ишқ јтига қуярман,
Бевафо ёр учун ғамлар еярман.
Бегона жохайлни нечун суярман,
Йўли бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

*Анча йиллар күн жағолар чекарсан,
Құзларынгдан қонли ёшлар тұқарсан,
Ағерни ёр биліб, жонинг ёқарсан.
Жағо чекма бевафодин дүн, күнглим.*

*Гұч ғигитлар бир сұзина зор айлар,
Бевафога күнгил бирсанғ, хор айлар.
Ошиқ маңышқынанғ күнглип бор айлар,
Күнгли бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

*Бевафонинг сұзи жонингдан ўтар,
Хар бири бир пайқон ўрнига етар,
Бевафо этгапинг ёқандан тұтар.
Күнгли бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

*“Ошиқман” деб дардим айтсам ҳар жойда,
Унинг ҳам дарди бор мендан зіеда.
“Номахрам” деб қызыч чекди орода,
Аҳди ёлғон бевафодин дүн, күнглим.*

*Моҳим дер, ёрни веб ёндим давомат,
Ёр ишқи жонингга келгап бир оғат,
Сабру чидам ила айла қаноат,
Ёри бошқа бевафодин дүн, күнглим.*

Алкисса, Моҳимжон сұзини тамом этди. Тохир айтдикі: -Эй
Моҳимжон! Тұғри айтдинг. Менинг күнглимда юз минг ғам бор. Унинг
энг кичиги бир төг кабидир. Насибам тортиб бу жойларға келиб қояған

бўлсам ҳам, яна кетарман. Чунки мен ҳам сенингдай бир паризодга ошиқдирман. Бу ерларга келмак азалдан менга кисмат эркан, -деб бир мухаммас айтар бўлди:

*Найлайин, воҳасрато, дилдордан айрилмишам,
Икки наргис қўзлари хунхордан айрилмишам,
Гамзаю ҳуснда икки мордин айрилмишам,
Колмишам гам остида гам хордин айрилмишам,
Ул қадди шамишод юзи руҳсордин айрилмишам.*

*Хусни ҳуру лаъли фирдавснинг шароби қавсари,
Юзи тўлин ой каби, киптиги анжум лашкари,
Найлайин, гарид бошим гавгога солди бир пари,
Фикр этиб, кўнгил кетиб, ишқ ўтин отди мен сари,
Ул қадди шамишод юзи руҳсордин айрилмишам.*

*Оташи ишқ ичра куйган мен каби оввора йўқ,
Сўзласам дардимни мен, бир ошиқи бечора йўқ,
Маҳвашимдек фоний олам ичра бир моҳи пора йўқ,
Ишқ аро куйган оламда бир дили садпора йўқ,
Ул қадди шамишод гули руҳсордин айрилмишам,*

*Хеч киши мундог балоларга гирифтор ўлмасун,
Айрилиб дилдоридан ҳар ғилбарга ёр ўлмасун,
Ошиқи бечоралар маҳруми дилдор ўлмасун,
Алмудом йиглаб кезиб, ёр йўлида зор ўлмасун.
Ул қадди шамишод юзи руҳсордин айрилмишам.*

*Тоҳиро, жоним бориб, кўрсан ўшал жононими,
Ёр ёнинда шум рақиблар тўксалар ҳам қоними,
Етти йилдир орзу айлаб, мен азиз меҳмоними,
Умрим боринча кезиб, сарф айласам ҳам жоними,
Ул қадди шамишод, юзи гулируҳсордин айрилмишам.*

Тоҳир сўзини тамом этди. Бирозгача сўзлашмай ётдилар. Моҳимда ҳам сўз бўлмади, Тоҳирда ҳам. Бир-бирига индамасдан кечани ўтказдилар. Шу тарзда орадан неча кунлар ўтди. Моҳимжоннинг кун-кунлан сабри тугаб, дарди ортиб, юзлари завғарондай сарғайиб бораверди. Тоҳирга сўз демакка ору-номус этиб, Моҳимнинг иши йиғламок билан бўлаверди.

Тоҳирбек кундузлари карорсиз, кечалари бедор уйкусизликда Зухранинг хаёли ёлина тушиб, кун-кундан ишқи ортиб, хеч орому карори бўлмай, мудом Тотор йўлига караб кезар эрди.

Бир неча сахар вақтида кунботардан кун чикарга қараб шамол эсib ўтган вақтда Тохиржон эрта уйкудан туриб, тахоратини қилиб, икки ракат намозини ўқиб, боди-сабодан Зухражонга салом юбориб бир сўз айтди:

*Эй сабо, зорим менинг арз ила жононимга айт,
Кайда кўрсанг, ёлвориб жиссимм ёқон жононимга айт,
Арзу –аҳволим бориб, ул моҳитобонимга айт,
Қоматимнинг доллигин сарви-хиромонимга айт,
Лабларимнинг ташналигин оби-ҳайронимга айт,*

*Зухражонимга хабар бер, қаддиминг цун бўлғонин,
Айрилик ақшим олиб, девона Мажнун бўлғанин,
Чашми гирён, бағри бирён, кўнгли гамгин бўлғанин,
Ком талху, бода заҳру ашиқи рангин бўлғанин,
Лаъли рангин, лабзи ширин, шўхи мастанимга айт.*

*“Холина дўстлар йиглаб агёrlари кулди” деб,
Сўрсанг аҳволим сабо: “Ёринг нечун айрилди” деб,
“Офати жонинг келиб оромимни ҳам қилди?” деб
“Шоми ҳижрон рўзигоринг нечун мундай қилди?” деб,
Сўрма мендан, кўнгли ўтлуғ зору-ҳижронимга айт.*

*Термулиб, ҳар нени кўзлаб, орзуи ёр ўлмасун,
Зухражонимга салом: агёра дилдор ўлмасун,
Йикдириб сабринг биносин, бўйла бедор ўлмасун,
Алмудом ёrim дейиб, йиглаб кезиб зор ўлмасун,
Ишқинг ўти куйдирган ул чашми-гирёнамга айт.*

*Эй қосид бергил хабар кўз ёшим гирёндур-деюб,
Сен парининг ҳажрида ҳам паришондур –деюб,
Дардиман сўргиг давомат не дармон ўлур-деюб,
Тохирнинг май ўрнига ичмаки қондур-деюб,
Зухра отлиг моҳи-найкар, аҳди ёлғонимга айт.*

Алкисса, Тохир сўзини тамом этди. Шамол бир соатда Багдоддан Тоторга бориб дов-дараҳтларга тегиб ўтди. Зухранинг Сарви отлиғ бир жаннати дараҳти бор эрди. Чиройлиликда, баландликда, катталиги жихатидан юртдағи бошқа дов-дараҳтлардан анча юкори турар эрди. Шамол сарви дараҳтига бориб етишдики, ундан зори гирёнли бир овоз пайдо бўлиб, олам жаҳонга тараала бошлиди. Зухра киз бу овоздан ухлаб ёткон ўрнидан сесканиб уйғонди ва: “Эй Худойим, бу овоздан Тохиржоннинг нолиши келур. Ё Тохиржоннинг ўзи келган, ё ундан

бирор-бир хабар келганга ўхшайди, деб хайрон бўлиб турғон вактида,
сарви дараҳтидин бир овоз келди.

*Тоҳиринг сайр этмиши фоний жаҳонни,
Сандин гўзат ҳеч кўрмадим элларда.
Кўнглимнинг ороми, манзил-мақоним,
Булбулинг сайрамас ўзга гулларда.*

*Эл ҳуснинг гадоси, кўрмакка зорман,
Ииккингда бечора, кўйингда борман,
Ўлгунимча, йўлингда бекарорман,
Равшан каби кўзим қолди йўлларда.*

*Ханжаринг жонимда, ўқларинг танда,
Ғамзанг ўқи жонга қасд итар кунда,
Суратинг кўрганда, хаёлинг манда.
Ҳуснинг юрагимда, сўзинг дилларда.*

*На малаксан, башар дерлар сўйингга,
Кўзим тоқат қилмас боқсан рўйингга,
Қодир Оллоҳ зеб беридбур бўйингга,
Ҳеч топмадим сандин согу-сўлларда.*

*Мис ўзин тенг қўлмини сийму-зар билан,
Муи баробар бўлмиши мурғи-пар билан,
Зухра ҳамроҳ бўлмиши бир шикор билан,
Анвар дур ичинда, гавҳар гулларда.*

*Саҳар сайра чиқса, гар тегса еллир,
Зебога манглайди ул инжса беллар,
Зарафшин гултоқлар, сиё кокиллар,
Чўзсанг ерга тушар, ўрсинг -белларда?*

*Оқ жайрондек бўлиб ҳар ён боқарсан,
Анбарафион зулфинг ўзга тўқарсан,
Сайрга чиқсанг, тоз жайрондек боқарсан,
Жайрон ҳам сен каби кезмас чўлларда.*

*Бир сабол келтирмини сабонинг боди,
Эттимиш маъшуқага -Зухрадир оти,
Кўзларинда ёши, дилда ишқ ўти,
Боди сабодандур сўзи елларда.*

*Орзу айлаб, етмоладим жойингга,
Жоним фидо бўлсин ҳоки поинингга,
Оlam тарабгордир ҳусни-рўйингга,
Тоҳир хабар бермиш забун ҳолларда.*

Бу сўздан кейин Зухражон хайрон бўлиб, саросимага тушиб, не киларини билмасдан колди.

Зухражоннинг кирқ канизи бор эрди, уларни ёнига чакиртириб, эшиштан- кўрганини баён этиб, бир газал айтди.

*Қизлар қулоқ солинг ушибу сўзима,
Бир нола эшиштим саҳар чогинда,
Ё Тоҳирим келмиси илмас қўзима,
Ё сабо сўзламиши сарви боғинда.*

*Умид этиб кездим қодир Оллодан,
Истаб тополмадим шоҳдан, гадодан,
Хабарин юбормиси боди сабодан,
Ўзи сайрои этмиши ҳиснорон дөгинга.*

*Ёрим мунда келмас дўлапимас даврон,
Ёр айрилиб ўзга элларда сарсон,
Ёр унда, ман мунда қолдим саргардон,
Кўзимда ёш лабим заҳар оёгинда.*

*Алиф қаддим дўйди бир нае ниҳона,
Не жавоб берарман келган шамола?
Мева, олма-норим келмиси камола,
Ёрим келиб қўнсин гул бутогинда.*

*Зухра айтар, оқар қўзимдан ёшим,
Отам-онам иўқдор, гамдор ўйлдошим,
Бир замон сўзлашсам, келса сирдошим,
Армоним иўқ ўлсам ёр қучогинда.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этдики. шул вақтда ёғочлардан яна нолали овоз келди:

*Ёронлар Баздод шахриннан,
Мен бу Тотора келмичам.
Икки гўзалинг ишқиннан,
Оҳ билан зора келмичам.*

*Тохирни деб зор йиглаган,
Жигар-базрини дозлаган,
Зулфига чаман боғлаган,
Зулфлари тора келмисшам.*

*Каро күздан оқар ёши,
Эритар төглару тоши,
Ул Зухра қызнинг сирдоши,
Ошики зора келмисшам.*

*Боди сабо дилдан сұзлар,
Чин ошиқнинг йүлнін излар,
Тохир Зухражонниң күзлар,
Мен бир бечора келмисшам.*

Алкисса, канизлар бу сүзни эшитиб, бирок сукут сактаб турдилар. Гулкамар: - Эй Зухражон, биз бу овознинг нелигини англаб билмадик, аклимиз етишмади. Тонг откандан сўнг кўриб билармиз, -деди. Аммо Зухражон ўтириб токат кила билмади.

Бир оз вакт ўтгандан сўнг, тонг хўроzi кичкирган вактда, Гулкамар айтдики: - Эй Зухражон! Юрияг бое сайлига чикиб, айланаб кўрайлик балки ул овоздан бир нишона толармиз, -деб Зухражоннинг кўлидан тутиб, бир абёт айтди:

*Сахар вақти субҳи саболи бўлди,
Кел, Зухражон бое сайлина кетали!
Кайгули қўнглима юз алам бўлди,
Юр, Зухражон, бое сайлина кетали!*

*Богдан келган қандай садодир-создур,
Билолмадим сенга не қиши, не ёздуру,
Бу нечук пайгомдур, нечук баёздуру,
Кел, Зухражон, бое сайлина кетали!*

*Шамолга соз ўлмии сарви будоги,
Кизларнинг қалбига қўйди бу догои,
Бориб ахтарайлик, бугу-чорбоги,
Кел, Зухражон, бое сайлига кетали!*

*Сайр этали Тохир кезган жойини,
Мунакқаш пештоқчи гул саройини,
Қайтармагил Гулкамарнинг райини,
Кел, Зухражон бое сайлина кетали!*

Гулкамар сўзини тамом этди. Барчаси туриб бօғ сайлига кетдилар. Улар эртадан-кечгача бօғ айланаб хеч нарсага дуч келмадилар. Шунда Зухражон кўзи ёшли, ғамгин бўлиб бир сўз айтди:

*Қалбим сиёҳ севар ёрим бўлмаса,
Нечук тоқат қилгум улуг элларда.
Боғ эгаси булбул зорим бўлмаса,
Кўнглим тоқат этмас тоза гулларда.*

*Алмудом гул юзин қўрмоққа зорам,
Яхшидан айрилиб, ёмонга ёрам,
Кетишга ожизман, чўх бекарорам,
Кўнглим орзусида, кўзим йўлларда.*

*Қайси бир оташда юрагин досглаб,
Қайси пари билан қўнглини чоглаб,
Ёридин айрилиб, кўр қайдা йиглаб,
Қайси саҳроларда, қайси чўйларда.*

*Ханжари жонимда ўқлари танда,
Ҳаёкли ўлдиromoққа қасд этар кунда,
Сурати кўзимда, хаёли менда,
Юзи юрагимда, сўзи дилларда.*

*Зухра деяр, ёрим кўчди юртидин,
Кўзларимга суртсан поин гардидин,
Ситами кўн Бобохоннинг дардидин,
Тоҳирим келмадинг ойда, йилларда.*

Алкисса, Зухражон бу сўзини тамом этгандан сўнг бехуш бўлиб йикилди. Каниzlари унинг кўлтиғина кириб, ҳар қайсиси бир ёнидан кўтариб кўшкка чикардилар. Зухра шу ётишда бир кеча-кундуздан кейин ўзина келиб, Тоҳирнинг ҳажринда зор-зор йиглади. Унинг нолишидан еру-кўқ ларzonга келди. Шунда каниzlари Зухражонга кўнгиллик бериб айтдиларки: -Эй Зухражон! Бундай бекарор бўлма. Сен бекарор бўлсанг, бизда ҳам токат колмас. Дунёни сабр этмак билан оларсан, деб маслаҳат бердилар.

Аммо Зухражон кўзлари гирён, ахволи бирён бўлиб, Тоҳирнинг ҳажринда ёниб-куйиб, кечалар уйқудан колиб, кундузлар оромини йўкотиб, ота-онасини ҳам унубиб, дунёнинг роҳатларидан кечиб, ёқти жаҳонни тарқ этиб, коронги бир хужрага кириб бағрини заҳга бериб ётаверди. Бу ахволда унинг юзи кун-кундан заъфаронлай сарғайиб, оғирлашиб бораверди.

Ани Зухражоннинг онаси Зухражонни жонидан ортиқ яхши кўрар ўри, Зухранинг бундай бетокатлигини эшишиб, уни кўрмакка келди. Келиб кўрсаки, Зухражон гўёки жони узилгандай эс-хушини билмасдан ётибди. Онаси бу ахволни кўриб, сочини ёйиб, Яратганга муножот этили: “-Эй Парвардигорим! Якка-ю ёлғиз шу кизимга ўзинг раҳм этгил! Тохиржонни келтирсанг, Зухражон хушвакт бўлса, менинг хам кўнглим жойинга тушар эрди”, деб йиглади. Шу вактда Гулзода каниз келиб кўрса, онаси Зухражоннинг бошини тиззасининг устига олиб йиглаб ўтирибдур. Гулзода: -Эй она! Зухранинг ўлар вакти ётибдур, энди тайёргарлигингни кўравер,- деди.

Онаси факир не киларин билмасдан, подшоҳ эрининг хузурига чопди. Келиб кизининг холидан хабар берди: -Эй шоҳ, кизинингни Тохирдан айирдинг, Зухранинг ўлишига сал қолибдур, ишк ўти ситамини ўтказибдур. Энди не фикринг бўлса имкониятингни чамалаб кўр,-деди. Бу сўзни эшиктган подшоҳнинг кайфи қочиб: -Зухражонни келтиринг, мен бир кўрай,-деди. Шунда онаси Зухранинг ёнига келиб: -Эй болам, отанг сени кўришни истайди, борайлик,-деди. Зухра: -Эй она, мен отам ёнига бормайман! Менинг отам, онам, туғишган кариндошларим йўқдир. Улар мендан кечгандурлар, мен хам улардан безордурман. Менинг Тохирдан ўзга ҳамдамим йўқ. Агар Тантри таоло насиб килиб, мени Тохирга дуч килса, бу гариблигим хам ўтиб кетар. Агарда шу ғарибликда ўлиб кетсан, мен хам Худонинг ғазабига учраган бир бандаси бўлиб чикадурман. Мен Тохир билан дўзах ичиди ўтирсан ҳам бу кўшки айвон ичиди ўтирганимдан яхширок леб ўйлайман. Тохирнинг кошида ўлсам армоним йўқ. Бор шоҳингга айт, мени ўлдирисин, бу ишк ўтида қўйганимдан ўлганим афзалдур. Агар ўлдирса шоҳ учун савоб бисёр бўлур. Мени бундай ахволда қўйганига рози эмасман. Мен отамнинг ёнига бормасман,-леб зор-зор, чун абри навбахор йиглаб бир абёт айтди:

Мен ҳарғиз борманам отим ёнина,
Борсанг отамга айт: ўлдурсин мени,
Ўтлар солди ошиқарнинг жонина,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени.

Не отам бор, не онам бор жаҳонда,
Яқин қардош, не ховандор бор манда,
Борабилмам отам қанда, ман қанда,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени.

Тутам ёқасиннан маҳшар куни мен,
Айирди Тоҳирдан кўп норизоман,
Бу дарддан қутулсан, ўлсан розиман,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени.

*Азат бошдан нечук келдим эсаңона,
Бу ишқининг дардидан бўлдим девона,
Кечдим ҳаммасидан бўлдим бегона,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени!*

*Ёр дейиб барчадин агёр бўлибман,
Отам газавина дучор ўлибман,
Тоҳирдан бошқадан безор бўлибман,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени!*

*Чиқмам маломатдин, помус-орим йўқ,
Йигламоқдан ўзга қасби-корим йўқ,
Ишқ юкин чекмака ихтиёрим йўқ,
Борсанг отамга де: ўлдурсин мени!*

*Зухра дер: Тоҳирсиз умр сурманам,
Ўтарман дунёдан бир дам турманам,
Ўлгунча отамин юзин кўрманам,
Борсанг, отамга де: ўлдурсин мени.*

Зухра сўзини тамом қилғондан сўнг, онаси бориб, қизининг хабарини шохга етказди. Унда шох айтди: “Қизим камола келибдур” - деб ўйлади ва унга “муносиб” бир одам кўзлаб, фикр дарёсига ғарк бўлди. Подшохнинг бир оғайиниси бор эрди, отига Шахзода Эрманус дер эрдилар. Унинг Коработир деган ўғли бор эрди. Ул қурол-яроғ ишлатишга, жангу-жадалга ўкта йигит эрди ва бутун қўшинларининг ихтиёри унинг қўлинда эрди. Подшоҳ Зухражонни шу Коработирга майил этиб, вазир вузаролари, бутун аркони давлатини чакириб, Коработирни хам чакиритириб:

-Менда бир гул камола келибдур. Уни мард ботир йигитларимдан бири Коработирга бермакликни ихтиёр этдим, -деди. Ул вактда -вазир вузаролар Коработирга: “Кутлуғ бўлсин”, “Ўнг бўлсин”, дедилар. Сўнгра ҳазинадан Коработирга бош оёқ куёвлик сарполари берилди. Шу онда қозини келтириб, гувоҳларни хозирлаб, Зухражонни Коработирга никоҳлаб кўйдилар. Коработир шохнинг қизини олган одам бўлиб, муртини товлаб, ўзинда бор ҳазинани чикариб, шахарларни чароғон этиб, ахли аркони-давлатина сарупо бериб, кўп факир ва фукароларга инъому сарполар, танглар хадя қилди. Ўн беш кеча-кундуз тўй-томоша берди. Сўнгра кечака бўлғунча Коработир Зухражоннинг кўшкина бориб, кўл ковуштириб унга салом берди ва отасининг Зухрани унга бағишлиғанини аёни этди. Бу сўздан Зухра қизнинг юрагина ўт тушиб, Коработирга газаб билан айтдики: -Эй Коработир! Гавҳарни итнинг бўйнига таксанг, гавҳар хам йиғлар ит хам. Сен ким мен ким? Накора

аҳмок одамки, биздан сўрамасдан иккимизнинг ўртамиизда сулҳ-никоҳ боғласа.

Гўёки затъфаронни эшакнинг олдига тўқкандай бўлур. Бор, йўқол, кўзимга кўринма!-деб бир абёт айтди:

*Кетгил мундин, қораҷўмоқ,
Мен сенинг ёринг эмасман.
Санга “бердим” деган аҳмок!
Мен сенинг ёринг эмасман.*

*Бир қарга сан “хор” ичинда,
Ошиқ бўлган зор ичинда,
Сайр этар гулзор ичинда,
Севар гулзоринг эмасман.*

*Бир ошиқ бечора бўлсанг,
Мени деб оввора бўлсанг,
Агар гавҳартора бўлсанг,
Мен харидоринг эмасман,*

*Бугун отамга агёрман,
Ҳар зулм ичинда борман,
Тоҳир деб хаста-беморман,
Сенинг bemorинг эмасман.*

*Отам зулм этди бошима,
Рахм эттади кўз ёшима,
Дилбарим келар қошима,
Сенинг дилдоринг эмасман.*

*Менинг ошиклигим ҳақдир,
Инкор айлаган аҳмокдир,
Менда бир мақсадинг йўқдир,
Хеч қилир коринг эмасман.*

*Фидо бўлмам фидо бўлсанг,
Хавасинг кўп исудо бўлсанг,
Зухра деяр, гадо бўлсанг,
Мен сабабкоринг эмасман.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этгандан сўнг Коработир бир оғиз сўз айтиб билмасдан, унга кўл хам теккизид билмасдан, масхара бўлиб, уйига кайтди. Шундан сўнг Зухражон ёқасини йиртиб: “Эй

Худойим! “ Тохиржондан дарак бер, ё бу жонимни ол. Сендай улуг хотнинг Тохиржонзи келтирмакка ёки шу золим Коработирининг жонини олмоқликка кучинг етмасми? Ҳар бир иш сенинг ихтиёринг билан бўлса леб Тохиржоннинг хажринда беҳуш бўлиб йикилди. Бир замонлардан сўнг хушига келиб, Гулзода деган канизига караб-Дунёнинг зийнати, давлати менга керак эмас. Сен буларни ташқари чикариб, факир фукароларга сарф эт, -леб хазинанинг калитини берди.

Зухранинг йигламоқдан ўзга иши бўлмади. У Тохиржонни ёд этиб, мажнуни девона бўлиб, оху-фарёд этиб юрар эрди. “Эй Тохиржон, сен ё ўзга бир ерга мубтаю бўлдинг, ё бир балога дуч бўлдинг, мени ёд этмадинг, кўнглимни обод этмадинг.

Мен зору гирёнинг бўлиб келдим. Ишқингда девона бўлдим. Балки сен бирорта хуру-парилар билан даврон суриб, боғу-боғчасида сайрон этиб юргандирсан.

Мен сенсиз ожиз қолиб, юзларим заъфарондай саргайиб, ўлар холга етишдим. Сенинг билан сурган давру-давроним, баҳтли онларим энди армон бўлди. Салтанатлар, тоҷу-давлат барбод бўлди, шакарлар заҳар, дўстлар ағёр бўлди. Кўзларим йўлингда интизор бўлдим... Ёриндан айрилған бир бенаво, гулистонидан айрилған бир боди-сабоман. Сенсиз бу кўшиклар, бу боғлар, саройлар кўзимга дўзахдан хам ёмон кўринар. Сенинг висолингга етмак, дийдорингга тўймок бормикан?”,-леб Зухра киз зор-зор йиғлаб, бир газал айтди:

*Сендан айри ман бедаво дарди ҳижерон қолмишам,
Ўлмайин қолдим бугун, ҳолимга ҳайрон қолмишам.*

*Барчалар ишрат тўнида кездилар сайрон аро,
Найлайнин зулмат аро ман зору-гирён қолмишам.*

*Ёрим йиғлар элга базм айларки даврон богида,
Мен бугун хори мӯғилон ичра сайрон қолмишам.*

*Телба кўнглим кўп ҳавас айларки даврон дилдорини,
Дали саргардон бўлиб, саргашта инсон қолмишам.*

*Подшоҳи хусн ғрдим, таҳтим аро сүлтон эрдим,
Таҳту-тозисим сел йиқитди муниди меҳмон қолмишам.*

*Булбулим учди бўкун, азм этди ҳижерон багина,
Мен хазонли гулшап ичра бағри бирён қолмишам.*

*Ёр ағёр ила ёр бўлдимки, ёрини тарқ этиб,
Мен ки тарқ айлай десам, найлошқи, бемон қолмишам .*

*Зухра дер, ёр –булбулым учди хазонга бодидан,
Оташи ҳижрон элинда айлаб афғон қолмишам.*

Алкисса. Зухражон сўзини тамом этди. Канизлари бунинг йигламокина токат килиб билмай, йиглаб, “Бир соз-сухбат этайлик, балки Зухра кизниг кўнгли очилғай”, -деб маслаҳат этишдилар ва Зухранинг ёнига келиб:-Сен йиги-сигингни кўйсанг ва бизга рухсат берсанг, биз соз -сухбат бошласак, - деб ёлвордилар. Зухра киз рухсат берди. Канизлар соз- сухбат, улуғ мажлис килдилар. Зухранинг чехраси бир оз очилгандай бўлди. Шу ўтиришда гафлат уйқусига кетди. Шунда канизлар, маслаҳат килдилар. Зухражоннинг кайгу-хасрати бироз чекинган вактида бош-оёқ кийим- бошларини олиб, таомини еб, бошига шундай иш тушган вакти бўлса, чорасини топмасак, нон ёғиси бўлдикимиздур”, - дейишдилар. Ул вактда Гавхар:

- Агар Тохирни келтирмасак, Зухранинг дардига мундин бошка чора йўқдур.- деди. Шунда бошка канизлар:-Сен хаммамизнинг саркамизсан. Бу ишнинг чорасини сендан бошка топа билмас, - дедилар. Гавхар: - Мен бу ишнинг чорасини топарман. Эрта тонг билан туриб, Зухранинг хазинасидан бир оз тиљо- кумуш олиб, каландар эшигига кириб, шахарма- шаҳар кезиб, Тохирни излаб, каерда бўлсада, топиб келтирарман. Агар топмасам ўзим ҳам кайтиб келмасман. Иншооллох албаттa топарман, деди. Гавхар киз ўн тўрт ёшли, камола етгаи, узун бўйли, сарви бўйли, гўзал бир киз эрди. У кўлига кўзгу ойнани олиб, юзини кўрганда, ўз-хуснига ўзи хайрон колиб “Мен ўн тўрт кечалик ой мисоли чиройлидурман”, деб ўйлар эрди.

Канизлар:-Эй Гавхар, сен бу маслаҳатни маъкул кўрган бўлсанг, Зухрани уйготайлик, ледилар. Гавхаржон:-Мен бошимни Зухрага садака этарман, деганидан сўнг Зухражонни уйготдилар.

Зухражон оху-фарёд этиб йиглаб турди. Канизлар килган маслаҳатларини унга баён этдилар. Зухражон хаяжонланиб ҳам ўтириб, ҳам туриб, Гавхарнинг бўйнидан кучоклаб:-Сенга оқ йўқ бўлсин! Тохиржонни кўрсанг менинг ахволимни бир-бир айт. Агар тирик бўлса ўзини, ўлиб кетган бўлса танидан бир нишона келтирассан ва айтарсанки: “Ошик бўлған одам зулм кўрмаклиги бегумондур. Бог ичиди олма норим камолга келибди. Золим Коработир ҳар кун келиб, олма – норимдан юлажак бўлиб, юз-минг кайгу-хасратда кўёдир. Мен боғимнинг дарвозасига коровул кўйиб, ором оларман. Шохнинг зулми оғир келиб, золим Коработир менга кўлини етиражак бўлса, ўзимни ўлдиравман деб кўркарман. Тохиржон мунингдин ор-номусга, хиёнатга колмасин! “-деб йиглади. Гавхар киз:-Агар Тохирни келтирмасам, номард бўлай,-деб аҳд килди.

Шундан сўнг Гавхарни юбормок учун, йўл анжомини хозирлаб, унга қаландар либосини кийдириб, бир хуржун тилло билан нортуяга

миндириб, Зухра киз канизлари билан қайтдилар. Тохирни жуда соминиб, бир газал айтди:

*Гавҳаржон сен кетсанг ёр сўрогина,
Борсанг Зухра ёринг омон дегайсан.
Сени дейиб ўтлар тушиб қалбина,
Багри бирён кўкси гирён дегайсан.*

*Ёр дейиб ишлабди қанча айёми,
Дилинди ёр деган орзу қаломи,
Ҳажрингда юборди сенга саломи,
Кундан кунга ҳоли ёмон дегайсан.*

*Гоҳи телба каби термулиб туриб,
Гоҳи стимлардек бўйини буриб,
Гоҳо хасталардек ранги сарвайиб,
Узатди ёнимда полон дегайсан.*

*Ракиблар ўт солди ширин жонина,
Душман хушвақт бўлиб сигмас тўниниа,
Висол истаб Зухражоннинг ёнина,
Коработир бермас омон дегайсан.*

*Ошиқ бўлган ширин жоннан кечмасми?
Ёрни суйган ёр лабиннан ичмасму?
Кўркарму ўзимдан, ёрни қучмасму?
Зорланиб, зорланиб гирён дегайсан.*

*Сўзимни айт, диққат қилсин сўзима,
Қора чексун Бобохоннинг юзина,
Шоҳ газаб айлайиб якка қизина,
Килди ул қорага нишон дегайсан.*

*Борсанг Тохирга де: тездан-тез келсин!
Вактимнинг танглигин сўзимдан билсин,
Толси терс бўлса Зухра найласин,
Зухра қизнинг баҳти талон дегайсан.*

Алкисса, Зухра киз сўзини тамом этгандан сўнг Гавҳаржонни йилмояға миндириб, жиловини кўлиға ушлаб боғдан ташкариға чикдилар. Яна бироз зару-зарбодан, лавли жавҳардан юклаб: “Хар ерда факиру-фукар, етим-есирлар бўлса, бу тилло-гавҳарларни Тохиржоннинг бошининг садакаси учун сарф этарсан. Зора, шу садакаларинг

кабул бўлиб Тохиржон топилса”, -деб Зухражон йиглаб, Гавҳарга топшириди. Сўнгра:-Қайси шаҳарга борсанг, шу юртнинг эгалари бўлғон ҳукмдорлар билан якин бўлгил. Улар ҳар ердан хабарли бўларлар ва бошингга иш тушса осон ҳал бўлар. Агар Ҷохирнинг ўзини кўрсанг ё хабар эшигсанг айттилки: “Дарҳол етиб келсин”, -деб Гавҳарни шаҳардан ярим манзилгача узатиб борди. Шул замонда Воҳид деган бир каландар бор эрди. Ул Шахрижон отлиг бир кизга ошик бўлиб, унинг ҳасратида куйиб, маст бўлиб, шаҳарма-шаҳар, кўчама-кўча сўроғлаб кезар эрди. Шул каландар буларга дучор бўлди. У айтдики: -Эй Зухражон, сайил муборак бўлсин. Сен бу ерларда не сабабдан юрибсан,-деди. Зухражон жавоб бермасдан тўғри ўтиб кетаверди. Шунда Воҳид каландар Зухранинг олдига ўтиб, бош этиб салом берди ва айтдики: -Эй ошикларнинг подшоси! Дарли-сирингни менга айт деб йиглаб ёлворди. Зухра киз кетиб бораётирған срида тўхтаб: -Эй девона -каландар, бу йил етти йил бўлибдирки раҳм этиб, мунингдин этиб аҳволимни сўргон одам бўлмади. Сен накора раҳм-шафкатли, меҳрибон одамсанки, мендан хабар сўрайсан,-деди. Шунда Воҳид каландар: -“Зар қадрини заргар билар”-дейибдурлар. Агар сен менга аҳволингни баён этмасанг мен ўзимни ҳалок этарман, деб йўлига равона бўлмок билан бўлаверди. Шунда Зухражон кўзидан конли ёш тўкиб: -Эй каландар! Сен ҳам менинг учун ҳасрат чекма. Ҳар не ғам чексам, ўзим чекайин. Аммо мисдан хабар сўрсанг, хабаримни берайин-деб зор-зор йиглаб бир газал айтди:

*Воҳид мендан хабар сўрсанг,
Бир ёр учун саргардонман.
Кошки ёрдан хабар берсанг,
Дилдор учун саргардонман.*

*Саргайиб сўлди гул юзим,
Заҳар бўлди ширин сўзим,
Тоҳир кетди, қолдим ўзим,
Озор учун саргардонман.*

*Кўрсам ёринг қадди бўйин,
Хақ мұяссар қылса рўйин,
Ғам олибдур қалбим уйин,
Ғамхўр учун саргардонман.*

*Вайрон бўлсун тоғсу-тахтим,
Ёрни деб юрагим ёхдим,
Ғафлатдан уйгонмас баҳтим,
Бемор учун саргардонман.*

*Боғларда битган сунбулим,
Тар гүнчадек тоза гулум,
Гулдан айралгон булбулим,
Гулзор учун саргардонман.*

*Еттиң үйл дарёда оққан,
Шум толеим айро согон,
Зухра дейиб бағрин ёққан,
Ул нор учун саргардонман.*

*Келди айролық лашкари,
Мен найлайин сийму-зари,
Ёра гүндаргил Гавҳари,
Ул ёр учун саргардонман.*

*Сиз айб этманг Зухрани,
Құзларман мен Тохиржонни,
Найларман ёхти жаҳонни,
Дийдор учун саргардонман.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этди. Вохид каландар: -Эй Зухражон! Бир оз сабр эт, сенга бир арзим бор, истасанг айтгайн!-деди. Зухражон:- Айт, не арзинг бор!- деди. Шунда Вохид девона:- Гавҳаржон бир кимматбаҳо тошлур, унга ҳамма одам харидордур. Гавҳарнинг сиртини ҳар зот билан безасанг ҳам ичидан маълум бўлар.

Агарда сиз Гавҳар кизни каландар сифатида узок юртларга юборсангиз йўлда не кўп карокчилар кўп, улар буни тутарлар. Албатта, Гавҳар ҳар кимнинг кўлига тушса, бўйнуға тумор этиб тақарлар, сенинг хизматинг ҳам битмас, Гавҳар киздан ҳам айриларсан. Агарда сўзимни кабул этсанг, шул хизматингни Гавҳар кизга эмас менга топширанг, шул хизматингни мен битиравман. Менинг аслимни сўрсанг, менинг ўзим афғоннинг Қобул шахридан бўларман. Мен ҳам Тоҳир янглиг бир дали каландарман. Бағдодла Шахрижон леган кизга ошикман. Каландарнинг ҳолини каландар билади. Мен эр киши бўлганим учун ҳеч ким менга кўл ҳам, тил ҳам тегдириб билмас. Сенинг шу ишингни мен битиурман, мендан боиқа битириб билмас. Гавҳаржон сен билан боғларни сайд этмакни билади, холос,- деди.

Шунда Зухражон: -Мен бир толе юз ўғирган одамман. Сен ҳам ваъда бериб, яна бир шахарда бир кизга дуч бўлиб, мени ёдингдан чиқараарсан, деб кўркаман, -деди. Вохид айтдики:-Эй Зухражон, иккаламизнинг орамизда Худонинг улуғ отидан аҳд бўлсин.

Мен Тоҳирни топиб сенинг олдингга олиб келмагунча ором олмасман, -деди. Бу сўз Зухражон ва Гавҳар кизга маъкул тушибди. Улар

маслахатлашиб Гавхарни кайтариб, Вохидни юбормокчи бўлдилар. Зухражон Вохид каландарга бехад тиллалар бериб, йилмояни хам топшириб: -Эй каландар! Шариатда шарм йўк. Менинг олмаю-норим камола келибдур, мунда золим Коработир харидор бўлиб, ҳар кун келур. Аммо бир баҳоналар билан ўзимни сакларман. Агарда мева пишиб ўтилашиб жетса, тулки-шоғоллар пайхон этиб зоя этар. Щунинг учун Тохиржон тез етиб келсин,-деб Вохидга оқ фотиха бериб, зор-зор, чун абри навбахор йиглаб бир газал айтди:

*Вохид кетар бўлсанг мундин,
Жоним сўйган жонни гатир,
Ёрим нечун кельмас андин,
Ўйим зиёда кун-кундин,
Ширин жоним чиқар тандин,
Пинҳон сирим ўйқдир сандин,
Сен ҳам ал кўтарма мандин,
Ал кўтармам бу ватандин,
Ўлоим айролиқ дардиндин,
Дардима дармонни гатир.*

*Менинг учун ёниб – қуйган,
Гулногин ҳар ёна ёйган,
Чин ҳақиқат дўстман деган,
Ишқинг сариштасин еган,
Ҳар кима бир сирин деган,
Юрагимда дөглар қўйган,
Кошимда зар - зарбоф кийган,
Рақиб дийдориниан тўйган,
Ёнар ўтима сув қуйган,
Ёлғончида кўнглим сўйган,
Ўйгон, қора баҳтим, уйғон!
Туганмас давронни гатир.*

*Кўнглим таъвас этар ёрни,
Мавэс урад ишқининг бозори,
Камол тоғмиш олма - нори,
Булбулим ўқ қисса зори,
Кўринса ёрнинг дийдори,
Дийдорининг харидори,
Садақа дунёнинг бари.
Инжаладур гулногин тори,
Оишқининг помуси ори,
Бу кун эди шилдан бари,*

*Корим ёрнинг охи зори,
Ул чаими гирёни гатир.*

*Гам дарёсина гарқ бўлгон,
Шоҳ жонина газаб қилгон,
Севар ёриндин айрилгон,
Мажнундек девона бўлгон,
Лайли каби бағрин тилган,
Ишқнинг тигин жона чолгон,
Гул манзги саргайиб - сўлган,
Дарагин билмас ҳеч келган,
Ишрати йўқ бизнинг билан,
Билмам тирикми ё ўлган,
Бизнинг билан ваъда қилган,
Ул аҳди ёғонни гатир.*

*Ёрим анда ақти ҳайрон,
Қўзларим йўлинда гирён,
Фалакдин чоки гирибон,
Юрагим қон, бағрим бирён,
Богларим қолди бесайрон,
Ёрим қанда чекар армон,
Ошикчардин ўтти даврон,
Қарорим йўқ юзинг кўрмон,
Топмайни дардимя дармон,
Ёқди мани рӯзи ҳижрон,
Зухра деяр, ман саргардон,
Беақ подонни гатир.*

Алкисса, Зухражон сўзини тамом этди. Вохид:-Эй Зухражон, мен Тохирни кайси нишоналидан таниб оларман? -деб сўради. Унда Зухра: - Ҳар шахарда ва кальяға борсанг, оху- фигон билан нола килиб “Ишқнинг элинда менинг каби куйган борму?” - деб зору- гирён килсанг, санинг оху- нолангни эшитса, Тохиржон бир лахза хам сабр этиб туриб билмас. Ўзи ўрга бўйли, калам кошли, зарафшон кокилли, ишқ ўтига куйган зебо йигигтидир, деди. Вохид каландар оқ фетиха олиб, отини кўйиб йилмояга минди ва карвонга қўшилиб, кайдасан дарёning оёғи деб йўлга равона бўлди.

Вохил бир неча манзил йўл юриб, тогларни ошиб, чўллардан ўтиб охири катта бир шаҳарга етиб келди. Бу Багдод шаҳри эрди. Каландар бу шаҳарга кириб, кўчаларини, масжид-мадрасаларини айланиб, хам Тохиржонни сўраб, хам нолиш килиб: “Бу шаҳарда менингдек ишқ ўтинда куйган дали-девона борму?”-деб бораверди. Аммо ҳеч кимдан

сас-самар чикмади. Вохид бу шахардан ўзига дардош тоимасдан шахардан чикиб сахроларға равона бўлди. Йўлда катта бир бокка йўлиқди. Бонгнинг теграсида ўтириб: “Эй ёронлар, менинг каби ишк йўлида гирён борму?”-деб нола килди. Бу боғда бир неча шахзодалар, бекзодалар, сарой амалдорларининг болалари, сохиблар сайр этиб юрар эрдилар. Буларнинг ичинда юрган бир зебо йигит-Тохирга Вохиднинг кўзи тушиб-Дўстлар, ишк элинда мендай бағри куйган борму?-деб зору-фарёд килди. Бу сўз ҳалиги йигитнинг қулогига ёкиб тушди. У ёниндағи йигитларга:-Йигитлар! Сизлар бир оз тўхтаб турсангизлар. Мен ана шу одамнинг бориб хабарини бир олайн,-деб ҳалиги қаландарга қараб бир мухаммас айтди:

*Дилдиро, ёдинг билан сийнамда гам кон ўлди, кел!
Ҳасратинда бузилиб, ҳолим паришон ўлди, кел!
Жам бўлиб гам лашкари, дил ичра меҳмон ўлди кел!
Сен сабабли зори кўнглим шаҳри вайрон ўлди кел!
Ишкি ҳазеринан жигарим лахта-лахта қон ўлди, кел!*

*Хар гула сайр айламанг, руҳсори-богинг бўлмаса,
Ким эрур ҳамдам манга, ҳизкорни додинг бўлмаса,
Шом эрур кундузларим, ҳусни-чиrogинг бўлмаса,
Истагим қанду исал, ширин дудогинг бўлмаса,
Кўнгилда дунё боги, боги эҳсон ўлди, кел!*

*Сарви қад, руҳсори хушсиймин бадан, гул юзли ёр,
Истадим ширин висолинг, дардга қолдим бешумор,
Самонинг анвари сан, ёр юзинда лолазор,
Алмудом вастинг тилаб, тани ичра кўнглим бекарор.
Ёрни деб агёрдин маҳруми даврон ўлди, кел!*

*Қошлигинг ёй, кипригинг ўқ, куйган бу жонимга от,
Гар мени қати айласа, улдур бу жонимга роҳат,
Лабларининг шарбатин тотған тонар доим ҳаёт,
Ошигин маъшуқ агар ўлдирса, бўлгай руҳи шод,
Рахм қил еткур манга, сурати бежо ўлди, кел!*

*Нозли ёр сайра чиқмииш, васфини айлайин баён,
Подиоҳи ҳусн эрур, бешак муслимадур аён,
Кокили сарв узра жонига балойи-ногаҳон,
Туби бўйли, маҳвашим бўлгач назаримдан ниҳон,
Хар тараф бўй чекмади сарви хиромон ўлди, кел!*

*Тоҳир, ёд айларам шому саҳар ул маҳваси,
Лайро солди, Зуҳра жондан бу фалакнинг гардииш,
Истарам дилдордин хабар келтириса бир киши,
Ҳажеридан Қақнус каби сийнамга солиб оташи,
Ушбу ҳолими кўриб, коғир мусулмон ўлди, кел!*

Алкисса, Тоҳир сўзини тамом этди, Воҳид бу Йигитнинг ҳасратли сўзидан Тоҳир эканин билib, масти-мастона бўлиб, Тоҳирнинг қошига бориб бир газал айтди:

*Дўстлар, тақдир азал кўнглум аро ясо қилди ишқ,
Кунда юз меҳнат билан бошимни гавго қилди ишқ.*

*Дайди итлардай кезарман чор тарафга термулиб,
Нақди умрим ҳосилин бир дамда ёғмо қилди ишқ.*

*Қонли бағримни кабоб этди, солиб сийнамга дод,
Лабларимни ташна, кўз ёшимни дарё қилди ишқ.*

*Йиглабон, шу кўзларимдин ашк тўкилди, наилайн!
Кўзларимни кўр этиб, кўнглима бино қилди ишқ.*

*Кунда юз қатла ўларман ким, яна юз тирилиб,
Махрами-мавт ўлмуниам, маҳруми дунё қилди ишқ.*

*Хижроннинг водийсинда, саргардон кезарман ночор,
Бошимга тош ёғдириб, ҳолими расво қилди ишқ.*

*Ёрдан чекдим оёқ, бир дам фарогат бўлгали,
Кўнгул ичра ясо бўлиб, ёрни таманно қилди ишқ.*

*Бир парига бек бўлиб, келдим ки Тотор шаҳридин,
Ёр қўйинда бас они мажсуну шайдо қилди ишқ.*

*Ошиқ айтар Воҳид, ишқ ўйлинда мардона бўл,
Ишрат уйин банд этиб, ҳасрат уйин во қилди ишқ.*

Алкисса, Воҳид қаландар сўзини тамом этди. Шу вактда Тоҳиржон келиб Воҳиддан хабар сўради. Воҳид ҳам жавоб берди. Тоҳиржон билан Воҳид қаландарнинг савол-жавобли шеъри:

*Тоҳир:
Хабар бергил Воҳид, қайдан келарсан?
Не сабабдин тушдинг бизинг бу ясойга?*

**Ҳар онингда юз-минглаб оҳ урарсан,
Оҳинг ўққа манзар қоматинг ёйга?**

Воҳид:
*Гашт айлайиб чиқдим Тотор юртидин,
Ўзим каби саргардонни изларман.
Эй шаҳзода, сўрсанг менинг дардимдан,
Дардим чўхдир, бир дармонни изларман.*

Тоҳир:
*Тотор деб сўзлаган тилингдан дўнам,
Сенданам ортиқроқ саргардон манам,
Алмудом бир қизнинг ишқинда ёнам,
Сочи тунга мензар, юзлари ойга.*

Воҳид:
*Чарх уриб кезарман согу сўлларда,
Зухра юбормишдир, кўзи йўлларда,
Топмасам, дурманам улуг эмларда,
Жиссим олиб кетган эконни изларман.*

Тоҳир:
*Воҳид, нечун кўп оҳ чекиб сўзларсан?
Бир пинҳон сиринг бор, мендан гизларсан,
Қайси боғнинг боғбонини кўзларсан?
Ростин дегил, банда бўлсанг Худоя.*

Воҳид:
*Бир пари юборди, ўзи ул жойда,
Хижрон заҳрин ютар, қўлинда бода,
Шоҳнинг газабидин дали дарёда,
Оқиб кетган бенишонни кўзларман.*

Тоҳир:
*Булбуллар сайраюр ёрнинг боғинда,
Кизлар сайрон этиб кезган чоғинда,
Нечук қаландарсан ёр сўргинда,
Үтлар солдинг қалбим ичра сароя.*

Воҳид:
*Келтир дейиб, мени ундан юборди,
Оёғимдан ўтиб онча ёлборди,
Унга сен ёр дегил, вақтинг хуши эрди,
Ишқда қўйган потавонни кўзларман.*

Тоҳир:
*Тоҳир деяр, келмагайдим жаҳона,
Зухранинг ҳаёқринда бўлдим девона,
Бузун бўлар менга охирзамона,
Гар етмасам унинг каби хўброя.*

Воҳид:

*Воҳид айтар, бошим солдим майдона,
Карбало итидай кездим ҳар ёна,
Шаҳри қизга ошиқ бўлиб гойибона,
Очишмаган таргунчани изларман.*

Алқисса, Тоҳир: “Бу ҳам менинг каби бағрини ишкка ёқкан қалаандар эркан. Аммо азалдан гап борки, қаландар ҳалки ёғончи бўлар. Ёғон сўзлар, мени аввалгидан балттар ахволга солиб, ҳолимни хароб айламасин. Ул Зухрани қўрибму, қўрмабму, шуни билайн”, -деб туянинг жиловидан икки қўли билан товлаб тутиб:

-Эй ошиқшарнинг шаҳаншохи! Ул аввало Худони, сўнгра ҳазрати шайғамбар расулиллоҳни ўртага кўйиб тўғрисини айт. Менинг ишқ ҳижронида куйган бағримни янада ёқма! деб йиглаб бир абёт айтди, қаландар ҳам жавоб берди.

Тоҳир:

*Воҳид тезда ҳабар бер саволимнинг жавобин,
Ҳабар бер, нозли ёни сен не ахволда қўрдинг?
Ўзимга ҳамроҳ этдим ёрнинг солган азобин,
Итларга шам қиласман куйган бағрим кабобин,
Ҳабар бер, нозли ёни сен нечук ҳолда қўрдинг?*

Воҳид:

*Санг жавоб айлайин ёринг қилган саволин,
Мудом ёр деб йиглаюр, мен шундай ҳолда қўрдим.
Наргис каби қўзидин оқдириб ашқи-олин,
Ҳижрон шабинда истар, ёрнинг шамъи-жамолин,
Кечакундуз йиглаюр мен бундай ҳолда қўрдим.*

Тоҳир:

*Мажнуним фирогинда тогу-тошини кезарман,
Мажнун каби саргардон, кўйинда дарбадарман,
Қақнусдек олов ютиб, оташга сайдар этарман,
Бугун бу ҳолда, эрта кўр, не ҳолга етартман,
Ҳабар бер, нозли ёни сен нечук ҳолда қўрдинг?*

Воҳид:

*Қўшиқда тунлари бедор, чекдиги оху-зордорур,
Сабрнинг ўйин бузиб, алмудом бекарордорур,
Қўз ёшининг рангидин гул юзи лолазордорур,
Қўшиқи мисоли зиндан, жаҳон кўзина тордорур,
Мен сенинг нозли ёринг, бекарор ҳолда қўрдим.*

Тоҳир:

*Гул юзини кўрмасам, ҳар ҳафтада, ҳар ойда,
Бу кўнглим тоқат қилас мас мотамхона саройда,
Кайтмам ишқининг ўлидин, чиқса жоним шу қўйда,*

*Кўрмасам Зуҳрајсоним, туробилмам бу жойда,
Хабар бер, нозли ёни сен нечук ҳолда кўрдинг?*

Воҳид:

*Шоҳнинг қизи шаҳзода, кўйингда бир гарифбодур,
Ҳақиқингда заъфарондек гул юзи саргариббодур,
Оқисиз жона оғир юк-ишик ичра ким кўриббодур,
“Мақсадга етмадим..”-деб, тўрт ёнга телмуриббодур,
Мен сенинг нозли ёринг бўйла аҳволда кўрдим.*

Тоҳир:

*Жонон учун жон чекиб, ширин жоним берурман,
Ёнинда кўрсан агёр, ўзим ўтга уурман,
Ёлгиз бошим йўлинда, хизматинда туурман,
Чин ошики дийдорман, ёр жамолин кўурман,
Сен менинг нозли ёрим нечук аҳволда кўрдинг?*

Воҳид:

*Кечакунидуз уйку йўқ, кўшки устинда бедор,
Ситам ўқин отарлар дегра-дошинда агёр,
Ёр саломин келтирибдим, қошинда қилдим изҳор,
Лол бўлиббодур тиллари сўзламас тўти гуфтор,
Ғам-аламга гарқ ўлмиш, бўйла аҳволда кўрдим.*

Тоҳир:

*Балладим, ёр лабиндин қайси ташна қониббодур,
Булбул кетиб юртидин, зоглар келиб қўниббодур,
Оҳим етар османа, бағримда ўт ёниббодур...*

Етти ошиқ ўтиббодур, ким мендек ўртаниббодур?

Тоҳир дер, Зуҳрајсонни сен нечук ҳолда кўрдинг?

Воҳид:

*Қизлар ичинда сархуши, ажаб сарви-хиромон,
Ҳасратингда қон ўиглар гул юзли моҳитобон,
Устихонии кул этмиш айролик рўзи-ҳисекрон,
Кўнглида юзминг армон, кўзлари хуни гирён,
Воҳид дер, Зуҳрајсонни, мен бўйла ҳолда кўрдим.*

Алқисса. Тоҳиржон билан Воҳид қаландар сўзларини тамом этдишар. Воҳид айтдики: -Эй йигит, агарда Тоҳир сен бўлсанг, мен Тотор вилоятидин сенга келган совчи бўлурман. Тотор вилоятининг кизларининг шаҳаншохи Зуҳражоннинг юраги кон, жигари бирёй, дийдаси гирён, акли хайрон, боғлари бессайрон, ошуфтай даврон, кўшки ўзина зиндан, иши афгон, чекдиги фигон, душманлари шодон, кўнгли аламда, кўзлари намда, хотири ғамда, жони ситамда. дунёдан кечиб, кечакунидуз сенинг йўлинга караб, сенинг орзуингладур. Золим Коработир уни олмок ниятида Зуҳражоннинг устига кунда беш вакт келиб кетар. Аммо Зуҳражон ёлвориб-ёкариб, турли хил талбирлар била

уни юборар. Ул Тотор вилоятинда бир мусофириң күн кечирад. Агар кетар бўлсанг тез йўлга отлан. Агар кетмасанг, менинг рухсатимни бер, мен сенинг хабарингни тезда Зухражонга етказай,-деди.

Тохир бу кишининг Зухра томонидан жўнатилганини билиб, ўрнидан туриб кучоклашиб кўриши ва Зухрани ўз кўзинг билан кўрдингму, сўзини кулогинг била эшитдингму,-деб сўради. Воҳид-Бале, ўзини ҳам кўрдим, сўзини ҳам эшитдим. Сенинг учун бор дардини баён этди. Мана бу саломномани ҳам сен учун юборди,- деб унинг кўлинига хат тутказди. Тохир хатни аввало кўзига суртиб, сўнгра очиб ўқиди, хатнинг мазмунни бул турур:

“Аввало бисмиллохи раҳмонирраҳим ва сўнгра Мухаммад Мустафо алайхиссаломга сано ва дуруд. Мен ишк ўтиға куйган Зухра гарип тарафидан олийжаноб Тохиржонимга, поки домонимга, ҳасратли сарви хиромонимга, муҳаббат моҳитобонимга! Арзим шулдур: Худойим сиз жаноби олийни ҳамма балои бадтарлардан омон саклаб, бир-биримизга адабий ковушмокни мусассар этгай. Сиз, мен ожизи нотавонни ҳасрат доғида ва хижрон зулмининг доғида тацлаб кетдингиз. Сиз кетгандан бери ҳар куним йилдек бўлиб, оху зоримдан Бобохон омонга келди ва кизим балогат ёшига етибдур, деган ўйга келиб мени қўшин боши Коработирга никоҳлаб бермокчи бўлди. Мен ҳам бу сўзни эшитиб, ўзимга уч марта ҳанжар урмокни ният килдим. Аммо канизларим билиб колиб, мени бу ишни қилишимга йўл бермадилар.

Бир куни Коработир менинг ботимга пинхон келиб, учрашмокчи бўлди. Мен уни калтаклаб, хайдаб юбордим. Лекин ул ҳозирда ҳам менинг кўнглимни овлаш максадида келиб туради. Лекин мен гоҳида хийла билан, гоҳида қаҳр-ғазаб билан уни боғдан чикариб юбораман. Менинг ҳавфим подибо билан унинг фикри бир куни бир жойдан чикиб, менинг ҳолим забун бўлмасмикан, деган ўйдир. Шунинг учун ушбу хатни олган захоти ё мендан кечганлигингни билдири ёки келиб менга эгалик кил. Киши ошиқликда жабр-ситам чекар. Бир марта шоҳ ғазабига дуч бўлдим деб, онди камолга етган гулзорни эгасиз колдирмок гуноҳдир. Сўзим тамом, Худой таоло омонлик берсин”.

Тохир хатни ўқиб, бехуш бўлиб йикилди. Сўнгра хушига келиб: Зухрани кўрган кўзларингдан айланайин, деб Воҳиднинг оёғига бош кўйди. Тохирнинг юрагига ўт тушиб, ўтирган-турганини билмас, гўё ойнага тушган қўёшнинг ёлкинидай ҳар ёкка чайкалар эрди.

Сўнг Тохир маслаҳат килиб Воҳидни мусофирилар карвонсаройига олиб борди. Воҳидни ул жойда кўйиб, унга хизмат айлаб, меҳмон килди. Кейин:

“Эй шоҳи Қаландар, сен бу жойда ўлтириб тур. Мен ҳам бу шахарда меҳмон эруман, бориб шоҳдан рухсат тилаб кайтаман, леди.

Тохир Одилшоҳнинг хузурига бориб, бош эгиб салом берди.

Подшо алик олиб ўтиришга ижозат берди. Тохир:

-Эй Сулаймон салтанат, Искандар шавкат, шохим, азиз киблаохим, сизга икки оғиз сўзим бор деб, бир абёт айтди:

*Зухра жеоним манга салом юбормиши,
Шохим, манго руҳсат берар қунингдир.
Кўшиқида йиглайиб, беқарор эрмиши,
Шохим, манго руҳсат берар қунингдур.*

*Мусофирам бул Багдоднинг шаҳринда,
Ал мудом қуярман ишқининг бағринда,
Қўзим қонда, лабим ҳизжрон заҳринда,
Бугун манго руҳсат берар қунингдур.*

*Ёрим анда йиглар, мени келсин деб,
Келиб дол гарданга қўлин солсин деб,
Ёки Зухра жеондан жудо бўлсин деб,
Бугун манго руҳсат берар қунингдур.*

*Мени кўп қийнамиши нозанин дилбар,
Ёрнинг ҳизжронида қағбим саросар,
Дийдоринг тиларман то рўзи маҳшар,
Манго бугун руҳсат берар қунингдур.*

*Бир қосид келтирмиси ёрнинг наёмин,
Қўз ёшидан ёзмиси ёрим саломин,
Ёд этмиси сабоқдоши ўқиб қаломин,
Тоҳир деяр, руҳсат берар қунингдур.*

Тоҳир сўзини тамом этди, шохнинг оёғига йикилиб йиғлади. Шу ердаги барча кишилар хам йиғладилар, боргоҳ гўё ёсхонага дўнди. Шохнинг хам кўнгли бузилиб:

-Аввалдан сен билан ошно бўлмасак яхши эрди. “Ошно бўлиш осон, айрилиш мушкул”, деган накл бор. Бу накл чин экан, деди. Подшо яна бир ўй-фикр килиб:

-Эй Тоҳиржон, бу максадингдан кайт, истасанг подшолигимни, кизимни хам сенга берайин,-деди.

-Агар руҳсат киласангиз бу йўлда ўлиб кетарман,-деди Тоҳир.

Шунда подшо:- Тоҳир, бошингни кўтар, қайси томонга кетсанг хам бобонг руҳсат берур-деб бир абёт айтди:

*Шоҳ руҳсат бермас деб ҳазар айлама,
Кетар бўлсанг узоқ йўллар сеники.
Аммо ўзга элни гузар айлама,
Шоҳнинг мулки, улус-эллар сеники.*

*Шамол эсар фасли баҳор чогида,
Гиёҳ унур тумани бўлар тогида,
Сайрон этсанг шахри Багдод богида,
Тар очилган тозагуллар сеники.*

*Беклар билан мажелис қурсанг май ичсанг,
Багдодга бел боғлаб ўзгадан кечсанг,
Соғу сўла сарфлаб, ҳар ёна сочсанг,
Шоҳнинг хазинаси, қуллар сеники.*

*Қадринг билган жойда кезсанг ҳам кечсанг,
Давлат барор бўлмас ҳар ёна кўчсанг,
Дол бедовлар миниб, хур қизлар қучсанг,
Узун бўйли инжга беллар сеники.*

*Одил шоҳ дер, менинг қадрим билмассан,
Кунда юз ёлборсам пандим олмассан,
Ўларсан, кетарсан, қайтиб келмассан,
Кўзларингда қонли селлар сеники.*

Подшо сўзини тамом этиб:-Эй Тохиржон, мендан сенга руҳсат, аммо етти йилян бери сени тарбия этган, боккан энаганідан руҳсат тила хамда сенга кўп вакт хамроҳ бўлган Моҳимжондан ҳам ижозат сўра, эндиликда бизга сени кўриш ё насиб килар ё йўқ, деди.

Тохир бул сўздан хушвакт бўлиб, хоним билан Моҳимжоннинг ёнига бориб, таъзим билан руҳсат сўраб бир абёт айтди:

*Жоним онам, руҳсат бергил ўғлингга,
Гашт айласин шахри Тотор юртинга.
Мұхаббат шарбатин олиб қўлингга,
Дуо айла, мен гарифнинг дардина,*

*Севдигим ғамгинидир Тотор элинда,
Орзуим қўнглида, отим тилинда,
Бир телба подонам ишқининг йўлинда,
Сигинишам зранларнинг мардина.*

*Зухрајсон солланса мен назар солсам,
Армонда қолурман күрмайин ўлсам,
Зухранинг йўлида садпора бўлсам,
Мен ҳам тутгум таним тиги сардина.*

*Кул бўлсин, соврилсин суратим, ясоним,
Бизмасин бир кимса ному нишоним,
Дилбарим қошинди тўклилсин қоним,
Кўрбон ўлам ёрнанг оху сардина.*

*Тоҳир деяр, раҳм айлагил бу ҳола,
Ташна қулинг қондир баҳри висола,
Дилим наво истар юзда минг нола,
Кулоқ сол, кўнглимнинг оху сардина.*

Алқисса Тоҳир бу сўзни тамом этди. Ундан кейин Моҳимжоннинг энагаси Тоҳирнинг бу сўзларига қаҳри келиб бир абёт айтди. Тоҳир ва Моҳим унга жавоб бердилар.

Энага:

*Кетарман деб, биздан руҳсат тиларсан,
Беі болгабсан Зухрајсоннинг йўлина.
Бахти қаро нотавонни нағларсан,
Раҳм ўтмайсан Моҳимжоннинг ҳолина.*

Моҳим:

*Тоҳиримга бундай сўзлар демагил,
Борсин, келсин мақсад этган ёсойина.
Кўйсан мен куяйин, Тоҳир куймасин,
Мен бугун ботмишам гамнинг лойина.*

Тоҳиржон:

*Зухра ёсонани мидир, Моҳимжон ёсонаим,
Йиглама Моҳимжон, кетсан келарман.
Нечук тарк этарман сен меҳрибоним,
Йиглама Моҳимжон, кетсан келарман.*

Энага:

*Жонин кўрбон этди Моҳимжон санго,
Ҳен парво қалмадинг сен боқмай анго,
Оғзидан ўт чиқар, қулоқ тут манго,
Назар айла кўздан оққан селина.*

Моҳим:

*Кечмишам дунёда сим ила зардан,
Ёшим оқдиарман бу чаими тардин,
Зухра деб Тоҳирим кетсанг бу ердан,
Боқмасман дунёнинг куну ойина.*

Тохир:

*Бошима тушубдур айрилиқ куни,
Сенга фидо қалдым жон ила тании,
Рози бүл Бобохон ўлдирса мани,
Йиглама Моҳимжон, кетсам келарман.*

Энага:

*Моҳим санго бўлди дарёда раҳбар,
Сандиқдан чиқарди келди деб оилбар,
Багрида дөг кўйдинг то рӯзи-маҳишар,
Фаҳм эттади сен маккорнинг олина.*

Моҳим:

*Сандиқдан чиқардим манго ёр деди,
Яна сўрсам гайри ёрим бор деди,
Тотор қизларина кўзим зор деди,
Ул кун қайгу тушди қўнглим уйина.*

Тохир:

*Бири товус, бири қўлнинг сўнаси,
Ёқди мени икка қизнинг поласи,
Руҳсат берсан Моҳимжоннинг энаси,
Йиглама севгилим, кетсам келарман.*

Энага:

*Моҳим билан беш кун ўйнаб-кулмадинг,
Илтифотигар била назар солмадинг,
Сенга қўнгил берди, қўнглин олмадинг,
Нечун келдинг, шахри Багдод элина?*

Моҳим:

*Гул юзинг кўрмакка қўнглим ҳавасдир,
Бевағога жафо чекмак абасдир,
Зуҳра даврон сурса бизларга басдир,
Биз беш кун қўвонидик қадди бўйина.*

Тохир:

*Вой гамзанг ўлдирди, бундай сўз қурма,
Тиг била ўлдиргил, сўз била урма,
Ноз била ёндирма, қошлиаринг бурма,
Нозлум гамгин бўлма, кетсам келарман.*

Энага:

*Хоним деяр руҳсат берайин, болам,
Оҳимдан ўртанаар бу кулли олам,
Моҳим билан йиглаб мен бунда қолам,
Қачон сайр этарсан Багдод элина?*

Моҳим:

*Моҳим деяр, алиф қаддим букилди,
Рақиб сози шодиёна қоқилди,*

*Йўлинг қараб кўзим нури тўкилди,
Аввал нега тушдинг ишқининг йўлина?*

Тохир:

*Тохир деяр севдим икки парини,
Тоторда Зухрамон, Багдоода сени,
Ўзининг озорлаб, йиглатма мени,
Рухсат бер Моҳимжон, кетсан келарман.*

Алкисса, савол-жавоблар тамом бўлди. Шунда энага: -Эй Тохиржон! Кайда бўлсанг, омон бўл! Мендан сенга рухсат. Сен мени чиккисиз дардга кўйдинг. Қизим сендан вафо ўрнига жафо кўрди, леди. Бу сўздан кейин Моҳимжон:-Эй эна, Тохиржонимга бундай сўзларни айтма, у мусофири киши, мусофири одамнинг кўнгли нозик бўлади. Мен унинг жафосини ҳам вафо ўрнида кўрарман. Умримни Тохиржонга бағишлаганман. Мен анча вакт бирга бўлиб унинг висолидан баҳраманд бўлдим. Энди висолининг хижрон даври келди. Ҳар кандай роҳат азобдан кейин етиб келади. Шул вактда Тохир чусту чобук ўрнидан туриб Моҳимга таъзим бажо килди. Шундан кейин Моҳим ҳазинага кириб, Тохиржонга шоҳона лиbosлар кийдирди, бошига мурассаъ тож, белига ҳанжар такиб, устига соябон тутди. Шу ҳолда Тохирга бокиб, унинг гўзал коматини кўриб, бехуш бўлиб йикилди. Канизлар юзига гулоб сепдилар. Бир соатдан сўнг боз ҳушига келди.

-Эй нури дийдам, сени бу зебу зийнат оғушида яна бир кўришни Худо мусяссар килармикан,-деб зор йиглади.

Подшоҳ ҳазинасида кадимдан бери бир кўшбог бор эрди. Ул кўшбогни Сулаймоннинг хотини Билкис жин подшоларига буюриб тўқитган эрди. Кўшбог тилсимли бўлиб, уни ким белига боғласа, юз йил саёҳат этса-да, чарчамас ва мудом йигирма беш яшар кишидек киёфасини йўқотмас эрди. Бу кўшбогни Одил шоҳ ўғил фарзанди йўқлиги учун кенжা қизи Моҳимжонга совга килган эрди. Моҳимжон кўшбогни чикариб Тохирнинг белига боғлади ва уннинг бўйнига кўлини солиб зор-зор йиглади. Тохирнинг кўлида Зухранинг исми ёзилган бир узук бор бўлиб, уни Тохир дарёга ташланиши олдидан Зухра эсадлик учун берган эди. Бу узукка бокиб Моҳимжон:

-Эй Тохиржон, шу узук сен ва Зухрадан менга ёдгор бўлиб колсин. Ҳар вакт сени кўнглим истаса, унга бокиб, сени кўргандек бўлиб, кўнглим тасалли топар,-деди. Тохир бунга рози бўлди. Шундан сўнг Моҳим ҳазинадан бир хуржун тилло келтириб, уни бир йилмояга юклаб, Тохирни устига миндириб, бир жиловида ўзи, иккинчи жиловида энагаси, ёнларида кирк канизлари билан юриб:

-Эй Тохиржон, азиз умримни сен учун барбод килдим, шоҳ қизи билан айш-ишрат килсанг, мен бечорани ҳам унутмагил,-деб йиглади, шунда энага ва канизлар ҳам йиглашдилар ва Тохирга рухсат бердилар.

*Моҳим ҳизирон ўтида қоврилиб, бир газал айтди:
Эй Тоҳирим, кетсанг Тотор юртина,
Бор, Тоҳирим, сог бор, омон келгайсан?
Дуо айла мен гарбинг дардина,
Жон Тоҳирим, сог бор, омон келгайсан!*

*Мундин кетсанг узок йўлларга тушиб,
Лича-мунча баланд тозглардан онив,
Зухрајонга сог-саломат қовушиб,
Бор, Тоҳиржон, сог бор, омон келгайсан!*

*Фурқатдан сўлдирма гулу руҳсаринг,
Пирлар мадад берсин, Ҳақ бўлсин ёринг,
Яна тезда насиб этсин дийдоринг,
Бор, Тоҳиржон, сог бор, омон келгайсан!*

*Ўтди висол, келди айрилиқ куни,
Кўнглимнинг хушлиги, кўзим равшани,
Ёруг дунём гумон этардим сани,
Бор, Тоҳирим, сог бор, омон келгайсан!*

*Қулоқ солиб эшиит менинг бу сўзим,
Ўзгани кўзласам, кўр бўлсин кўзим,
Мудом сенсиз сарик бўлар гул юзим,
Бор, Тоҳирим, сог бор, омон келгайсан!*

*Мен нечук чекарман бу ёвуз дарди,
Бугун ҳаром бўлди Багдоднинг юрти,
Моҳимжон қошингда руҳсатин берди,
Бор, Тоҳирим, сог бор, омон келгайсан!*

Моҳим сўзини тамом этиб, йилмоянинг жиловидан ушлаб борар эрди. Тоҳирин Моҳимнинг ёнида бўлса Зухранинг, Зухранинг ёнида бўлса Моҳимнинг хижрон азоби кийнаб ёвуз дардга айланди. Ул не киларин билмай хайрон саросимга бўлиб, Зухра томонга бир, Моҳим томонга бир бокиб, юрагига ўт тушиб, бағри бирён, дийдаси гирён бўлиб, эс-хушини йўқотди. Моҳимжон ҳам багрида тош, кўзида ёш, юрагида армон билан: “Дарлимга дармон эрдинг, энди не килиб сенсиз хаёт кечиарман”, деб йиглар эрди. Шунда Тоҳирнинг кўзи Моҳимга тушиб, унга тасалли бериб бир сўз дели:

*Тоторда Зухражсон, Багдодда Моҳим,
Кўзларимнинг оқу қароси қизлар.
Тоғларни ёндирап бу чеккан оҳим,
Битмас сийналарнинг яроси қизлар.*

*Зухра деб сўзласам мен бағри бирён,
Моҳиммисоним йиглар, юраги гирди,
Иккни қизининг орасида саргардан,
Ёқди менин ишқининг ҳавоси қизлар.*

*Бири тарлон каби боқар ҳар ёна,
Бири зулғин тараф, кўлида шона,
Иккиси бир бўлиб ўт солди жона,
Ёқди менин ишқининг савдоси қизлар.*

*Бириси қўймишар, бири қоши қоқар,
Бири қўёш, бири ой бўлиб боқар,
Бириси сув сепар, бириси ёқар,
Жонимнинг оғати, балоси қизлар.*

*Моҳиммисон тўлган ой, шуъласин солар,
Зухражсон ошиқнинг кўнглини олар,
Бирига юзлансан бириси қолар,
Жисмимда жонимнинг қалъаси қизлар.*

*Бири ой, бири кун ето билмасман,
Икковин бир кўлда туту билмасман,
Шакар лабларидан дото билмасман,
Мисоли кўлларнинг сўноси қизлар.*

*Ҳеч кимса қўймасин куйган ўтима,
Арзимни айтарман паризодима,
Кечакундуз мудом тушар ёдима,
Тоҳирнинг дилининг саноси қизлар.*

Алкисса, Тоҳир сўзини тамом этди. Улуғу кичик жам бўлиб шахардан ташкари чикдилар. Шу бориша Тоҳир ишқдан маст бўлиб, яна айрилик дардидин куйиб бехол бўлиб йикилди. Шул вактда Одилишоҳга Тоҳир ўзга элга кетиб бораётир, деб хабар бердилар. Подшо бу хабарни эшишиб, вазирлари, аркони давлати билан келиб, Тоҳирнинг бошини тиззасига олиб:-Эй Тоҳиржо! Бугун биздан айрилиб, Тоторга кетмоқ истарсан, аммо сен бизнинг юрагимиздан жой олгансан, мол-

мұлтқ, шон-шавкат, от-асбоб, гул-сунбул, тұти қүшлар керак бўлса ва инжа бел, бодом кабок, писта дахон, мурча миён керак бўлса-ҳаммаси бизда топилар. Моҳимжонни мунча хор-зорлик била оташи хижронга ташлама, деб кўп тавалло килди. Шунда Тоҳир: -Давлатингиз кам бўлмасин! Менинг сиздан хеч бир норозилигим йўқ,- деб бир мухаммас айтди:

*Симу зар даркор эмасдур, симу рухсорим керак,
Тұти қүшини найлайин, ул тұти гуфторим керак,
Гул керакмасдур манга, гулчехра гулзорим керак,
Сумбули урсин ҳазон, сунбул каби торим керак,
Ишқ аро Мажнун бўлиб мен, Лайлидай ёрим керак.*

*Моҳимим Боги Эрам, мен эрамнинг булбули,
Зуҳракон шоҳи экашондур, мен ки шоҳнинг бир қули,
Икки дилбарининг балосин қисмат этмиш аввали,
Бири найнинг шаккаридур, бири жаинатнинг гули,
Ойн рухсори била хуришиди ховарим керак.*

*Олди ақтим бир париваши ул моҳи шириң забон,
Яхшилардан яхшисан, мен ёмонлардан ёмон,
Қолмиишам ҳайрону ҳайрон, фурқат ичра кўиди жон,
Бунда сүйсам Моҳими, ул ерда йиглар Зуҳражон,
Ишқ савдоси солан қизиқти бозорим керак.*

*Согиниб гилмон каби ҳар боқиши жоним олон,
Гулшан ичра балгидур, сайдар айласа қызлар билан,
Зулфларининг зайнати мушик бирла анбардин бўлон,
Боқиши ибо-билан сийнамга юз ўтлар солан,
Икки нарғис кўзлари, ноз бирла беморим керак.*

*Тоҳир айттар, орзу айларман јашал дилдорими,
Зуҳра отли моҳи пайқар, кўзлари хунхорими,
Фоний дунё керакмас, кўрмасам ул ёрими,
Мен нечук тарк айлайин Моҳим-гули рухсорими.
Бунда Моҳим, анда Зуҳра зулфи шоморим керак.*

Тоҳир сўзини тамом этди. Подшо Тоҳирга рухсат берди. Шаҳарнинг барча кишилари уни узатиб қолдилар. Тоҳирни дўст-ёрлари кузатиб борар эрдилар. Булар бир неча йўл юриб кун охирида “Айрилик” деган кўшкка етдилар ва кечани шу ерда ўтказдилар. Тонг отди, Моҳимжон:-Тоҳиржонни келтиринглар, дийдорини бир кўрайин, деб канизларини юборди. Улар бу хабарни Тоҳиржонга етказдилар. Шунда Тоҳиржон шохона кийимларини кийиб, зарафшон кокилларини

оркага ташлаб, заррин ғулпокларини чеккасига кўйиб, Моҳимжоннинг хузурига борди. Моҳимнинг кўзи унга тушив бир сўз айтди:

*Кел, Тоҳирим, бир дам кўрай жасолинг,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.
Етди айрилигинг битди висолинг,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.*

*Йиқилсин, юмрilsин бу фалак ношод,
Ўт олсин, туташигин етти самовот,
Кулоқ кўй, қошингда қилайин фарёд,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.*

*Тилларим шайдодир, кўнглим ҳавасдур,
Устихоним найдир, оҳим нафасдур,
Сенга Зухра мендек муштоқ эмисдур,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.*

*Эй Тоҳирим, кетсанг бугун қошимдан,
Билмам не савдолар ўтар бошимдан,
Қора тошилар лаълга дўнар ёшимдан,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.*

*Моҳим қиз дер, менга бу жон керакмас,
Бу салтанат, таҳти равон керакмас,
Менга сен кераксан, жаҳон керакмас,
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.*

Алкисса, Моҳимжон сўзини тамом қилди. Сўнгра бу кўшкдан кўчиб гарб томонга жўнадилар, бир неча йўллар юриб Канор шахрига етдилар. Тонг отди, Тоҳир: Эй Моҳимжон, кузатган ҳамроҳ бўлмас, сенга ўз элинг, менга йўл муборак бўлсин, деб рухсат тилаб бир абёт айтди:

*Рухсат берсанг Моҳимжоним,
Етишсам шахри Тотора.
Юракда қолмас армоним,
Кўшилсам Зухра дилдора.*

*Қомати ёйдек эгилдим,
Магар ишқ остинда қолдим,
Мажнундек саргайиб сўлдим,
Ета билмай Лайли ёра.*

*Юрагим күйди ишкінда,
Күнглім рақыбнің рашиқінда,
Зұхрам ғашлаор күшкінда,
Бу дардга топмайин чора.*

*Айрилдім қалам қошимдан,
Шұғла сочған қүешімдан,
Бир қатра қонли ёшиմдан,
Лаълаға дұнар санги-хора.*

*Зұхрамнің дийдоршін күрсам,
Бориб боеларига кирсам,
Түрлі мевасидан терсам,
Құлым етса олма-нора..*

*Моҳимжон севмишам сани,
Сұлмасын ҳуснің гүлшаны,
Харидорсан олғыл мани,
Үзімни солдім бозора.*

*Зулғларынған манғзар сүмбула,
Хүш көлдингиз қыздар била,
Сен ҳам қайттыл кула-кула,
Тохир қолсип дарди зора.*

Тохир сүзини тамом этди ва иккі пешини белига жистириб, дуторини бўйнига осиб зор-зор йиглаб, оёғини узантгига кўйиб йилмояга минди. Сўнгра Моҳимнинг юзига караб:-Эй Моҳимжон, менга ок йўл тиляб фотиха бер, деб кўлини кўтарди. Аммо Моҳимжондан жавоб бўлмади. Ул: -Эй Тохирим, сен мени ўлдириб кеттил, деди. Шунда унинг энагаси айтди: Эй Моҳимжон, сендан бошка етти ошик ўтиб, бигтаси ҳам муродига етмаган. Сен ҳам хакикий ошик бўлсанг Тохирга ок фотиха бер, балки максадига стиб, сўнгра тангри таоло сенга ҳам мурувват килиар. Тохир сени норози этиб кетиб билмас, деди. Моҳим оҳ уриб бехуш йикилди. Бироздан кейин хушига келиб:-Эй кўзимнинг равшани, юзимга бир раҳм килиб назар сол, балки юрагимнинг ўти тасалли топар ва мендан рухсат бўлар, деди. Тохиржон кўзидан ёш оқизиб йилмоядан ўзини ташлаб, Моҳимни кучогига олди ва бехуш йикилдилар. Канизлар улар устига чодир тикдилар. Улар бир кечакундуздан кейин боз хушига келдилар. Шунда Моҳим Тохирнинг бўйнига кўл солиб бир сўз айтди:

*Белинг боғлаб тушсанг узоқ йўллара,
Йўл бошида қолган ёринг унумта.
Сайрон этсанг савсон сұмбул гуллара,
Ишққа қўйган навбаҳоринг унумта.*

*Бўйи бад қўшмагил, мушки анбара,
Мўғилон сенмагил, бўстонли ера,
Кўзинг тушса мендан ўзга дилбара,
Дол қоматли бу дилдоринг унумта.*

*Сен кетсанг қолурман мен мунда юиглаб,
Айрилик ўтига бағримни доғлаб,
Ғайри бир дилбарга қўнгингни боғлаб,
Қўнгли сенга боғли ёринг унумта.*

*Хокистарам, ошиқ бўлдим гавҳара,
Ишқинг тиги солди синамга яра,
Юсуф каби ўзинг солдинг бозора,
Зулайҳодек харидоринг унумта.*

*Мажнун каби бўлдим дали девона,
Мен Лайліман, бошим солдим майдона,
Зухра билан машгул бўлсанг даврона,
Моҳим отли интизоринг унумта.*

Моҳим сўзини тамом этди ва Тоҳирга рухсат берди. Тоҳир йўлга равона бўлиб, юзини ўғирганди Моҳимнинг танасига бир титратма тушди. Ул ойнанинг аксидалай тўрт тарафга бокар, бетоқат бўлиб, юзини юлиб, зулфларини паришон этиб, сочини ёйиб, ранги заъфарон бўлиб, ёқасини чок этиб, хижрон ўтида куйиб, ҳоли забун, кўнгли вайрон бўлиб бехуш йикилди. Шул вактда Тоҳир изига қараса Моҳим тупроққа булғаниб ётибди. Ул кайтиб, Моҳимнинг боши учига келиб унинг бошини тиззасига олиб, уни юнатиб, бир муҳаммас айтди:

*Нечук ўлурсан гамгин, бир турфа жонон сенсан,
Боғларда очилган гул ҳам сарви равон сенсан,
Кун қўзгусидай равшан бир гавҳари кон сенсан,
Дил мургини сайд этган сайдёди замон сенсан,
Ақдим паришон этган бир оғати экон сенсан.*

*Куйингда қуюндекман гам дашибида саргардон,
Ким кўрса жамолингни албатта бўлар ҳайрон,
Гул ишқида булбулинг ишики эрур афғон,*

*Васл ичра куяр жони, ёдига тушса ҳижрон,
Булбулни ҳайрон этган гулгунча даҳон сенсан.*

*Хуснингки шёд эрмиш бое ичра қизил гулдан,
Овози хушалғозинг ўқтам эрур булбугидан,
Зулғининг кўриб кўнглим ром айлади сунбулдан,
Орзун висол айлаб, васфинг ёзарман тилдан,
Хушиҳоҳи кўнгилларнинг ҳам шўхи забон сенсан.*

*Матиуби кўнгил сенсан, гайрига назарим йўқ,
Ишқингда қадам қўйдим, кўйингда гузарим йўқ,
Ҳар маҳвашининг васфини достонда ёзарим йўқ,
Кел ўлдиру, кел тургиз, жон сендан озорим йўқ,
Чўх мурдани тиргизган руҳ баҳши нишон сенсан.*

*Қалбимда маконингдур, кўнглимда дигар бўлмас,
Жонимни талаб қилсанг, жиссимида хабар бўлмас,
Булдур фалакнинг иши, гул бўлсанг самар бўлмас,
Бул фоний жсаҳон ичра сендаикى магар бўлмас,
Ғилмони беҳзишт ўлса, кўнглимда гумон сенсан.*

*Кетсамки кегарман тез, Моҳим манго зордур деб,
Ўпсамки яногингдан, тар олма, аниордур деб,
Ҳолинга назар қилдим, хўб нақши тигордур деб,
Ҳар кишики баҳе этса, сендаи гўзат бордур деб,
Ул мисли садаф эрмиш, бир дўрри маржон сенсан.*

*Шому саҳар уйғонсам, кўнглимда сенинг ёдинг,
Ўзгага тушиб ишқинг, қолди манго фарёдинг,
Сийнамда идо бўлмас ҳар кунда ёқсан ўтинг,
Найтайн висол илмин, дарс этмади устодинг,
Тоҳирбекни ўлдирган оқ қўллари қон сенсан.*

Тоҳир сўзини тамом этгандан сўнг Моҳим: -Эй Тоҳиржон, менга сен, сенинг соглигинг керак. Токи сени яна кўргунча бу дунё менга зиндандур, деб зор йиглади. Охири айтдики, -Тоҳиржон, сенга йўл, менга эл кутглуғ бўлсин. Ул яна хайрлашиб бир ғазал айтди:

*Тоҳирим кетсанг йироқа,
Куттуғ бўлсанг йўллар санго.
Кайдан айларман сўрого,
Фидо айлаб жонлар санго.*

*Ишим шум айрилиқ бұлди,
Дұстлар үшінгіб, душман қулди,
Бағдод эли мунда қолди,
Хавас айлар әллар санго.*

*Мудом сени деб кезарман,
Сұратынг әнілдең зарман,
Пиёлада қанд ғазарман,
Шаҳду шакар боллар санго.*

*Ер бүйшина құл солсиян деб,
Муродин ҳосил қылсиян деб,
Бога сайронада келсиян деб,
Хавас айлар гүллар санго.*

*Душман құпидур соғ-сүлингіда,
Мудом құзларим үйлінгіда,
Тақдирим сенинг құлзінгіда,
Омад тиілар тиіллар санго.*

*Анда үшеглатиб Зухрани,
Мунди қыйнаб Мохимжони,
Мажнуннанғ құйған майдони,
Рахм айласин үйлар санго.*

Алкисса, Мохимжон сүзини тамом қилди. Тохир йилмояга миишиб, аллаётлашиб:-Эй Мохимжон бугун хижрон күніндір, яна дийдорлашиш насиб килармикан, деб бир ғазал айтды:

*Кетарман Тотор элина,
Беклар, хонлар хүшқол әнди,
Бош құймишам ер үйліна,
Дұст-әронлар, хүш қол әнди.*

*Етти үйлінг, бақардиг,
Сүт үрнінг шакар бердинг,
Чин меҳрибоним сен әрдинг,
Жон әнагам, хүш қол әнди.*

*Ишқ үйліда құпидир охим,
Құзларим икки гувохим,
Қадрим билған ғұзал шақим,
Одил бобом, хүш қол әнди.*

*Мен кетарман Зухра ёра,
Найлайин бўлдим бечора,
Кўзи ёш, бағри юз пора,
Моҳим гулум, хуши қол энди.*

*Сизларсиз боғларнинг гули,
Учди гулидан булбули,
Бугун эсди ҳазон ети,
Кирқ канислар, хуши қол энди.*

*Моҳимжоним бир арзим бор,
Ўзгага бўлмагил дилдор,
Бу сўзим унумта зинҳор,
Севар ёрим, хуши қол энди.*

*Тоҳир дер, кечманам сендан,
Сен ҳам кўл узмагил мендан,
Хабарим келар қирқ кундан,
Халойиктар, хуши қол энди.*

Алкисса, Тоҳир сўзини тамом айлаб, йўлга равона бўлди. Барча кишилар шу ерла қосалар ҳам Моҳим Тоҳир билан анча манзилни бирга босди. Шунда Тоҳир унга қол жоним, деб бир абёт айтди:

*Кетар бўлдим Зухра қизнинг қошина,
Кулар юзли Моҳимжоним, қол энди.
Бошимни қўймисиша ҳижерон тошина,
Ширин сўзли, зулфи торим, қол энди.*

*Қора кўзли, қалам коили нигорим,
Баҳорим, бўстоним, гулум, гулзорим,
Сенсиз ҳеч бир жойда етмас қарорим,
Жаллоғ кўли нафбаҳорим, қол энди.*

*Шамси қамар юзли, қоши ҳилолим,
Мен санга ошиқман, ўзинга маълум,
Мажнунман ишқингда, Лайли мисолим,
Кизил гулум, олма, порим, қол энди.*

*Бўйининг буриб маълул бўлма, Моҳимжон,
Ширин жоним санга айлайин қурбон,
Тез келарман сенга айланар даврон,
Тўти сухан, хуши гуфтормим, қол энди.*

*Мен оникмап шиқым элга ошкора,
Иниң тигидан юракларим юз пора,
Айришқ дарадига томадим чора,
Эшият менинг оху зорим, қол энди.*

*Тохир деяр, мудом йығылаб ўтарман,
Зухранинг ҳажерида қоллар ютарман,
Рұксат берсанг энди Тотор кетарман,
Хүсті ганжим, зулфи торим, қол энди.*

Алкисса, Тохир сўзини тамом килди. Аммо Моҳим ундан ажралмади. Мен ҳам сен билан бирга кетаман, деб бир сўз айтди:

*Сенсан кўнглимнинг хушгоҳи,
Қолманам, сендан қолманам,
Шайдо кўнглим сайдоҳи,
Қолманам сендан қолманам.*

*Багрим ёқди шиқинг дарди,
Севмишам сенингдек марди,
Хароб бўлсин Багдод юрти,
Қолманам, сендан қолманам.*

*Мен ҳам борсан Зухрајсона,
Истарам бўлсанм ҳам хона,
Қўймагил, мени армона,
Қолманам, сендан қолманам.*

*Манго зиндондир бу жсаҳон,
Сепсиз манго бўлмас даврон,
Ёқар ҳардам рўзи ҳижерон,
Қолманам, сендан қолманам.*

*Моҳим деяр, ёндим бугун,
Сийнамдадур доги тугун,
Ўртар ҳижерон бўзим-бўгим,
Қолманам, сендан қолманам.*

Алкисса, Моҳим сўзини тамом этди. Шул вактда буларнинг изларнда бир чанг пайдо бўлди. Моҳим буни отасининг отликлари, деб ўйлади. Тохир жўнаб кетмоқчи бўлди. Аммо Моҳим ундан ажрала олмай яна бир газал айтди:

*Тоҳиржон қайда борурсан,
Раҳм эт, мен бунда бечора.
Зухранинг юзин кўрарсан,
Тез етишгил, бу диера.*

*Ҳар ким сенга кўнгил bogлар,
Айрилиқ бағримни дөслар,
Тоторда Зухражон йиглар,
Багдодда Моҳим бечора.*

*Жойинг бор кўз қорасинда,
Қўлинг гавҳар порасинда,
Икки қизнинг орасинда,
Сен ҳам бўлмагил, овора.*

*Ишиқ ўтига ёна -ёна,
Раҳминг келмасми бу жона,
Душман бўлиб Бобохона,
Яна чекилмагил дора.*

*Моҳим дер, кезам бодингда,
Гашит айласам ўтогингда,
Келмасанг, келар чогингда,
Ўзимни қилгум юз пора.*

Бу сўздан кейин Моҳим зор йиглаб Тоҳирга рухсат берди ва хайрлашиб колди. Тоҳир Тоторга, Моҳим Бағдодга караб кетди.

Тоҳир йилмояни миниб, гоҳ учиб, гоҳ кўниб борар эрди, лекин йўл-изнинги каерга боришини билмас эрди. Баногоҳ олдидан бир оқ сокол киши чиқиб колди ва Тоҳирга салом берди. Тоҳир ҳам алик олди, хол-аҳвол сўрашганишан сўнг оксокол айтди:-Эй кўшагим, қайдан бориб, кайдин келурсан?

-Бағдоддан келиб, Тоторга борурман, деди Тоҳир. -Эй болам йўлни билмас экансан сен бутунлай тескари томонга -рухи фирокка бораётисран, бу йўл киёмётгача адо бўлмас, сени тўғри йўлга солайнин, деб бирга йўлга тушди. Кеч кирдя, юлдузлар чиқди. Шунда бобо айтди:- Эй ўғлим, “Кузатгандин йўлдоши бўлмас. Йўлда кўшилган йўлда колар”, деган гап бор. Сен билан мен йўл охиригача бирга бўла олмасман, яхшиси сен Зухро юлдузини белгилаб ол, гарбга йўл олсанг бу юлдуз ҳамиша чап тарафингда бўлади. Олдингдан Васл тоги, кейин хижрон тоги чикади, сўнг бир чашмага дуч келасан, ундан ўзинг сув ич ва йилмоянгни ҳам суғор, шунда тўқиз ойлик йўлни тўқиз кунда босарсан, деб оқ фотиҳа бериб, кўздан гойиб бўлди. Тоҳир кўзида ёш,

бағрида тош, Зухрани ёдига солиб, менъ етти йил ичидә унұтмаганмикан, деб созини құлиға олиб, йилмояннинг устида бир абёт айтди:

*Фурқат айёмида, шиқнинг баҳрида,
Висолга күз тутдим, даврон етишимас.
Ишиқдан минг аlam бор күнглім шахрида,
Дашбардан бирига дармон етишимас.*

*Сұзинг адө бүлмас сұзлаган билан,
Ишиқнинг пинахон бүлмас гизлаган билан,
Күзим қонға тұлды құзлаган билан,
Энди күзламакка фармон етишимас.*

*То ўлғунчам чиқмас мендән хаёлинг,
Дүрдона тишиларынг, шаккар зулолинг,
Жонимда жой тұтды суратинг, холинг,
Жон бетоқат бұлды жонон етишимас.*

*Лабинга лаб қойиб сұрсам лабингдан,
Ёздериб тұгманы терсам гүлингдан,
Бүйнинга құл солиб, нозик белингдан,
Құчқаннинг жонига армон етишимас.*

*Тохирни күйдирди ул күркеси юзлар,
Санго құрбон бұлсын келінлар, қызлар,
Муборак жамалынг күрмөкни құзлар,
Васфинг сұзламоққа забон етишимас.*

Тохир сүзини тамом этиб, шу юришда айтилған чашмага етишиди. Чашмадан туясини сугориб, ўзи ҳам ичіб мастана ҳолга кириб, йилмояга камчи уриб йўлга равона бўлди.

Қўнганини қўл, юрганини йўл билди. Шу атрофларда 40 карокчи макон тутган эди. Улар Тохирни кўриб, унга яқин келдилар, уни ўраб олиб:-Эй йигит қайдан келиб, қайга борасан, кайси халқдан бўласан, деб сўрадилар. Тохир айтди: Мен Тотордан Бобохон отли подшонинг Зухра отли қизига ошикман. Подшо мени йўқотиш учун сандикка солиб дарёга ташлади. Сандик уч ойда Бағдодга етишиди. Шу эл подшоси Одилшохнинг Моҳим отли кизи мени етти йил парваришилади. Энди мен шул ёримнинг келсин, деган сүзини эшитиб Тоторга борурман.

Бу сўзга қарокчиларнинг барчаси инонса-да битта шаккоги инонмай-ундай бўлса ишк ўтидан бир нишон кўргаз, деди. Тохир: - нишон кўрмокчи бўлсанг бари кел, деди. Шаккок яқин келди. Тохир

Зухражонни ёдига олиб ох тортди. Унинг оғзидан ўт чикиб қарокчининг юзини куйдирди. Қарокчилар хайрон-саросима бўлиб:-Эй ишк сохиби, сен ҳакикий ошик экансан. Энди бул ботирларнинг шаънига бир соз, нагма айт, сени озод киласлил, дедилар. Шул вақтда Тохир кўлига созини олиб, ўз саргардонликларини ёдига тушириб бир афсона айтди:

*Баҳодирлар мени йўлланг йўлима,
Орзум будир-севар ёра етишсам.
Ошикдурман, раҳм айлангиз ҳолима,
Мусофирам, бир диёра етишсам.*

*Ёр дийдорин истаб, қолмишам дарда.
Мардана ошикман, тушмишам марда,
Етти ўил бўлибдур мен ўзга ерда,
Зухрам билан бир икрора етишсам.*

*Бир гарифман айршлиқнинг догонда,
Саргардон кезарман ёр сўрогонда,
Булбул эрдим бир дигъбарнинг богинда,
Хавасим кўп ул гулзора етишсам.*

*Кирқ шахбозсиз, оти оламга тўлган,
Неча душманларни дарбадар қалган,
Зухрижон деб саваш этсан шоҳ билан,
Хозир бўлинг ўшач кора етишсам.*

*Тохир дегяр, фидо қилдим бу жсонни,
Бошим бўлсин, Зухражоннинг курбони,
Бу дунёда ҳар ким чекар армонни,
Армоним ўйк, ул нигора етишсам.*

Тохир сўзини тамом этди. Қарокчиларнинг сардорини Мўйсафиид сардор дер эдилар. Ул ботирликда минг кишига, шижаот бобила Рустам сифатли эрди. Асли зоти ҳам Рустам авлюидан эди. Бир сафар Рустам шахри Журжонни босиб олганда унга шахар ҳокими кизини берган, ўшал аблдан Мўйсафиид сардор дунёга келган эди ва лекин хозирда ҳам у Журжон ҳокимига бўйин эгтмай 40 отлик бўлиб, тогда -чўлда кезиб юрар эрдилар. Мўйсафида Тохирга караб:-Эй Тохиржон, мен сенини ҳакикий ошиклигингни билдим. Сен аввало худони, колаверса Зухражонни севган экансан. Биз ҳам аввало худони, сўнгра худони севганни севармиз, биздансанги знён йўклур. Ошо ёринг бўлсин. Ҳар жойда бошинга иш түпса, иншоолто, хозир бўларман, деб унга руҳсат берди. Тохир бош эгиб, булардан йўлнинг кайна боришини сўраб, жўнаб кета

берди.

Тохир карокчилардан қутулганига хушвакт бўлиб согу сўлига караб борур эрди. Бирлан унинг олдидаги яна бир кишилар пайдо бўлди. Булар ҳам худобезори карокчилар эрли. Улар Тохирни кўриб от солдилар Уни талаб, эгнидаги зарбоф тўнларини, камарларини олдилар. Улар бундай шохона либосларни кийган зебо йигитни кўриб хайрон колдилар. Шунда улар:-Эй йигит, кайдан келиб, кайга борурсан, кайси элдан бўлурсан, кайси боғнинг гули, кайси чаманинг булбулисан, шохмисан, шахзодамисан, ё ошикизормисан, хабар бер, дедилар. Анда Тохир: -Мен ошики зордурмаи, бизнинг элди сўзни соз билан айтурлар, деб ёниб-куйиб бир афсона айтди:

*Ёқди мани ишқ оташи,
Кўнглим паришондир менинг,
Дардимни сўрмас бир киши,
Андуҳи гандир ўйлдоши,
Вой, Зухра жоним кўз ёми,
Гавоғга салони бу боши,
Кўрсам яна ул маҳваши,
Кўз равшани кўнглим хуши,
Тотор учар қайбим қуши,
Истаб масоҳиб ўйлдоши,
Кўзлар тўкиб гулгун ёши,
Багрим тўла қондир манинг.*

*Сарви қадду, сиймин бадан,
Улдор мени Мажнун этан,
Сўрсанги аҳволимни сан,
Бир дилбарнинг куйинданман,
Ҳар бокиши юз минг туман,
Кўйинида дўстону чаман,
Қаттиг тариқи роҳи зан,
Бўйнимга боғлаб сан камон,
Иқболим кеч, баҳтим ёмон,
Ўрнимки, ўндондир манинг.*

*Ҳар ошиқ истар ёрини,
Булбул севар ҳуззорини,
Орзу қалиб дийдорини,
Кўрсам ўшағ дилдорини,
Берса жаҳоннинг борини,
Бермам сочин бир торини,
Дойим чекарман зорини,*

*Роҳат билб озорини,
Кўйинда турсам норини,
Дардимга дармондир менинг.*

*Йиглаб забун ҳолимгавой,
Дедингки, ёринг васфин ай,
Қадди алифдор, коши ёй,
Анвар юзи ўн тўрти ой,
Вайронга бўлсун бу сарой,
Ё раб нечук жойдир бу жкой,
Найлай мени қодир худо,
Қилди мани ёрдин жудо,
Чун қилдигим жоним фидо,
Бир моҳи тобондир манинг,*

*Айтай сўзим мен мубтало,
Ёр йўлинда бўлдим гадо,
Дардим менинг бўлмас адо,
Хижрон мени қилди жудо,
Мен ашнарам жоним фидо,
Дилбарга бўлсан катхудо,
Тотор боқиб, қиласам ифдо,
Етмасми беклар бу сабо?
Раҳм этмаса қодир Худо,
Ишимки афғондир манинг.*

*Келдимки, Багдод шахриндин,
Боҳир-отам, Тоҳир-ўзим,
Ошикни кўйманг йўлиндин,
Зўхрани кўрсинг бу кўзим,
Бўйсам бу зиндан ичра ман,
Тотор саридир бу юзим,
Киринг беклар озод этинг,
Арзим сиза будур сўзим,
Молим бошим, жоним таним,
Зўхрага қурбондир манинг.*

Тоҳир сўзини тамом этиб:-Эй йиитлар мен бир ошики зорман,
Тоторда бир жононга гирифторман. Ўз жонимни ўлимга хавола қилиб
борурман, менга йўл беринг, деди.

Отликларнинг сардорига Қамаруззамон дер эрдилар. Ул аслида
Мўйсафид сардорнинг якини эрди. Бир сўз устида келишиб билмай, ул

айрим холда отлик йигиб ўз олдига кезар эрди. Камаруззамоннинг Тохирга раҳми келди. Олган молларини кайтариб берди.

-Эй йигит мен сенга қиёматлик оғайни бўллим. Қаерда бошинга иш тушса, иншоолю ёрдамлашурман. Агар Тотор шохи сенга кизини бермаса, шахрини бошига зиндан этиб, кизини олиб берурман. шахар эталигини навкаримга тоширурман, деб бир айтди:

*Ишқининг савдосига солибсан бошинг,
Бор қардошим, сени озод айладим!
Кашда борсанинг, худо бўлсин йўлдошинг,
Бор қардошим, сени озод айладим.*

*Юзинг саргаймасин, рангинг сўлмасин,
Дўстларинг шод бўлиб, душман кулмасин,
Биздан фойда бўлсин, зарар бўлмасин,
Бор қардошим, сени озод айладим.*

*Ҳак ишкига тушган эрнинг эрисан,
Саҳронинг бўриси, төғининг шерисан,
Сен ҳам ов истаган қирқнинг бирисан,
Бор қардошим, сени озод айладим.*

*Кирқ йигитдир бир-биридан зидда,
Бир-бирин кўллаган беку бекзоди,
Ҳак берсин муродинг икки дунёда,
Бор қардошим, сени озод айладим.*

*Камар деяр, сени озод айларман,
Кирқнинг қардоисан, бир жону бир тан,
Мени қиёматлик қардоши дегайсан,
Бор қардошим, сени озод айладим.*

Алкисса, сардор сўзини тамом килиб, барчаси алиаёрлашиб кайтиб кетдилар. Тохир ҳам йилямояга миниб ўйлга равона бўлди. Анинг калбида Зухранинг ишни жўши уриб, хижрон донгида ўртаниб, гоҳ хушёр, гоҳ бехуш бўлиб, худодан ёр висолини тираб:-Эй бори худоё мени бу кечга Зухражоннинг кўшкига етказ. деб бир мухаммас айтди:

*Йўқдан бор этган олло, солдинг мени бу ҳола,
Бир дилбартинг кўйида чекдим, фигону нока,
Мадад истаб ўзингдан мен кирмишам бу йўла,
Жафо чекиб, ясон бериб, етсам ул наш ишона,
Осиё, ожиз қулинигман, етказ мени висола!*

*Ишқ мулкининг шоҳиман, қошимда маҳрамим йўқ,
Сирим айтиб сўзлаисам, дилдори дилбарим йўқ,
Ёр жамолин бир кўриб, ўлсам зарра гамим йўқ,
Сенсан пушти паноҳим, ҳеч гайри ҳамдамим йўқ,
Ёр манзилини кўзларман, боқмасман ўзга йўла.*

*Алиф каби қоматим, ҳижрон шабинда ёйдур,
Ёрсиз ҳар кечам бир йил, ҳар бир қуним-бир ойдур,
Фоний дунё мен учун мотамхона саройдур,
Рақиб ёрнинг қошида, манзилгоҳим бу жойдур,
Қайси агёрга сунар кўлга олиб ниёла.*

*Ҳижрон тогидин ошиб, севар ёра етишсам,
Самандардай саргайиб, ўз-ўзимдан тутаисам,
Халил каби олдида ўртансам, ўтга тушсам,
Ўтлар менга гулзордири, Зухрајсонга қовуисам,
Булбул каби кўшикда килиб фигону нола.*

*Кизил гўлни дўст билиб, бўлбул иши фигондур,
Болу пари қайрилиб, мудом багрида қондур,
Ишқ йўлига тушмаган бу зулматдан омондур,
Тоҳир бир ёр ишқинда чин расвоий эсаҳондур,
Ҳеч бир кимса тушмасин менингдек бу ахвала.*

Тоҳир сўзини тамом этиб, йилмояни суриб бора берди. Ул Зухранинг ишки билан шу кеча тўккиз манзил йўл юрди. Баногоҳ унинг йўли устидан қора тоғ пайдо бўлди. Тоҳир у ёқ, бу ёкка назар солди, аммо йўл топа билмади. Ночор қолиб:-Бу тогда ўлмак менга тақдир экан, “Гарид ўлса, ғамхор йўқ” деганлари шу бўлса керак, деб токка юзланиб: “Эй тоши сиёҳ тоғ, мен сенга не ёмонлик этдим, мен бир ошики зор, холи паришон, дийдаси гирён кишилурман, менга йўл бер, деди. Аммо тоғдан сало чикмади. Шунда Тоҳир ғамгин бўлиб, бир ғазал айтди:

*Қилгил менинг йўлини равон,
Чор фасли баҳорли тоглар.
Сендан қарор тонар исахон,
Мудом бир қарорли тоглар.*

*Ҳақдир сени бағанд қилган,
Ҳамдам бўлгил настлар билан,
Баҳор айёми маст бўлган,
Танаси чинорли тоглар.*

*Мен гадоларнинг гадоси,
Жоним Зухранинг фидоси.
Ошиқтарнинг иқтидоси,
Усти баланд қорғи төглар.*

*Қоялари қизил гулли,
Гуллари шайдо бүлбүлли,
Дарёлари дили, селли,
Имирли, губорли төглар.*

*Коплон юрар қоясида,
Жайрон кезар поясида,
Барча ҳайвон соясида,
Масканли, мадорли төглар.*

*Бўз лочин учар сарида,
Кўзи бургутнинг парида,
Жилгасида, камарида,
Ажсадарли, шоморли төглар.*

*Осмондан ошибдур бошинг,
Ер кўтмармас оғир тошинг,
Писта-бодом тегра тошинг,
Олмали, анорли төглар.*

*Сендан кечди неча мардон,
Кўрганларнинг ақни ҳайрон,
Сенга чиқиб қўлса сайрон,
Наишъали, хуморли төглар.*

*Сайгоқлар кезар тошида,
Ўмганлари гунашида,
Чашималари кўз бошида,
Арчали, чинорли төглар.*

*Фаҳм айла, қудрат лашкари,
Ҳақ этди осмону ери,
Етти қат ернинг лангари,
Дунёга даркорли төглар.*

*Юзлари яшил хиноли,
Сарбаланд ола синали,
Тоҳирдан кўнсли гинали,
Ошиқтардан орли төглар.*

Тохир сўзини тамом этди, аммо тоғлардан садо чикмади. Шунда ул:мен буки яна бир таъриф этайин, бу мағлук безабондур. Қани бир ёлбориб кўрай шояд мурувват килса, деб тахорат килиб, икки ракъят намоз ўкиб, киблага караб бир сўз айтди:

*Менга йўл бергун сарингдан,
Ё хожари санги қора.
Санго дерман бу сиримдан,
Сен дардимга айла чора.*

*Аввал олчошиг ҳақидан,
Найгамбарнинг хурматидан,
Умид этсанг раҳматидан,
Кўйма мени бундай зора.*

*Сенга дедим ушбу кунда,
Йўлим тўсиб қилма банда,
Ёр унда йиглар мен бунда,
Мени етири нозли ёра.*

*Эшит менинг оху зорим,
Кўнглимдин кетсин губорим,
Сенга бердим ихтиёrim,
Кўйма мени интизора.*

*Хабарим иўқ йўлдошимдан,
Ғарқ ўлибман кўз ёшидан,
Ишқининг дарёси бошимдан,
Ошиб кетди бора-бора.*

*Ишқ дарёси жўшиар сарда,
Чора топмадим бу дарда,
Бир гавҳарам гариб ерда,
Ето билмам харидора.*

*Йўл берса тоғлар бошидан,
Тоҳирбекнинг кўз ёшидан,
Зухра қизнинг нолишидан,
Бўлса тоғлар пора-пора.*

Тохир сўзини тамом этди. Шунда бирдан худонинг қудрати билан, Расулнинг шафоати билан, Тохирнинг оху ҳасрати, Зухранинг нолиши, икки ошикнинг ишқ-муҳаббатидан бир овоз чиқди, гўё киёмат қойим

бўлди-тоғ пора-пора бўлиб, икки ёкка айрилиб йўл очилди. Бундан кувонган Тохиржон бехуш йиқилди. Бир вакт хушига келиб тоғнинг иккига айрилганидан хушвакт бўлиб, сог-саломат тоғдан ўтди. Тохир худой талони ёд этиб, йилмоянинг ўтини ҳам устида бериб, оғзига тутиб, шошилиб жўнай берди. Шу бориша Зухра ёдига келиб, зор-зор йиғлаб бораётса ганда тоғс отди.

Шул вактда Зухранинг доғида дийдаси гирён, бағри бирён бўлган Тохиржон қалбидаги дард-аламлари, ғам андухларини баён этиб, бир абёт ўқиди:

*Ёр мени ёқди ёндириди,
Жонимда дармон қолмади.
Ёрни айтиб зор куйинда,
Жисмимда дармон қолмади.*

*Эй сабру қарорим олган,
Эй гул сийнама ўт солган,
Сенинг оху зоринг билан,
Жонимда дармон қолмади.*

*Гуллар ўрнига хор билан,
Диллар қуяр озор билан,
Ковуимадик дилдор билан,
Белларда дармон қолмади.*

*Тохир айтар ёр бедоринг,
Ёндириди ҳижрони норинг,
Маълум-маълум йиғлаб зоринг,
Жонимда дармон қолмади.*

Бу абётни ўқутандан сўнг ул олдига кўз тикиди, бир кора кўринди, ихлос билай караса Тотөр вилояти эркан. Тохир шод бўлиб, кўлига созини олиб, йилмоянинг устида яна бир ғазал айтди:

*Шукр энди ёр макони кўринди,
Кўзим тушди ёрим юрган ўйллара.
Ёрнинг тоги, сулистони кўринди,
Кўзим тушди сўнам турган ерлара.*

*Бобохон жабридин полалар чекиб,
Кора кўздин ёшни дур каби тўёкиб,
Ёридан айрилиб, ҳар ёна боқиб,
Кўзим тушди сўнам кезгап ерлара.*

*Булбул фигон этар гуллар бошида,
Сиё қарқараси таллар бошида,
Яшилбош сұнали күллар бошида,
Күзим түшіди сұнам кезган йұллари.*

*Күшкіда ёр дейіб зор-зор әиглекан,
Ишк ұтага жигар-багрип досласан,
Шу сабиғли фалак баҳтін боласан,
Күзим түшіди ёрим турған ерлара.*

*Душманлар дошиңда қарх уриб ҳар ён,
Рақиблар қошида дийдаси гирән,
Юрагида юз дог, күнглида армоп,
Күзим түшіди сұнам турған ерлара.*

*Багрим садпорадир тиги тез билан,
Назарим ійүк гайри келип-қызы билак,
Богида гашт этиб қырқ каниз билан,
Күзим түшіди ёрим турған ерлара.*

*Ёр анда мусофир, мен анга банда,
Күзларим күр бўлди ҳижрон шабинда,
Тоҳирни кузатиб дирё лабинда,
Күзим түшіди сұнам кезган ерлара.*

Тоҳир сўзини тамом этиб, йилмояни хайдаб, тоҳ хуш, тоҳ бехуш бўлиб Фарҳод шахрига етди. Бу шахар париларнинг чорбоги эрди, унинг ўртасидан йўл ўтар эрди. Тоҳир у ерга келиб боргандан кўзига бир сурат кўринди. Анинг юзи никобда бўлиб, никобнинг пастидан оламга шуъла сочар эрди. Тоҳиржон анинг не зот эканини билолмай, хайрон-саросима бўлиб, бир оҳ урди ва сурат якинига келиб: Худо ҳаки учун юзингни бир кўргаз, деб илтижо килди. Сурат никобнинг бир томонини сал кўтарди. Тоҳир уни кўриб бехуш йикилди. Бироздан кейин хушига келиб:-Эй пари найкар, ул рухи Мухаммад Мустафо учун, менга ўзингни ошкора эт, деб бир абёт айтди:

*Нечук зотсан ақли ҳушим олибсан,
Гавҳармисан, ё дурмисан, намасан?
Шуъла солиб олам узра тўлибсан,
Күёшимисан, қамармисан, намасан?*

*Бог ичида булбулмисан, гулмисан,
Ё булбулга ўхшаш ширин тилмисан,*

*Асаимисан, ё қандмисан, болмисан,
Шириимисан, шакармисан, намасан?*

*Кипригинг ханжари багрим тилибдур,
Үл ниқобдан юзинг шауъла солибдур,
Телба кўнслам кўриб майил бўлибдур,
Дилдормисан, дилбармисан, намасан?*

*Оникчлар айттарлар, қошинг ҳилогдур,
Васфингни айттурга тилларим лолдур,
Жамолинг кўринмас, нечук жемолдур,
Паримисан, пайкармисан, намасан?*

*Оқ юзингга қўша холлар ярашур,
Жон, дил қалбим сени кўрмак тилашур,
Юзинга қарасам кўзим қамашур,
Хуршидмисан, анвармисан, намасан?*

*Сени истаб бошим солдим савдоя,
Не бўлгай сочларинг айласанг соя,
Кўйининг беҳишт эрур, кирсам у жоя,
Ё мушкмисан, анбармисан, намасан?*

*Сайр этиб кезардим, гулда чаманда,
Менинг жоним зардоб бўлди бу танда,
Тоҳирбек Зухрага ҳам сенга бандा,
Барчағарга баҳтармисан, намасан?*

Тоҳир сўзини тамом этди. Кейин бу суратга айтди:-Эй жон, паримисан, фариштамисан ёки одамзотмисан, бир дийдорингни кўрсат, негаки яхшини кўрмоқ савоб, деганлар. Унда сурат:-Эй ошикларнинг подшоси, менинг дийдоримни кўриб билмассан, агар кўрсанг Зухрани ёдингдан чикаурсан, иншоолло бир-биримизни жаннатда кўрамиз. Мен хурларнинг шоҳиман. Менга Хурлико дерлар. Эртага Зухра киз висолига етарсан, деб фотиха бериб колди.

Тоҳир йўлга равона бўлди. Шу боришида бир кўхна харобанинг устидан чикди. Харобанинг чап томонида бир оқсокол кўринди. Ул Тоҳирни кўриб салом берди. Тоҳир алик олди. Оқсокол:-Эй болам кайдан келиб, кайга борурсан, деди. Тоҳир: -Бағлоддан келиб Тоторга борурман, ўзим Тотордан ман. Ул жойда бир кизга гирифторман. Унинг отига Зухра дёярлар. Унинг хусни руҳсорига муштоқдурман. Мен етти йилдан бери Бағлодда эрдим, энди умид бирлан Зухранинг хузурига ошиқаётиман, деди. Бу сўзни эшитиб, оқсокол, кўзига ёш олди. Тоҳир

хайрон бўлиб:-Ё раб, бу нечук сир бўлди, эй бобо, не учун йигладингиз, хабар беринг, юрагим кон бўлиб кетди, деди. Оксокол: -Сен хакикий ошик эркансан, аммо омадинг йўқ эркан. Мени Мулламалтун шайхи Атайдиллаъна дерлар. Ўтган очшом Зухрани Коработирга никоҳлаш учун мени таклиф килдилар. Мен бориб уларни никоҳлаб кайтдим. Агар сен борсанг Зухра сенин кабул килмас. Ўзингни ўлимга гирифтор килим. Шул вактда улар хилватда бўлсалар керак. Яхшиси сен бу ниятингдан кайт, сўнг пушаймон бўлма, деди. Унда Тохир:-Мен сенинг бу сўзинг билан изимга кайтмасман, бориб кўрарман, агар Зухра бевафолик килса, юзимни бўсағасига суртиб кайтарман, деди.

-Ундай бўлса бир газал айт, мен эшишиб колай, деди оксокол.

-Менда газал ҳам, гўзал ҳам коммади, деб Тохир йўзига равона бўлди.

-Эй болам, андак тўхта, сенга бир оқ фотиҳа берайин, деди оксокол. Тохир: сенинг берган шум хабаринг жонимни кийнади, фотиханг ҳам қурисин, ўзинг ҳам, деб кетаберди.

Тохир бу воеадан аламзада бўлиб, холи паришон, кўзлари гирён, жигари бирён, ақли хайрон, юраги оташи сўзон, юз нолаи афгон бўлиб бир сўз айтди:

*Мудом орзу айлаб гули руҳсоринг,
Муборак жамолинг кўробилмадим.
Богингда очилган олма-аноринг,
Гашт этиб гулларин туро билмадим.*

*Ошиқ тўйлас ўз ёрнинг юзидан,
Котики бориб хабар олсан ўзидан,
Рақибнинг макридан, элнинг сўзидан,
Бир дам назаридатуро билмадим.*

*Кезарсан ғўзаглар ичра ой бўлиб,
Мен кезарман азиф қаддим ёй бўлиб,
Зухранинг шиидан ҳолим вой бўлиб,
Моҳимжонга кўнгил берао билмадим.*

*Гул юзинг кўрмасам, азиз жон куяр,
Сенинг ҳасратингдан бўлдим дарбадар.
Энди борсан, душман кўрар, эл туяр,
Завқи сафоларин суро билмадим.*

*Тохир декар, ошноларим ёт бўлиди,
Дўстлар гамгин бўлди, душман шод бўлди,
Кимса билмас, жигар бағрим мот бўлди,
Давом хизматида туро билмадим.*

Тохир бечора Зухрадан бундай ишни кутмагани учун кўп кайғурди. Кейин йилмояни хайдаб бадар кетди. Йилмоя оч бўлиб, ўтга бўйин чўзса, -эй жонивор, мен сени ўтламокка кўйсам кечикаман мудлат каноат кил, Зухранинг кошига соғ-саломат етсан бокарман, деб Тохиржон арзи ҳолини йилмояга сўзлаб, шахарга е дарвозадан кирди. Қараса, ўзи билан мактабдош бўлган бир турибди. Тохир ул бирла саломлашиб, Зухрани сўради, шу ерда савол-жавоб килишидилар:

Тохир:

*Бек ўғли, ҳабар бер бизга,
Зухра қиз қандадур, қанда?
Мажисун бўлиб чиқдим дузга,
Зухра қиз қандадур, қанда?*

Йигит:

*Ҳабар олсанг вазир ўғли,
Зухражсон боғдадур боғда.
Парисифат, ҳур сийнали,
Зухражсон боғдадур, боғда.*

Тохир:

*Фурқатидан жафо чекиб,
Кўзимдан қончи ёши тўкиб,
Кўробиглам ҳарён боқиб,
Зухражсон қандадур, қанда?*

Йигит:

*Саир этмакка бoga кирди,
Қирк қанизлар бирла юрди,
Юракда дарди сен эрди,
Зухра қиз боғдадур, боғда.*

Тохир:

*Мулламагун авват қуни,
Чўх ҳабардор этди мени,
Қора чўмоқ олмиши ани,
Зухражсон қандадур, қанда?*

Йигит:

*Боғчаси қунда талонидур,
Булбул фигонда қолонидур,
Йигимга, ул сўз ёлонидур,
Зухра қиз боғдадур, боғда.*

Тохир:

*Кўзимни гирён айлаган,
Ақчимиши ҳайрон айлаган,
Қора бағрим қон айлаган,
Зухражсон қандадур, қанда?*

Йигит:

*Тохир дейиб қуяр жони,
Шахаршың ағыз меҳмони,
Қирқ канизларшың сұлтони,
Зұхра қызы бөгдадур, бөгда.*

Тохир:

*Тарқ этдім дүнәннің борин,
Олтінің бермам бир торин,
Күйдім күрмайшың дайдорин,
Зұхражсон қандадур, қанда?*

Йигит:

*Ер дейиб ақтим шошириб,
Дардини әлдин яшириб,
Йиглар юракка тош уриб,
Зұхражсон бөгдадур, бөгда.*

Тохир:

*Ғайри үтінга әйнаасман,
Үлсам үйлімдән қайтнаасман,
Ростин әйткіл, инонаасман,
Зұхражсон қандадур, қанда?*

Йигит:

*Садәр эттар сахар чогида,
Қазыл гүллар құчогида,
Йиглар айрилиқ дөгида,
Зұхра қызы бөгдадур, бөгда.*

Тохир:

*Тұқызы ойлақ үйлідан келдім,
Хиэр бирла ҳамрох бүлдім,
Тохир деңр, күрмай қолдім,
Зұхражсон қандадур қанда?*

Йигит:

*Бек ўғлы сұзлар ҳамиша,
Килемагіл, қайғу-андыша,
Ишак үтінга қоя-ниша,
Зұхражсон бөгдадур бөгда.*

Булар савол-жавобни тамом күлділар. Шунда Бек ўғлы: -Зұхрани шул вакылар күшкідан топарсан, сахар вакти боғ сайлиға каниздары билан кеттеган эрді, энді ором олаётін бўлса ажаб эрмас, деб Тохирга йўл кўрсатиб юборди. Тохир хуррам бўлиб, кўшк олдига бориб, йизмояядан тушди, йилмояни чўктириб, бошидан сийтаб, чеккасидан ўпди, сўнг кўшк биносидан үтиб саройга кадам кўйди. Кўрса Зұхражсон таҳт устида ухлаб ётибди. Инжабел, болом қабок, писта даҳан, позик

бадан киз. Тохир унга караб, ҳайрон бўлди, уйғотишга анилиша тилиб теварагини уч айланди. Зухра буни сезмади. Шунла Тохир: Зухражон бехуш ётибдими ёки ноз этиб ётибдими, ёки бошқа бирор билан базм этиб бемор бўлиб ётибдими, ё магар бетоб эрурми, ё бўлмаса мендан аразлаб ётибдими, ёки мени танимай ётибдими, баъзи мени Қоработир деб ўйлаб турмай ётибдими, ёки бўлмаса, ҳижрон азобига чидолмай май ичиб маст бўлиб ётибдими ёки уни жин-арвоҳ урганми, деб минг ҳаёлларга ботди. Не қиласин билмай, ҳайрон-саросима бўлиб, ёрини уйғотиш учун бир мухаммас ўқиди:

*Гарқ ўлуб гафлатда ётма, поэзии дилдорим уйғон,
Оғзи гунча, тинилари дур, зуғифи зуннорим уйғон,
Булбуғи горинг келибдур, хусни руҳсорим уйғон,
Ол яноқда кокили - сочлари шоморим уйғон,
Биз келганда ал мудом, уйқуда беморим, уйғон.*

*Дўст сўзига тут қулоқ, агёрни пандон тутмагил,
Шум раққоб фитнагарини уйқудан уйғотмагил,
Ўзгалирга тиз бераб, ҳолим паришион ётмагил,
Минг тўманлик эътиборим бир дирағи сотмагил,
Юз азали эконима жаబи синтамкорим, уйғон!*

*Сийнамда ҳиёроининг ўти, келминиам мен бу маҳал,
Севдигим турғиз ерингдин, қылмагил ҳаргиз ҳай,
Подишсан мен гадо, ошиқлигим рўзи изач,
Гашт этиб олам-жасонни топмадим сендай гўзал,
Ола қўзли, шавқи сўзи, тўти гуфтормим, уйғон!*

*Сочларинг валилайло эрмини, юзларинг ваззихо,
Тилларинг ёсини тахо, икки оламга баҳо,
Нуқтаи ҳолигиг юзингда мисли зейн ассамо,
Дилбаро кўнглини сенинг аҳлат васаслан марҳабо,
Комати зебо тивилин акси анворим, уйғон!*

*Зухражон сенсиз бу фоний дунё зиндондур манго,
Бир муборак юзларинг кўрсам не армондур манго,
Бу паришион ҳолими ким кўрса, ҳайрондур манго,
Мен сенинг ишқингда қуйсан қунда оғрондур манго,
Тоҳиржониң ҳолин кўриб, энди эшият зарим, уйғон!*

Тохиржон сўзини тамом этди. Аммо Зухра бу сафар ҳам уйғонмади. Шунда Тохир яна миғ ҳаёлларга кетиб, мендан кўнгли узилиб, Қоработирга боғландикан, деб кўлига созини олиб, қани яна

бир уйготмоқчи бўлайин, зора кўзини очса, агар яна уйғонмаса мендан кечганилиги аён бўлади, деб бир абёт айтди:

*Етти йил чекдим фурқатинг,
Зухражсоним уйғонмасми?
Ичдим айролик шарбатим,
Висол майишин қопмасми?*

*Баланд-баланд тоглар ошиб,
Ёвуз кунларга улашиб,
Бугун келдим, йўлум тушаб,
Содан сўла дўланмасми?*

*Дамба дамдан келар мосим,
Килгали муродим хосил,
Икки ошиқ бўлди восил,
Рахмат майишин қопмасми?*

*Сен деб Багоддан келарман,
Гоҳ саргариб, гоҳ сўларман,
Ишқингда бир кун ўзарман,
Висол учун кувонмасми?*

*Узоқдин келдим боқчоқа,
Ширин лабидин потмоқа,
Қўзим қиймас уйғонжоқа,
Ўзи билуб уйғонмасми?*

*Куйган кўн ишқининг дардина,
Ким етиббур муродина,
Тоҳирининг ёнгам ўтина,
Зухражсон бирга ётмасми?*

Тоҳир сўзини тамом этди. Зухражон эса уни Коработир гумон келиб, ўзини эннитмаганига солиб, устига кўрпани тортиб, бу ёнболжига ағдарилиб ётаверди. Тоҳир бу ахволдан вахимага тутиб, Зухра мендан кечди ўхшайди, деган гумонга кетиб, бир абёт гйтди:

*Кел, Тоҳир сен ҳам из ўғир,
Зухра юзин ўғирмийидур.
Юз ўғириб мен төлбадан,
Қорага кўнгил бермийидур.*

*Йироқ түшди висол йўли,
Рақиб олди согу сўли,
Мудом эсиб ҳимсон ели,
Кулим кўкка совурмишидур.*

*Жайхун билан Багдоф бориб,
Яна қайтнишам ахтариб,
Зухра гайрига қўл бериб,
Мендан ўзин айрмишидур.*

*Менинг ҳолим хароб айлаб,
Ўзин Қорага ёр айлаб,
Жисмими шини кабоб айлаб,
Қора бағрим қовурмишидур.*

*Хабар берди Мулламалгун,
Печун қайтмадим мен Маженун,
Юрагим-қон, жигарим -хун,
Ширин жондан айрмишидур.*

*Хеч қачон Расул уммати,
Чекмасин мендай фурқати,
Азал қунида идум қисмати,
Мавлон бизга буюрмишидур.*

*Тоҳир дер, келдим қошинга,
Калом йўқдур хақ ишига,
Фалак оинқичар бошига,
Мундог гавго қайрмишидур.*

Тоҳир сўзини тамом этди, Зухрадан жуда хафа бўлди. Келганига пушаймон киёди. Ўз-ўзига деди:

-Эй Тоҳир, сен Зухрани деб Моҳимдек сени севгувчи пари-пайкардан айрилдинг балки сени унинг ихлоси ургандир. Тоҳир бир хаёли яна Бағдолга кайтмокчи бўлди:

Шу орада Зухранинг кулогига ёқимли товуш эшигилгандай бўлди, кўзини очиб караса Тоҳир турибли. У хайрон бўїди, бу Тоҳирми, унинг суратими, жин-арвоҳми, тушми ё хаёлми. Аммо дикқат билан караса, Тоҳирнинг ўзи. Зухра ўриндан туриб, бир ох уриб бехуш йикилди. Сўнг хушига кезиб:-Вой менинг Тоҳириммисан, юрагимнинг армони, дарлимнинг дармони, руҳимнинг равонимисан, деб Тоҳирнинг бўйнига кўл солди. Тоҳир ҳам юз-юзга тушгандан сўнг бехуш йикилди. Бир замон ўтгандин сўнг боз хушига келиб, бир-бирларининг бўйинларига

күйл солишиб, лабзарини янокда күйиб зор йиғлашдилар. Шунда Тохир унга гинахонлик қылаб, шикоят айлаб бир ғазал ўқиди, Зухра хам жавоб қайтарди:

Тохир:

Түккиз ойлук йүлдан сен деб келмишам,
Үйгонмадинг бу афгона, Зухражсон!
Кунда юз тирилиб, юз минг јұмышам,
Келмагайдим бу жаҳона, Зухражсон!

Зухра:

Нече күнлар құтдым ёрим келар деб,
Йүлніс қарағ ақтим ҳайрон айладим.
Богларимга бүлбүл зорим күнар деб,
Бугун гулларимни сайрон айладим.

Тохир:

Үйгонмадинг бунча баланд соз билан,
Чохлар уйғонмасми қув ва гоз билан,
Ё ғафлатда қолдинг ёки ноз билан,
Үтлар солдинг ширин жсона, Зухражсон!

Зухра:

Сен манго демагил бундай сүзингни,
Түхмат этиб бошга тутма јузингни,
Деганинг рост бұлса күрмам юзингни,
Дегил: кимга ақду паймои айладим.

Тохир:

Харобадан чиқди оқсоқол ўзи,
Қародур асбоби, спөхдур юзи,
Шайхи Ләъна хабир берди бу сүзи,
Кетди құнглым бад гумона, Зухражсон!

Зухра:

Шайхи Ләъна дерлар, шайтондур оти,
Хақнинг маълүнидур ахли авлоди,
Ёлғон сұзлаб санғо солғандур ўти,
Хақ этибдур ўрним зиндек айладим.

Тохир:

Севгилим раҳм айла бағри порага,
Малхам айла ракиб күйгап ярога,
Сени дейиб қылғын күйдим орага,
Күз солмадим Моҳимжона, Зухражсон!

Зухра:

Етти иилдир ўртар ҳижеронинг захри,
Бу күшк ичра ёлғыз чекдим озари,
Жонимнинг роҳати, таним мадори,
Суратинг дигимда меҳмон айладим.

Тохир:

*Күрбон ўлам Зухра жоннинг отидан,
Мен гарифни чиқарманиши ёдидан,
Айрилиқ дардидан, шакнинг ўтидан,
Куя бўлминам ёна-ёна, Зухра жон!*

Зухра:

*Шум рақиб зулмидин кула билмадим,
Отам газабидан ўга билмадим,
Зухра дер, Тохирим било билмадим,
Кора чўмоқ дейиб гумон айладим.*

Тохир:

*Тохир деяр узок йўлдан келмишам,
Ўзимни ишқ бозорига солмишам,
Бу айтган сўзимга тавба деминам,
Дўнапали бу давронга, Зухра жон!*

Алкисса, булар савол-жавобларини тамом килдилар. Сўнгра Зухра: Эй Тохиржон, сенинг кетганига бу йил ети йилдир. Сенинг хажрингда самандар каби куйиб, кўзимдан селдек ёшимни тўкиб, қаочон менинг нолишим худой таолонинг даргоҳида қабул бўлар экан, деб кезар эрдим. Сен кетгандан бери отам газабидан, эй маломатидан, сенинг айриликингдан менда тобу тоқат колмади, аҳли дунёни тарк этдим. Хусусан, юрагим хижил бўлиб, кўнглим бришмай оқшом келиб боғ сайлила бўлдим. Барибир бетокат бўлдим. Сўнг тахорат килиб икки ракъят намоз ўқидим, сўнг киблага қараб сенинг дийдорингни кўрмак насиб этармикан деб ётиб кўзим уйкуга кетибди. Тушимла сени кўриб ҳол-ахвол сўрашиб турган вактда овозинигни эшишиб уйгониб кетдим ва сенинг муборак жамолингни кўришга мусассар бўлдим. Шукр алхамдулило мукаддлар кўнглим мунаввар бўлиди, деб Тохирни кучоғига кисиб, яноғидан ўпди. Бугун муродимга етдим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Энли висодимиз узок бўлинни учун бир нима хуфия иш айламак керак, деб бир сўз айтди:

*Хуш келдинг Тохирим бизнинг эллара,
Давлатлии, давронлии жойдир, бу жойлар.
Кел иккимиз гашит этили гуллара,
Гулланлии, сайдонлии жойдир, бу жойлар.*

*Ғоғил бўлсанг шум рақиблар туюрлар,
Бориб шоҳ бобомга сиринг ёярлар,
Сени ўлдираплар, мени қўярлар,
Дўстдан кўп душиманли жойдир бу жойлар.*

*Сүзинг қабул бўлмас шоҳинг қошида,
Кўзим ёшида, бошим меҳнат дошида,
Кунда юз зулм бор мазлум бонида,
Барчаларга қопли жойдир, бу жойлар.*

*Гар туйсалар жашлодларга буюрур,
Ошиқларга ситам шиглар қаорур,
Сени мендан, мени сендан аюрур,
Нолинги, афғонли жойдир, бу жойлар.*

*Зухра деяр, санго сирим аюрман,
Юзим йиртиб, сиё сочим ёюрман,
Кайси бир дардима ёниб-куюрман,
Бир золим султонли жойдир, бу жойлар.*

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Шунда Тохир: Эй Зухражон, вилюятингда не гаплар бор, леб сўради.

-Эй Тохиржон, бу шу эски Тотордир, ўшал золим подиодир. Агар сенинг келганинг бу золимнинг қулогига етса, сени ўлдириб, мени Қоработирга никоҳлаб берурлар, хабарлор бўлмок керак, деб бир сўз деди:

*Тоҳирим, маслаҳат сўрсанг,
Санго ўтган замон йўқдур.
Оникор бўлиб, мунда турсанг,
Ўлдирургар гумон йўқдур.*

*Шум рақиблар түнр бизи,
Отамга дерлар бу сўзи,
Кўр бўлсин душманнинг кўзи,
Ошиқларга даврон йўқдур.*

*Тараҳҳум йўқдур бу шоди,
Зулм этар, яқина, ёта,
Кочайлик шахри Багдода,
Бизга бунда макон йўқдур.*

*Фалак солди ёвуз дарди,
Тушдим отамдай номарда,
Ўлсак ўлармиз, бир ерда,
Энди бизга омон йўқдур.*

*Агар туйсалар бу иши,
Дамба дамдан келар кини,*

*Сенсан яхшилардан яхши,
Отам каби ёмон йүкдур.*

*Кел гашт этали бу бога,
Ел тегмасин шамчирога,
Таваккал қылсанг худога,
Үлдирса ҳам зиён йүкдур.*

*Зухра дер, ким келса дода,
Тенглик топмас бу дунёда,
Сипохийлар – ҳаромзода,
Адолатш султон йүкдур.*

Зухра сўзини тамом этди. Шунда Тохир:

Эй Зухражон, мен Бағдоддан сенинг хабаринг билан келдим. Мени отанг сўраб келтиргани йўқ. Отангнинг раҳм-шафқатли бўлмаслигига аклим етади. Эндиғи маслаҳатни ўзинг биласан. Кет десант кетаман, қол десанг коламан. Муборак юзингни бир кўрдим, армоним йўқ. Аммо отангнинг ўлдиришидан ҳам кўрқинчим йўқ, сенинг кошингда ўлсам зарра армон кильмасман. леди. Шу тариқа оқином кирди. Шул вактда Зухражон Тохирга маслаҳат бериш бир газал айтди:

*Кел сурали бу дунёни,
Бул кеча ўтмасдин буруни.
Ёримнинг келган баёни,
Душманга етмасдан бурун.*

*Рақиб тўйса, отам тужр,
Яна гагаб тўйни киyr,
Сени сўяр, мени қўяр,
Бир ўрин тутмасдан бурун,*

*Тақдирга тўғри турали,
Ишқ йўлида жон берали,
Тоҳирим, даврон сурали,
Кеча тонг отмасдан бурун,*

*Кўнгилдан чиқар бу ғамни,
Кўп чекма дардни, аламни,
Ғанимат билгил бу ғамни,
То чиқиб кетмасдан бурун,*

*Зухра деяр, эй дилдорим,
Хуши келибсан, севар ёрим,
Тар очилган гулзорим,
Хазона боттасдан бурун.*

Зухра сўзини тамом этди. Икки ошик бир-бирига кўшилиб, қизил гулдек чирманиб, кучоклашиб, айш-ишратга машгул бўлдилар.

Бирдан тонг отди. Ошиқ-маънуклар не киларини билмадилар. Зухра бирор киши сезмасин, деб Тохирни сандикка солиб, хужранинг ичкарисига жойлаб кўйди. Яна хеч нарса билмагандек, Тохирнинг ишқила ох уриб ўтираверди. Аммо унини нодалари аввалгидек аянчили эмас эди.

Тохирнинг висолига етиш, каттиқ севинч хам таъсир ўтказиб, Зухра бетоб бўлиб колди. Унинг бир табиб энагаси бор эрди. Ул Хинди斯顿 подпосининг кизи эрди. Зухра ўзимни кўрсатайин деб унинг олдига борди. Энага Зухрадаги ўзгаришини дарров сезди. Ул айтдики: Кизим сенда бирор касаллик белгиси кўрмадим, аммо калбингда каттиқ бир завқ-шавқ бер ёки Тохирнинг келдими, деди. Шунда Зухра:

-Эй энагам, сенинг фаҳм-фаросатингга койилман, деди. Энага канизларни ишга буюриб, уйни холи килди, энди тўғрисини айт, мен ёрдам берурман, леди. Зухра: бу сирни элга ошкоро этмасликка ахду паймон айла, деди. Энага ахду паймон килди. Анда Зухражон энагасига юзланиб зор-зор йиглаб бир абёт ўкиди:

*Етти шилдир севар ёрдан айрилдим,
Нечакиллар орзу оййдор айладим.
Бугун ёрим келди, мен сенга келдим,
Рақиблардан қўрқиб, озор айладим.*

*Қиблам энам сенсан нушти наноҳим,
Келдим ҳажматинса, ўтгигуноҳим,
Тохирни келтириди қодир оллоҳим,
Махрам энам сенга изҳор айладим.*

*Энам сенга тўғри сўзим сўхтарман,
Ёлғондан ёрим деб куйиб бўзларман,
Кундуз бўлса ани дарҳол гизларман,
Кепалари жонни тисор айладим.*

*Рақиб билса бизни этар ошкоро,
Отам билса бизни этар садпора,
Эгам раҳм айласин ошиқи зора,
Ёр билан бир ерда қарор айладим.*

*Зухра деяр, гамгии күнглил очилди,
Түрши ракымат чор тарафга сочилди,
Ёр күлидан сүлгүн шароб ичилди,
Хазон күнглил фасли баҳор айладид.*

Алкисса, Зухра сўзини тамом килиб деди:

-Эй энага, икки ошик сенинг хизматкорингдир энди бизга бир маслаҳат берсанг.

-Болам Тоҳиринг хуш келиблур, кўзинг ойдин бўлсин, сен ани менга бер, мен уни ҳеч ким билмайдиган жойда пинҳон сакларман, деб бир абёт айтди, Зухра жавоб берди:

Энага:

*Манга топшир, болам, севар ёрингни,
Улус кўрмас жойда пинҳон айлайин.
Ҳақ энитсин полишинги, зоринги,
Чанап ичра ёринг меҳмон айлайин.*

Зухра:

*Ёрсиз менинг бунда бир куним ўтмас,
Энажон, ёримни сенга топширдим.
Кундузда кун ўтмас, кеча тонг отмас,
Энажон, Тоҳирни сенга топширдим.*

Энага:

*Кундуз бўлса, гул бутокҳа топширам,
Булбуларнинг маконида янтирам,
Оқиом ёринг яна сенга қовширам,
Йўлинг сенинг тахти рабон айлайин.*

Зухра:

*Сенинг бу сирингни душман билмасин,
Яна ёрини биздан айро солмасин,
Ул сабабдин гулдек рангим сўлмасин,
Энажон, Тоҳирим сенга топширдим.*

Энага:

*Айришик ўтига бағринг додглами,
Ваҳм айлаб, бўлмас ишини чоғлами,
Зухрахоним, меҳрибоним йиглами,
Сенинг бу дардинга дармон айлайин.*

Зухра:

*Хушёр бўл, сирингни душман туймасин,
Отам билшиб яна айро кўймасин,
Жисми жоним зум ўтига кўймасин,
Энажон ёримни сенга топширдим.*

Энага:

*Агар отанға билса этган ишимни,
Сениң үчүп құрбон қылар болымни,
Тилка пора этур азиз лошимни,
Сениң бу дардинга дармон айтайин.*

Зухра:

*Қадым билған қадрдоним сен менинг,
Махрам әнам, шириң жоним сен менинг,
Зухра деяр, меҳрибоним сен менинг,
Эна жөн, Тохирим сенге топширудим.*

Энага:

*Гаріб шапаң сенге ростын сүйласин,
Ошықтар ҳақыга дуо айласин,
Сениң мақсадынғы ҳақдип тилясан,
Сениң бу мушиқүнің осон айтайин.*

Алкисса, бу сүзларни ғамом оттілар. Зухра Тохирни әнасига топшируди. Үл Тохирни күндеңінде түгіб, кечаси Зухрага топширап ерди. Бу равишда күп вактлар орадан кечди.

Әнаганиң үйінде бир хизматкер кампир бор эрди. Бу сирни баногоқ ул биліб қолди. Үннің күнгін гинали эрди. Бир қуни хилват топыбын үл Тохирнинг әнінде келди, анға караб:-Эй Тохиржон, мен сениң барча сирларингни билурман! Сен менинг шаһнимігә бир газал айт, бұлмаса барча ишларни подшога айттың, теріңгін сүйдірамаң, деди. Тохир әса:-Эй бадбаҳт кампир олтмиш ёшдан ошғанда сенге ғазалнинг не кераги бор, шу ёшта чугуллік килиб, олға қарашатынан ноумид қолма, деб бир айтты:

*Момо, сен қайттың феълингдии,
Маңғы раҳм қылғыл, момо!
Адаңған бұлсам ійлімдии,
Түгері ійлігә согыл, момо!*

*Рақибға сирим демагыл,
Ошиқтарға дөг күймагыл,
Күйдірман, деб күймагыл,
Оллодан уялғыл, момо!*

*Күргаз ошиқтар ійлінини,
Сүргіл гариблар ҳолини,
Күнгілдан шайтан феълини,
Жаҳанинамга согыл, момо!*

*Бошингдин ёшик ўтибдур,
Оғзингдан тишинг кетибдур,
Ошиқлар сени нетибдур,
Манга маҳрам бўлгил, момо!*

*Кезгил момо ўз ҳолинга,
Истагинг тушир қўлинга,
Раҳм айла Тоҳир ўғзинга,
Менинг пандим олгил, момо!*

Алкисса, Тоҳир сўзини тамом қиёди. Момо кетиб қолди. Тоҳир ваҳмга берилиб-Эй худо, мени барчадан ожиз яратдинг, ҳамиша хаётимни бор-йўкка муҳтож этдинг, бу ерда ёшига бир, кексасига бир ёлбориб кун кечиурман, азал кундан бошимга ишқ савдосини солдинг. Зуҳранинг ишқида танимда жоним, номусу орим қолмади. Отам-онам, қавму кариндошим ҳам йўқ. Кеча-кундуз гамга мубтало, дард-аламга тирифгорман, агар қасдинг жонимда бўлса, ҳозирнинг ўзида ол, ё бўлмаса ишқ дардига даво бер, бу йўлда кўп кездим, агар муродимга етмай ўлсам, кўзим очик кетар, деб зор-зор йиғлаб, худога муножот айлаб бир газал айтди:

*Ё яратган, сенга пушти паноҳим,
Қўшиши этдинг, бу жаҳона келмишам,
Бир сиким тупроқдан мени яратдинг,
Йўқдан бор айладинг-жона келмишам.*

*Бир осий қулингман кўпдир гунаҳим,
Қачон ёрга етар бу чеккан оҳим,
Тоторда-Зуҳражон, Багдоффа-Моҳим,
Ишқининг шаробидин қона келмишам.*

*Сўна кўлда сузар, булбул гулида,
Самандар оташда, қақнус қулида,
Дунё кездим бу ишқимнинг йўлида,
Ерда дўраб бу осмониа келмишам.*

*Яккаман, ёлгизман, гарифман, гариф,
Сўлар бўлдим, ёр ҳажрида саргариб,
Тўққиз ойлаб ишқ йўлида йўл юриб,
Бугун таҳти сулаймона келмишам.*

*Тоҳир дер, куйдириди ёрнинг оташи,
Кеча-кундуз оқар кўзимнинг ёши,*

*Кора төгдин ошиб, чекдим койини,
Үмид бирлан үзүржона келмишам.*

Тохир сүзини тамом этди, шул вактда Зухра унинг ёнига келди. Тохир кўркув аралаш унга леди:-Бир балбахт кампир сиримиздан огох бўлибди, эҳтиёт бўлмок керак. Бу сўзни эшишиб Зухра энагаси оламига йиглаб борди. Энага барча канизларни одигига йигтиб кенгашли. Шунда Гулзода деган каниз:-Эй биби, келинг яхиси бу оксочни гумдон килиб кутилайлик, бўлмаса бул шум кампир подшога айтиб Тохирни хам бизни хам киличдан ўтказур, деди. -Эй кизлар бўлгаса, бу балбахтни пинхона йўқ килинг, деб буюрди энага. Канизлар кампирни чакириб келиб, уриб ўлдириб, бир жойга кўмдилар. Шундан кейин Гулзода:-Эй бибиларим, бизнинг ишиниз бисёр кабоҳат бўлди, бу иш очилмай коимас, яхиси ўшат баҳтсизлик бошимизга тушмас бурун эл-элатни чакириб. Зухрани Тохиржонга никоҳлаб берайлик, буларни мурод-максадига етказиб, базм килайлик, леб бир газал айтди:

*Бошимизга ўлим келмасдин бурун,
Келинг қизлар базми даврон этайлик!
Дўстлар йиглаб, душман кулмасдан бурун,
Гулисан ичра азми сайдон этайлик!*

*Линча турдик Тохиржонни яшириб,
Мард бўлайлик шиқ ўтига бош уриб,
Барча созандани бунда тушириб,
Аҳни ҳалойиқни ҳайрон этайлик!*

*Зебу зайнат берниб қўз бирла қона,
Азм айлаб чиқайлик ою қўёна,
Хусниниз оламга берсин тоноша,
Рақиблар қўзини гирён этайлик!*

*Тўй этайлик кўрганигарга қўз этиб,
Аргумоқин майдон узра узатиб,
Тахт устида кўшики уйлар тузатиб,
Кайгу гам уйини вайрон этайлик!*

*Кўрмасин, кўр бўлсин рақибининг қўзи,
Бобохонга етиказурлар бу сўзи,
Бир замон қўймасдан ўлдириб бизи,
Бу ўйлда бошимиз қурбон этайлик!*

*Шамдай шуыла солиб, гашт этсак бога,
Парвоналар күйсин бу шамчирога,
Орамизга рақиб кирса бапогох,
Үлдирайлик, ҳибен зиндан этайлик!*

*Гулзода дер, саваш қуни мәрд бұлиб,
Ошиқтарнинг дарди бизга дард бұлиб,
Душман келиб қолса, құвса юрт бұлиб,
Үрнимизни үзға макон этайлик!*

Бу сўздан кейин, бу таклифни кабул килиб, эл-элатга от юбориб, чопарлар оркали созанда тўплаб, баҳшиларни жамлаб тўй-томоша бошлаб юбордилар. Зухрахонни кимматбаҳо либослар, зеб-зийнатлар билан безадиларки, гўё жаннатдан хур чиқкандай бўлиб, кўшкнинг ичи куёшнинг нурия гарк бўлгандай чараклаб кетди. Ул бир ёкка, Тохир бир ёкка ўлтириди. Канизлар соз-сухбат остида тоҳ Зухражонга, тоҳ Тохирга май тутиб, шундай мажлис курдиларки, Зухражоннинг калби ларzonна келиб, ўрнидан туриб, Тохиржонга ўзим май тутайин, деб майни олиб бориб, оддин ўзи бир култум нўш этиб, Тохиржонга тутди. Сўнгра Мулланафас охунни олиб келиб иккى ошикка никоҳ ўқитдилар.

Бу шодиёнани подиоҳ эпитетиб, тўй Зухра билан Коработирники бўлса керак, деб ўйлаб ўз совғаларини жўнатди. Шоҳона либосларни Тохирга кийдирдилар. Подио тўй тарафига барча халойиқни чакириб, хазинадан хадиялар берди. Алкисса, бу кечада барча халойик хазм-базмдан кониб, уйларига тарқалишибди. Аммо шу ердаги бадбаҳт боғбон бу хабарни подиоҳга етказди. Подио дарғазаб бўлиб, Мулланафас билан боғбонни саройга келтиришга буйруқ берди. Шунда боғбон бу иш ўзидан чиккани учун дарҳол подиоҳта таъзим килиб, бу ишда мулла айбор эмас, барча ишларни мен билурман, деб бир сўз айтди:

*Подиоҳим,санго арзим сўзлайин,
Зухра қизине ҳайрон бўлди кўшикинда.
Тоҳир келмиши бугун кимдан гизлайин,
Харидорин кўзи кўрди кўшикинда.*

*Ёри билан сухбат туттиб Зухражон,
Рақиблар макридан истайди омон,
Сурнай чалиб, дафни қоқиб шодиён,
Тўққиз кундир диврон сурди кўшикинда.*

*Кирмизи кийинмиши қадди бўйина,
Зеб-зийнат тақинмиши, ҳусни рӯйина,
Бугун тағлон солимиши гамнинг уйина,
Кўрган ҳайрон бўлиб турди кўшикинда.*

*Ул кун озод этди күп бандагарни,
Үйннатиб јуртада шармандашарни,
Йигдиреб бахшиси, созандагарни,
Ажаб томошалар қурди күнкінда.*

*Богида жасам бұлмиши бир бұлак нари,
Севдигина рүймөл отар ҳар бири,
Тохир Зухрағонни, Зухра Тохирни,
Олма билан отиб уроди күшкінда.*

*Пинқон сирип ұла аёп айлади,
Ажаб томошали замон айлади,
Кимни ракиб дея ғұмон айлади,
Киттаю кичигин қырди күшкінда.*

*Богбон деяр, Зухрағонни құрсын деб,
Икки ониң қавқу сафо сурсын деб,
Халойиққа түй-томоша берсисн деб.
Сиздан хабар сұрап турды күшкінди.*

Алқисса, бөгбон сүзини тамом килғандан сүнг Муллананафас үрнідан туриб:-Эй подшохим, никох кийіб иккі ошықни бирға күшінш керак, деб сиз томондан вакыл борғандан кейин биз бу ишга күл урдик, сизнинг сүзингизни, оллохнинг фарзини, пайғамбарнинг суннатини баржай этдік, деді. Анда подшо:-Эй Муллананафас сиз хам мен хам алданибміз. Сизнінг гунохингизни ўтдым. Аммо ошықлар гунохини ўтиб бўлмас, уларни ўлдириңг, деб жаллошларни чакирди. Жаллошлар ҳозир бўлдилар. Тезлик билан Тохирни тутиб келишга жўналилар.

Подшонинг егти вазири бор эрди, улар, бек бекзодалар, сипохийлар жам бўлиб подшодан Тохирнинг ҳаётини тиладилар, бу ошықларнинг гунохини кечинг, деб подшога тавалло этиб бир абёт айтдилар:

*Подшоҳим сиздан яккаш ўтинг бор,
Зухрапи Тоҳирдан айирма, зинҳор.
Ҳак шишина бадал этмак не даркор,
Тоҳирни Зухрадан айирма зинҳор.*

*Ҳар бириси Боги әрам гулидур,
Ошиқтар оллохнинг севар қулидур,
Сенинг бу шашларнинг шайтон феълидур,
Тоҳирни Зухридан айирма зинҳор.*

*Яхшилик эт, ҳақ ишигга құқасын,
Иккى гүл чирмасын бирға әшилиб,
Бу қайин иши бугун қозсип ечилиб,
Буларның иккисин айрма, зиңхор.*

*Олты ойлаң әкіб кезді дарёда,
Энді зулм аниң үчүн шеда,
Ҳақ етирди ошиқтарни мурода,
Тохирин Зухрадан айрма зиңхор.*

*Гұмрох бұлғын әтсан ахдап бузарсан,
Хайр ишни гайр ишигга ёзарсан,
Қизинг нолиниң қандай дузарсан,
Зухраин Тохирдан айрма зиңхор.*

*Биринші ўлдирсанғ, бирин құярсан,
Бу ишиңгега құп пушаймон еярсан,
Қизинг ўзин ўлдирсанын туярсан,
Ошиқтарни ҳарғыз айрма, зиңхор.*

*Зухражон очилған бир тоза гүлдір,
Тохир нола қылған шайдо бүтбұлдур,
Ұлим, ҳыжерон сенға лойнқ дейілдур,
Бекслар дер, буларни айрма, зиңхор.*

Алкисса бекслар, сиохилар сүзларини тамом қылдылар. Бу сүзға подшонинг қаҳри келиб:-Мен сизлардан бу масалани сұрамайман, бу ишиңгиз үчүн сизларни ҳам ўлдираам, деб дүк урди. Бекслар дархол тавба қылдылар ва подшонинг оёғига йиқилдылар.

Подшо жалладтарға яна Тохирни тезда тутиб келивни топширди. Ясовуллар дархол бориб Тохирни тутиб келалилар. Душманлар шоуд, дүстлар ғамгин бўлди. Подшоҳ Тохирга кариб:-Эй гуломбичча, сен менинг харамхонамга оёқ қўйиб, менинг зулм-зўрлигимдан. Ўлимдан кўркмадингми, олло таолонинг сенға берган навжувонлигини йўқотишни ўйламадингми, мен сенинг тобутингни ўтга кийдираман, деб ғазабга минди. Унда Тохир:-Эй масхара подшо, бугун шоҳ бўлсанг, эргага гадосан, мен сендан эмас, оллоҳдан кўркман, деб бир сўз айтди:

*Йўқдан бор айлаган қодир аллоҳдур,
Оллоҳдан кўрқаман, сендан кўрқманам!
Ҳар не ҳукм айласа, ҳукми равонидур,
Оллоҳдан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Худонинг мулкандир суратим, жоним,
Зухрага курбондур жону жаҳоним,
Бугун майдон узра тўкилса қоним,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Бугун кўшилмишам Зухра дилдора,
Армоним йўқ, энди чекиғсан дора,
Зухранинг қошинди қулсанг савпора,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Банда, қулсан, шоҳман дея кезарсан,
Отам билан қилган аҳдинг бузарсан,
Хайр бўлган ишини шаърга ёзарсан,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Лунё узра келган қуним ўлмишам,
Ишқининг савдосинга сарим солмишам,
Кўч-кўзиман, курбон учун келмишам,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Ўлдургум, деб газаб билан сўйларсан,
Ўлимдан ўзингни йироқ айларсан,
Максадим ўлимдир гайрин нетарсан,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

*Тоҳир деяр, сигинчишам худога,
Ишқининг шунқориман, тушибим тузога,
Катра қоним Зухражонига садога,
Оллодан кўрқаман, сендан кўрқманам!*

Тоҳирнинг бу сўзини эштиб подшонинг газаби ўн баробар ошиб, туклари тўйинни тешиб чиқди.

-Жаллодлар, буни ўлдиринг, деб кичкирди. Жаллодлар кўлларига ойболта, ханжарларини олиб ҳозир бўлдилар. Тоҳирни ўним майдонига олиб чиқдилар. Ошиклар ноласидан ой-кун тутилди, олам-жаҳон зимиstonга айланди. Шунда Тоҳир:

-Эй жаллодлар, бир дақиқа тааммул килинг, Зухражоннинг дийдорини бир кўрайин, унга бир-икки оғиз сўзим бор айтгайин, деди.

Шул вакт Зухражон бошига қора чодир тортиб, ёс кийимида бўзлаб келди ва одамлар ичига ёриб кириб:-Эй юрагимнинг куввати, кўзимнинг равшани, тириклигимнинг сармояси Тоҳиржон, мардана бўл, бу йўлдан қайтма, иккимизнинг ҳам максадимиз ўлимдир. Шукур оллоҳ таоло иккимизни муродимизга етириди, Тоҳиржон, оллоҳ ёшлиқдан

иккимизни ошик этди, меҳру мухаббатни кўнглимиизга солди, энди шаки
ошликинг ўлар куни етипди... Бугун сен, эртага мен ўламан. Қиёмат
куни худо кози бўлиб, Расул алайхиссалом шафоати билан шу даргоҳда
Бобоҳон подио бинлаш хисоб-китоб килурмиз, деб бир абёт айтди:

*Худодан тилагил мақсад-муродинг,
Бугун муродингга етар кунингдур.
Узинги тошириб ошик Фарҳода,
Ошикгар ўйинни тутар кунингдур.*

*Ўлсанг бугун Бобоҳоннинг кўлида,
Руҳинг сайдрон этиар жасинат сулида,
Ёринг висолида, шикинг йўлида,
Дунёни бир пулга сотар кунингдур.*

*Ёр, менинг йўлимда гар чиқса жонинг,
Мен сенсиз роҳатни сурмам жаҳоннинг,
Тўкинса майдонида қирмизи қонинг,
Кон ўрнига шарбат сотар кунингдур.*

*Биз кетайлик бунда қолсин Бобоҳон,
Подиога мубоҳ бўлсин бу жаҳон,
Маҳшар майдонида курилса меъзон,
Маҳкам ёқасидан тутар кунингдур.*

*Тақдир китобига ёзидур бизи,
Ўйилсик, кўр бўлсин отамнинг кўзи,
Рӯзи қиёматда қорадур юзи,
Лаънат тошин уига отишар кунингдур.*

*Отамнинг жабридин дардим сад ҳазор,
Қора юз чўмоққа қилса сазовор,
Мозоринг ёнида ясарман мозор,
Аввали навбат санинг етар кунингдур.*

*Зухра дер, жалгидлар кесарлар бошинг,
Йўқдур меҳрибонинг, қавми қардошинг,
Азалда қисмат бу читмагил қонинг,
Рахмат дарёсига ботар кунингдур.*

Алкиssa, бу сўз тамом бўлғандан сўнг Тохир Зухранинг бу
эътиқодини շивитиб, сенинг кўз олдингда ўлсам армоним йўқ, деб бир
газал айтди:

*Хүш қол, энди Зүхражсоним,
Айро тушдинг, дилдор энди.
Беҳинитим хурим, ризвоним,
Хора тушди гулзор энди.*

*Отандың газаб тұнин кийиб,
Бизни қылар күздін гойиб,
Юзинг ішрітиб, сочинг юлиб,
Сен чекмагил, озор энди.*

*Тоҳирни дорға чекурлар,
Юрасида ўт чақылар,
Майдонда қоным тұқылар,
Очылар лолағор энди.*

*Менга газиб қылған шоҳдур,
Қысматы қодыр оллохдур,
Қора ер бір ажсақходур,
Охир ютар бу мор энди.*

*Ниқобинг чекмагил юза,
Еш келтирма қора құза,
Қиёмат күн иккимиза,
Насиб этсип дайдор энди.*

*Зүхражсон энинт нозиним,
Икки дунёда йўлдошим,
Баржой бергил обу ошим,
Сен бўлганисан гамхор энди.*

*Бу майдонда Тоҳир ўлса,
Коработир ҳозир бўлса,
Зухрам билан ўйнаб кулса,
Қачон топгум қарор энди.*

Тоҳир бу сўзларни эшишиб Зухрага караб:

-Эй Зухражон, мен дунёда муродимга етдим, мен ўлимдан кўркмасман, хижрондан куярман, мен ўлиб сен Коработирга колсанг, мен қабримда қандай қарор топаман. Эй меҳрибоним, ўлгунчам дилдорлик күлдинг, ўлганимдан сўнг ҳам ғамхўрлик этарсан, ўлсам майитимни саранжомлаб, кейин обу ошимни баржой қиласан, қабрим бенида оят, хатми Куръон килиб, такбир этарсан, жума оқшом чирок ёкарсан. Агарда сен шуларни қиласант, бошқалардан умидим йўқ. Яна

бир ўтингим, Коработирга ўзингни якин қилма, ундан кейинги ишларни ҳам ўзинг биларсан, деди. Шунда Зухра: Эй Тохиржон! Бу дунёда менга хазрати Жиржис пайғамбарпинг қўрган азобларини берсалар ҳам бир соат Коработир билан хамеухбат бўлмасман, деб бир абёт айтди:

*Сен кетарсан, Зухра бунда қолди деб,
Унинг учун гамгин бўлма, Тоҳиржон!
Мен кетарман гайри мунда қолди деб,
Унинг учун гамгин бўлма, Тоҳиржон!*

*Бунда қолиб кўнгали бошиқа олир деб,
Кезган болгаримда ўзга кезар деб,
Коработир билан ўйнаб кулар деб,
Унинг учун гамгин бўлма, Тоҳиржон!*

*Тоҳирим деб ёниб-кўйиб ўтарман,
Хизиронингда мудом конлар ютарман,
Сенсиз ёрим бу исаҳонни нетарман,
Унинг учун гамгин бўлма Тоҳиржон!*

*Мен етмасам сенинг каби ёрима,
Хазон урсин бу бокчали порима,
Шаршим будур тиг санчилсин бағрима,
Унинг учун гамгин бўлма Тоҳиржон!*

*Зухра деяр, бир иқрорда туарман,
Сендан қолиб қандай даврон сурарман,
Бугун кетсанг, эрта мен ҳам бораарман,
Унинг учун гамгин бўлма Тоҳиржон!*

Зухра сўзини тамом этганда кейин Тохирнинг кўнгли жойига тушди, ундан рози бўлиб:-Эй Зухражоним, қиёматгача сендан розиман, олло ёриаг бўлсин, деб бир абёт айтди:

*Мен қадам қўярман охират сари,
Нозаниним, Зухражоним қол энди.
Рақиблар айроти ёридан ёри,
Ширин сўзини Зухражоним, қол энди.*

*Жаллодлар келибди жоним олмоққа,
Рақиблар келибди ўйнаб-кулмакка,
Мен келмешам ду майдонга ўлмакка,
Сен саломат Зухражоним, қол энди.*

*Күпиди ханжаси жаллодлар келди,
Котили хунхорлар теграмни олди,
Азиз таним құрмиз қоңға бұялди,
Йигламагил Зухрағоним, қол энди.*

*Васиятим, арзим санга Зухрағон,
Кора күздан ашкынг тұқмагил ҳар ён,
Армонаим ішік бұлсам кошиңда қурбон,
Гам емагил, Зухрағоним, қол энди.*

*Нозанин ғигитлар, тенсү түшларим,
Йигитлар ҳамроси нариналириз,
Қадрдан дұстларим, қардош-хешларим,
Йигламагил, халойикілар, қол энди.*

*Йиглама севдигим даврон қуни дур,
Майдонда ошингинг, мәрден қуни дур,
Бүгүн биғза ийди қурбон қуни дур,
Ғамғын бұлма, Зухрағоним, қол энди.*

*Юзинг ғиртиб, сиё сочинг ёймагил,
Тоҳаринг багриға доғлар қўймагил,
Ёрим ўлди, дейиб ғамлар емагил,
Олло ёринг, нозанин им, қол энди.*

Алкисса, жаллодлар Тохирнинг кўзини бөглаб, бўрёнинг устига ўтиргизиб, ханжарларни яланғочлаб, полиоҳдан руҳсат кутиб турдилар. Шул вактда Зухра зори гирён бўлиб:

-Эй халойик, ошикларга уч кун фурсат берилсин, деди. Халойик:- Ошикларга уч кун фурсат берилсин, деб арз этдилар. Подпо розилик берди. Икки ошик кўшқда дарди ҳол айтишдилар. Тўртиччи куни Зухра Тохирга шохона либослар кийдириб, бошита мурассаъ тож қўйиб, белига заррин камар бөглаб, гулпокларига тиљо шона уриб, юзларига гулоб селиб, безаб майдонга чиқарди. Халойик қараса, икки ошик юзлари ой каби шуъла сочиб, коронғи кечали мунааввар қилур эрди. Одамлар уларга ҳайрон бўлиб бокиб, бармокларини тишлаб турур эрдилар. Катта -кичик: “Илоё Тохирга нажот бер”,-деб илтижо китуллар эрди. Зухра факир балки бу кўрк, нафосат сохибига подшо ўлимни раво кўрмас, леган ўйга кетган эди. Аммо подшо жаллодларга: -ўлдиринг!- деб буйруқ берди. Жаллодлар дархол Тохирни Зухранинг кўлидан тортиб олиб майдонга келтирдилар. Зухра ўтга тушган парвонадай бориб оғасининг оёғига йиқиди, унга ёлбориб:-Мени ўлдир, ёримни озод айлагил, деб бир ғазал айтди:

*Шоҳ бобом арзимни баён айлайин,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.
Тоҳирнинг бошига қурбон бўлайин,
Ўлдир мени, ёрим озод айлаги.*

*Аввал бошдан тақдир қилибдур бизи,
Боҳир бишан икror этдинг бу сўзи,
Юзинги дўндиардинг, туман кун юзи,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

*Отамга ўтиңч эт, меҳрибон энам,
Кечакундуз ишқ ўтида ўртаним,
Тоҳир тақдирига ёзуклик менам,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

*Бугун боши қўймишам ишқнинг йўлига,
Назар этмам бу дунёнинг молига,
Ёрдан бурун тўғисум ажсал қўлига,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

*Мен бунда қолманам, ўзим биларман,
Ханжар бирла қора бағрим тизарман,
Тоҳирни ўлдирансанг мен ҳам ўзарман,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

*Богбон элин олма-нордан айнрма,
Булбул жисимин гул-гулзордан айнрма,
Ғазаб билган мени ёрдан айнрма,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

*Менини ёрим Боҳир вазир ўглидур,
Шоҳ зулмидан сийналари дөглидур,
Зухра бирлан бир икrorига боғлидур,
Мени ўлдир, ёрим озод айлаги.*

Алкисса. Зухра сўзини тамомлагандан сўнг Тоҳир айтди:-Эй Зухражон, номараша бўйнинг бурма, тақдирга чора бўлмас, деди.

Шул вактда подшоҳ жалиюлларга имо килди, жалиюллар шу заҳоти Тоҳирнинг бошини танасидан жудо қиллилар.

Тоҳирнинг хар катра қонидан “Зухра” леб нидо чикар эрди, сўнг хар катра қопи бир кизил гул бўлиб очилар эрди, халойик хайрон саросима бўлди. Зухра бир вакт караса, иш охирига етибди, шунда у ўзини ўлик устига ташлаб бехути йикилди. Канизлар иккаласининг

устига парда тортдилар. Сүнгра бутун эл тобугни күтариб йўлга тушиди. Шул вақтда Зухра хушига келиб: «Халойик, нари турини, шомахрамсиз, деб канизларига Тохирни кўтаринг, деб фармон этди. Барча кизлар зори гирён йиғладилар, Тохирни кўтариб кўшикка келтирдилар. Унга зарбофдан кафан этиб, устига минг беиш юз туманлик кермоний шолдан ўртуқ қилдилар. Олти минг туман сарф этиб шахар ташкарисида гумбаз барпо этдилар. Зухра хазинасинг оғизини очиб 40 ботмон олтин, кумуш олиб, то гумбазга етгунча Тохирнинг устидан сочиб боришини фармон этди. Сүнгра 26 минг шахар аҳли йигилиб, жаноза ўқидилар. Кейин Тохирнинг устидан симу зар соидилар. Бир неча корнийлар корийчиллик этиб, девоналар “ху хай” деб, дараешилар зикру сано айтиб, шайхлар полиш этиб, маддохлар газал айтиб, канчадан қанча тенгдош йигит-киззар кабр бошига бордилар. Тохирнинг устига минг туманлик мушку анбар сепиб, уни жойлаб йигландилар. Шул маъракада Мулланрафас ҳам бор эради. Ул: «Эй ҳалойик, ҳар ким шахиднинг устидан ёнилган зотдан бир нарса олса, дўзах ўтига гирифтор бўлар, деди. Тохирнинг устига ёнилган зотларни элатдаги кицилларга пойлаб, Зухра уларга рухсат берди. Ўзи 40 канизи, уч юз қорий билсан ул жойда колди. Бул кеча тонг отгунча шу ерда қолдилар.

Шундан сўнг Зухра уч кун ишида Тохирнинг ҳамма обу ошини берди ва кўпкига келиб, боғларини ва бошқа амжомларини канизларига бахш этди. Кейин кора чодрага бурканиб, Тохирнинг қабри устига зиёратига кегди. Унинг бораётган йўли кўз ёнидан нам бўлур эради. Шул вақт онаси унинг изидан этиб: «Эй болам, ўлганнинг изиздан ўлиб бўймас, ўлганлан фойда йўқ, уни ёдингдан чикар, тирикка хизмат эт. Ўлик арслондан тирик сичкон яхни, деганлар, Қоработир ҳам ўз авлодинг, унга кўнгил бер, деди. Зухра: «Эй она, бир оёгининг тўрда, сенинг бундай сўз айлишга қанчай тилині борди, деб бир абёт ўкили:

*Онажисоп, айтмасил бундай сўзингни,
Бу савъдага вафо қилмасам бўлмас.
Деганинг рост бўлса, кўрмаси юзингни,
Тохирнинг изизда ўлмасам бўлмас.*

*Худойим айласа лутфи иноят,
Тохирнинг руҳига хатми этиб ояят,
Ёримнинг қабрини айлаб знёрати,
Ул ерда лош бўлиб қолмасам бўлмас.*

*Энди менинг раҳимим келмас бу жона,
Бу ашлар бизларга бўлиди баҳона.
Жонимни топнинириб қодир субҳона,
Жасадим тупроққа бермасам бўлмас.*

*Толевим каж келди иқболим синди,
Ажапнинг сокийси шаробин сунди,
Ёрнинг хуморидан айлодим этиди,
Хазон урган гулдек сўлмасам бўлмас.*

*Зуҳра дегар, ширин жона дўзмасман,
Ўларман Тоҳирдан умид узмасман.
Ёр анда, мен бунда йиглаб кезмасман,
Бориб ёр қабрида бўлмасам бўлмас.*

Алкисса, Зуҳра сўзини тамом килгандан сўнг онаси харчанд тавалло этиди, таваюносини олмали, сўнгра онаси айтди. Эй жон кизим, агар юз кун ёйборсам ҳам менинг деганимни этмассан, сенинг ишқининг чора топиб билмадим, эй кўзим, ростини сўзласам сеники дурустдир, сенинг йўлинг хакдир. Тоҳир сенинг йўлингда ўлди. Сен ҳам унинг йўлида жон берсанг керак. Энди ўзинг биларсан, леб йиглаб уйига кайтди. Зуҳражон ҳам қабрига зиёрат учун жўнади.

Энди хабарни Коработирдан энгитинг. Ул боғнинг канорида Зухранинг йўлини пойлаб туарар эрди. Бирдан Зухранинг келганини кўриб, илгари юрди. Аммо Зуҳра унинг не хаёлда келганини билмади. Шул вакт Коработир Зухранинг олдига келиб, таъзим, тавозеъ билан орзу ҳолини сўзлаб, беш калима сўз деди:

*Зуҳражон, арзим бор, недур гуноҳим,
Холларимдан хабар олсанг не бўлди?
Менга раҳм айлади қарамали шоҳим,
Бу ҳолимдин хабар олсанг не бўлди?*

*Мен сенинг ишқингда қайнайин тошиб,
Сен кезарсан рақибларга бош қўниб,
Агёрдан айрилиб, хилватга тушиб,
Оқ қўлинг бўйнимга солсанг не бўлди?*

*Мен ошигам сенинг каби жонона,
Кунда юз ўртарсан, қасд этиб жона,
Кошингдан қувларсан, айлаб баҳона,
Отанг берган пандни олсанг не бўлди?*

*Лочиндеқ термулиб, ҳар ёна бокқиб,
Кокилинг шоналауб, қадингга тўкиб,
Қизларга бош бўлиб, сайронга чиқиб,
Кошимда эркалаб кулсанг не бўлди?*

*Тоҳирни кетди деб тиңга келтирма,
Хүш күнингни ҳасрат билга ўтирма,
Кора кийиб, гамғин бўлиб оҳурма,
Коработир ишқин билсанг не бўлди?*

Аликесса Коработир сўзини тамом этиб: -Эй Зухражон, мен факирга раҳм айла, мен ҳам сендан умидвор бўлиб, кеча кунлуз оҳу зор чекурман, деди.

Зухра бунинг турицидан ҳадик этиб, бу бадбаҳт менинг бирдан кўлим ушлаб беобрў этмасин, деб ҳафға тушиб уни фикридан кайтирмокчи бўлиб:- Эй Коработир, энди мен сенини бўлдим, аммо Тоҳир ҳам менинг ўйлимда юп жафо чеккан ўғлондор. Айлак сабр кил, унинг обу оинин бериб, ўзимни ёсдин чикарайин, сўнга сен билан даврон сурармиз. Сен менинг якин каршидошим бўласан, сен тўй тараалдудини тутабер, энди даврон сенга дўнди, деди.

Бу сўзга Коработир ишониб, кайфи кўтарилиб, Зухранинг отасига: -Нолшохи олам, кизингизнинг азалдан бизга кўнгли бор экан, деди. Подишо ҳам хушвакт бўлди.

Зухра Қоработирни бу хийла билан узатиб юборди, канизларига караб бир сўз деди:

*Гулюда, гавхарим, энинт сўзимни,
Ноласлар чекарман ёрнишг ўйнида,
Тоҳир учун барбод қилиб ўзимни,
Жигарим ёқарман ёрнишг ўйнида.*

*Ошнектар ҳаётни кечмас орқайин,
Кетди ёрим, энди кимдан сўрайин,
Бугун жон уйини-жиссим саройин,
Қасд этиб йиқарман, ёрнишг ўйнида.*

*Магар ундан аввал олур жонимни,
Кул ўтарман ёқиб устахонимни,
Ёр қабрига бориб қизил қонимни,
Сув каби тўқарман ёрнишг ўйнида.*

*Зухра дегар, менинг баҳтиим қоради,
Коработир манго харидор эрои,
Тоҳиржоним менинг учун жон берди,
Дунёдан ўтарман анишг ўйнида.*

Аликесса Зухра сўзини тамом этиб:-Эй кизлар йиғламоқ билан иш битмас, юринг Тоҳирбекнинг кабрини зиёрат этайлик, деб канизлари билан қўшилиб зиёратга кетдилар. Улар қабр бошига бориб неча вактлар

Йиғлашиб ўтирилар, сүнгра қайтиб кетдилар. Аммо Зухра қабр бошида рўймолини яшириб кўйиб кетди. Йўлда у хеч тўхтамасдан йиғлаб борди ва кўз ёшини артии учун рўймолини олмокчи бўлиб, унинг тушиб колганини кизларга айтди. Кизлар рўймолни ахтариб кетдилар. Зухра эса қабр бошига югурди. Унинг белида ханжар бор эрди. Харжарни кинидан сугириб, калимаи шариф ўкиб, ханжарнинг солини пастга, тигини юкорига жойлаб кўйиб, устига ўзини ташлади. Ханжар унинг юрагидан кириб, оркасидан чикди. Гулдек тана кирмизи қонга беланди, жони жаннатда Тоҳир билан ковушди.

Канизлар тўрт тарафга чопиб, келиб қарасалар Зухра қонга беланиб ётибди. Кизлар йиғлаб унинг ёсини тутдилар ва подшохга хабар юбордилар. Хабарчи бориб подшога:-Қизниң жаннатга восил бўлди, деб хабар етказди. Подшо буни эшитиб бехуш йикилди. Хушига келиб, Зухраниң устига караб жўнади. Борса, ҳалойик йигилган, ҳамма ҳайрон-саросима. Бирор ох-воҳ чекди, бирор баракалла тўғри иш килибди, деди. Зухраниң жасадини Тоҳир қабрининг ёнига қўйдилар. Шул вактда подшо ётиб келди. Қараса Зухра кора қонга булганиб ётибди. Ул пешонасига уч марта уриб: -Во-хасрато, надомато, деб отидан оғиб тушиб, Зухрани кучоклаб, бехуш йикилди. Уни хушига келтирдилар. Шунда у зоринжи садо билан бир марсия айтди:

*Воҳасрато айро тушибим,
Топарманми, болам сени.
Найлайнин ёндим, туташдим,
Топарманми, болам сени.*

*Инондим, рақиб сўзиға,
Зор ўлдим оёқ тўзинга,
Юзим қўйсам гул юзинга,
Топарманми, болам сени.*

*Юз ўғирди яқин-ётим,
Курисин Бобоҳон отим,
Инглатдим якка зурёдим,
Топарманми, болам сени.*

*Ўниб отим оғғиндан,
Сўхлади дарди додингдан,
Зухражон учди бодимдан,
Топарманми, болам сени.*

*Қаро чекилди юзимга,
Зулм айладим ўз-ӯзимга,
Жабр этдим якка қизимга,
Топарманми, болам сени.*

*Хақ ошиқ әркан, билмадым,
Рахмат нағарин солмадым,
Ваъдага вафо қылмадым,
Тонарманми, болам сени.*

*Зухражсон қандасан, қанди,
Отсанг бўлсин сенга банди,
Йигларман умрим баринда,
Тонарманми, болам сени.*

*Тавалло этди термулиб,
Рахм этимадим бағрим ҳриб,
Энди қолмишам сиргариб,
Тонарманми, болам сени.*

*Бобохон деяр, сўклиасам,
Кеткан йўлни кўзласам,
Ёхни жаҳонни изласам,
Тонарманми, болам сени.*

Подшо сўзини тамом этган вактда. Зухранинг онаси сочини юлиб, бағрини поралаб, кўзидал ёни сел бўлиб:-Во ҳасрато, Зухражонланайрилдим, деб Зухранинг устита ўзини отиб, кучоклаб бехуш йикилди. Бир замонлардан кейин хуштига келиб, кўксини кизи кўксига қўйиб:-Эй фарзандим, воҳ жигарбандим, деб зор-зор йигилаб бир марсия ўқиди:

*Ишавон фарзандим, азиз чирогим,
Армон билан гариб ўлган, Зухражсон!
Рақиблар макридан синди будогим,
Ишк йўлида шаҳид ўлган, Зухражсон!*

*Ханжар билан қаро бағринг чок этиб,
Тамом аъзоларинг дардинок этиб,
Ишк йўлида азиз жисминг ҳок этиб,
Ёрим дейиб гариб ўлган, Зухражсон!*

*Мен отсанга айтар эродим бу дарди,
Англамади, ўзга ёнга юлурди,
Сенга бокмай, рақибларга дил берди,
Бир гамхорсиз гариб ўлган, Зухражсон!*

*Кизига қасд этиб, ганим қулдириб,
Душманлар олдида ақин олдириб,*

*Отаси сабабли ўзин ўлдириб,
Чора тошмай шаҳид ўлган Зухражон!*

*Ёр дейиб, дунёнинг завқидан кечиб,
Ҳар кимга телмуриб, кўз ёшин сочиб,
Тоҳир, дейиб охир қора ер кучиб,
Ишқ ўйлида гарид ўлган, Зухражон!*

*Подшодур факирларнинг наоси,
Қизига қасд этди педур гуноси,
Мен ҳам Зухра қизининг гарид онаси,
Онам дейиб гарид ўлган, Зухражон!*

Алкисса, бу сўзни тамом этиб, Зухранинг ўрнига мен ўлсам бўймасми, деб онаси бечора зори тирён йигъяди.

Кейин подшо аркони давлатни йигиб, маслаҳатлашиб, Тоҳирнинг кабри ёнида бир гумбаз барпо килдириб, ичига кандиллар осдириб, корийларни кубур устида ўтқизиб, Куръони каримни такрор килдири. Зухрани дағн килдилар.

Энди сўзни лашкарбоши Коработирдан эшитинг. Коработир Зухранинг сўзига инониб, бори молини сарфлаб, дўстларидан хам карз олиб, тўй шайини тутиб юрган эрди. Аммо бу воеани эшишиб, юрагига тош уриб йиглади. Қабристонга бориб караса, Тоҳир билан Зухра иккаласи тумбазда ёнма ён ётиби. Ҳар бирининг устида бир кизил гул чиқиб, иккаласи осмонга чирмашиб кетиби. Коработир буни кўриб, ўзига деди:-Эй Коработир! Сен Зухра билан Тоҳирни бир жойда бўлганини кизганаэрдинг яна бу ерда иккаласини кўрдинг, буларнинг бир жойда ётганини кўрганингдан ўлганинг яхши эмасми, деб Зухранинг мозорига ханжар кўйиб, ўзини ўлдириш учун уч марта талпинди, аммо юраги киймади. Шул ерда бир оқсанкол киши буни кўриб:-Эй Коработир, ўзингни онлик хисоблаб, бу ошикларга бир соат роҳат кўргазмадинг. Булар бир-бирларига жонлариги фидо айладилар, баракаило, жонинг шу кадар шириними, деди.

Коработир бу хижоятли сўзларни эшишиб, кўзини юмиб, ўзини ханжарнинг устига ташлаб жон таслим киради. Ул ўлмас бурун, мен ўлсам Тоҳир билан, Зухранинг ўртасига жойланглар, деб васият килиган эркан. Унинг кариндошлиари бу васиятни баржой кирадилар.

Оллонинг курдати билан унинг қабридан бир кора гул чиқиб, аввалги чиккан икки қизил гулга озор бериб, япроқларини пора-пора килур эрди. Коработир жасадини икки мозор ўртасига жойланганига Зухранинг руҳи иорози бўлди ва Зухра Бобохон подшонинг тушига кириб, унга юзланиб бир газал айтди:

*Бизга золим бўлган меҳрибон отам,
Дунёда зумга дучор айладинг.
Мен сенга не қилдим, не дур гуноҳим,
Қизигни ўзинга агёр айладинг.*

*Бу дунёдан охиратга отилдим,
Фалак билан нард ўйнадим сотилдим,
Бегандим жабрингдин кочдим, қутилдим,
Яна бизни бунда озор айладинг.*

*Ўтлар солдинг қаёр устида саройга,
Малҳам айла ракиб қўйсан ярога,
Ул дунёда Қора тушиб орага,
Яна ора ерда мозор айладинг.*

*Каҳр этиб айирдинг ёридин ёрин,
Устимизда қурдинг ўзим бозорин,
Кўргизмадинг бир-бировга дийдорин,
Яна бизни орзу дийдер айладинг.*

*Шафқат истаб ўндим пойи гардингдан,
Кувладинг оқизиб ёрни юртингдан,
Яхин кун кўрмадим сенинг дардингдан,
Ўзинг ширатингда қарор айладинг.*

*Унда қолдинг ошиқларнинг қопига,
Бунда ўтлар солдинг ишрин жонига,
Зухра деяр, келдим отам, ёнига,
Армоним кўп, сўзим изҳор айладим.*

Подио бу сўзни эшитиб, сесканиб уйғонди. Хизматкорларнiga:-От хозирланг, деб буюрди. От хозирланди, подио отга миниб, вазирлари бирлан кабрнинг устига борди. Караса, Тохир билан Зухранинг кабрлари устидан иккита гул чиқиб осмонга чирмашган, хар бирининг бошида бир булбул бор. Аммо Қоработирнинг кабри устидан бир кора гул ўсиб, гулларга озор бериб турибди, унинг устида эса бир бойкуш фарёд уриб ўтирибди. Подио буларни кўриб хайрон қолди ва Қоработирнинг буларга душман эканини онди билдим деб, унинг мозорини йикишга буйрук берди.

Дарҳол мозорини йикиб, жасадни бошка жойга кўчирдилар. Подшоҳ иккита ёп-анҳорни ва Зухранинг богини ошиклар йўзинга вакф килди. Уларнинг кабрлари устидаги олии юз куръонхона ва мувожир кўйди.

Энди сўзни Моҳимжондан эшитинг. Моҳимжоннинг тунига бир куни руҳи пок кўриниб:-Эй Моҳимжон, бизнинг бошимизга бир иш тушди, деди. Моҳим сесканиб уйғонди, бакириб ўрнидан турди. Унинг сасига қанислари келишиб:-Эй Моҳимжон, не гап бўлди, деб сўрадилар. Шунда Моҳимжон йиглаб юрагини поралаб бир сўз айтди:

*Эй меҳрибоним, йўлдошим,
Топарманми, ёrim сани?
Курбон қиласам молим-бошим,
Топарманми ёrim сани?*

*Ишқингда мен бўлдим гариб,
Ҳам заъфарондек саргариб,
Тун-кечаларда ахтариб,
Топарманми, ёrim сани?*

*Эй позанип, сиймин бадан,
Жон кетди, мунда қолди тан,
Эй химмати олий қаҳан,
Қандай топай, ёrim сани?*

*Хар лаҳза қилдим мен ҳавас,
Бўлсам яна бир ҳамнафас,
Бу дунё мен учун қафас,
Қандай топай, ёrim сани?*

*Бечораи мискин бўлиб,
Йўллар бошида телмуриб,
Хардам юракдан оҳ уриб,
Қандай топай, ёrim сани?*

*Бир булбули нолаи зор,
Бер ҳожатим, парвардигор,
Бўлдим йўлингда интизор,
Қандай топай, ёrim сани?*

*Эй шамси анвар вазниҳо,
Эй ҳодийи нури ҳидо,
Эй гулшани боди сабо,
Қандай топай, ёrim сани?*

*Моҳим деяр, эй сарви бўй,
Нола қилурман мисли най,
Орзудаман: хуснинг кўрай,
Қандай топай, ёrim сани?*

Алқисса, Мохимжон сўзини тамомлади. Гулзода каниз Мохимнинг нолишига тоқат қилобилмай, бир ғазал айтди:

*Бу кеча не аҳвол кечди бошингдан,
Хабар бергил Моҳимжоним, не бўлди?
Қирқ канагинг қурбон бўлсин бошингдан,
Хабар бергил Моҳимжоним, не бўлди?*

*Олам куяр нолишингдан, зорингдан,
Учирдинг булбузинг гулузорингдан,
Не хабар эшитдинг севар ёрингдан,
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?*

*Ё аҳвол кўрднингми, Тоҳир ўлдими?
Ё саргайиб гулдай юзи сўлдими?
Ёки оқиз кўнглиниг мендан қолдими?
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?*

*Шум айрилик ели ҳар ён эсибдур,
Ёки унинг гам-қайгуси босибдур,
Оҳу ноланг корабагрим кесибдур,
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?*

*Кайгу-гамдан ўзинг безор айлагил,
Каназларга кулиб, гуфтор айлагил,
Гулзодага сўзинг изҳор айлагил,
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?*

Бу сўз тамом бўлгандац кейин Мохимжон Гулзодага жавоб бериб, бир ғазал айтди:

*Уйқумда Гулзода бир аҳвол кўрдим,
Ошиқтар кўзимга иён кўринди.
Ёрилди юрагим, сесканиб турдим,
Кўзима бир руҳи равон кўринди.*

*Тоҳирим кўрмишам саҳариниг чоги,
Дор остида кўрдим бўйнида бодги,
Моҳимжон деб ўнглар юракда додги,
Ошиқтарга охир замон кўринди.*

*Зуҳра қиз дейдилар бир нари пайкир,
Кора кийниш ўз бўйига баробар,
Санчадур бағрига қўлида хапжар,
Тоҳир деб қўзлари гирён кўринди.*

*Тоҳир деб йигланыр юрт ахти чандон,
Магар Тоҳир ўлмаш, ё тушиди зиндан,
Жаллодлар жасам бўлиб чарх урад ҳарён,
Ошиқлар устида туман кўринди.*

*Моҳимжон дер, Зуҳрағонни кўрмашам,
Паринион ҳолидин хабар сўрмишам,
Дейди: ўз багримга ханжар урмишам,
Юракда ўт, багрида қон кўринди.*

Моҳимжон сўзини тамом этиб:-Эй Гулзода, менин бир неча вактлардан бери ғам босар. Тушимда рухи пок кўрдим. Ўзи зулм остида, келиб бўйинни буриб: “Бонимизга иш тушди, стиш”, деб хеч уйку бермади. Мен билмадим бу Тоҳирнинг рухими ё гайри рухими. Агар ошиқлар ўлган бўлсалар, кабрларини зиёрат килсан. Агар ўлмаган бўлсалар хизматларида бўлсан, деди. Хазинадаги бор пулни саликка солиб: Бир сардор тоғиб, от-ярок анжом этиб ўйл ишайни тутинг, деб канизларга амр айлади.

Бу хабар Одишшохга етиб борди. У дархол вазирлари билан кизи ҳузурига келиб: -Эй кизим, занон тоифасига сафаркашлик номуборак бўлур, деб бир сўз айтди, Моҳимжон хам унга жавоб берди:

Одишшоҳ:
*Ўлганнинг изида ўлнак бўлтурми,
Мехрибоним, севар қўзим, қайт энди.
Тотор кетиб, қайтиб келмоқ бўлтурми,
Кўпсиг хушам, кўрап қўзим, қайт энди.*

Моҳим:
*Одиг бобом, менга рухсат бергайсиз.
Бориб Тоҳиримни кўрмасам бўлмас.
Кальбансиз, қибламсиз бирга юргайсиз,
Бошим ўз дўконга урмасам бўлмас.*

Одишшоҳ:
*Қўзигига кўрининган ўз рухи покдур.
Зуҳрағон ёнигигда тупроқдур, ҳокдур,
Йўллар кўп йироқдур, кўрмаклик йўқдур,
Моҳимжоним, севар қўзим, қайт энди.*

Моҳим:
*Шодингим йитибдур, гамим ошибдур,
Айрилиқ дардидин ақсим шошибдур,
Тоҳирнинг бошига не иши тушибдур,
Бориб қуллигида турмасам бўлмас.*

Одилшоҳ:

*Тоҳир нобуд бўлмаси шоҳнинг қаҳрида,
Аждарнинг оғзида, илони заҳрида,
Сенга ҳамдам кўпдур Багдод шаҳрида,
Мехрибоним, Моҳимжоним, қайт энди.*

Моҳим:

*Бундай сўзни шоҳим, олма тилларги,
Жоним чиқиб лошим қолсан чўлларда,
Сўякларим нишон бўлсан чўлларда,
Тоҳир деб бу йўлда ўлмасам бўлмас.*

Одилшоҳ:

*Юртишиг шоҳидурман, оламга хонам,
Келтирмам Тоҳирни, хукми равонам,
Кел, қайтгиз йўшингдан бошинга дўнам,
Кўрар кўзим, севар кўзим, қайт энди.*

Моҳим:

*Багдодда бир кимса эшиитмас сўзим,
Ёрсиз менинг зальфаронидур гул юзим,
Жасадим кул бўлсан, кўр бўлсан кўзим,
Мен ҳам улар каби бўлмасам бўлмас.*

Одилшоҳ:

*Одилшоҳ дер, тутгиз менинг сўзимни,
Сенинг учун барабод этай ўзимни,
Қизим Тотор сари бурма юзингни,
Юргиз Багдод сари, кўзим, қайт энди.*

Моҳим:

*Моҳим деяр, ёр эшиитсин сўзимни,
Ёрим не кузфатда, гофилдур бошим,
Кўрар кўзим, меҳрибоним, йўлдошим,
Холларидан хабар олмасам бўлмас.*

Булар сўзларини тамом этдилар. Шу пайтда кун ботар томондан бир гард пайдо бўлди. Карасалар карвои эркан. Моҳим: Менинг Тоҳирим элидан келган карвон бўлса керак, деб олдидан чиқди ва карвонбошига салом берди: Карвонбони алиқ олиб: Эй Моҳирўй, бизга не хизматинг бор, деб сўради. Шунда Моҳим зор-зор, чун абри наавбаҳор йиглаб, карвонбошидан хабар сўраб бир абёт айтди:

*Хабар бер карвонлар, қайдин келарсиз,
Мени ҳол-аҳволдан хабардор айла.
Хабар сўрсан Тоҳиржонни биларсиз,
Хазон урган кўнглим лозазор айла.*

*Җүх ҳайрон ўлминшам бир ёр шиқида,
Саргардонман рақибларнинг рашикида,
Печук хабар бордур Зухра кўшикида,
Менга рост сўзлардан эътибор айла.*

*Ёрим кетди, бунда қолдим саргардон,
Кўнглим орзу айлаб, кўзларим гирён,
Ширин жоним қилгум жонинга курбон,
Менинг бу сўзимга эътибор айла.*

*Ростин сўзла, хабар олсан ўзингдан,
Айланарман ёрни кўрган кўзингдан,
Ё хушиуд айлагил, ширин сўзингдан,
Ёки бундин бадтар бекарор айла.*

*Зухра дейиб кетди Бигдод юртидан,
Кўзларимга суртсан пойи гардидан,
Моҳим ўлса керак анинг дардидан,
Ё ўлди дегайсан, ёки бор айла.*

Моҳим сўзини тамом этди. Карвонбоши хам Моҳимга жавоб бериб бир сўз айтди:

*Бизни сўрсанг шахри Тотор юртидан,
Карвонларин азми сайдрон айлади.
Кирк кун бўлди айрилиқнинг дардидан,
Барчаларнинг ақшин ҳайрон айлади.*

*Зухражон феярлар Бобохон қизи,
Паринсон кокиғли, паризод ўзи,
Зарли зарбоф кийган, тўни қирмизи,
Кўрганиларнинг кўнглини гирён айлади.*

*Зухра отли нозанин қиз бор эрди,
Боҳир ўгли Тоҳир интизор эрди,
Бир-бировин дийдорига зор эрди,
Бироз маҳал базми даврон айлади.*

*Ғазаб айлаб шоҳ Тоҳирни ўлдириди,
Ўлмас бурун сенга салом гўидарди,
Ул кун ҳароб бўлди Тоторнинг юрти,
Юрт аҳли Тоҳир деб афғон айлади.*

*Тұққыз күп Зухражон чиқди майдона,
Жайрон каби нола қарғыда хар ёна,
Тохир дейіб бұлжади қазыл қона,
Ёр йұлнда бояшың құрбон айлади.*

*Мудом ғигілар, үзин ұлымга чөгілаб,
Паймонаси тұлды, үзин пачоктаб,
Шахид ұлды, ёр қабрани қучоктаб,
Иккөнші бір ердә піншөп айлади.*

*Құх карвонбошия, Махжудың отим,
Ошиқтар муроди мешінг муродим,
Тохир ширикеги менинг ҳаётим,
Мохимниң күрсам деб арман айлади.*

Карвонбоши сүзини тамомлаб: ·Эй Мохимжон, Тохир отли бир үйгит бор ерди. Ул Бобохон подшосининг кизи Зухрага ошик бўлди. Зухра сулувлиқда олам-жаҳонда тенгиз эрди. Тохир Бағдоцдан бориб, Зухражонга қовушиб, кезиб юрган вакти, уни Подішога ёмонлалитар. Бобохон політо эса Тохирни ўлдирди. Зухра хам Тохирининг кабри устида үзига ханжар уриб Тохир, деб жон берди. Бу гавғони кўриб ахли ҳалойик бу зулмга чидай олмаймиз, деб хар ким бир ёкка кочди. Биз хам бу ёкка келдик, деди.

Мохимжон бу хабарни әзитиб, дол-фарёл этиб, кўзидан қониш ёш тўқистиб, бағри бирён, кўнгли гирён бўлиб бир марсия ўқиди:

*Юракда юз минг бір дардим,
Мен нечук дармон айлайин.
Тангри шигига тан бердим,
Армоп, юз арман айлайин.*

*Мен ҳам тўқарман қоними,
Ҳеч ким топмас пинсоними,
Ёр учун инирин жоними,
Мардуни жаҳон айлайин.*

*Етшиади ажаси лашкари,
Мен пайтлайин симу зари,
Сийнамга уриб ханжари,
Кора бағрим қон айлайин.*

*Борсам ёрим ётған ера,
Сийнамга солурман яра,*

*Күшилиб Зухра, Тохира,
Мен бокий даврон айлайин.*

*Ёр эшитсин фигонимни,
Тарк этам хонумонимни,
Азиз тан, ширин жонимни,
Ёримга меҳмон айлайин.*

*Моҳим деяр, ишиқ элида,
Сайраорман ёр салида,
Мен ҳам ошиқтар йўлида,
Бошимни қурбон айлайин.*

Моҳимжон бу сўзни тамом айлаб, кўлига ҳанжар олиб, ўзини ўлдирмокчи бўлди, аммо шул вақт канизлари уни кўлини тутиб, Одилшоҳга хабар бердилар. Чопар хабар етказгандан кейин, Одилшоҳ келиб:-Эй кизим, мақсадингга етарсан, ўзингни ҳалок этма, уч кун кут, лашкар йигиб, сен билан Тотор кетурмиз, деди. Моҳим поилож тахаммул этди.

Одилшоҳ:-Лашкарлар бир жойга йигилсин, деб фармон берди. Уч кунда лашкар жам бўлди. Сони икки мингга етди, баккол, базозлар билан юз минг лашкар тайёр бўлди. Сўнгра сипохсолар Одилаҳаджон лашкарбоши келиб, подшога бош эгиб салом берди ва: Шоҳ-о, сарваро, ишҳо давлати ҳумоюнинг фукаролар бошидин озор топмасин, тождорлитаңгиз бокий бўлсин, бу камина хизматкорингизга не хизмат буюрасиз, деди. Подшо:

-Эрта бирлан юриши таблини қокиб, лашкарни кун ботар томонга равона етарсан, деди. Сиҳоҳсолар бош эгиб, лашкарни йўлга солди. Сўнг подшо Моҳимнинг ёнига келиб, биргаликда лашкарнинг изидан кетдилар. Сал фурсатда шахри Журжонга етдилар. Бу элнинг волийсига Карамхон дер эрдилар. Унинг кирк минг лашкари бор эради. Кўшин сардорларига Мўйсафид ва Камарулзамон дер эрдилар. Карамхон уларнинг биттасини сўл, биттасини ўнг томонга вазир килиб:-Одилшоҳ шахри Журжонга келибдур, анииг сабабини сўр, деб Мўйсафид сардорни юборди. Ул Одилшоҳнинг хабарини Карамхонига етказди. Карамхон: -подшо ошиктарнинг хунини олишга бораётган бўлса, сен ҳам лашкарингни олиб борарсан, деди.

Мўйсафид сардор Одилшоҳга бул хабарни етказди: мен Тохир билан ота-ўғил эрдим, мен ҳам ўтиз минг лашкар олиб сиз билан бирга кетаман, деди.

Одилшоҳ хуввакт бўлиб, бул хабарни кабул этди. Мўйсафид сардор лашкарларини йигиб, уларга караб бир сўз айтди:

*Тоҳирим қатт ўлмаси Тотор элида,
Юринг беклар савашмакка кетайлик!
Мен ҳам ўлсам керак аниң үзлида,
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!*

*Юзминг нашарим бор жардларнинг марди,
Саҳронинг паланги, тозларнинг гурти,
Менинг қәёматлик ул ўғлим эрди,
Юринг беклар савашмакка кетайлик!*

*Оғзи қонли гуртларимга буйтурман,
Бобохон бошига ишлар қайтурман,
Ота-ўғиз, она-қиздан айрурман,
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!*

*Қаҳр этиб ганимдан қониш тўқарман,
Мулкин хароб этиб, шахрин йиқарман,
Тумб Бобохонни дорга чекарман,
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!*

*Ошиқарга ситам қылмиши Бобохон,
Тоҳир дейиб ўнглаб ўлмиш Зухражсон,
Ўлдирмасан қолар менди чӯх армон,
Туринг беклар савашмакка кетайлик!*

*Бобохон Тоҳирни чекканиши дора,
Зухражсон ўнглайиб бўлмиши бечора,
Шул сабабдан бағрим бўлди садпора,
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!*

*Мўйсафид дер, агар жеон бўлса танда,
Қиёмат номусин юйимасман анда,
Излаб тонгум, агар қочса ҳар қанда,
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!*

Мўйсафид сардор сўзини айтиб, Одилшоҳ билан бирга йўлга равона бўлди. Булар ўн тўққиз кун дегандан Тотор вилоятига этиб, Зухражоннинг Боеи Майдон деган богини ўраб олдилар. Моҳимжон канизлари бирлан Зухранинг кўшкига чикиб, анжомларини жойлади.

Кўшкни орасталаб, Манзил тутди. Коровуллар бориб: Эй Бобохон, ўлим санга муборак бўлсиш, бир лашкар келиблур, мўр малаҳда сон бор, анда йўқ, дедилар.

Бобохон: -Элми ё ёғими, билиб кел, деб вазирини жўнатди. Вазир

келиб Одилшохнинг олдида уч марта тупроқни ўпид: -Эй шоҳим, жаноби олийларига арз шулким, мени Бобохон юборди. Не хизмат бўлса, не фармонлари бўлса, манго изхор этсинлар, захмат чекиб. бу шахри азимга муборак юзларини бурибдурлар, деди.

Одилшоҳ: -Эй вазир, билгил ва огоҳ бўлил! Менинг Тоҳир отли ўғлим бор эрди, ул мундин уч ой бурун Тоторига келиб маъшукаси Зухрага ковушиб эрди. Аммо уни Бобохон ўлдирибдур. Тоҳирнинг хунини олиш учун келдик, деди.

Шунда Мўйсафид сардор: Тоҳирнинг хунини тўласин, бўлмаса бир соат замон ичидага кунпа якун этармиз, деди.

Вазир бул хабарни подшуга етказди. Бобохон: -Киши устига бехабар келмаслар, менга уч кун мухлаг берсинглар, деди ва уч кундин сўнг лашкар бирла майдонга чекли. Икки тарафдин уруш табли кокилди.

Мўйсафид сардор бир ёқда, Тотор лашкари бир ёқда саф чекди. Шул вактда Одилшоҳ уруш бошлишга фармон берди.

Икки лашкар бир-бирига тўқишиди. От тўзидин осмону фалак, замин тўлиб кетди. Польволлар бўрилек талапидилар. Шу равишда уч кун уруш бўлди. Мўйсафид Бобохоннинг тугини мўлжаллаб бориб, бир киличда уриб синдириди, туғдори ҳам сарнигун бўлди. Буни кўрган Бобохон лашкарлари кочмок билан бўлди. Шул вактда Мўйсафид Бобохон устига каманд ташлаб отдан ағдарди. Уни судраб, равона бўлди.

Шул вактда ҳазрати Исо алайхиссалом ва ҳазрати Хизир алайхиссалом иккови ҳозир бўлиб. Зухра ва Тоҳирнинг мозорига қараб:

-Эй кўзичоқларим, кўшакларим! Бугун сизларнинг тўй кунингиздур, туринглар, деб кўздин гойиб бўлдилар.

Ошикларнинг жасадларига жон киргандин сўнг, улар саваш, урушга қараб хайрон бўшилар. Шул вактда Мўйсафид сардор Бобохонни Одилшохнинг олигига олиб борди. Одилшоҳ:

-Бу фалокатни ошикларнинг ёнига олиб боринг, улар гунохини кечсалар, кечсинлар, бўлмаса, ўлдирасан, деди.

Мўйсафид сардор Бобохонни судраб Зухражоннинг ёнига олиб борди. Шунда Бобохон Зухражонга қараб бир сўз айтди:

*Қойилман тангри инига,
Келдим, Зухражоним сенга.
Шум фалакнинг гардишига,
Келдим, Зухражоним сенга.*

*Гарифам, багрим порадур,
Сийнамда юзминиг яродур,
Узрим кўп, юзим қародур,
Келдим, Зухражоним сенга.*

*Ошиқтарга сутам қылдым,
Үз баҳтимга қора қалдым,
Гүножимни бугун билдим,
Келдим, Зухражоним сенга.*

*Боҳир ўғли вазирзода,
Қаҳр этдим оқди дарёда,
Ўлдиридим бериб жалгода,
Келдим Зухражоним сенга.*

*Мўйсафид отли бир сардор,
Мен бўймишам анга дучор,
Қилич солар, бошим учар,
Келдим, Зухражоним сенга.*

*Тиги, ханжари белида,
Жаллодлари сог-сўлида,
Қўйма Мўйсафид кўлида,
Келдим, Зухражоним сенга.*

*Бобоҳон дер, аевал шоям,
Бугун оғидингда гадоям,
Тозки таҳтиимдан жудоям,
Келдим, Зухражоним сенга.*

Бобоҳон сўзини тамом этди. Зухражон отасидан кўрган жабрзуллари энга тушиб унга караб бир сўз айтди:

*Шоҳингигда неча ишлар қайирдинг,
Не кун солдинг ошиқтарнинг бошига.
Ёрни мендан, мени ёрдан айирдинг,
Рахм эттадинг кўздан оқдан ёшига.*

*Юртнинг шоҳи эдинг, мен шоҳнинг қизи,
Ёлиз фарзанд эдим, пайтадинг бизи,
Яратган қозидур, ҳакк этди ўзи,
Сени рало кўрди сангкор тошига.*

*Кўзда ёшим мисли дарё айладинг,
Осий бўйдинг, ўзинг гумроҳ айладинг,
Канда қайгу бўлса ҳамроҳ айладинг,
Шум Қоработирнинг кўнгил хушига.*

*Мени құйыб, ракибларға әр үлдінг,
Ошиқтар қонига сабабкор үлдінг,
Бүгүн еңді дарда гирифтөр үлдінг,
Койил бұлғыл фалак солған шишига.*

*Бүгүн иқфор бұлғынг, әр атом әрдінг,
Әнді түшінг ўтға авсал хом әрдінг,
Юзинг күрнек үят сендеқ панараднинг,
Күзин ғұйыб, қозық қоқинг шишига.*

*Зухра деяр, шох шаштасиң бу сұзим,
Шул сабабдин затыфарғындыр гүл юзим,
Тенден бояшын узине, күрмасын құзим,
Боранғ әлтінг Одилшохнинг қошига.*

Алқисса, Зухра сүзини тамом этди. Мұйсағиң сардор яна Бобохонти судраб Одилшохнинг олдига олиб келди ва: Эй шохим, буни Зухражон үлемінде буюорай, деди. Одилшох жалындарға амр этти. Шунда Бобохон ер үпіб: Эй Одилшохим, сизде бир арзым бор, Зухражон узримни кабул эттады, энді Тохиржонға хам бир итико этиб күрайин, деди. Одилшох рухсат берди. Бобохон Тохирбекнинг ёнига бориб, арз этиб зор-зор йигілаб бир сұз деди:

*Тохиржоним, эшит сенға арзым бор,
Бандылан бояшынні озод айлағыл.
Бояшынг олдым, бояшын бермоқ қарзым бор,
Үтгап гуноҳимни, озод айлағыл!*

*Мард ұғысан, мардан бұлған мардана,
Қасос дея, тұлғынмагыл ҳар ёна,
Тенг бұлғынмагыл мепингдайтын подона,
Бандылік, бояшынні озод айлағыл!*

*Ошиқтарға ҳарчанд бұлғасын гуноҳкор,
Еменшік қылғанға яхшилик дарқор,
Үтгап гуноҳимни, ўтдырма занхор,
Кел, ұғысан, сен мени озод айлағыл!*

*Бүйнімнеге шиншиша маломат тоши,
Тұтди мени ошиқтарнинг күз ёши,
Шундай бүгіди үархи ғұннинг гардыша,
Үтгап гуноҳимни, озод айлағыл!*

*Зухра ўтган кунни солди ёдина,
Мени ёқар ул сутамнинг ўтина,
Раво кўрма мени ажсал бодина,
Кел, јғлим, сен мени озод айлагил!*

*Зухражоним мойни эрмиси бу қона,
Жалюд қиличини чекиб ҳар ёна,
Бир лаҳзада талон солар бу жона,
Сен менинг бошимни озод айлагил!*

*Оёгинга бошин қўйиб Бобохон,
Қошингда арз этиб йиглайин чандон,
Тавба қилдим ўтган ишга Тоҳиржон,
Кел, кўзим, сен мени озод айлагил!*

Бобохон бу сўзни тамом этиб, Тоҳирнинг оёғига бошинни кўйиб, кўп зори гирён киради.

Бунинг нолиниага Тоҳирнинг раҳми келди, ул Бобохоннинг бошинни ердан кўгариб бир абёт айтди:

*Ишоҳ бошингни кўтар ердан,
Кел, Зухражонга кетали.
Зулфи сунбул, тўни зардан,
Зар-зарафшионга кетали.*

*Сен сабабли заҳмат чеккан,
Тоҳирим деб багри ёққан,
Кўзидан қопли ёш тўккан,
Чашми гирёна кетали.*

*Оқ юзига зулфин тўккан,
Жайрон каби ўйниб бўккан,
Зор-зор ишлаб кўшикка чиқкан,
Ул багри қона кетали.*

*Ушибу ўтар дунё фоний,
Хеч кимга бермас вафони,
Сурмаки завку сафони,
Юр, Зухражона кетали.*

*Хазон уриб гулдек сўлгани,
Ёниб-куйиб кабоб бўлгани,
Кўксига ишқ ўтин солгани,
Юр, Зухражона кетали.*

*Ёрга құрбон бу шириң жөн,
Сен чекниң күп оху ағғон,
Тоҳир айтар, эй Бобохон,
Юр, Зухражона кеташ.*

Алкисса, Тоҳирбек бу сүзини тамом этди ва Бобохонни Зухражоннинг ёнига олиб борди. Тоҳир-Эй Зухражон, кел, отангнинг гунохини ўтайлик, деди. Ул рози бўлди. Шундан кейин Одилшоҳ Моҳимни ҳам Тоҳирга пикохлаб берди. Овик-маънуклар муродига етдилар. Сўнг Одилшоҳ яна Бобохонни Тоторга хукмдор этиб, ўзи Бағдодга кетар бўлди. Шунда Моҳим: Эй киблагоҳим, мен бул вилоятда колмали бўлдим, бу оллоҳнинг тақсидиридур, деб бир абёт айтди:

*Кетар бўлсане ўз юртинга,
Рози бўлиб қайтинг, бобо.
Табдил йўқ танги ғардига,
Соғ-саломат қайтинг бобо.*

*Мен қолурман Тоҳир била,
Хушвакт бўлинг кула-кула,
Аҳши Бағдоҳ улус ҳла,
Биздан салом айтинг, бобо.*

*Тоҳирсиз менга йўқроҳам,
Айрилиққа қыл қаноат,
Боргайсиз согу саломат,
Олло ёринг, қайтинг бобо.*

*Бизни ёзини Мавлон Кодир,
Бошпаноҳим эрур Тоҳир,
Биз тарафдин бўлманг дилгир,
Хушпуд бўлиб қайтинг бобо.*

*Эшишинг оху зоримиз,
Сиз эрурсиз гамхоримиз,
Бағдоҳдаги дўст-ёrimиз,
Рози бўлсин, айтинг, бобо.*

*Қисмат бўлди Моҳимжона,
Сайр этар боғи айданга,
Мехрибоним энамжона,
Биздан салом айтинг, бобо.*

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом айлади. Ундан сўнг Одилшоҳ отларга анжомларини юклаб ўз вилоятига равона бўлди. Зухражон, Моҳимжон, Тохиржонлар мурод-мақсадига етдилар.

ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО

Аммо ровиёни ахбор, нокилони осор, хушо чинони достони бўстон, аидог ривоят килурларким, кадим айёмда Нух пайғамбарнинг ўйинчи авлоиди бўлмиш Иброҳим пайтамбар дунёга келди. Иброҳим пайғамбарнинг Сора исмли хотинидан Исҳок пайғамбар туғилди.

Исҳок пайғамбар туғилганда Иброҳим пайғамбар юз ёшда, Сора тўксон ёшда эди. Исҳок пайғамбар Ёқуб исмли ўғил кўрди, Ёқуб пайғамбар онасининг кариндошларидан Роҳила исмли қизга уйланди. Роҳила чиройли, гўзал, мафтункор аёл эди. Лекин ундан фарзанд бўлмади. Бир куни Роҳила Ёқуб пайғамбарга: -Мени деб фарзандсиз ўтмагин, бошқа аёлга уйлангин, -деди.

Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг устига учта хотин олди. Улардан ўнта ўғил билгта киз кўрди. Роҳила бефарзанд ўтиб бораётганидан хуноб эди. У Ўзини хилват жойга олиб худодан фарзанд тилаб илтижо киласи. Бир куни Роҳила туш кўрди. Тушида бир оқ соқолли, сарик тўйли нуроний чол Роҳилага шундай деди: -Эй Роҳила кўп ҳасрат қилаверма, илтижоларинг худога етди. Сен ҳам фарзандли бўласан, сенинг фарзандинг барокатли бўлади. Ундан пайғамбар, солих инсонлар, мамлакат султонлари туғилади. Насли насабинг бутун ер юзига ўйилади,-деди. Роҳила уйқудан күшдек енгил бўлиб уйғонди. Кўрган тушини эрига айтиб берди. Ёқуб пайғамбар хам курсанд бўлди. Роҳила хомиладор бўлди. Вакти етиб фарзанд туғилди. Чакалоқнинг хуснижамоли коронеи уйни ёртиб турарди. Елкасила пайғамбарлик муҳри бор эди.

Коплари кийик, кўзлари кулиб турган, копкора сочлари кошига тушиб турарди. Фарзандга Юсуф деб исм кўйдилар. Ёқубнинг Юсуфга туғилганиданок меҳри зиёда бўлди. Шундай гўзал чиройли фарзандни ато қилган, худога шукуроналар айтиди. Иккита кўй сўйиб садака килиди. Ёқуб пайғамбар фарзандини кўлига олиб унга мадхиялар айтди:

*Пешонангда балқир ойнинг жамоли,
Кутлуғ қадам нури дийдам, хуши келдинг.
Кўзларинг чарақчар қуёш жисюли,
Кўзим нури, қора кўзим, хуши келдинг.*

*Кора сочинг, мушику-анбар таратар,
Чехрангда офтобнинг нури акс этар,*

*Лабинг боли оби -хаёт баҳин этар,
Хақ яратған азиз инсон, хүш келдинг.*

*Баҳодир жуссаси, арслон билакти,
Ёмөнликдан йирок тоза юракли,
Нигоҳтарын торттар сулув суратти,
Эл сарвари баҳодирим, хүш келдинг.*

*Мангайингда пайғамбарлик нишони.
Ибрөхим Исҳоқшынг дини иймони,
Томирингда оқар Ёқубпинг қони,
Бошим тожи, эл сарвари, хүш келдинг.*

*Ёқуб дер, бошинга -тилло сочайин,
Қўйлар сўйиб садақатлар қиласайин,
Даврани кенг олиб тўйлар берайин,
Бахт иқболим, мададкорим, хүш келдинг.*

Ёқуб пайғамбар ва унинг болалари мол чорвачилиги билан шугууланар эдилар. Шунинг учун ҳам улар чорвани бокиш учун бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар эдилар. Ёқуб пайғамбар Байтилдан Эфроғта кўчиб бораётган эди. Йўлда Роҳилани тўлғок тутиб, у жуда кийналди. Нихоят иккинчи фарзандининг тугилиши Роҳилани ўлим ёқасига олиб келди. У ўлаётшиб жони чикай деганда ўғил туғди. Бола тугилиши билан она жон таслим килди. Отаси боланинг исмини Бенямин деб кўйди.

Роҳилани шу ерга дағн қылдныар. Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг кабри устига ёдгорлик тиклади. Кабр хозиргача “Роҳила мақбараси” деб аталади.

Отаси вафот килганда Юсуф уч ёшида эди. Юсуфнинг аммаси уни ўз тарбиясига олди. Аммаси Юсуфи жону дилидан яхши қўрарди. Юсуф олти ёшга кирганда аммаси казо килади. Ёқуб пайғамбар ўғли Юсуфни уйига олиб келади. У ўғли Юсуфга жуда меҳрибон эди. Юсуфни хеч кимга ишонмас, ёнидан узокка юбормас эди. Юсуф бир куни туш кўрди. Тушида кўш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз унга сажда килаётган экан, ўп икки яшар Юсуф тушини отасига баён килиб шундай деди:

*Саҳарда туши қўрдим; қўёши билан ой,
Таъзимда турдилар қошимда мени.
Ёнларида ўн бир юлдуз чараклиб,
Таъзимда турдилар қошимда мени.*

*Саҳрони тўлдириб қўй-қўзи юриф,
Кўйлар атрофида нағма-соз қилир.
Хуру - маъюйиклар кузаниб турар,
Гўё ҳаммалари олқинилар мени.*

*Уйкудан қўзларим бўлганда бедор,
Танам қушидек енгил уйғондим ҳұшхол,
Тонг отмоқда эди кўргузиб жамдал,
Ёргулк бағрига олғанди мени.*

*Бедорликда беҳол бўлиб ўйлайман,
Бу не ҳол сирини билобишмайман,
Юсуф дер, таъбирина сиздан сўрайман,
Таъбир айтиб кўнглим тўк қилинг мени.*

Юсуфнинг сўзларини эшишиб отаси шундай деди: Эй ўғилчам, яхи тупи кўрибсан кўрган тушинг муборак бўлсин. Келгусида мартабанг балаанд бўлар. Ўн бир юлдуз-ўн бир оға инингдир, куёш ва ой эса мен ва онагидир.

Сенга шундай улуғ туш кўришни насиб этган Парвардигор сени пайтамбарлик учун ташлар, хамда сенга барча тушларнинг таъбирини билдирувчи илмни берар. Лекин бу тушингни бошқаларга, хатто оға иниларингта ҳам айта кўрма. Токи улар шайтоннинг гулгуласи билан сенга қарши бирон хийла килмаснилар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир, деб ўғлига насиҳат бериб бир сўз айтиб тургани бу турур:

*Ўн бир юлдуз, ўн бир оға-инингдир,
Кўрган тушинг болам муборак бўлсин.
Ой ва қуёши отапиг билан онагидир,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.*

*Парвардигор сенга назар солибди,
Пайтамбарлик нишонини берибди,
Туш таъбирин ўргонгичи қилибди,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.*

*Бир кун келиб болам султони бўларсан,
Элу ҳалқни ҳимоянгга оларсан,
Кардош ургуларинг бошин саларсан,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.*

*Болам, сенинг истиқболинг буюқдир,
Эл ичиди номинг мудом суюқдур,*

*Ҳасидгўйлар кўриб багри куюкдур,
Болам, кўрган тушинг муборак бўлсин.*

*Ёзгитингда яхшиликлар бор бўлсин,
Яратганинг ўзи мададкор бўлсин,
Бобонг Иброҳимминг руҳи ёр бўлсин,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.*

*Туш таъбирин айтма, яхши-ёмона,
Ёмондан азият етир бу жона,
Ёқуб дер, сиринги сақла пинхона,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.*

Юсуф билан отаси ўртасидаги сухбагни Ёкуб пайғамбарнинг бошқа ўтиллари пинхона эшитиб турарди. Юсуфнинг ўтай оғалари айтдиларки, биз кўпчилик бўлсақ ҳам Юсуф биздан кўра отамизга суюклироқдир, отасидан уни айирмасак бўлмайди. Юсуф бор экан, отамизнинг меҳрини тўла қозанолмаймиз. Юсуфни ўлдиришимиз ёки бирон чоҳга олиб бориб ташламогимиз керак, деб маслаҳат килдилар. Отасининг олдига бориб, Юсуфни ўzlари билан чорвани бокишига юборишини сўрадилар.

Отаси Юсуфни ёлғиз колдирсангиз бўрилар ҳужум қилиб уни нобуд киласар, юбормасман,-деди. Шунда Юсуфнинг ўтай оғалари : Эй ота, не сабаблан Юсуфни бизга ишонмайсан. Ахир биз унинг биродарлари, холис яхши кўрувчиларимизку. Агар биз тағфлагда қолиб уни бўри еб кетса, шак-шубҳасиз биз жазога лойикдурмиз,-дедилар.

Юсуф ҳам биродарларим билан саҳрони тамоша қилиб келай,-деб отасига юзланди. Ёқуб алайхиссалом Юсуфнинг кетишига руҳсат берди. Ўтай оғалари Юсуфни саҳрого олиб чиқиб ўлар холатда қалтакладилар. Шунда уларнинг каттаси Юсуфни ўлдириманглар, кудукка ташланглар. Кудукда ўлиб кетар ёки уни бирон карvon олиб кетиб қул қилиб сотиб юборар, биз эса одам ўлдириш гунохидан фориг бўлармиз,-деди. Бу маслаҳат матьқул келиб Юсуфни карvon ўтадиган йўлнинг устидаги кулук томон судрадилар. Юсуф биродарларига ёлвориб, зор-зор йиглаб бир сўз деди:

*Ҳаммамиз ҳам бир отанинг фарзанди,
Ёши жсонимга жаабр қилманг, оғалар.
Шайтони лашининг ишани қилиб,
Ёши умримнинг хазон қилманг, оғалар.*

*Отиамига бергачи сўзни унумтаниг,
Мотамимда оптари багрин қон этманг,*

*Мунофиқ ташасин дилларса тортманг,
Мени ер қаърига отманг, огалар.*

*Халисона хизматларинг қиласин,
Бошиннга дард туласа дармон бўлайин,
Огалар сиз билан мен ҳам юрайин,
Ёши умримни хазон қилманг, огалар.*

*Пойингизга азиз бошим қўярман,
Худо учун омонтиклар тиларман,
Қудукка таштаманг нобуд бўларман,
Мени ер қаърига отманг, огалар.*

*Алқасосу мин ал ҳакни унумтманг,
Шайтони лаиннинг йўшини тутманг,
Ёмонтикни қилиб, яхшилик кутманг,
Ёши умримни хазон қилманг, огалар.*

*Огаларим, будун жалгиод бўлмангиз,
Юсуф айттур, судраб, қийнашурмангиз,
Қанотимни болта солиб қирқмангиз,
Ёши умримни хазон қилманг, огалар.*

Юсуф қанча ялинмасин огаларининг қўнгли юмшамади. Юсуфга раҳм-шафқат кильмасдан “Сен тирик бўлсанг бизга фароғат йўқ”-деб кўйлагини ечиб олиб, Юсуфни чоҳининг таси заминига итариб юбордилар. Бир кўйни сўйиб Юсуфнинг кўйлагини конига бўядилар, кечга якин уйга кайтдилар.

Огаларига Юсуфни ишониб-ишонмай кўшиб юборган Ёкуб атайхис салом бир шумликни сезгандай юраги гаш бўлиб, кун пешиндан оқканда болаларининг йўлига кўз тикиб ўтиради. Узокдан болалари кўринди. Санаб караса ўн нафар шубҳаланиб караса, уларнинг бошлари эзик кўзларида ёш, ораларида Юсуф йўқ эди.

Ёкуб атайхис саломнинг Юсуфни сўраб болаларига сўз айтиб тургани:

*Орангизда кўринмайди Юсуфжон,
Нури диндам Юсуфжонга не бўлди?
Юсуфсиз бу ҳаёт менгадир армон,
Кўтар кўзим Юсуфжонга не бўлди?*

*Дилимда бир ёмон ҳислар кезганди,
Бир кори ҳол бўлнишини сезганди,*

*Ёмон ўйлар күнгиз уйин бузганди,
Нури дийдәм Юсуфжонга не бўлди?*

*Эрта билан ўн бир бўлиб кетдингиз,
Кечга яқин бир кам бўлиб қайтдингиз,
Уканиз Юсуфни қайда йўйдингиз,
Сўзлар сўзим Юсуфжонга не бўлди?*

*Бўрилар тўбаси хужум қилдими?
Юсуфжонга бирор кор-хол бўлдими?
Гунчаликда очилчайин сўлдими?
Мехрибоним Юсуфжонга не бўлди?*

*Бошингиз энкдир, кўзингизда ёш,
Бу аҳволингизга беролмай бардош,
Яратганиш ўши сирни қилгай фош,
Мададкорим Юсуфжонга не бўлди?*

*Ёкуб деяр, қанотлири м қайрилди,
Юсуф мендан тириклийин айрилди,
Бахтиим қаро бўлиб белим майрилди,
Сўзлангизиар Юсуфжонга не бўлди?*

Болалари йиғлаб отасига шундай дедилар.-Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида колдириб кетган эдик, кайтиб келсан бўри еб кетибди. Мана бу Юсуфнинг кўйлаги нарсаларимиз яқинида конга бўялиб ётган экан. Гапларимиз рост бўлса хам барибир бизларга инсонмайсан, леб йиғлаб туралипар.

Ёкуб алайхиссалом болаларига айтди: -Сизларга хавои нафсларини бирон ёмон ишни чиройли килиб кўрсатган. Эмди менинг ишми айрилик мусибатига олиоҳдан мадад тилаб чиройли сабр килмоқдир, -деди ва Худога нолини килиб бир сўз деди:

*Нолиш итсанг розидурман,
Мени бундай зор айлама.
Юсуфни кўрмай ўларман,
Мани бундай зор айлама.*

*Менинг Юсуфим келтирғиз,
Ё бу омонатинг олгил,
Юзим тутдим қабул этгиз,
Хижерони дилдор айлама.*

*Еткәзгил менга күзимни,
Равшан айлагын күзимни,
Эсам эшигил сүзимни,
Зулмаға дучор айлана.*

*Юсуфни сақла ҳар қанда,
Чұлу киры биёбонда,
Юрагим жөз-минг армонаиди,
Мени бунча хор айлана.*

*Икки юзи үзүл Юсуфим,
Овози бүлбүл Юсуфим,
Кокили сүнбүл Юсуфим,
Хижеронда бемор айлана.*

*Дардима дармоп Юсуфим,
Күзләри жастоп Юсуфим,
Айглатмагыл қоң Юсуфим,
Ёқубни гирән айлана.*

Яратғаннинг иродаси бирлан қудукнинг ичива, сувининг устида таҳт пайдо бўлди. Юсуф қудукнинг ичидаги уч кун оч-нахор яшади.

Мисрга бораётган карвон қудук бошида тўхтади, сув олиш учун қудукка челак ташладилар Юсуф челакка осилиб чиқди. Карвоннинг бошлиги Молик Юсуфни ўзи билан бирга Мисрга олиб кетди.

Магриб замонда Таймус подиохлик қиласарди. Шохнинг адолатли иши юритишидан мамлакати обоя, ҳалки Таймусдан шод эди. Таймуснинг Зулайхо исмли бир кизи бор эди. Гўзалликда мамлакатда, неки мамлакатда офтоб нур сочилиб турган заминнинг юзида уйлан гўзалпроқ киз йўқ эди. Шохнинг биргина кизи бўлиб, Таймус кизига жону-дили билан меҳр қўйганди. Зулайхонинг алоҳида кўшки, боғи канизаклари бор эди.

Зулайхонинг онасини тўлғок туттандада уига доялик кизиган, Зулайхониш кипцигини кесган, сўнира уларга эгалик килиб, тарбиялаб илму одобдан сабок бериб келаётган энагаси бор эди.

Зулайхо бир куни туш кўради. Тушида қадди комати келингган, гўзаликда тенғи йўқ, ширин мулокотли йигит билан хамсухбат бўлди.

Бу дилбар йигит Зулайхони ўзига мафтун килиб кўйди. Зулайхо тушила кўрган йигитни севиб колди.

Севиғи хижрони кизигул тулдек юзини сўлдириди, ишқ ларди дилига хуруж килди. У ўзини узлатта олиб оху-нолалар килди. Зулайхода бундай ўзгаришини сезган энагаси ундан ҳол сўраб шундай деди;

*Дилимга бөгтәнгән жүзәт дилбандим,
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?
Низадан хунобсан, асалым, қандым,
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?*

*Гүдакникдан құлымда камол төмдинг,
Күн қошимда түнда багримда ётдинг,
Бусун мендан низанадыр сир тутдинг,
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?*

*Багримдан узокрок кетмасан эдинг,
Бирор низахрамга түшдими құзинг,
Сұлғап күрмекдаман оғтоббек юзинг,
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?*

*Дев ё пари салгипани солдими?
Е бир дилбар юрагингдан урдими?
Хижерон дарди юзинг сұлғин қылдими?
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?*

*Дуоларни күчин шига солайин,
Фарыштани қошиңгода жо қилайин,
Дев, парини обенингга ийқайин,
Не сабебден ҳолинг паришон бүлди?*

*Дарғинг айт әнапка, дармон бұларман,
Истаган нарсангни топиб келарман,
Бор хұнарим бүгүн шига соларман,
Не сабабдан ҳолинг паришон бүлди?*

Зулайхо әнагасининг меҳрибонликларини күриб, ўзи бир бор күйинса, әнагаси ўн бор күйнастаптанини биліб, әнагасига дардини айттыны, сирини очишини әнглаб шундай деди:

*Түшімда бир йигит күрдім,
Нисохи танни титратди,
Ихтиёрим олиб құлдан,
Дилда галаён уйготди.*

*Кириб келди ғулзорима,
Келиб ўлтируди ёнима,
Парво қылмади ҳолима,
Бир оғатижен титратди.*

*Манглайида ой балқыйди,
Юзида күёш қалқыйди,
Надир дилжини юлқыйди,
Юрагимда ишкүй үйгөтди.*

*Жүссаси сарви қоматын,
Қадиди баҳодир савлатын,
Сахий қалб, ўктам хамматын,
Хағым паришион этди.*

*Дийдорига түйләмадим,
Узок сұхбат қуорламадим,
Манзити қайды билолмадим,
Хизерони дилни әйглаптади.*

*Сұхлари бирам мулойим,
Кулиб турар күш доим,
Насиб айлагай худоим,
Дилбар мани мафтун этди.*

*Бекинилари дардса дармон,
Зулайхө дер, чекдим армон.
Хақ қүшиңгә бергай фармон,
Дилда ишкүй үйгөтиб кетди.*

Энагаси Зулайходан бу сүзни әннитең: -эй кизим түшіга дөв ва парылар кириб ўздарини чиройлған йигит қишил күрсатадылар. Уларнинг иши дөм одам фарзандың ғул-гула солиши, тақдир қилишадыр. Агар түпнингда күринган йигит одам фарзанди бўлса, шакл шамойилини ўзгартирмастан яна түшининг киради. Мабодо ўша йигитни яна түшингда кўрсанг, исмини, наасабини, манзилини сўрагил. Иншоллоҳ ишинг яхшиланыб, хурсанд бўлиб кетарсан. Шу гаплардан кейин энагаси дуолар ўқиб Зулайхога дам урди, тутаткилар тутатди. Дөв пари энди оромингни бузозмайды, лесб кўнгил берди. Лекин Зулайхо тушиди кўрган йигитни телбаларча севарди. Севги дарди унинг гулдек юзини сўлдириб, алифлек каддини этиб кўйди. Зулайхонинг холатидан отасини вокиф қилилар. Таймус подиоҳ Зулайхони сўзин, ғамли ахволда кўриб, кизига ачинди. Етук табибларни, азайимхонларни йигиб, кизининг дардига даво топишни уларга уктирди. Кун кетидан кунлар, ой кетидан ойлар ўтди. Табиб ҳам, азайимхон ҳам Зулайхонинг дардига чора тополмади. Шохта айтдиарки: кизингиз ишкүй дардига чалинганд, севги, муҳаббат дардига ёрнинг висолидан ўзга чора топилмас, дедилар. Таймус Зулайхога айтди: Қизим, түшиниде кўрган йигитни топмок учун

Йигит кийимини кийиб, якин канизақдарингдан уч-түрттасига хам йигит кийимини кийтизиб, ботир күрникцилардан олиб, мамлакат бўйлаб саёҳатга чик, одамлар орасидан севган йигитингни тоисанг сени ўша йигитга берурман, хазинамдаги бойликнинг ярмини хам кўшиб берурман. Ўз бахтингни ўзниг излаб топ, -деб кизига оқ фотиха бериб, мамлакат бўйлаб саёҳатга жўнаиди. Зулайҳо бутун мамлакатни айланниб чиқди. Лекин тушида кўрган йигитни тополмай гамгин бўлиб кайтди.

Тун кора чодирини осмону - фалакка ёпганда, само юлаузлари тун пардасини тешиб ўз жамолини кўз-кўз килгандা, бутун борлика осойиншалик хукм сурганда Зулайҳо бекол тўшагига чўзилди. Кўзлари уйкуга илингар-илинмас йигит пайдо бўлди. -Зулайҳо йигитга салом бериб, тавозе килди. Йигит Зулайхони кўлларидан ушлаб, гўзал чехрасини томонга кияди. Йигитнинг кўлларининг тағфи, табасумли нигоҳи Зулайхонинг баланини жунбушга кеттириди. Зулайҳо йигитни кайта йўқотишлан хадиксираб, унинг кўлларидан ушлаб, кимлигини, манзиз-мақонини сўраб бир газал айтди:

*Ўзинг кимсан, қайси ерда маконинг,
Кулагар юзли йигит қайдин бўлурсан?
Султон бўласанг қайди таҳту-равонинг,
Давлатни сувоним қайдин бўлурсан?*

*Наси насағинги билай, баён эт,
Номинг айтиб мушкулларим осон эт,
Излаб топай манзизингни аён эт,
Кўнглим олган йигит қайдин бўлурсан?*

*Хусни-жамолингга кўнглим боғланди,
Шодиктарим ҳасратларга айланди,
Олтин занжиср оёғимга чўтганди,
Хушим олган йигит, қайдин бўлурсан?*

*Хусни-жамолингга кўзим тунишибди,
Огушинга кўнгли қуши шошибди,
Манзизинг тополмай ақтим чошибди,
Ақтим олган, йигит, қайдин бўлурсан?*

*Оҳу-полим кўриб Мажсун дедилар,
Ишқ дардига билмай ташидид қўйдилар,
Оёғимга тизло занжиср солдилар,
Дард берган дилбарим қайдин бўлурсан?*

*Күнглимни олдинег бұлмадың дилдор,
Бедорликда ҳолим сұрмадың бир бор,
Капизакинг бұлай ғар қылчасаң әр,
Шафқатсиз дилбарым қайдин бұлурсан?*

*Ошиқ деган шүпча қайсағ бұлурму?
Зулайхосин ҳыжыран ғибра күйөрму?
Дилда ишк әнмаса құзлағ әнтурму?
Күнглим олган ғиғит қайдин бұлурсан?*

Юсуф күрдіки, Зулайхо ишк дардіда ўзини олдириб күйібди. Гох хушига келса, гох хушидан айрышибдір. Гулдек юзлари сүлгін, сарвдек комати әғілған, қарос құзларидан, нам киңрикларидан тушаёттан күз әйнлары юзини юварди. Юсуф севіган әрини бу ахводда күриб юраги ачинди. Зулайхога бұлган меҳри янаца жүш урди. Зулайхога уздр айтіб, мемрибонлигінни күрсатыб уны чин юракдан севиб колғанлигини айтіб шундай деді:

*Күрбонинг бұлайин ғул юзли әрим,
Мафтун қылды шаҳло құзларинг сени.
Юракдаги ушаламаған арманым,
Мафтун қылды күттар юзаринг сени.*

*Миср азизиман, Миср маконим,
Сени деб оқади тәмирда қоним,
Мен ғүё бир тәнман, әрүрсан жоним,
Дилға түгён солди сүзларинг сени.*

*Бошдаги жиғанға ғавқар бұлайип,
Дардинг олиб сенға дармоп берайин,
Насиб қылса бирға даврон сурайин,
Мафтун қылды шива, позларинг сени.*

*Икки ўрим сочинг тиззанға шуныған,
Кошға үсма, құзға сурма ярашған,
Висолингни насиб қылғай яратған,
Мафтун қылды позык белгларинг сени.*

*Севар әрим құлар юзинг сұлмасин,
Дуниман күлиб, дүстігар хүноб бұлмасин,
Сур давронни дилда арман қолмасин,
Мафтун қылды бошдан оғейнг сени.*

*Юсуф пайтүр, ғәззәлтарнинг хонисан,
Ошиктарнинг жисеми билан жонисан,
Оламда ягона бир жонопасан,
Тизга тушар узун ташларинг сени.*

Зулайхо Юсуфдан бу сўзларни эшишиб шоду-хуррам бўлаи. Гўзал ва шинам боғда ошику-маъшук ширин сухбат килдилар. Осмон ўшар дараҳтлар, кийғос очилган гуллар, арикларла сокин оқаётган тиник сувлар, күпларнинг чуғурлапи, булбулларнинг сайдрати шавқ ва завк берарди. Мехр тўла кўзлар учрашганида дил тутёнга, бадан жунбушига келарди. Узок-якиндан келаетган хўрозларнинг кичкириғидан Зулайхо уйғониб кетди. Хижрон ғамининг юқидан бош кўтараолмай ёстикка боли кўйган Зулайхо хушёр бўлиб уйғонди.

Канғзлар кўрлики, Зулайхонинг ахволида яхши томонга ўзгариш бор. Энагаси Зулайхонинг шодилгини кўриб хурсанд бўлди. Хурсандчилик хабарини Таймусга етказдилар. Таймус хурсанд бўлиб, Зулайхони олдириб, ундан хол-ахвол сўради. Зулайхо отасига, энагасига тушила кўрган воқеани сўзлаб берди. Зулайхо отасига юзланаб; мени ишқида ёндириб, хижрон азобига ташлаган йигит иккинчи бора тушига кириб номи Азиз Миер бўлиб, макони Миерда эканлигини айтди.

Эй ота, Азизимни топмагунча, упинг висолига етмағунча оромим йўқдир. -деди ва қалбидаги тўлиб -тониб турған тутёни отасига баён килди:

*Мақсудли қўнгил ичра бир оғатижон келди,
Киприкниари ханжардай қонигари камон келди.*

*Неча йиллар йиггатиб жиссими тўла қон келди,
Ошкора, пинҳон юриб ёрим бул замон келди.*

*Жонимда фароғат йўқ, улсиз менга роҳат йўқ,
Хеч ўзга қаноат йўқ чин руҳи аён келди.*

*Ҳам дардимдур ҳам дармон, жонимдур анга қурбон,
Улдиrsa недур фармон ул шоҳи жаҳон келди.*

*Ишқинда ёниб доим йўлнинда гирифторман,
Ўлгунча харидорман чин нури аён келди.*

*Анинг қадди жасомсти куйдириди Зулайхони,
Шон-шавкатни, обруғи, давлатни меҳмон келди.*

Таймус шоҳ Миер мамлакатига одам юбориб; уларга Миер мамлакатидан Азиз Миер исемли одамни топиб, насл-насабини аниқлашиб келишини топишнири. Таймуснинг изловчилари Миер мамлакатининг турли гўшаларида бўядилар. Кўплаб одамлар билан мулоқот килдилар.

Нихоят Азиз Миср Миср шахрининг ҳокими эканлигини аниқлаб, ҳокимнинг даргохига бордилар Азиз Миср Таймуснинг одамларини кабул килиб меҳмоннавозлик кўрсатиб, хурматларини жойига кўйди. Меҳмонлар билан ҳам сухбат куриб, уларнинг фикрларини билди. Келгандарга совғалар бериб мамлакатина кузатиб кўйди. Шоҳнинг одамлари унга хуш хабар олиб келиб, кўрган билганинни сўзлар бердилар. Таймус Зулайхони воеадан хабардор килиб уни Мисрга юбориши тарафдудини кўрди.

Зулайхога совға-саломлар бериб, энагаси раҳбарлигига бир неча канишлар билан Азиз Мисрнинг олдига юборди. Азиз Миср кайта таштана билан Зулайхони никохига олди. Зулайхо Азиз Мисрни кўргач, шодликлари гамга айланди. Азиз Миср Зулайхонинг тушида кўрган йигити эмас эди. Зулайхода қайну аламларни ичига ютиб, тақдиринга тан беришдан ўзга чора колмади. Зулайхо энагасига Азиз Миср тушида кўрган йигит эмаслигини айтиб шундай деди:

*Тақдир азалининг ўшинларидан,
Юрагимга алам тушиби, онажон.
Кўнглим олган йигит қайдадир қолиб,
Бегонага кўзим тушиби, онажон*

*Тушида кўрган йигит ёнгина эди,
Сўзлари мулойши, бўнгина эди,
Шаҳло кўзли, қалам қонишина эди,
Севгии ёрим қайдада қолди, онажон.*

*Огушига тортиди кекса мўйсафию,
Азиз Мисрман деб у қилди таҳдию,
Багримни тарк этди чеҳраси хуршид,
Дардимни кимларга айтая, онажсон.*

*Отам, онам, Ватанимдан айрилдим,
Мусоғирман қанотимдан қайрилдим,
Ёрни излаб бегонага ёр бўлдим,
Ёши умримни ҳазон қилдим, онажсон.*

*Кўйнишмда бир ёру кўнглимда бир ёр,
Кўйнишдағи ёрдан эрурман безор,
Кўнглимдаги ёрим йиглатди зор-зор,
Тақдирим бунчалар шўрдир онажсон.*

*Ўйнаб-кулиб чималдиққа киргандим,
Зулайхо дер, ёрим излаб келгандим,*

*Бегонани тўшагидя тўлгандим,
Умидларим сароб бўиди онажон.*

Зулайҳо кўзидан маржон-маржон ёш тўкиб энагасининг кўксига бош кўйди. Бир вактлари тоғ охуларидек зийрак, хушчакчак, қайгу ва ғамдан йирок, очизиб сочишиб юрган Зулайҳониа ёрниниг хижромни, севгич дардигулдек юзини сўлдириб, акл-хушини олдириб, мажолини толдириб кўйли. Энагаси Зулайҳога сабр-токат тилаб, кўнглини кўтариб насиҳатлар қилди:

*Сабр қилгин болам, ўзга чора ўйқ,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.
Сабр сўнгги олтин кўнглинг бўлсин тўй,
Бахтиң кулиб бир кун яйраб кетарсан.*

*Дардингга давони оллоҳдан тила,
Ҳар дардининг давоси борлигин ўйла,
Сабрли бўл болам, бесабр бўлма,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.*

*Бугдойни тупроққа қориб кетдилар,
Униб чикқаҷ, ҳосилини кутдилар,
Сабр қилиб хирмонига етдилар,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.*

*Яратган бандасин синаб кўради,
Гоҳ ўйглатиб, гоҳ қулдириб туради,
Ўзи берган дардни ўзи озаби,
Сабр қилгин, муродингга етарсан.*

*Болам ўқиб олгин онағни сўзини,
Баданига кирмайди тикан бензи,
Иншоғло кўтарсан севганинг юзини,
Ғам, ҳасрат ўқозлиб яйраб кетарсан.*

Зулайҳо хақидаги баёнини шу ерда тўхтатиб эндиғи сўзни Юсуфнинг ахволидан эшитинг. Шом мамлакатидан чиккан савдоғарлар карвони Нил дарёсизинг бўйига етиб келгач дами тинчини олмок учун дарё бўйида тўхтади. Молик Юсуфга дарёда чўмилиб, орасталаниб чикишини айтди. Юсуф Нил дарёсида чўмилиб, сафар губорларидан орасталаниб, офтобдек балкиб дарёдан чиқди. Молик Юсуфни кимматбахо зарлўз либослар билан кийинтириди. Юсуфни тахти равонга ўтказиб Миср бозорига олиб борди. Йўлда Юсуфнинг жамолини кўрган

одамлар, кизлар, жувонлар тахти-равонга эргашпид Юсуфнинг хусни-жамолини томоша қилиб бордишар.

Юсуф Миср бозорига етганда унинг кетидан эргаштан одамлар сони кўпайгандан кўпайиб, катта оломонга айланди. Зулайхонинг кўниглида қанинайдир шавк найдо бўлди. У гам-андухларни унутиш учун сахрога сайд этгани чиқди. Зулайхо сахрова бир исчада кун сайд қилди, бирок ғам-андухдан ҳоли бўлмади. Тахти-равонга ўтириб яна уйи томон равона бўлди. Келәтиб кул бозорига йигилган катта оломонга кўзи тушди. Зулайхо одамлардан; “Бу не йигин”, деб сўради. Шунда бир жувон Шом мамлакатидан келган савдогарлар Каънон вилоятидан келтирилган кўзини ким ошди савдосига кўйганларини айтди. Зулайхо канизларига бозор томон олиб боришини буюорди. Катта шосупа устига кўйилган тахтнинг устида бир йигит турибди. Ёкасига зар қайнилган атлас либос кийган, белига олтин камар такқан, копкора сочлари жингалак жингалак бўлиб елкасига тушган, кадсан комати келишган, гўзалликда тенгсиз Зулайхо туппида кўрган йигиттага кўзи тушиб, ҳушидан кетиб йикилди. Канизлари бехуш Зулайхони уйига олиб келдилар. Энагаси Зулайхони ҳушига келтириш учун гоҳ дам солар, гоҳ юзига гулоб сувин сепар эди.

Зулайхо кўзини очса, ўз уйинда ётибди. Энагаси унинг атрофида парвона, Зулайхо энагасига юзланиб: эй она, кул қилиб сотилаётган йигит тушимда кўрган йигит бўлади: -деб дил дардини баён этди.

*Гўзалик мулкининг султони бўлган,
Тушга кирган йигит шу йигит эди.
Ўзини кул қилиб бозорга солган,
Мени мафтун қилган шу йигит эди.*

*Нигоҳлари жесму-жоним шитратди,
Хижронлари юрагимни ўйнатди,
Ёрии кўриб ҳушим ботишмдан кенди,
Ҳушим олган дилбар шу йигит эди.*

*Тушларимда севиб ботишм сийлаган,
Бедорликда ҳижронида қийнаган,
Юрагимга севги оғрдин жойлаган,
Мени севган йигит шу йигит эди.*

*Ўзин ғулом қилиб сонмоқда ёрим,
Ёрии кўриб ортди оҳ ила зорим,
Ўнга сарф айтайн ҳар неки борим,
Кўнглим олган йигит шу йигит эди.*

*Бир чорасин топинг кўлдан кетмасин,
Ёрим ўзгагарга насиб этмасин,
Дард ва алам билан умрим ўтмасин,
Излаган севгилим шу йигит эди.*

Энагаси Зулайхонинг сўзларини тинглатач, унинг чекаётган дарди ва аламларига тушуниб ети. Зулайхога насиҳат килди. Бу сирни ҳеч ким билмасин, чеккан дардларинтни яраттанинг ўзи билиб турибди. Тақдир такозоси билан севганингни сенга дучор килибди. Сабр -токазат киссанг иншоюло кайгуларинг якун топиб, баҳтли кунларга етарсан, деди. Энага:

-Эрингни кул бозорига олиб бор, ўша ғуломни сотиб олишга унда, деди. Зулайхо ёри Азиз билан Юсуф согилаётган бозорга борди. Миср шахрининг хокими кўрдик, паҳлавон жуссали, арслон билакли, бургут карашли, юзидан нур порлаб турган ёш йигит кул бозорида катта бир оломонни ўзига маҳтиё килиб турибди.

Миср ҳокими савдо гардан Юсуфни сотиб олди. Хотини Зулайхога уни яхшилаб жойлаштиришини, парвариш килишини, уни фойдаси тегиб колса ўзларига фарзанд килиб олишини уқтириди. Юсуф соҳдан кутилиб, иккинчи балога дучор бўлди. Яъни тутқунлик, кулликка тутилади.

Миср шахрининг хокими Азизнинг ишлари яхшилангандан яхшиланиб кетди. Юсуф қай ишта кўл урмасин у баракали бўлди. Юсуфдан кўнгли тўқ бўлган Азиз ойлада уни иш бошқарувчи килиб тайинлади. Зулайхо Юсуфнинг иззат-хурматини жойига кўяр, унинг билан ширин мулекотлар киласар, яхши муюмалада бўлар эди. Юсуф хам айризлик азобини хисобга олмаганда эркин, озод одамлардан хам яхширок хаёт кечираради. Зулайхо севган ёри билан хамлам бўлиб жамолини томоша қилиб хикрон азобларини сртда колдириб, баҳтиёр кунларга етиб, яраттанига шукуроналар айтиб ўнчайдай деди:

*Тилактарим етиб етти самога,
Дардлар кетиб жонимга дармон келди.
Гўё шоҳтик етди гариб гадога,
Гамили кунларим ўтиб ҳур замон келди.*

*Кунларим ўтарди оху-зор билан,
Дийдорганидим кўнгли олган ёр билан,
Тушимда учрашган вафодор билар,
Излаган дилбарам сог-омон келди.*

*Шукурким, ёримни кўрдим саломат,
Бўзгимда турганди жоним омонат,
Жононга етишиб чекиб риёзат,
Жисмимга жон, дилимга иймон келди.*

*Пойларига поёттогтар ёшарман,
Бүйларини зар ишакдан бэзарман,
Бошин сийлаб, ёр күнглини ёзарман,
Давлатли давроним, ёр омон келди.*

*Зулайхъо дер, раҳматам кўп худога,
Мурувватлар килди, мендек гадога,
Ёр йўлида жиссану жоним садака,
Бугун яни, жиссими ичра ясон келди.*

Зулайхъо Юсуф билан сухбатланиб ўтиаркан унинг насл –
насабини сурингириди. Юсуф Шом мамлакатининг Каънон вилоятидан
Ёкуб пайгамбарини ўёли эканлигини, ўгай оғалари уни йўқ килиш
учун чохга ташлагани каби бошидан ўтган воқеаларни тапириб берди.

Бир куни Зулайхонинг кўнгли гаш бўлиб, кечалари уйкуси кочиб,
кундузи ороми йўколиб ўтириш, туришида халоват қолмади. Номаълум
бир дарл унинг юрагини тирнади. Зулайхъо хисоблаб кўрса бу
фарогатиз кун Юсуфни чохга ташланган кунига тўғри келади. Зулайхъо
буни эслаб ёамгина бўлди. Бирок Юсуфнинг соғ-омонлигини кўриб ўзини
хушхол сезди. Ишқ, севги тоза, бегубор кўнглида бўлади. Баднафс
одамнинг дигитда иймон бўлмаганидек, у дилда ишқ хам бўлмайди.

Ишқ шундай сехрга эгаки, икки дилини кўзга кўрияmas хавоий
кўпrik оркали бир-бирига боғлаб туради. Шу боисдан маъшукнинг
кайгу ва кувончларини ошикнинг юрати сезиб туради.

Маъшук кандай холга тусиса, опик ўзи сезмаган холда ё кўнгли
гац бўлади, ё шоду-хуррам бўлади. Шу боисдан Юсуфнинг ранж-
аламларининг сояси Зулайхонинг дилини тушган эди. Зулайхъо хам
бопилан кечирган ишқ азобларини Юсуфа сўзлаб берди.

Юсуф кўрдики, Зулайхонинг кўрган ранж-аламларит ўзиникидан
хам знёда экан. Ишқ ишонни хам ўтга солади, хам ўтдан олади. Юсуф
хасадгўй оғалари дастидан азоб чеккан бўлса, Зулайхъо ишқ азобини
чеккан. Тақдир тақдозон билан икки мамлакат фарзанди Миср
мамлакатида дийдор кўришиди.

Зулайхъо Юсуфни кўлиздан тутиб, нозу карашмалар килиб дил
розини изҳор кили; кўрайлик не леди:

*Тунида кўриб жазмолишти ошиқи девонаман,
Бунчалар бенарводирсан ишқинча сўзонаман.*

*Нешонингда ой балқайди, чеҳрангда нури жашон,
Жон берувчи кўзларинени шивқидан мастанаман.*

*Башар авлоодида юқдир сен каби гүзат йигит,
Висолингга етмок учун юртаро гирәнаман.*

*Ақту хүш учди бошимдан сени күргиндан бүён,
Бегонаға шайдо бўлиб, дўстларга бегонаман.*

*Сен бўймасанг умрим ҳазон, ҳам қоронгу бу жаҳон,
Шам чирогимсан ўзинг ёр мен сенга парвонаман.*

*Қалб сирини сенга айтар бу гамгусор Зулайҳо,
Сенга кўзим тушса магар доимо мастанаман.*

Зулайҳо инк розини айтиб, Юсуфнинг бўйнига кўл ташшамокчи бўлди. Шунда Юсуф Зулайҳодан тисарилиб эй Зулайҳо, эринг менга оиласда иш юритиш инъомини берди. Сени инъомингни бермади. Андипша билан иш қилгни, тағин ё сени, ё мени бошимга кумбузда ёнган хотиннинг куни тушмасин. Зулайҳо деди; баён кил, хотин не сабабдан кумбузда ёнган экан?

Юсуф деди: бир савдогарнинг яккаю ягона бир ўғли бор экан. Ўғли йигит еттандада отасининг ёши анчага бориб, кексайиб колибди. Ўғлига савдо килишни ўргатмок максадида кўлига юз тилло бериб, рўзгор харажатини килиб кел, деб бозорга юборади.

Бозорнинг дарвозаси олдида бир кекса одам “Бир гап бор, юз тиллога бераман”-деб ўтирибди. Йигит юз тиллони ҳалиги одамга бернибди. У оса “Туз еган жойингта хиёнат килма”-лебди.

Ўғли бозордан кайтибди. Отаси бозор харажатини сўраса, ўғли юкоридаги воқеани айтибди. Отаси ўслининг ишидан рози бўлиб, сотиб олган ганинга ҳар доим амал кил, дебди. Ўғлига юз тилло бериб яна бозорга юборибди. Ҳалиги одам дарвоза олдида “Бир гапим бор, юз тиллога бераман”-деб ўтирибди. Йигит унга, менга сотган ганингизми?-дебди. Ҳалиги одам, йўқ бу бошқа гап дебди. Йигит юз тилло берибди. Ҳалиги одам “Буги чиқиб турган ошни ташлаб кетма”-дебди. Ўғли отасига бу гал ҳам ҳалиги одамнинг “Буги чиқиб турган ошни ташлаб кетма”-деган гапига юз тилло берганлигини айтибди. Отаси ўслининг ишидан рози бўлиб, сотиб олган ганингга ҳар доим амал кил, дебди. Вақти етиб йигитнинг отасининг бой, бадавлат бир дўсти бор экан. У йигитни уйига олиб бориб, тарбия кила бошлибди. Жуда келишган йигит экан. Бойнинг ёш, келишган хотини бўлиб, йигитни яхши кўриб колибди. Ёш хотин эри йўқ пайтида йигитни уйига киргизиб унинг билан ковушишини талаб килибди. Йигит “Туз еган жойингта хиёнат килма”-деган гапига амал килиб, хотиннинг талабига кўнмай чиқиб кетибди.

Аламзада бўлган хотин эри келгач, унга йигитдан шикоят қилиб; сиз олиб келган йигит нонқўрлик килди. Йўқлигингизда ётогимга кириб менинг билан ковулимокчи бўлди. Дод соглан эдим кочиб кетди. Уни жазоламасалгиз бўлмайди, -дебди. Бой хумбуз пиширувчини чакириб бугун гуща хумбузга борган одамини оташхонага тикиб юбор-лебди.

Хотин бу ганин эшитиб турарди. Хумбузчи кетгач, бой йигитни чакириб, гуш вақтида хумбузчиларнинг ишларини кўриб келишни буорибди. Йигит туш пайти хумбуз томон бораёттан экан, йўлда бир дўстин йўликиб бир ниёла чой ичиб кет,-деб йигитни уйига киргизибди. Йигит понини тузини тотиб ўриндан турмокчи эди, дўстин товоқда ош кўтариб кирали ва йигитга таомини бирга сийини таклиф килали.

“Буғи чикиб турган ошни ташлаб кетма”-деган ўгит ёлига тушиб, ўтириб овқатлашади. Бу пайтда аламзада ёш хотин йигитни хумбузда ёнганини кўраман, деб хумбуз томон борди. Хумбузчи хотинни лодвойига карамай хумбузнинг отапхонасига тикиб юборди. Шом пайти бой йигитни кўриб қолиб ҳайрон бўлибди. У хумбузчини чакириб, нега айтганимни бажармалинг,-дебли. Хумбузчи, айтганингизни бажардим, тушда хотинингиз борди, уни оташхонага тикиб юбордим,-дели. Бой ғамгин бўлиб йигитни чакириди ва хотини билан бўлган воқеани айтиб, ўлимдан қандай омон қолганлигини сўрали. Йи ит бошидан кечирган воқеани айтиб берди. Кўрайсанми, сенинг ҳаракатинг бойнинг хотинининг ҳаракатига ўхшайди. Ҳар қандай қабиҳ иш қилганни худо жазосиз қолдирмайди. Мен худойимдан кўркман-деди, Юсуф. Зулайҳо ниятига етолмай ҳуноб бўлиб қолди. Юсуф чўпонларининг хабарини олиш учун чўлга йўл олди. Чўлда ёлгиз кетаётib, худодан малад сўраб шундай-деди:

*Туз есан жойимга қандок аккилик айлай Худо,
Бу сұноҳдан ўзинге асра, қилма иймондин жудо.*

*Кўлимда ихтиёрим йўқ қул эрурман қулнингга,
Иисоф бергии ул бекамга сенга қизгум шитишко.*

*Озодликдан маҳруждурман кетарга ихтиёрим йўқ,
Айтганимни қўлурсан, деб зугум қилур катхудо.*

*Ўзинг қўлласанг бало йўқ, қўлламасанг чора йўқ,
Барча ишларга қодирсан расво айлана худо.*

*Не ажобинг бўлса тартаи қабиҳ ишдан асрагиз,
Жонимни олсанг олгину мен бўлай сендин ризо.*

*Мисрофирман ҳам гуломман, ўзингдан ўзга дўстим йўқ,
Маддкорим ўзингдурсан ишим ўнглаб қўйгин худо.*

*Сабрдин яхини ўйқ, бу йўлда сабр айлайин,
Юсуф айтур, ишим ўзинг айлагил жобаюжо.*

Миср хотинлари Зулайҳо ўз қулига ошигу бекарор бўлиб колибди, деб таъналар қилдилар эмишки. Зулайҳо қулини ёқтирибди, қули эса Зулайҳони ёқтиримабди; Зулайҳо қулига ноз –карашмалар килармиш, қули бунга парво қилмасмиш, Зулайҳо жон кўзи билан қулига караса, қули кўзларини юмармиш, Зулайҳо қули ишқида жон қўйдириб охунолалар торгса, қули қулармиц,-каби таъналар Зулайҳонинг қулоғига чалиниди. Зулайҳо таъналардан кутилиш чорасини излаб, зиёфат ташкил килиб. Мисрнинг гўзал хотинларини зиёфатга чакирди, хонани шундай безатдики, унда сиймлигү, ичимликларнинг адоги йўқ эди. Миср хотинлари ўзларига зеб бериб, зиёфатла хозир бўлдилар. Хонаңда ва раккоса нозанинлар нагма соз қилиб, раккосалар товусдек хиром айлаб, зиёфат ахлини хушнуд қилдилар. Зиёфат меъёрига яқинлашганда Зулайҳо хотунларга юзланниб леди; эй азизлар, Миср гўзаллари “Зулайҳо қулига ошиг бўлибди, аёл ҳам шундай паст кетарми”, деб менга таъна тошларини отдингизлар, Агар у сарви комат, фаришта сифат йигитни кўрганингизда хушингизни йўқотиб, йўлингиздан адашиб, менга килиган таъналарингиз ўринсиз экантигини англаб пушаймон бўлардингиз.

Хотинлар леди: қулингни биз ҳам кўрайлик, сен таърифлаганча бормикан. Зулайҳо леди: Кўллариниңга пичок ва лимон олурсиз. Юсуф кириб кесланда лимон тўғрашта машғул бўларсиз.

Хотинлар шартга рози бўлдилар. Зулайҳо Юсуфни зиёфатта таклиф қилди. Юсуф Зулайҳога рал жавобини берди. Шунда Зулайҳо Юсуфа ялинниб леди: Эй Юсуф сенинг ишқингда хотинларнинг таънасига колдим, улар бошимига маломат тошларини отдишлар. Бу таъналардан мени сен куткарурсан, сендан ялинниб сўрайман. Ўзингга оро бериб шоҳона кийимларингни кийиб меҳмонлар ёнига киргина. Юсуф рози бўлиб, Зулайҳо айтгандек кўришишда хонага кириб келди. Юсуфнинг хусни -жамоли мунаввар хонани янада мунаввар килиб юборди. Хотинлар одам фарзанди бу кадар зебо бўлурми, бу фариштадан ҳам чиройлику, делилар. Хотинлар кўзларини Юсуфдан узолмай хусни-жамолини томоша килардилар.

Зулайҳо хотинларга лимонларни кесинг,-леди. Миср гўзаллари хушларини йўқотиб, лимон колиб бармокларини тўградилар. Зулайҳо хотинларнинг ахволидан хайратланиб, шундай леди:

*Ақду-хүшингизни олган шу дилбар,
Дилимда ушагимас армонам менинг.
Мени шу күйларга солган шу ғұзат,
Бекшилари жонға дармоңам менинг.*

*Мұхаббат юракка ёлқинин сочса,
Ажабмас таңадан сиршарын очса,
Не қылай дилбарым бағрамдан кочса,
Севгім сезмас қайсар дилбарым менинг.*

*Тилингизни менга ханжар қалдингиз,
Азиз бошым маломаттаға құйғынгиз,
Нега лабларнанғыз тиштаб қолдингиз,
Биссанғыз шу дилбар армонам менинг.*

*Ақду-хүшингизни гуломым олди,
Лимон қозыб бармогингиз тұғраптады,
Дастурхоним қонингизга бұялди,
Мафтупкор ғұзатдир гуломым менинг.*

*Ёршінг ишақа дашым ром қалиб олди,
Зеболиги мени шу күйге солди,
Тұндарым, күндарым беором бұлды,
Оромимни олди гуломым менинг.*

Мисер гүзаптары Зулайхонинг олцида изза бўлиб Юсуфнинг офтобдеек балқиб турған хусну жамолида цилиларига олов солиб, жойларига таркалдилар. Зулайхо Юсуфнинг висодига етмок ниятида катъий карорга келиб, Юсуфнинг кўлидан ушлаб ичкарига етаклади. Ва кетидан эшикларни занжирлаб борди.

Еттиинчи хонага кирганды тұхтадилар. Хонаға юмшок каравоттар күйилганды, гул тувакларда гуллар ўстирилганды, түрт девори шифтига гүзат кизлар ва йигитларнинг жуфт – жуфт бўлиб турған, кўрганларда хирсий түгён кўзғатадиган жозибали сувратлары чизилганды. Юсуф кай томонға бокмасин кўзи жозибали сувратларга тушарди. Юсуф эшик томон айланган эди, юпка куйлак кийиб олган сиймобдек бадан куйлак ичидан кўзга ташланыб турған Зулайхо уни бўйнидан кучоқлаб олиб тўшагитга ўтказди. Титраган овоз билан Юсуфга ялниб деди:

*Ою йиллар ҳизеронингди ўртандим,
Сиру-асоримни сўрсанг не бўлди.
Бугун дийдорингни кўриб шодандим,
Холим сўраб кўпешим олевине не бўлди.*

*Ишқинг вужудимга солди галаён,
Истиглоларинга фидо бўлсин жон,
Висолингга етмоқ дилдаги армон,
Ёрга кучогингни очсанг не бўлди.*

*Лабларингга лабларимни кўяйин,
Гулгун яногингдан бўса олайин,
Кўлларим белигнга камар қиласайн,
Нозик белларимдан кучсанг не бўлди.*

*Сен обу-ҳаётсан, мен сувга чанқоқ,
Сувингни аяма чанқоқдан бу чоқ,
Талабимни қондир бўлсанчи тезрок,
Жонингни жонимиги қотсанг не бўлди.*

*Бу хилватхонадан чиқшини унумт,
Бадатим қизиган дилда ёнар ўт,
Кучогингга олиб тўшигимга ўт,
Муродимни ҳосил қиласанг не бўлди.*

*Дардларимга бугун якун ясарман,
Шитоб билган висолингга етарман,
То қовушимагунча қўйиб юбормам,
Ёрни оғушинга олсанг не бўлди.*

*Зулайҳо дер, бўлдим ишқингда банди,
Муруват айлаини қиласагил канда,
Менинг иштиёрим сандайдур санда,
Илтижомни қабул қиласанг не бўлди.*

Юсуф билдики, Зулайхонинг карори катъий. У бу ишратхонадан кандай чикиш чорасини ўйлаб Зулайхонинг ниятидан қайтариш максадила шундай деди:

*Хиёнат айласам эринг Азизга,
Тириклийин сомон тиқар теримга.
Тузогингдин бўшат, мени азизим,
Севганинг йўлламагин ўлимга.*

*Сен билган бўлганинг йўқдир армони,
Ишқда ёнганин дилнинг сенсан дармони,
Бироқ қабиҳ ўйла гана мени,
Эшигнинг оч, тузоқ қўйма ўйнимга.*

*Зинн қылғанларнинг жазоси ёмон,
Хар икки дунёда топтмайди омон,
Гуноҳ ишга мени ундана жонон,
Эшигинг оч, тузоқ кўйма йўлимага.*

*Айтганнинг қилсан иффатим кетар,
Беҳаднинг дилин иймон тарқ этар,
Иймонсиз банджор дўзахга ўтар,
Эшигинг оч, шафқат қилгин қулинги.*

*Шайтоннинг юлига юрмагин эркам,
Шаҳсоний ҳирсингга ҳай бергун бекам,
Дардингга маҳчанин кунмасин бу дам,
Эшигинг оч, тузоқ кўйма йўлимага.*

*Юсуф айтур, сенга эй сарви қомат.
Сабр қилсанг охир тонарсан роҳат,
Бесабр бошига ёғади оғат,
Эшигинг оч тузоқ кўйма йўлимага.*

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларига парво қилмади. Эй севгилим, сени висолингта етмок учун ою-йиллар хижронингда азоб чекдим. Тасаввур килгин, сен бир оқиб турган дарёсан, мени дарёнинг кирғозида колган сувга чанкок балиқман. Балиқнинг хаёлига сувга шўнғищдан бошка нарса келмайди. Сен ёниб турган бир шамсан, мени парвонаман. Шам парвонанинг канотларини куйдирса ҳам, танасини ёқса ҳам парвона доим шамга интилади. Юсуф.- деди: Эринг хўжам, ўзинг бекамсан, ёмон кунларда химоянгизга олдиларинг, устимга кийим, ошу-нон бердиларинг. Оилада иззат-хурматимпи жойига кўйиб, мусофири кулга улут мартабалар бердиларинг. Сенинг билан айшу-иширрат қилсан эринт Азиз ҳам, бизни яратган Худо ҳам кечирмайди.

Накадар жозибали жонон эканингни кўриб турибман, мухаббат жисмингда галаён қўзгаттанини бишиб турибман не илож. Сен билан ковуцсан эринг ҳамда Худонинг газабидан кўркман.

Ўтган аждодиарим ҳалол ва лок яшаганлар, уларга иснод келтиришдан ор қиласман. Менин кўйиб юбор. Парвардигорим ҳамма нарсани хоҳ маҳфий, хоҳ онлкора бўлсин кўриб, билиб турувчиidir. Илтижоларинг ларгоҳида қабул бўлса, бир сабаб билан висолига етариғиз. Худонинг ўзи ишларни чиройли қилиб бажарувчидир. Зулайҳо деди: сабр-тоқат қилишга бардошим етмайди. Менин кўксингда, танам жонининг етмагуича бир дакика ҳам сабр килмасман, деб Юсуфнинг белидан қучоқслаб ўзини тӯшакка таплади. Юмшок бадан, хароратли тан бир-бирита чирманиб кетди. Юсуф

хүшини йиғиб олиб, Зулайхонинг кучоғидан қочиб, эшик томон югурди.

Эшикларнинг занжирини бир мушт уруш билан парчалаб ташкари томон интилди. Зулайҳо кўрдик, Юсуф қочиб боряпти. Юсуфнинг оркасидан кувиб, охирги эшикда оркасидан етиб куйлағидан ушлади. Юсуф куйлагининг бир парчасини Зулайхонинг кўлида колдириб, ўзи ташкарига чиқди.

Эшик олдида Азизга учрашди. Азиз кўрдик, Юсуф нимадандир ҳаёжонда, унинг безовталигини суриштирган эди. Юсуф сир бой бермасдан “Тинчлик” деб кўйди. Азиз Юсуфнинг кўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди. Зулайҳо: Юсуф Азизга бор гапни айтиб кўйган деб ўйлаб, Юсуфнинг устидан Азизга шикоят килиб, ўз сирини ўзи ошкора килиб шундай деди:

*Үйқуда ётиардим оромим бузди,
Нияти ёмондир йўқот бу қулни.
Нозик баданимга қўлларин чўзди,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.*

*Ўгрилардек писиб тўшакка ўтди,
Аста куйлагимни тугмасин ечди,
Погоҳон баданим сескашиб кетди,
Нияти бузуқдир йўқот бу қулни.*

*Бедор бўлиб дод устини дод солдим,
Энинка югурди изидан қувдим,
Етиб қуйлагидан бир парча юлдим,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.*

*Банди зиндан айла, жазосин олсан,
Зулайҳо кимлигин зинданда билсан,
Бу иш ўзгаларга ҳам ибрат бўлсан,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.*

Азиз Зулайхондан бу сўзларни эшитиб, фигони фалакка чикиб кетди. Юсуфни нонкўрлиқда айблаб шундай деди:

*Қул эмас, болам деб ардоқтар эдим,
Орзуларим бугун барбод айладинг.
Қабиҳ шилларингдан аламда қолдим,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.*

*Кўтара билмадинг иззат хурматни,
Ошкор қилдинг физингдаги излатни,
Бўйтингга осибсан тавки лаънатни,
Маккор шайтонлигинг ошкор айладинг.*

*Сени Зулайҳоси топширган эдим,
Хигматингда бўлсип канашлар дедим,
Ўз музакимни ихтиёрингга бердим,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.*

*Ализ айтпур, банди зиндои қизарман,
Бошингга юз турди зулм соларман,
Худодан бошингга азоб тиларман,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.*

Юсуф бу кадар ҳакоратларни эшитгач, виждан азобида кийналиб, ноҳаклик ўтида ёниб Ализга айтлики; кўз билан; кулок билан; кўл билан ҳукм чиқар. Ализ айтни; бу нима деганинг? Юсуф леди; Бу шундай деганимки, одамни гуноҳкор килиш учун уни кўз билан кўрмогинг, сўзларини қулок билан эшитмогинг, гуноҳ или устида кўл билан тутоғинг керак. Сенда бу далиллардан биронтаси ҳам йўқ.

“Қишининг кўли билан ўт эшарма”, деган гап бор. Зулайхонинг сўзи билан мени ҳакорат лойига булгадинг, мен бунга лойик эмасман. Ийоним пок, худонинг олдида юзим ёргу, -деб бу мухаммасни ўқиди:

*Оллоҳ ўни қилмаса, агар қулини расво,
Ийонинг соя солмас, хуруж қўлиса ҳам изво,
Шайтонинг сўзи билан амал қилимадим асло,
Тақдир ёзгитишдан дир ҳар неки келса бошига,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулило*

*Одам отадан буён гавгосиз эмас дунё,
Агар нафсимнг тиймасанг бошига ёғилур бало,
Худо сақлаша бало сақламаса иўқ чора,
Бандасини қилмагай икки оламда расво,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулило.*

*Бу дунёниг дарёлари Одам отадан қолган,
Ҳаромийлар дастидан ер юзини сув олган,
Ҳақни билмаган Намрӯд Ҳалини ўтга солган,
Ийони пок Иброҳим оловдан омон қолган,
Нафсимга қул эмасмин шукур алҳамдулило.*

*Омонатга ҳеч қачон мен хиёнат қылмадим,
Оқтаб едим түзүмни түзүнкөң туфурмадим,
Иймөннім покдир менинг, эгри йүлгі нұрмадим,
Ёмонарнинг дастыдан жудом роҳат күрмадим,
Нағсымға күт әмасман шүкүр алхандулило.*

*Севган қулига ишкни ато айлади худо,
Ишк түшігін юрактарда бұлды шаймоп мусаффо,
Ошиг дардига ёртпінг висоли бұлды даво,
Алмудом Юсуфни деб ишқда ёди Зулайхो,
Нағсымға күт әмасман шүкүр алхандулило.*

Зулайхо Юсуфнинг сўзларини әшитиб мардона туришини күриб айникса “Севган қулига ишкни ато айлади Худо алмудом Юсуфни, деб ишқда ёнли Зулайхо” деган сўзларидан таъсиrlаниб беайб Юсуфни айблор қилаётганидан пушаймон килиб ўзини соялек ерга ташлаб зорзор йиглалди.

Азиз Зулайхонинг зор-зор йиглаганини Юсуфни унга килган хўрлик ва зўрлигидан деб билиб Юсуфни сўзларига ишонмай яна унга нисбатан газаби ошди. Шу пайт бешикда ётган чақалок яъни Зулайхонинг амакивачаси атлоҳининг иродаси билан тилга кириб тувоҳлик бериб ледики “Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса Зулайхонинг гапи росттадир ва Юсуф ёлғончилардандидир. Агар орка томонидан йиртилган бўлса у холда Зулайхонинг гапи ёлғондир ва Юсуф росттўйлардан бўлур”. Азиз Юсуфнинг кўйлаганинг орка томонидан йиртилганини кўргач: эй Зулайхо бу иш сенинг макрхийлаларингандир. Килган гунохингга тавба кил. Чунки сен адашған кимсалардан бўлдинг, деди.

Тангри таоло ўзининг маъсум пайгамбари Юсуфни маъсум бир гўдак тили билан оклади. Азиз Юсуфга бу гаплар бости-бости бўлиб, унугтилиб кетгунча сени зинданда саклаб турурман, - деб Юсуфни зинданбанд килилига амр килди.

Юсуф зинданга тушганига бир томондан суйинса бир томондан ғамгия бўларли. Суюнинига сабаб, Зулайхонинг гунох ишга ундағ қилаётган зуғумидан кутилиб иймөнини саломат саклаб колгани бўлса, ғамгинингига сабаб ота-она, кариндошлирининг меҳрига зор бўлиб, озод бошини кул килиб, дардини айтарга дўст тополмай, ноҳақ айблар оламида зинданбанд бўялгани эди. Яратган оллоҳдан бошқа химоячиси бўлмаган Юсуф ғамгин бўлиб яратгандан шафқат сўраб илтижо килди:

*Йўқдан бор айлаган яратган эгам,
Бу гавгодан бошим озод қиз, мени.*

*Азоб берар менга ноҳақник ситам,
Шафқат айлаб дардан озод қил, мени.*

*Туқдан онам дийдорига тўймадим,
Тенг туштарим билан ўйниб юрмадим,
Бузрукворим хизматида бўлмадим,
Ҳисекрон азобидан озод қил, мени.*

*Биродарлар ёмон иштималлар,
Уриб, судраб чоҳ тасига отдишлар,
Озод бошим башда қилиб сотдишлар,
Шафқат айлаб бошим озод қил, мени.*

*Тўғри ишлар қилдим нотўрга бўлди,
Тухмат азобидан жигарим ёнди,
Ноҳақник қад ростлаб, ҳақиқат синди,
Шафқат айлаб ҳимоянга ол, мени.*

*Хато қиласам иймон дилни тарк этар,
Тўғриликдан дилимга озор стар,
Бирор ҳўсторим йўқ қўлимдин тутар,
Ёраб ўзинг ҳимоянга ол, мени.*

*Яхинилардан асто ёмонлик чиқмас,
Ҳуши бор ёмондан яхинлик кунмас,
Мажомат гавгоси бошимдан кепмас,
Шафқат айлаб ҳимоянга ол, мени.*

Юсуф зиндонга ташлангандан кейин Зулайхонинг бир дарди икки бўлиб, килган ишларидан пушаймон бўлиб, виждан азобида тўлганиб, истаган вактда Юсуф лийдорини кўриб, ўзига гасалли бериб юрарди. Энди бундан хам жудо бўлиб, айрилик дардида ранглари сўлиб, суврати бутун, сийрати тутун бўлиб, ўзини узлатга олиб зор-зор йиглаб шундай бир муҳаммас ўқиди:

*Ишқинг дилимга эко бўлди жонажоним ўртадинг,
Ҳисекрон азобига ташлаб жиссан жоним ўртадинг,
Гурбатида гариб эрурман хонумоним ўртадинг,
Ишқинг тиги пислди багрим оқди қоним ўртадинг,
Парво қилмай аҳвалимга меҳрибоним ўртадинг.*

*То абад ҳусну -жемоянг кўрмагай эдим кошки,
Кўрган билан сенса кўнгил кўймагай эдим кошки,*

*Кўйинеда саргардон бўлиб юрмагай ёдим кошки,
Ёрги стмоқ қилинсида бўлмайгай ёдим кошки,
Муҳаббатим рад этиб номеҳрибоним ўртадинг.*

*Умид билан висол сари қадам ташлаган ёдим,
Висолингга етай деб ёр кўлин ушлаган ёдим,
Вафодорим дебон сени кўнглам хушлаган ёдим,
Жамолингга меҳр билан нигоҳ ташлаган ёдим,
Умидларим сароб бўлди жонажоним ўртадинг.*

*Мен йигламай ким йигласин дилдоримдан айрилдим,
Булбулам нога қулурман гулзоримдан айрилдим,
Суду-савододин қолибман, бозоримдан айрилдим,
Дунёнинг дастидан войдод оромимдан айрилдим,
Хижрон азобига ташлаб меҳрибоним ўртадинг.*

*Мен Зулайхадек эларо сарсон бўлмагай ҳеч ким,
Севган ёрига етолмай ҳайрон бўлмагай ҳеч ким,
Шаффқатсиз ёрининг ишқиди дистон бўлмагай ҳеч ким,
Менинг армонларим янглиг армон қилмагай ҳеч ким,
Дардларимга парво қилмай ишифокорим ўртадинг.*

Зулайхо зинданбонга эҳсонлар берид, зинданда ётган Юсуфни яхши парварим килинни уктирди. Юсуф ўзининг ишибилармонлиги билан зиндан бошлигининг кўнглини тоғди.

Зиндан бошлиғи камоқдаги бутун маҳбусларни Юсуфнинг карамогига берди. Энди у ердаги хамма ишларни Юсуф бошкарап эди. Миср подшосининг соқийси ва новвойи ҳам подшоҳга карши жионий ишда айбланиб камоқкка тушди. Юсуф камоқхонада улар билан бирга эди.

Миср подшосининг соқийси билан новвойи бир муддат камоқда ётганларидан кейин бир кечанинг ўзида иккакаси ҳам туш кўрди. Тушининг таъбири нима бўлишини билолмай ғамгин бўлиб ўтирилдилар. Юсуф уларни ғамгин ахволла кўриб ғамгинлигининг сабабини сўраган эди. Улар: Биз туш кўрдик, тушни таъбир қиласиган киши тоғолмадик,-дедилар. Юсуф уларга: тушнинг таъбирлари худодан эмасми? Менга тупиларингизни айтиб берингларчи,-деди. Бор соқий тушини Юсуфга хикоя килди; Тушимла бир узум кўрам имандаги учта навдада узум бор экан. Навдаларда шингил-шингил узумлар ишиб турибди. Мен узумлардан шарбат тайёрлаб хожамга соқийлик килаётиман,-деди.

Юсуф тушининг таъбиринни йўриб деди: Уч навда -уч кун. Уч кундан хейин камоқдан озод бўларсан. Подшоҳ мартабангни баланд килар. Аввалидек подшоҳнинг соқийси бўларсан-деди.

Бон новвой хам тушини Юсуфга айтиб таъбирини сўради:

Бошим устида учта сават бор эди. Уларнинг иккитасида нон, юқоридаги учичи саватда подшохга тайёрланган овқат бор эди. Уларни подшохга олиб бораётган эдим, учичи саватлаги овқатни күшлар чўкиб еб кетди-деди.

Юсуф тушнинг таъбирини шундай йўрди: Уч сават-уч кун. Уч кундан кейин подшоҳ сени дорга остиради. Күшлар келиб танантдан гўштингни чўкиб сайдилар,-деди. Уч кундан кейин бош сокий ва бош новвой зиндандан озод бўлдилар. Юсуф бош сокийга қараб, мени эслаб тур, деб шундай деди:

*Озод бўлиб кетар бўлсанг бош сокий,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унумта.
Бизга бу кунларни солмаш илоҳий,
Зиндандаги гариб дўстни унумта.*

*Еурбатда гариблик дарди ўртади,
Мусоғирнинг доди кимга етади,
Ноҳақлик зулмидан жоним ўртанди,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унумта.*

*Гарибликда қулфат ёғди бошамга,
Ҳеч ким парво қилмас кўзда ёшишга,
Яратганинг ўзи етгай додимга,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унумта.*

*Шам жисемини ёқиб ёғду сочади,
Ноҳақ дардан жисемдан жон қочади,
Ҳакиқат юзини қачон очади,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унумта.*

*Бундан кетиш шоҳ ҳузурига етарсан,
Илгингдан султонга шароб тутарсан,
Найти келса мени эслаб ўтарсан,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унумта.*

*Юсуф айтар, банди бўлдим бу замон,
Яратганинг ўзи бергуси омон,
Ноҳақликдан изоб чеккан кўп ёмон,
Ноҳақ изоб чеккан дўстни унумта.*

Орадан уч күн ўтгандан кейин поптох ўзининг туғилған күниви нишонлаш учун бутун мулозимларига зиёфат тапкыр қилди. Зиёфатта бош сокий билан баш новвойни хам чакирди.

Подшо боц сокийни ўз маңасбига қайтарди. Баш сокий олдингидан хам хурматлароқ бўлиб, ўз ишинни давом қилирди.

Баш новвой эса Юсуф таъбир қылганидек дорга осилди.

Баш сокий Юсуфни эсдан чикарди. У ҳақда подшохга сўз очмади. Юсуф эса узок йиғлар зинданда көгинб кетди. Орадан икки йил ўтгач подшох бир туш кўрди. Нил дарёсининг бўйида ўтлаб юрган еттига семиз сигирга подшохнинг кўзи тушиди. Шу пайт еттига орик, кўримсиз сигирлар пайдо бўлиб, еттига семиз сигирларни об юборди. Вокеа содир бўлган ёрнинг нарироғида еттига яшил, бўлик бошоқ ўсиб турарли ва яна шу ерда еттига ковжираган бошоқ хам ўсиб турарди.

Подшох уйкудан уйғонгач, кўрган тушини эслаб анча вакт ғамгин бўлиб ўтириди. Кейин аъёнларини чакириб уларга тушини айтиб, туш таъбирини сўради.

Аъёнлар: бу олоқ-чолок тушлар экан биз тушингизни таъбир қылаолмаймиз, узримизни кабул килинг, -делилар. Шу ерда баш сокий хам бор эди. Баш сокийнинг эсига зиндандаги ётган Юсуф тушди. Баш сокий подшохга юзланиб цеди: Зинданда Юсуф исмли бир иброний ётибди.

У тушини таъбирини тўчири айта олади. Баш новвой билан зинданда ётганимизда Юсуф биз билан бирга эди. Биз туш кўрдик. Тушимизни Юсуфга айтган эдик, у таъбирлаб берди. Мен ўз вазифамга қайтдим, новвой дорга осилди. Бу вокса Юсуф таъбирлатиб келаман. Шунда подшох деди таъбирчининг сўзини ўзганинг оғиздан эшигтандан кўра, ўзининг оғиздан эшигтган яхши. Подшох Юсуфни зиндандан олиб келиши учун одам юборади. Подшох юборган одамларга Юсуф шундай леди: подшохнинг оғизига қайтиб бориб уйдан Зулайҳонни зиёфатида ўз кўлларини кесгап аёллар нима бўлганини сўранг. Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчиdir. Шояд подшох хам менинг бегуноҳ эканлигимни, шаҳар ҳокими йўклигига унга хиёнат қылмаганлигимни, олюҳ хеч качон хоинларини ишини ўнгламаслигини мамлакат шохи хам билиб олсан. Элчилар подшохга Юсуфнига сўзларини айтдилар. Подшох Зулайҳо ва учининг зиёфатида бўлган аёлларни тўплаб деди:

Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вактингизда у хам сизларга мойиллик кўреатганими? Аёллар айтдилар: Оллоҳ сакласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз.

Зулайҳо деди: Мана энди ҳакиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У шак –шубҳасиз ростгўй инсондир. Подшох Юсуфни зиндандан чикаришга буйруқ берди. Юсуфни зиндандан озод килиб, тоза либослар кийгизиб подшохнинг хузурига олиб келдилар.

Подшох Юсуфга ёнидан жой берди. Күрган тушини баён килиб шундай деди: Мен түпнимда Нил дарёси бүйінде тұрган экансман. Дарапан еттита семиз сиғир чикиб киекзорда үтлаб боллади. Шундан кейин дарёдан яна еттита орік сиғир чикиб, халиғи еттита семиз сиғирни еб юборди. Шундан сүңг уйғониб кетдім. Күзім яна уйқуга илинган эди. Яна түш күрдім. Тушимда еттита түлік ва яшия бошокни күрдім. Уннинг кетидан еттита көвжираған бешек чикиб, халиғи етти түлік, яшия бошокни еб юборди.

Юсуф түшнінг таъбириңи шундай деди: иккі түш ҳам бир хил маңынан билдиради.

Еттің яхши сиғир – етти йил.

Еттің яхши бошок-етти йил.

Бу етти йилда Миср мамлакатида дәхқончылықда зироат мұл бўлиб, фаровонылик бўлади. Етти орік сиғир-етти йил. Етти көвжираған бошок ҳам-етти йил. Етти йил фаровонылардан кейин, етти йил қахатчилик бўлади.

Туш подшохга иккі марта намоён бўлиши шуни билдирадики, бу ишнинг бўлиши мукаррарлар. Худо буни кечиктирмай амалта оширади. Эй олампаноҳ, ақлли, доно, тадбиркор бир одамни Миср юртига раис килиб қўймок лозим. Раис мұл –қўлчилик йилларида олинган донларнинг бир қисмини мамлакат омборларида қўйсинг, кейинги қахатчилик йилларида захира килиб қўйилган озиқ овқатлардан оқилона фойдалансин.

Шундай қизинса, мамлакат ахолиси қахатчилик йилларидан эсономен ўтади. Бу гал подшох ва уннинг амалдорларига маъкул бўлди. Подшох Юсуфга: Худо буларнинг ҳаммасини сенга маълум килган экан. Сендан аклироқ ва донороқ одам йўқ. Бу ишни сенга топшираман. Мамлакат устидан раислик киласан. Мамлакат халқи сенинг амрингта караб иш тутади. Подшох бармогидаги узугити Юсуфиниг бармогига тақди. Шохона либослар кийдирди. Юсуф бутун Миср мамлакатига бошлиқ бўлиб тайинланганлигини, халикка маълум килиб жар чакиртириди. Юсуф бу пайтда үтгиз ёшга кирганди. Кеңинча ўзида эрки бўлмаган, қуллик азобини, зиндан азобини торттан, ғурбатда ғариблик дардини чеккан Юсуф бугун Миср мамлакатининг ҳокими. Дунёнинг ишларидан хайратланган Юсуф шундай бир газал ўқиди:

*Ҳавонинг хаёлини шайтоннга берив,
Оданини жаинатдан қувган дунёсан.
Кобилнинг нағсини қўйига согиб,
Хобилнинг жонини олган дунёсан.*

*Қуёш ҳам ой еру-осмон қўрқидир,
Еру -осмон жонозотларнинг мулқидир,*

*Жонзотга раҳнамо яратған қодир,
Кечали-кундузин ажиб дүнёсан.*

*Нүх қавмин түфөннинг қытрыга солиб,
Иброҳимни оловдан омон олиб,
Ҳалигини кўлига боштани бериб,
Бутыларни чил-парчин қилган дүнёсан.*

*Бир ёгингда ҳаёт тантана қиласар,
Бир ёгингда ажсал соясин соласар,
Фарзанд ота-она ҳажрида куяр,
Ҳар кимни ҳар ёна отган дүнёсан.*

*Бўлмайдиган шини баъзан бўлдириб,
Кимнидир йиглатиб, кимни кулдириб,
Гадонинг бошига тожени кийдириб,
Султонни девона қилган дүнёсан.*

*Иллат излаганга берасан иллат,
Ҳикмат излаганга берасан ҳикмат,
Ҳак ўйлодин юрганини сақлаб саломат,
Муаммога тўла сирли дүнёсан.*

*Кора кунлар бугун бошимдан кетди,
Бахт - иқбол таҳтига обёзим стди,
Ғанимлар бори эгиб пойимдан ўнди,
Алговли далговин қайтар дүнёсан.*

*Юсуфнинг боинига қўнди баҳт қуши,
Бунга сабаб бўлди подшонинг туши,
Барчаси яратған оллоҳнинг иши,
Бугун ёмон, эрта яхши дүнёсан.*

Етти фаровонык йили бошланиб, леҳкончиликдан мўл хосил олинди. Юсуф бу даврда кейинги келадиган қахатчилик йиллари учун озиқ-овқатни йиғиб шаҳар омборларида саклаб кўйди.

Етти фаровонык йили тугаб, қахатчилик йиллари бошланди. Ёмғир ёғмади, сув камчил бўлди. Хосилдор ерлар сувсизликдан яхши хосил бермади. Барча ўлкаларда очарчилик бошланди. Қахатчилик оғати туфайли одамлар очликдан нобуд бўла бошлади. Шундай бир даврда Миерда пон сероб эди. Юсуфнинг буйруги билан ҳалкка дон таркатилиларди. Бопика давлат савдоғарлари Миерга келиб дон олиб кета бошлади.

Мисрда галла борлигини эшитган Ёкуб алайхиссалом болаларини йигиб шундай деди:

Мисрда галла мўл экан, савдогарлар бориб у ердан озик-овкат келтираягти. Сизлар хам Мисрга бориб дон олиб келинглар. Бўлмаса очикдан нобуд бўламиз. Ёкуб алайхиссалом Юсуфнинг укаси Беняминни ёнида олиб қолиб, ўнта ўғлини галла олиб келиш учун Мисрга юборади. Кањон ўлкасидан чиккан карвон Мисрга етиб келди. Юсуфнинг оғалари унинг оллига кириб бошлари ерга тегтунча эгилиб таъзим кицдилар. Юсуф акаларини таниди. Бироқ акалари Юсуфни танимади.

Юсуфнинг акалари унинг олдида бои эгиб туар экан, унинг хаёлидан кўрган туши, отасинини насиҳати, оғаларининг Юсуфни уриб, судраб чоҳга ташлаганлари бир -бир ўтди. Бироқ тугишган акаларининг дийдорларини кўриб ичидан кувонди. Бошга оғир кунлар келганда мард худодан, номарл йўлдошидан кўради, легенларидек Юсуф бошидан ўтказган оғир кунларини худонинг иродаси туфайли эканлигини англаб старди. Юсуф акаларини танимасликка олиб, саволга тутди:

Юсуф:-Қаерлан келдиларинг? Акалари: -Биз Кањон ўлкасидан озик-овкат сотиб олгани келдик.

Юсуф: - Сизлар жосуссизлар, мамлакатнинг камчиликларини билиб олгани келгансизлар. Акалари:-Биз ҳаммамиз бир одамнинг фарзандларимиз, жосус эмасмиз, озик-овкат сотиб олгани келганимиз. Қаршигизда турган бандалар ўн икки оға-инимиз. Кичик укамиз отамизнинг ёнида колган. Болпка бири эса ғойиб бўлган.

Юсуф:-Сўзингизга ишонч ҳосил килиш учун сизлар синовдан ўтасизлар. Сизлардан бирингиз камалиб турасиз. Колганингиз оиласизларига донни олиб борасиз, токи улар очикдан халок бўлмасинлар.

Уканигини олиб келгандан кейин сўзларингизга ошонаман, зиндондаги биродарингиз хам озод бўлади. Шундай кильмасаларинг менга рўбарў бўлманглар. Юсуф иш юрутувчисига акаларининг копларини галлага тўлдириб беришни, берган кумуш тангаларини хам копларига солиб кўйишни буорди.

Юсуфнинг акалари қопларини эшакка оргиб Кањонга жўнадилар. Ёкуб алайхиссаломнинг болалари етиб келгач, отасига бўлган воқсани айтиб бердилар. Улар қопларини очиб ичидан дон сотиб олиш учун берган кумуш тангаларини топдилар.

Бу сирнинг тагига етолмай Миср хокими ўта сахий экан, деб ўйладилар. Юсуфнинг акалари Юсуфнинг ота ва онаси бир бўлган укаси Беняминни хам олиб иккинчи марта дон олиш учун Мисрга бордилар. Юсуф укасини кўриб, уни кўлидан тутиб хонасига олиб кирди ва ўзини таништириди: Мен аканг Юсуфман сени кўрганимдан хурсандман, лекин бу сирни хозирча оғаларингга айтмай тур, -деди.

Юсуф иш бошқарувчисига Беняминнинг юки орасига ўзининг

тилло жомини солиб кўйишни айтди. Бенямин юкларини ортиб йўлга чиқкач, подшохнинг одамлари карвон тўхтатиб, подшохнинг тилло жоми йўқолди уни сизлар ўғирлаганеизлар, -деб тинтув кизиллар. Тилло жом Беняминнинг юкининг срасидан топилди. Мамлакатнинг конунига асосан Бенямин кул килиб олиб колинди.

Юсуфнинг оғалари унинг олдига келиб: укамиз Беняминни кул килсангиз бизларни ҳам кул килинг. Бизлар Беняминсиз отамизнинг олдига боролмаймиз. Отамизга Беняминни соғ-омон олиб келишга вайда бериб касам ичганимиз.

Беняминнинг ташлаб борсак, оғамиз бу оғир жудоликка чидолмай халок бўлади. Юсуф оға-иниларининг бундай забун холатда кўргач тоқат киёлмасдан деди:

Йи пайтингизда Юсуф ва унинг биродарларига нима ишлар кийганингизни эслайсизларми? Улар;-Сен Юсуфмисан, -деб сўрадилар

-Ха мен Юсуфман, бу эса биродарим. Оллоҳга шукроналар бўлсинким, шунча йиلى айриликтан кейин бизни яна бирлаштириди.

Юсуфнинг акалари унинг оёғига бош кўйиб кечирим сўрадилар. Юсуф деди: мен сизларни кечирдим, бу ишларнинг бари худонинг иродаси билан бўлган. Энди оталарини олдига кайтинглар ва мана бу кўйлагимни отамга беринглар. Ёкуб алайхиссаломнинг болалари кўп озик-овкат билан отазари олдига етиб келдилар. Юсуфнинг кўйлагини бердилар. Ёкуб алайхиссалом Юсуфнинг кўйлагини кўлига олар экан, бу матодан Юсуфнинг бўйи тараляяти, -деб юз-кўзларига суртган эди. кўр бўлиб колган кўзларига нур келиб кўрадиган бўлли.

Ёкуб алайхиссалом бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, Юсуфнинг хаёт эканлигини калби сезиб, болаларидан Юсуфни сўради:

*Ҳузур берар менига Юсуфнинг бўйи,
Хабар беринг болам Юсуф омоними?
Бошимдан кетмасди хаёт, јиши,
Хабар беринг цуридийдам омоними?*

*Бир нарча матони юзимга суртдим,
Шу матода Юсуф бўйин ҳис этдим,
Бу на сирдир ёргу жаҳонга етдим,
Кўзим нури, азиз болам омоними?*

*Гамли ҳасратларим бонимдан кетди,
Сўқир кўзларимга равишлик етди,
Балким болам Юсуф каромат этди,
Хабар беринг цури дийдам омоними?*

*Нури дийдам жондан азиз күрардим,
Эркаланиб келса бошин силардим,
Ақт-идрокига қойыл қолардим,
Юрак күрим, меҳрибоним омонми?*

*Юсуф кетиб забун бўлди аҳволим,
Сабр қилмоқ билан бўлди қарорим,
Сабрли қул мурод топар ҳар доим,
Хабар беринг болам Юсуф омонми?*

*Биринг кўзим, биринг кўлим, кулогим,
Юсуф эрур ҳаётимда тирагим,
Ёкуб дер, эруесиз танди юрагим,
Хабар беринг болам Юсуф омонми?*

Болалари айтди: аввало бизларни кечиринг, колаверса бизларнинг гунохларимизни мағфират килишни оллоҳдан сўранг. Бизлар хато килғувчилардан бўйлик. Ўзининг яъни укамиз Юсуф соғу-саломат. Ҳозир Миср мамлакатининг хокими. Сизнинг омонлигинги тираб кўлингиздаги кўйлагини бериб юборди. Олиб келган озиқовқатларимизни совға қилиб юборди. Шунингдек, бутун кавминигиз билан Мисрга келишингизна айтиб юборди. Ёкуб алайхиссалом айтди: Сизларга мен оллоҳнинг меҳрибон, раҳмли эканлиги хақида сизлар билмайдиган нарсаларни билурман демаганмидим. Албатта парвардигоримдан сизларнинг мағфират килтогини сўрайман. Оллоҳ мағфират килғувчи, меҳрибонdir. Ёкуб алайхиссалом Юсуфнинг ҳаётлиги хақидағи хушхабардан бехад шод бўлиб, оллоҳ таолога шукроналар айтди. Ўзининг ахли-оила, қариндоши уруғларини тўплаб, етмиш нафар уруги билан, чорвасини ҳайдаб Миср томонга йўл олдилар. Юсуф ҳам Миср шаҳрининг четига чодирлар қуриб ота-онасининг йўлларига караб, интизор бўлиб турди. Сарҳадини кўз илғамайдиган чўлда одамлар тўдаси кўринди. Уларнинг олдинда кўш ўркачли тия устига қурилган кажавада ок соқолли нуроний чол-Ёкуб алайхиссалом келарди. Юсуф отасининг олдига қараб ииёда йўлга тушди. Отаси ҳам туддан ерга тушди. Бир-бирининг дийдорига зор бўлган ота-бала кучок очиб -бир-бирини бағирларига босдилар. Юсуф ота-онаси ва биродарларини саройга олиб келди. У ота-онасини ўзининг таҳтига чиқарди. Улар Юсуфнинг ота-онаси ва ога инилари кўлларини кўксига қўйиб Юсуфга тавозе килдилар.

Йиллар ўтиб Юсуфнинг кўрган тушининг таъбири оллоҳнинг иродаси билан рӯёбга чиқди.

Энди Зулайхонинг холидан хабар олайлик. Юсуф зиндандан чиқиб, Миср подиҳонининг ишончини қозониб, улут мартабага эрнешиб,

Миср мамлакагига раислик килиб, халк фаравонлиги йўлида ишга берилib кетиб, Зулайхони эсга озмай кўйди. Бу вақтда Азиз вафот килиб, Зулайхо бева колди. Зулайхо бир томондан Азизнинг мотамида ўртанса, иккинчи томонда кўнглининг остида хамиша нур сочиб турган юлдуз ишқи билан хаёл сурарди. Ўзини узлатга олиб ўз дарди билан ўзи сўзлашарди:

*Биродарлар ажсағ доми айирди шоҳсуворимни,
Фалак жиабри яна бузди, бузилган рӯзгоримни.*

*Қора кун соясин согди, сояди қолган бошимга,
Дилдан пинҷона йизларман ким тинглар оху-зоримни.*

*Гурбита гарид эрурман, яқин бир дўсти-ёрич йўқ,
Тақдири азал ёзгити, ўироқ қилди днёримни.*

*Қаршиимда мавж урган дарё, бироқ сувга ташшадурман,
Фалак меҳрига зор қилди меҳрибонимни.*

*Сиртим бутун ичим тутун, ҳолимни сўрамайди ҳеч ким,
Хилсрон ели ҳазон қилои, гул фасида баҳоримни.*

*Ишқининг ҳароратин дилни, кабобдек жисзганак қилди,
Фироқидагиғон айлаб, тўкарман кўздан ёшимни.*

*Ўз ёгига ўзи ёнгани дарди кўп Зулайходурман,
Ҳолим сўрмаса султоним, уарман кайга бошимни.*

Ой кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўта бошлади. Зулайхонинг ёни ҳам илгарилаб кета бошлади. Азизнинг мотамида Юсуфнинг хижронида колган Зулайхо олтин такинчокларини ташлади.

Атлас либосларни ечиб, оддий матодан кийиниб олди. Шамол тинч денгизда тўлкин ҳосил килганидек, айриликтининг ҳасратлии вақти Зулайхонинг ойлек юзига соясини солиб ажнилар пайдо қилди.

Кора сочига ок оралади, сарвлек комати ёйлек эгилди. Күёш билан чак-чақлашадиган кўзларида нур камайди. Бироқ күёш жаҳонни ёритганилек Юсуфнинг ишқи Зулайхонинг ички дунёсини ёритиб, мусаффолаштириб, туарлди.

Юсуф ҳакида сўз очган, хуш хабар айтган ҳар бир кишига садака киларди. Шу таріка Зулайхонинг бойишиги йўқолиб борди.

Бир умр сигиниб келган бутни олдига бориб, ундан лардларига даво сўраб илтижо қилди;

*Бир умр қаршингда бош әгіб түрдім,
Ночор ақволимга раҳм қыл санам,
Пойингга бош құйиб ибодат қылдым,
Илтисаларимни қабул қыл, санам.*

*Жондек ардоқтардым жесісту-жамолинг,
Бугун күрсат күч-кудрат ҳам камолинг,
Мұхассир қыл ёраб баҳти-нұғолинг,
Бугун муродымни ҳосил қыл, санам.*

*Юсуфнинг ишқида адо бұлдым мен,
Очилған гүл әдім, бевақт сұлдым мен,
Боримдан айриғиб ғадо бұлдым мен,
Юсуфнинг әдіга мени сол, санам.*

*Юздан чирой кетди, құздан нүр кетди,
Кора сочтаримга оқыл ҳам етди,
Орзу-армоп билап умр ҳам үтди,
Орзу-армоптарға ечим бер, санам.*

*Зулайхонинг сири сенга аәндір,
Юсуф ҳәётимда жону-жаҳондір,
Ул ёрсиз тириктик менга ғұмандыр,
Илтисаларимни қабул қыл санам.*

Зулайхо Юсуф ўтадиган йүлнинг бўйига камищдан капа курдирди. Юсуфнинг дийдорини кўриш илинжида капага ўтиб ўтириди. Мамлакат подшохи уйидан Юсуф ўрдалаги уйига шу йўлдан ўтарли. Узоқдан отларнинг кишинагани эшитилди. Зулайхо йўзнинг қиргогига чикиб турди. Бир тўпор отликлар кўринани, ҳар томондан “Йўл бер” деган амрли овоз эшитиларди. Зулайхо отликлар орасидан Юсуфни излади. Лекин унинг хирадлашган кўзлари Юсуфнинг дийдорини кўролмади. Шундай бўлса ҳам Юсуфнинг бўйини сезгандай бўлди.

Отларнинг оёғидан кўтарилиган чанг тўзон унга ҳаловот бергандай эди. Ночор колган Зулайхо йўлга бош қўйиб дилдан фарёд чекиб, унсиз йиглади. Дардлари олдингидан ҳам зиёда бўлиб уйига равона бўлди. Бир умр ардоқлаб, сиғиниб келған санамнинг олдига бориб аламтарини тўқди:

-Сенга Худойим деб сиғиндим, пойингга бош қўйиб ибодат қылдим, лардларимни айтиб ёрдам сўрадим. Менга бирон ёрдаминг тегмади. Тошсан, тошбагирсан, эшигмайсан шу сабабдан најжот беролмайсан. Сенга ибодат килиб, яратгувчи, тилагингни берувчи гунохларингни мағфират қилгувчи раҳмонни, сарвари оламни унугдим,

Худога гунохкор бўлдим, -деб кўлига тўқмоқ олиб тошдан ясалган санамни чил – парчин қилиб ташлади.

Зулайхонинг дарди енгиллашгандай бўлди. Қалбида пайдо бўлган журъагдан кўнгил осойиш топди. У кўлларини осмонга кўтариб, бутун борликни яратган, эй олам сарвари, жонлию жонсиз мавжудотлар хатто бу хайкални ясаган бутнарастлар ҳам каршининг тиз чўкали. Жаҳонни ёритувчи куёш билан ой, самодаги юлдузлар сенинг ироданг билан ҳаракат қиласди. Мен осий банда хато ишлар килдим, сени кўйиб санамга ибодат қиласди, сендан мадад сўрамай санамдан најот кутдим. Оқибатда ўзинг кўриб турған аҳволга тушдим. Эй бағри кенг, гунохларни мағфират қиласигу рахмдил Парвардигор гунохларимни кечиргил, муродимни бергил, деб Яраттанга илтижо қиласди:

*Ҳато қымоқ мерос Ҳаво онадан,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.
Одам борки ҳоли эмас ҳатодан,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.*

*Сени қўйиб санамларга сигиндим,
Мадад сўраб тошибагирга ялиндим,
Ҳар қадамда дард-аламга чалиндим,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.*

*Тош билан гавҳарнинг қадрин билмадим,
Ягоналигиннга амал қиласадим,
Орзулар ечимин сендан сўрмадим,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.*

*Мухаббатни дилга Худо солади,
Мухаббат бор дилда иймон бўлади,
Иймонлилар Ҳакка яқин туради,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.*

*Аввали, охир ҳатоларим кечиргил,
Кўзимга нур, кўнглимга иймон согил,
Ошиққа маъшуқининг висолин бергил,
Ёраб, қабул айла, ташакларимни.*

*Бу дунёга ким ҳам келиб кетмади,
Бирор ошиқ муродиги етмади,
Ишқ йўлида Раббим илгум тутмади,
Ёраб, ўзинг кечир, гуноҳларимни.*

*Қалға мұхаббатни солғап ўзингсан,
Зулайхони гирән қылған ўзингсан,
Муродимга етказғуочи ўзингсан,
Ераб, ҳосил айла, муродларимни.*

Бундай илтижолардан кейин Зулайхо ўзида тетиклик сезди. Яратған тангри таоло хұрматига тахорат олиб ибодат қылды. Оллохга сиғиниб яна йүлға чиқды. Узокдан отларнинг оёқ товуши, посбонларнинг “Йўл бер”, “Йўл бер” деган овози эшитилди. Зулайхо посбонларнинг ғапита парво қылмасдан йўлнинг ўргасида туриб олди. Зулайхо Юсуфнинг отининг жиловидан ушлаб деди: Эй олампаноҳ, бугунги мартабали кунингда кечаги кунингни үнүтма. Шоҳлик ҳам, гадолик ҳам Яратғаннинг изми билан бўлади. Куёш ўз нурини кошонага ҳам, вайронага ҳам тенг сочади. Мамлакат шоҳи фукаросига тенг қарам килемоги лозим. Лекин мен сендан жабр кўриб дийдорингга зор бўлиб келмоқдаман, деб байт ўқиди:

*Бир дам сўзларимни тингла султоним,
Дардларимни айтар бўлдим дардингдан.
Юрагимга сарвар бўлган сардорим,
Ишқинг билан ўтар бўлдим дардингдан.*

*Мұхаббатнинг қозонида қайнадим,
Ишқ ўтида азиз жонни қайнадим,
Парвонадек олов билан ўйнадим,
Ёниб, ёниб ўтар бўлдим дардингдан.*

*Оху-полам етди еттия самога,
Сен парво қылмадинг мен мубталога,
Кўйингда айландим мунгли гадога,
Армон билан ўтар бўлдим дардингдан.*

*Сарви қаддим ёйдир аламтарингдан,
Кулар юзим сўлғин ҳижронларингдан,
Кўзда нур қолмади ситамларингдан,
Фарёд чекиб ўтар бўлдим дардингдан.*

*Аввал-охир нигоҳингни солмадинг,
Юрак дардин айтдим қулок қўймадинг,
Кўзда ёшлиларимга парво қылмадинг,
Йиглаб-йиглаб ўтар бўлдим дардингдан.*

*Мен сенга интилдим сен-чи сайландинг,
Унумламм юрагимга жойландинг,
Ушалмаган орзуларга айландинг,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим дардингдан.*

*Зулайҳо қиласур сўнгги алтижо,
Менинг илинжисини айла жобажо,
Муқаддас севгимни қиласур дилга жо,
Куя-куя ўтар бўлдим дардингдан.*

Аламли, фарёдли ўткир сўзлар Юсуфни ҳайратга солди. Одамларга яхшилик қилишни шиор қилган, тинчлик, тўкин-сочилик йўлида харакат килаётган мамлакат сultonининг карамогида бундай аянчли ахволига тушган фуқаронинг борзиги уни сергаклантириб, ўланитириб кўйди. Отининг жистовини унлаб турган кампирнинг арзини мукаммал тинглаш масадидаги посботига юзланиб:

“Кампирни кабулхонамга олиб бор”, деди. Юсуф кабулхонага ўтиргач, посбон кампирнинг қабулхонага киришга рухсат сўраётганини айтди. Юсуф киришга рухсат берди. Зулайҳо лабларида табассум билан аста-аста қадам босиб Юсуфнинг қаршисинага келди. Юсуфнинг бўйидан баҳра олган Зулайҳо Яратганга шукроналар айтиб Юсуфга соғлик-омонлик, хотиржамлик тилаб дуо қиласи.

Фарёд чекиб, йиглаб-йиглаб армон билан ўтар бўлдим дардингдан, -деб кўзларида ёнг билан фарёд чекиб турган кампир, лабларида ёнгил кулги, юзида майнин табассум билан соғлик-омонлик тилаб уни дуо кильмоқда. Юсуф бу кўринишдан ҳайратланиб кампирнинг кимлигини, ахволини сўраб шундай деди:

*Кўринишинг мени ҳайратга солди,
Хабар бергил, насли насибинг кимдир?
Аччик ташнагаринг хушимни олди,
Хабар бергил, насли-насибинг кимдир?*

*Бир дам фарёд чекиб, бир дам қуларсан,
Аввал ранжисиб кейин дуо қуларсан,
Не мақсадда мени излаб келарсан,
Хабар бергил, насли насибинг кимдир?*

*Не савдолар тушиби сенинг бошингга?
Кимлар огу кўшиби томли ошингга?
Ким сабабчи кўздан оқкан ёшингга?
Хабар бергил, зулм ўтиказган кимдир?*

*Холинг күриб олиниң әзилиб кетди,
Фарёдингдан күнгәнімга қайгу етди,
Кимлар адир овозинг ўснаш кетди,
Хабар бергін, насти насабинг кимдир?*

*Танншадек овозинг, чехраи олинг,
Ғамдан буқылабдир қаффи камолинг,
Менға караб паришендур хәллинг,
Хабар бергін, сирү асроринг недір?*

*Юсуфга баён эт, истагашиг билтай,
Қила билганимча ёрдамим қилай,
Құрбим етмаганин Оллоҳдан сүрай,
Хабар бергін мақсад-муродинг недір?*

Зулайхо Юсуфнинг сўзларини тиншаб билдики, Юсуф уни танимаятти, кампир деб мумомала киласатти. Шундан хам билдики, хижрон азоби, ёр согипчи Зулайхони бевакт кексайтириб кўйибди. Юсуф эса хамон навкирон, халиям ўша хусни-жамоли тиниклашса тиниклашганки хиралашмаган. Бунинг устига подшохлик савлати, бошидаги олтин тожи, илак либослари хуснита хусн кўшиб турибди.

Зулайхо ўз ахволига ачинса хам бирок, Юсуфнинг дийдори, “Қила билганимча ёрдамим қилай, құрбим етмаганин Оллоҳдан сүрай”, деб раҳмдиялик билан хол сүраб тургани Зулайхонинг кўнглига тасалли берди. У Юсуфнинг хаёлига ўтган кунларини солиб бир сўз деди:

*Севиб севганига ета олмаган,
Ёр циқида ёнгап жонфидодирман.
Ою, йиллар ҳижрон юкни кўтарган,
Бепарво ёр учун мен адодирман.*

*Дийдорингни кўрган кўнгил болгладим,
Йигитлар ичда уни танладим.
Бор-йўғимни ёр йўзида сарғладим,
Молидан айрилган бир гадодирман,*

*Бўлмаган шилларни гоҳо бўлдиридан,
Ёлғон сўзлаб ёр юзини сўлдиридим.
Кажислик айлаб зиндонларга солдиридим,
Қилсан шилларимдан пушаймондирман.*

*Ёр кўйинда ақчу-хушин олдириган,
Хазон ели баҳорини сўлдириган,*

*Ҳалил каби санамларни сипдириган,
Билмам на мусулмон, на кофирдириман.*

*Гурбатда юз пүтиб ёрни изладим,
Топиб султонизни дардим сўхладим,
Гоҳо ҳушвакт бўлдим, гоҳо бўзладим,
Ишқ дардини чеккан Зулайҳодирман.*

Юсуф Зулайхони таниб таҳтидан тушиб. уннинг олдига бориб: -сен ўша Зулайхомисан,-деди. Зулайҳо деди: -Ҳа мен ўша Зулайхоман. Юсуф Зулайхони бу кадар тушкун, гариб, бенаво холда кўриб унга ачинди. Шабнам шудрингидек тиник кўз ёшлари юзини ювди.

Зулайҳо Юсуфнинг кўз ёшларини юйлари билан артиб, кўзларига суртган эди. Хира торгтан кўзлари аввали идеқ нурағион бўлди.

Юсуф деди: -Салганац, бойликларинг кани? Ёшлигингни, гўзал жамолингни не сабабдан бевакт йўқотдинг? Зулайҳо деди: -Бойликларимни сенинг йўлингда садақа килдим, ёшлигим гўзал жамолимни сенинг хижронини сўлдириди. Бугун бисотимда мусаффо севги, гардсиз муҳаббат, оташин ишқдан бошқа ҳеч нарса колмади.

Юсуф деди:- Бугун мендан нима истарсан?

Зулайҳо деди: -Сендан икки нарсани истарман, аввалигиси менинг ёшлигимни, гўзалигимни бер, иккincinnisinи кейин айтарман.

Юсуф шоҳона либосларини ечиб, оддий кийимлар кийиб, таҳорат олиб, Олиюхнинг зикрини дилига солиб, Зулайхонинг тиласини Оллоҳдан сўраб дуога кўл очиб Зулайҳоға дам урди.

Яратганинг кудрати билан мўъжиза хосил бўлди. Кирк ёшда бўлган Зулайҳо ўн саккиз ёшига кайтиб, олдинги ёшлигидан хам гўзал мафтункор бўлиб кетди. Юсуф илтижоларини кабул килган тангри тајуга санолар айтиб Зулайхонинг гўзалигига, қадди коматига, садоқатига тасанинолар айтиб шундай деди:

*Халис ниятларинг мустажоб бўлди,
Ниятингдан кейин ниятинг недир?
Дилдаги истагинг рўёбга чиқди,
Истагингдан кейин истагинг недир?*

*Кексаликдан нав –ниҳол ёшига қайтдинг,
Гўзаликда хурларни мафтун этдинг,
Орзушиг ушатиб мақсадга етдинг,
Орзушидан кейин орзунг недир?*

*Аҳволингни кўриб дилдан йигладим,
Бахтинг тилаб ҳаққа дуо айладим,*

*Энди чиройингга қараб тўймадим,
Тилагингдан кейин тилагинг недир?*

*Орзу умидларинг ушалсан ҳар дам,
Ниятиириңг бўлсан ҳамина ҳамдам,
Бахт-саодат бўлсан дардингга маҳкам,
Умидингдан кейин умидинг недир?*

*Ҳақни ёд айласанг ҳаққа етарсан,
Яхшиликлар куршиовида ўтарсан,
Ўйнаб-кулиб муродингга етарсан,
Муродингдан кейин муродинг недир?*

*Бир дамлар иймондан узоқлаб кетдинг,
Бугун дарду гамиш ошкоро этдинг,
Юсуф дуо қилини ниятга етдинг,
Ниятингдан сўнгги ниятнинг недир?*

Зулайхо Юсуфнини “Бахтинг тилаб хакка дуо айладим, энди чиройингга қараб тўймадим”-деган сўзлардан кўнгли кўтарилиб, товусдек хиром айлаб, Юсуфга нозли қараш килди. Юсуф хам Зулайхонинг кўлидан ушлаб тахти-равонга ўтказиб, ёнидан жой бериб, Зулайхони иккинчи истагини сўради.

Зулайхо леди: -Иккинчи истагим умр бўйи орзум бўлиб келган истак. У хам бўлса сени висолингга етинидир.

Бу истагимни кабул килмасанг менга ёшлик хам, хаёт хам мазмунсиздир. Юсуф сукут саклаб андиша қили. Шу пайт Жаброил фаришта вахий келтирди. “Эй Юсуф, андишага ўрин йўқ. Зулайхонинг калибидаги сўнмас ишк-иймон гавҳаридир, яратгувчи ҳар ишга қодир. Қаҳхор Зулайхонинг истагини хисобга олиб сизларни самода никоҳлаб кўйди. Сен Зулайхони ўз никохингга ол. Шунла Қаҳхор сизлардан рози бўлади”.

Юсуф Жаброил фариштанинг вахийсидан мамнун бўлиб, Зулайхога айтдики, мен айтган сўзларни такрорлагит; “Ашҳадуанна илоҳа иллоллоҳ ва ашҳадуания Мухаммадан абдуху ва Руслуҳ” маъноси (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, -деб гувоҳлик бераман ва Мухаммад унинг бандаси ва элчисидир.-деб гувоҳлик бераман). Зулайхо калимайи шаходатни айтиб дини исломига мушарраф бўлди. Юсуф никоҳ кечасида Зулайхонинг ёнига кирап экан “Сен бир вакълар истаган ҳаром-ҳоҳишдан мана бу ҳалол шаръий никоҳ яхшироқ эмасми?” -деди.

Зулайхо мамнун бўлиб бош иргади. Шунда Юсуф шодумон бўлиб бир сўз айтди:

*Тұмқын әнді жонимиз,
Зұлайхожеон, жиги-жиги.
Күриди танда қонимиз,
Зұлайхожеон, жиги-жиги.*

*Бир қара менга сөздигім,
Үт солма танга сөздигім,
Зұрам йүк сенға сөздигім,
Зұлайхожеон, жиги-жиги.*

*Ул дүнениң ҳирозини,
Хүснинг оладур бозини,
Бахш этай таҳтуда тоғымы,
Зұлайхожеон жиги-жиги.*

*Ендірмагил, бу жонимни,
Орттирмагил, физоними,
Эшитгил оху доодими,
Зұлайхожеон жиги-жиги.*

*Көлди Юсуф жағасина,
Ишқ ўттаниң баласина,
Раҳым этгил гадосина,
Зұлайхожеон, жиги-жиги.*

Оллохининг иродасини күрнегі, Зулайхо хали-хануз бокира экан. Юсуф ва Зулайхо уч кече күндүз түй килиб, халққа ош беріб, мурод ва максадларига етдилар.

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

Бисмишохир раҳмонир раҳим. Бисми сұбхона ва тақоло сипес ва ситоиш ул кодири барқамол ва ханқи бемисол подиохигаким, “Күнту канзан мағфиян” харамхонасидин “Фора рату ана арифа” даражаси бирла “Фахлаката ал ҳатака” кошонасидин камоли құдрат ва инхояти азамат зохир килиб, үн саккиз минг оламни яратып, хар кайсисини ўз мартабасида тартиб беріб, барқарор килди.

Дуо ва дурул ул сарвари коиног ва хүлосай мавжудот зоти бобарокатига ким хижда қазор олам оннинг туғайлидин намоён бўлди ва ул асхобларигаким “Асхоби каллоҳума бой ҳама иктала ятам ихада ятаму” мазмунига тамоми олам улар файзи ила зеб ва оройниш топиб, равшан бўлди.

Аммо баад, маълум бўлсинким, барча ҳалойикларга ҳак субхано таоло фармонига камари хизматни маҳкам боғлаб убудият русумин зохир киммоқ борчадин ахамроқдур ва бу жумла тарики ишк бирла оташи мухаббатда ўрганиб қўнглии ҳолис киммоқ ҳаммадин бехробдур.

Ва лекин авай ҳалойикга мусассар бўлмас ва баъзилари маҳрум ҳам колмас. Ва бу бобдин на чанд достонларни наср тартиби бирла поклик мартабасин баён қилиб, равшан киммоқ учун шижоатбоб ва адсолат иқтисоб ҳамияткиш, мурувватандиши. маъддани фаҳм ва фаросат ва мазҳари ақл ва киёсат, ҳазинаи дониш ва ганжинаяи биниш, ҳужастахисол ва пасандида афъол, аъни Ҳазрати Авазбек “Аъло Олиюху маргабатагу”нинг вактларнда факири ҳакир Умар Бокий бенистетоат”, “Лайли билан Мажнун”дин неча хикояларни тартиб бирла зохир иборатлар келтирди. “Ва олиюху ал муваффику вал мунин” аммо аҳли таҳқиқлар ондин баён қилибдурларким, арабнинг кабиласида бир ҳожа мард бор эрди. Неча кабиланинг улуғи эрди. Аммо ўтил фарзанди йўқ эрди. Бисёр орзу бирла Ҳак таолодин талаб қилиб мутаважжих эрди. Ҳак субхоно ва таоло бир ўғиля фарзанд ато кийди. Ул ҳожа бисёр шоду ҳуррам бўлди. Ул ўтилига Кайс от кўйдилар. Неча вакт парвариш килдилар эрса мактабга берур вакти бўлди. Ўз кабилаларида лойик мактаб йўқ эрди. Ўзга кабилаларлаги мактабларга сарҳисоб бериб, жуестужу қилиб эрдилар, ногоҳ бир кабилада бир асолатига дунёдор, покиза олим бор эрди, фарзандларини ўқитгали мактаб топмай ўзи ўқитур эрди. Бу важиҳдин ўз маҳашасидаги болаларни ҳам ўқитур эрди. Қайсни ул олимнига сипорчи киалилар. Ул олим ҳам муфтилийт бирла таълим берур эрди.

Аммо Қайс бисёр хушфахм ва зийрак эрди, оз фурсатда тўларок фазилат ҳосил қилди. Бу аснода ул **олимнинг Лайли** деган бир кизи бор эрди. Ҳусну малоҳатда беназир эрди. Неча вакт бетоб бўлиб, мактабга кира олмай ётиб эрди. Бу аснода сихат топди, мактабга кирмакни ирода қилиб ўзига бисёр зебу оройнилар бериб юз ишва карашма бирла мактабга киради. Ўз шериклари ва ҳам тенглари бирла тошишиб турар эрди. Ногоҳ Қайс кўриб ошиқи бекарор бўлди. Ахволи бисёр заиф бўлди. Куч бирла ўзини тўхтатди. Барчалари Қайснинг бу ахволига хайрон бўлдилар. Аммо фаросат бирла Лайли ўзига ошуфта бўлғонини билди. Бу аснода ул олим Лайли учун мактаб болаларини озед кўйди. Лайли барча ҳамтентгларини чоҳорбокка бошлаб кирди. Қайсни ҳам таклиф қилиб, олиб кирдилар. Барчалари боғни сайд қилиб ўйинға машғул бўлдилар. Аммо Лайлининг қўнгли Қайснинг ахволига **нозил** эрди. Қайснинг ахволини бисёр маҳзун кўрди.

Оҳир ул амр Лайли такаллум бирла Қайснинг ахволини сўрди. Айдиким: “На боисдин мундог ошуфта бўлдинг? Магарким кишидин оташи ишк қўнглумга тушди бўлгай? Кимга шайдо бўлдинг?” леб сўрди. Қайснинг қўнгли мундог итобларга сад чандон ошуфта бўлиб аиди:

“Ишқ сандын тегиб, отапи мухаббат сандын туташиб, яна кимдин сүрарсен?” -деб охи тортди. Беҳуд бўлиб йикилди. Қайснинг мундог ахволига Лайли хам ошуфта бўлди. Қайснинг ҳоли Лайлиға таъсир килди, ул хам ошики нигорон бўлди. **Байт:**

Кўзум жамоилига тушигач қарорсиз бўлдум,
Кўнгалини олдурибон ихтиёrsиз бўлдум.

деб Қайснинг бошини кучогига олніб термулиб ўлтурди. Ногоҳ, Лайлиниң иккى канизаги бор эрди, етиб келдилар. Бу воеани кўрдилар. Лайли бисёр ҳижил бўлиб уларнинг олдига келди.

Улар “нечук воеадур?”-деб Лайлиға саржаниш килдилар. Аммо Лайли шикасталиклар била воеани баён килди. У канизакларини бири мухаббат тарафишин чошни олған эрди, дархол Лайлиниң кўнглига мувофик сўзлар айтиб: “Сиз мунда турсангиз, киши англаса, сизни бадном килурлар”-деб Лайлини уйига чикарди. Ул канизак Қайснинг бошида саклаб ўлтурди. Охириламр кун кеч бўлди. Қайс ҳушига келмади. Ул канизак Қайснинг бир киписини кошида кўйиб, ўзи уйига келди. Аммо Қайс сахар вактида ҳушинга келди. Юз минг нола ва тазарру бирла бу кечани у ёритди. Кошида кишисини кўрди. Ул кишидин сўрди: “Мундаги ҳамроҳлар каён борди? Ман нима бўлдим, мунда колидурман?” -деб Лайли бирла канизларни сўрди.

Ул киши Қайснинг беҳуш бўлганини, Лайли бошини кучоқлаб ўлтиргонини, ул канизаклар Лайлини уйига чикарғонини тамай баён килди. Қайснинг кўнглиға отashi ишқ зўр килди, охи тортди. Яна беҳуш бўлиб йикилди. Бу канизак хайрон бўлиб Қайснинг мундог бўлғонини ота ва онасиға айтғали равон бўлди. Бу боргуяча Қайс нега келмади деб излаб киши юбориб эрди, бу етиб борди. Қайсни воеаларини тамом баён килди. Улар хайрон қолдилар. Барчалари Қайснинг кошига келдилар, Қайс донги беҳуш ётар эрди. Булар кўрдилар, бисёр наришон бўлиб нола ва афғон кўпордилар. Бу аснода Қайс ҳушига келди. Ота ва онасини кўриб бисёр ҳижил ва шарманда бўлди. Қайсни мундог ҳижил бўлғонини билдилар. Қайсни маҳофаға солиб уйига олиб бордилар. Қайсни хужрасига кўйиб борчалари уйирига тарқалдилар. Аммо Қайсни отashi ишқ бисёр бечора килди. Бекарор ва беором бўлиб, Лайлини ёдида кундузни кечага еткурди. Бу аснода бисёр бетоқат бўлиб беҳудона ўрнилип кўпди. Лайлини кабиласи тарафиға равон бўлди. Бисёр нола ва зори бирла Лайлини кабиласига етди. Бисёр афғонлар килди. Бу аснода Лайли хам Қайсни фирокида бисёр ожиз бўлиб, уйкуси келмади. Тафаккурда ётур эрди, Қайсни нола ва зори Лайлини кулоқнига етди. Лайли Қайс эканини билди. Дархол ўрнидин кўпди. Қайс тарафиға равон бўлди. Бу аснода Лайлини бир энага онаси бор эрди, Лайлини мундог ҳолидин хабардор эрди. Охиста кўниб Лайлини орқасидин равон бўлди. Охириламир Лайли Қайсни кошига борди. Қайсга ўзини билдириди. Қайс Лайлини келганини билиб олдига келди. Лайлини

кўриб, охи тортди ва бехуд бўлиб йикилди. Лайли хам сайха тортидар бехуш бўлиб йикилди.

Лайлининг энагаси бу воқеани кўриб, буларни мундог дарди сўзлариға хайрон бўлиб, булар кошларила ўлтурди. Булар хушлариға келмадилар. Лайлининг змага онаси айди: “Мабодо мундог воқеани киши билса ёмон бўлур”-деб дархол кўркиб Қайсни олиб бориб, бир гўшада кўйди. Лайлини ўз манзилига юбариб ётқизиб кўйди. Ўзи хам ўрнида ёғди. Бу аснода кечакундузга мубаддал бўлди эрса Қайснинг ўрнида топмадилар, ота онаси бисёр паришон бўлиб, излаб киши юбардилар. Булар Қайснинг изича бордилар. Қайсни изи Лайли тарафига борди. Ул қабилалини хам икки из чиқиб бир ерда ковушди. Иккиси бехуш бўлиб йикилибдур яна бири тепасида ўлтирибдур ва бу йикилеонларни бирини судраб бир тарафга юбардилар. Яна бирини кабила тарафига олиб борибдурлар.

Бу воқеани кўриб хайрон бўлдилар. Ул судраган изича бордилар. Бир гўшада Қайсни топдилар бехуш ётибди. Қайсни кўтариб ота-онаси кошинга олиб бориб кўйдилар. Ота-онаси кўриб бисёр паришонлик килдилар. Бу аснода Кайс хушига келди. Бисёр насиҳатлар килдилар, аммо суд бермади. Бу тарика бирла неча вакт кечаларда биёбонга чиқиб нола ва тазаррулар килур эрди.

Кундузи яна топиб келур эрдилар. Аммо кечакундуз Лайлини ёдиди бехушлардек юрур эрди. Баззилар мундог ошиқликни билур ва бальзилар девона дер эрдилар. Хар тарафга борса ушок болалар “жинни” деб тош отар эрдилар. Аммо Қайс ҳеч парво қимлас эрди. Бу жиҳатдин ҳамма Мажнун дер эрдилар. Кечакундуз жон-у дили бирла Лайлини ёдиди бесаруно юрур эрди. Онга насиҳатлар килур эрдилар. Аммо ҳеч суд кимлас эрди. Бу аснода Мажнун Лайлини ишқида мундог бўлғони Арабистонда машхур бўлди. Мажнунни ҳолини Лайлини отасига баён килдилар. Лайлини отаси Мажнунг бисёр афсуслар об, кимни ишқида ва кимни фирокида ва қайси қабилада мундог машаккатлар тортди экан деб бисёр афсуслар килди. Ва айди: “Сизлар англадингизларму, кимни фирокида бесаруно бўлмиш?” -деб булардин сўрли. Булар ночор Лайлига таълуюқ топғонини айтдилар. Лайлини отаси ночор бўлиб, хайрон бўлди. Бисёр паришонлиғ килдилар. Охириламир мундог бадномига токат киломай Мажнуннини отасига айтиб юборди. Ўғлига яхшилиг берсин, анга унамаса уйга камаб сакласин. Андоғ девонани банд бирла саклагайлар. Атар мундог қимласа ўғлидин умид узсин. Баногоҳ бу тарафга келса ман ўлгуртуб ташлатурман. Ўзига ва қабиласига ихонат бўлур деб киши юбарди. Бу сўзларни Мажнуннинг отасига тамом айтдилар. Мажнунни отаси бу сўзларга бисёр паришон бўлди. Мажнунни излаб топиб, отаси кошинга олиб келдилар. Ато ва онаси Мажнунни ҳолига бисёр паришон бўлиб, ночор бир хужрада маҳкам сакладилар. Кундин кунга Мажнунни дарду сўзи зиёда бўлди.

Охириламп бир бедард, нодон табиб келтурдилар. Мажнунни күриб Масхүсия бўлибзур деб дорулар килди. Мажнунни дарди зиёда бўлди, кам бўлмади. Илгаригидин ҳам бандини зиёда маҳкамрок килиб, бисёр жафодар килдилар. Ногох бир кечада Мажнунга ишқ савдоси бисёр галиблар килиб паришон бўлди.

Охи тортиб, айдиким: “Кошики азройил келиб жонимни олгай эрди, мундог даври жафодин халос килғай эрди ё баштадин ҳак таоло халос килғай эрди. Бир биёбонга бориб, ўзлукумча ўлиб қолғай эрдим. Мундог жаври жафодин бир йўла кутултгай эрдим”-деб нола-ю тазарру бирла охи тортиб, ўридин сачраб кўиди. Дарҳол бут ва кўнициаги бандишар жудо бўлибдур. Мажнун бисёр шодмон бўлиб, ҳак таолоға шукур-у сано айтиб, охиста бориб эшикни очди. Ҳужрадин чикиб, одамини қадами етмагудек бир биёбонга боради. Ул биёбонда Лайлини ёдидатошдин тошга чопиб бесаруно юрур эрди бу аснода Лайли хам Мажнунни фирокида ошуфта бўлиб, жисми бисёр заиф бўлминш эрди. Гоҳ тохи Мажнунни ёдидатошни бориб килур эрди. Ногох бир кун бир боғдин ёниб уйи тарафига борур эрди. Бу вактда Бани Асад кабиласила Ибн Салом деган бир наражувон бор эрди. Араблар орасида ондиин зардор ва молдор киши йўқ эрди. Ўзи хам бисёр донишманд асолатлик эрди. Ул наражувон бу кабилага кириб эрди. Ўйнга ёниб боргунча, йўл узасида ногох Лайлини кўрди. Лайлини оташи ишқ кўнглида баркарор бўлди. Ёниб уйига борди, эрса бекарор ва беором бўлди. Эрса Лайлини олмокга ихтиёр килди. Бисёр ҳадялтар бирла сўзлашгали маъқулгўй киши тобарди. Булар Лайлини маҳалласига келдилар. Буларни келғонини Лайлини отасига хабар килдилар. Лайлини отаси меҳмонхонасига тушуриб, меҳмондорлик килди. Охирил амр сўзларини айтдилар, булар хам маъқул кўрдилар. Валекин Лайлини жисми Мажнунни фирокида бисёр заиф эрди. Лайлини ахволини билмай оғрик хаёл килур эрди. Ва бу оғриқдин сихат топгунча муҳлат тиладилар. Улар хам маъқул кўриб, шодмонлиг бирла ёниб, Ибн Саломга айтдилар. Ибн Салом хам бисёр хушвакт бўлди. Бу аснода Лайлини кабиласи Ибн Саломни сўзларини энитиб, пломонлиғ бирла сўзлашур эрдилар. Охириламп Лайлини уруг ва кабилалари Лайлини кўргани келдилар. Барча мазлумлар Лайлига сўз котиб мунгланшур эрдилар.

Ногох бир мазлум Лайлига сўз котиб айтдики: “На яхши саодатманд, баҳтлик киз экансиз, Ибн Саломдек дунёдор, асолатлиғ кипитга ласиб бўлдингиз” деб Лайлига сўз котди. Лайлини яқин канизаклари Мажнунни ёдидатошни мундог заиф бўлганини билур эрдилар. Ибн Саломни элчиси келиб сўзлашганини Лайли эшитиб, тоги хам заъфи зиёда бўлур деб Лайлидан ёширур эрдилар. Ногох уз мазлум бехабар айтиб солди. Лайли бу сўзни эшитиб хайрон бўзиб паришон бўлди. Гўё юракинга хангар теккандек пора-пора бўлди. Охириламп борчалари таркашдилар. Лайли ҳиславатга кириб, бисёр нола-ю

тазарруулар килур эрди. Энага отаси Лайлини холига йиглади. Аммо Мажнун тарафидин хеч хабар топмас эрдилар. Бу аснода Мажнунни отаси хешү кабиласи бирла Мажнунни излаб бир биёбондин топиб келдилар аммо Мажнунни отаси паришонлиғ бирла Мажнун учун ғамгин эрди. Бу махалда Ҳажни мавсуми эрди. Иттифоқ килдиким, Мажнунни Маккаға олиб бориб, тавоғ киңдириб, нола-ю зори бирла ҳак таолодин талаб килсак шоядки мундоғ девоналиқдин сиҳат топғай деб Мажнунши олиб Маккаға равона бўди. Неча кунда Маккаға келдилар. Маккада бисёр ҳалқ жам бўлдилар. Ул ҳалқ орасига кирдишлар. Маккани тавоғ килиб юрур эрдилар, ногоҳ ҳалқ орасида бир шикастахол, шўрида киши бор эрди. Мажнунни кўзи онга тушди, ул кишини ўзига ўхшаш паришонхол кўрди. Мажнунни дарду сўзи бисёр ғалаба килди. Охи тортид, сайҳалар бирла Каъбани жеврилиб, Ҳак таолога мундоғ мулојот килдиким: “Эй, мандек Мажнунни отапи ишиға гирифторм килғон ва хижрон даштида зор килғон, фирок мөхнатида бечора килғон, дарду машаккатда беихтиёр килғон! Лайлини ҳамиша хусну жамолини зиёда килғил. Онинг фурқатида мани содик килғил, козиб қилмагил ва онинг ёдида дарду мөхнатимини зиёда килғил кам килмагил! Ошилик тарикida мақсадумга еткургис!” –деб ондоғ сўзларни худога муножоотлар килиб, ҳамиша Лайли деб Маккани жеврилур эрди. Мажнунни холатига борча ҳалойик ҳайрон бўлдилар. Бу аснода “Лайли”-деб охи тортиб бехуш бўлиб йикилди. Отаси бошлиқ борча уруг тўқкони илик ювдилар эмди согаюр эҳтимоли йўқ деб умиди мунқатиб бўлиб, олиб ёндилар. Аммо Мажнунни холи зиёда бўлиб биёбонларга тушиб кетди.

Мажнунни Навфалга учрашгани хикояси

Аммо ахли таҳқиқлар ондоғ дебдурларким, Мажнун Лайлини фирокида биёбонларда нола-ю зори бирла юрур эрди. Борча ваҳший жонивор Мажнун бирла улфат эрдилар. Ҳар тарафга борса кийик, кулонлар эргашиб юрур эрди. Бу аснода арабни Навфал деган бир улуғи бор эрди, бисёр баҳодир шинқоатлиғ киши эрди. Ногоҳ овга чиқди. Биёбонларда ов овлаб юрур эрди, бир бўлак кулонлар намоён бўлди. Навфал бирла ороға олиб, қувлаб келдилар. Бу жониворлар қочиб Мажнунни кошига келиб жўрасида турдилар. Навфал келиб Мажнун била жониворларни мундоғ улфатини кўриб таажжублар килди. Навфал Мажнунга салом килди. Мажнун алик олиб бисёр шикасталиклар бирла бу жониворларни тилади. Навфал ҳам қабули килиб жониворларга озор бермади. Навфал ҳайрон бўлиб, “Бу на кишидур? Нечук воқеадурким, ваҳший жониворлар мундоғ ром бўлий”-деб таажжуб бирла ўз ҳалкига бокди. Бу ҳалкни орасида Мажнунни билур киши бор эрди, ном-у насаби бирла Мажнунни Навфалга баён килди. Лайлини фирокида мундоғ бесарупо бўлиб, овора бўлғонини ҳам баён килди. Навфал ҳам

оташин ишкіға гудохта бўлғон эрди, Мажнунни холига тараҳхум қилиб айди: “Эй Мажнун сани маҳбубингга восил қиласай. Агар пул ва мол бирла бўлса аниңг бирла ва агар онинг бирла бўлмаса куч бирла мусассар қиласай”, -деб Мажнунга мундог илтифотлар килди. Мажнун бу сўзларни эшишиб бисёр шоду хуррам бўлди. Охириламр Навфал Мажнунни олиб уйига борди. Мажнунни дарду сўзи Навфалга таъсир қилиб кўнгли мумдек бўлди. Дарҳол Навфал Лайлини отасиға элчи юборди ва айдиким, “Қайс бисёр донишлиг ва фазилатлиг киши эркан, Лайлини ишкіда девона бўлибдур. Сиздин одамият ва нечук муруватдурким, Қайсни хоҳиши қилмай ўзга кишини дегайсиз? Ҳар нечук бўлса ҳам бизни хотиримиздин Қайсга Лайлини берсангиз. Агар дунё борасида Қайсни камлиги бўлса, биз қўлимиздин келишига отадорликни қилурмиз. Агар бизни хотирликни сақлаб бизни сўзимизни қабул қилсангиз ҳуб, агар қабул қилмасангиз турар ерингизни ғамини қилинг. Икки яхши – ёмон бўлурмиз”-деб элчи юборди. Ул элчи бориб Лайлини отасига бу сўзларни тамом айтди. Лайлини отаси сулухат билга айди: “Лайли яна кишиға сўзлук эрди, бўлмаса агар Қайсдин кичикроқ кишиға десалар ҳам бажонидил қабул қилур эрдик. Ҳало ҳам ул сўзлук кишиси манъ бўлса раво бўйгай, бўймаса нечук хоҳиши қилсалар ҳам бечорадурмиз”-деб сўзни тамом қилди. Элчилар келиб Навфалга айтдилар. Навфал бисёр газабнок бўлиб, кабилаларидин черик жам қилиб мардоналийк бирла равон бўлдилар. Мажнунни ҳам била олиб юрдилар. Неча кунда Лайлини қабиласига етдилар. Икки тарафдин рост бўлиб жанғ қилдилар. Чунон мукотала бўлдики, куштадин пушта кўпорилди.

*Гуруҳо-гуруҳ ёсликка айлаб синоҳ,
Ики лашкар эрмас, ики ҳашар гоҳ.
Тарақа – туруқи амудигарон,
Жаҳон бўлди бозори оҳангарон.
Ўлукдин кўтарилди қўн пушталар,
Ётарди неча қонга огушталар.*

Аммо Навфал лашкари бисёр эрди. Лайлини тарафи озрок эрди. Лайли тарафиға шикаст бериб, Навфални лашкари айланиб, ёниб тушдилар. Лайлини отаси бисёр қўркиб, вахшат била ғамгин ёниб тушди. Уруғ кабилаларини жам қилиб маслаҳат қилдилар, сўзлари хеч ерга етмади. Охириламр Лайлини отаси айди: “Бу нечук нангту номусдурким, Лайлидек жонимни пайвандини мандин безарбӯ зўр ва куч бирла олғай. Ман араблар орасила қандоғ бош кўтариб юруман. Мундог бўлиб душиман кўлига тушгунча ўлгани бехроқдур. Эрта Навфал яна жанг қилғали сафроз қилиб келур. Ул аснода ман Лайлини олиб чиқиб, тирборон қиласай.

Андин кейин мани Навфал нечук қылса қылсун”-деди. Барчалари таҳсин ва оғарынлар қилиб, бу сүзни маъкул кўрдишлар. Мундоғ маслаҳатни барқарор қилиб таркашдилар. Ногоҳ бу кечада Мажнун Лайли фироқида паришон бўлиб, висол умидида бир нав хушвақт бўлиб ухлаб қолди. Бисёр маҳкам уйқуда эрди, ногоҳ тушида андоғ кўрдиким, ул дилбарни маҳзиқо ва маҳбуби жон фидо сад чандон ажзу инкисорлар бирла Мажнун кошига келди ва айди: “Эй ошиқлик йўлида содиқлик қилғон ва хижрон меҳнатига ризо берган, ман мундоғ ожизлик бирла санинг фироқингда бисёр ўрганиб, бекарор ва беором эрдим. Мани муродим санинг ёдингда жон бермак эрди, алҳамдулилоҳ, муродимға етадурман. Мани санинг туфайлингдин ўлтурадурлар. Отам бошлиқ уруг ва қабилалари мундоғ маслаҳат қилилар, ман сани ёдингда кетадурман. Эмди сени ҳақ таоло саломат тутуб, максудимга етмакни насиб қылсун. Сенинг бирла хайрбад қилғали келдим”-деб Мажнунни кучоглаб кўришиб, зор-зор йиглаб, фарёл қилиб кўздин гойиб бўлди. Мажнун бехудона сайҳалар тортиб ўрнидидин сачраб кўпди. Бисёр беором ва бетокат бўлиб Навфал кошига борди. Навфалга айди: “Манинг учун мунда лашкар тортиб келдингиз, ҳудойи таоло муродингизни берсун. Эмди талабим улдурким, уларга озор бермай ёнсангиз. Эмди мани жонибимдин уларга жабру ситам етмаса”-деб бисёр илтимос бирла Навфалга арз қилди. Навфал айди: “На боислин мунда дейдурсен?”-деб сўрди. Мажнун тушида кўрганини баён қилди. Навфал Мажнунни ростлигини ва поклигини билған эрди. Бу воқеага тасдик қилди.

Агар мундоғ бўлса ёнали, деб кўниб равон бўлдилар. Мажнун рухсат тиляб, яна бир тарафга равон бўлди. Лайлини қабиласи мундоғ голиб келиб туриб ёнғониға ҳайрон бўлдилар. Баъзилар, бизга фириб бериб, бехабар топиб яна келур, мундоғ ёниб кетмас деб ваҳшат бирла кўчиб яна бир ерга кетдилар.

Мажнун биёбонда юрур эрди, ногоҳ олдиға бир жўлида мўй, патпинакўш, аламзада, дардрасида киши учради. Мажнунга салом қилди, Мажнун алиқ олди. Мажнун бу кишини ўзидек шикастахол кўрди ва айдиким: “Эй мандек биёбонда бесарупо, саргардон бўлғон! Эй мандек ҳодисоти айёмдин ҳайрон бўлғон, на ердин келиб, на ерга борурсен? Ному насибинг кимдур?”- деб сўрди. Ул киши айди: “Ман Лайлини қабиласидин эрлам, мани Зайд дейдурлар. Манинг василам ҳар кимни эшикига бориб, бир нима тиляб, тайма қилиб юрур эрдим. Ногоҳ Навфат деган золим Мажнун деган золимни туфайлидин лашкар тортиб келиб, бир кун жанг қилиб олғудек бўлғонда ўзидин ўзи ёниб кетди. Биз мундоғ бебоис ёнмас эрди, бизга макру ҳийла қилиб, яна келиб бизни олур деб кўчиб эрдик. Ногоҳ қабиладин озиб бир канорига тушиб эрдим, Навфални черигидаги икки кишига учрадим. Жабру жафолар қилиб, тўрт пулим бор эрди, олиб яна хеч нимарса топмай кетди. Ман қабилага борур эрдим сенга йўлиқдим”-деди. Мажнун

дархол отдин ўзини ташлаб Зайдни сөғига йикилди.

-Ул Мажнун деган оввора мендурман, манинг жонибимдин санга мундог жабрлар етгай бўлса, сен ҳам ҳар нечук ҳоҳиш килсанг мани килгил ва ул кишилар олғон пулингни ўрниға бу отимни олғил деб бисёр тазаррулар бирла отни Зайдга берди. Зайд ҳам бисёр шодмон бўлиб айтдики: “Мажнун сен бўлсанг, Лайли ҳам санинг фирокингда сандин зиёдарок ўрганур. Агар ҳоҳиш килсанг сани пайғомингда Лайлига еткурай. Сандин зиёдарок инъомлар манга берур. Агар сўзинг бўлса айтиб бергил ман Лайлига еткурай деди.

Мажнун айди: Манда сўз айтгунчалик мажол йўқдур. Аҳволимни кўриб маълум килдинг. Яна ўзинг билиб сўз айтгил”-деди. Зайд Мажнун бирла ҳайрбол қилиб кабиласиға равон бўлди. Мажнун Лайлини кабиласи кўчгон ерга борди. Лайлини боргохи тушган ерни топиб, юзини суртиб бисёр йиглади. Мажнунни мундог холини кўрган киши ҳайрон бўлур эрди. Бу аснода Зайд Лайлини боргохиға борди, маҳрам канизаклари бирла учрашди. Лайлини хилватда топди. Мажнунни саломға пайғомини тамом баён қилди. Лайли бисёр шодмон бўлиб, инъомлар берди ва аиди: “Агар муруват қилсанг мандин ҳам пайғом еткургил”-деди. Зайд бажонидил қабул қилди. Лайли дархол бир нома битиб Зайдга берди. Зайд номани олиб, Мажнун тарафиға равон бўлди. Охириламр Мажнун кошига келди. Зайдни кўриб, бисёр шодмонлиг бирла Зайдни оёқиариға юз сурди. Зайд номани Мажнунига берди. Мажнун номани эъзоз ва икром бирла олиб, кўзига суртиб, очиб ўқиди. Нома бу эрдиким: “Бу шикастахол, паришионахвол, фироқингда заиф бўлғон бечора ва бенаводин ул ишқ даштида макон тутғон ва манинг фурқатимда кон ютғон, висол давлатидин маҳрум бўлғон, хижрон аламидин маминун бўлғон мубталоға салом ва пайд асосидин сўнгра мағхум улким, сани фирокингда ўлар холатда эрдим. Зайд саломатлигингни еткурди, гўё янги бошдин жон тондим. Ҳар нечук бўлса, саломат бўлтил, деб ва яна Навфал бирла бир бўлиб келиб, ёнғонингни эшитдим. Лашкар тортиб келиб бу кабилаға жавр еткурмак ошиклик шевасидин нечук раводур ва яна Навфал куёв ўғил бўлғали қизига сўз солмишсен, деб эшитдим. Они ҳам маъқул кўрдик. Навфални қизини ман кўрмуш эрдим ондог номуносиб эрмас эрди. Агар ҳоҳиш килғон бўлсанг биз ҳам маъқул кўрдик. Саннинг кўнглинг кандог ҳоҳиш килса, биз ҳам анго хурсандурмиз, ризо берурмиз. Аммо тўй килсанг, бу ҳастани ҳам ёл килги, деб эрди. Бу сўзларни тамом ўқиди, аммо бисёр паришин бўлди. Дават-калом, когоз бўлса эрди, ман ҳам бир нома битиб юборгай эрдим, деди. Зайд дават-калом, когоз олиб келиб эрди, дархол чиқариб берди. Мажнун ҳам нома битди. Зайднинг кўлига берди. Зайд номани олиб Лайли тарафиға равон бўлди. Мажнун илгаригидин ўн баробар зиёда дарди сўз бирла мунла қосди. Зайд номани олиб бориб Лайлиға берди. Лайли номани олиб хилватига кирди. Номани тамом

ўқиди. Нома бу эрдики: “Ул назокат бўстонининг навниҳоли ва эрам боғининг соҳибжамоли, хусн иқтимининг шахсувори, латофат ҳалқининг тождори-нарившашга бу ишк ўтида кабоб бўлғон ва қаҳр меҳнатида ҳароб ва фуркат аламидин кўнили вайронан бўлғон, жудолик укубатидин девона бўлғон, гариб ҳаста бўлғон, ҳакиру дилшикастадин басад салом, бехазор гуна наён адосидин сўнга маъруз улки, ул кунисе, манга помант келди, жону диг бирла хурсанд бўлдим. Аммо ул номада икки сўз юборибсан анго бисёр паришон бўлиб, кўнглим ранжила бўзди. Бири улке, Навфал бирла бир бўлиб, ёни бўлиб, тиг тортиб келдинг дебсан. Ман кишига нечук тиг тортаи, боис улки, ман бир даштда, ҳажринг ғамида ҳароб ва фуркатинг ўтида кабоб, ҳайрон ва саргардан юрур эрдим, ногоҳ Навфал ов овлаб кошимга келди. Мани ҳолимни кўриб мандаги ҳол Навфалга таъсир килиблур. На боисдин мундоғ Мажнун бўлдинг деб сўрабдур. Ман жавоб берганим йўқ. Кошилаги синохлар санинг боисингдин мундоғ бўлғонимни айтибдурлар. Манга иноятлар бирла тараҳхум килиб, уйиға олиб бориб сани мусассар қилмокни вайда килиб, химмат бирла мунда кезиблур. Богийлик йўсинида тиг тортиб, жанг қиласадурғонини муњла келиб билдим. Ажиз инкисорлар ва маъкул сўзлар бирла ман килиб маъкул кишидим. Ул боисдин кўл йиғиб ёнди. Андин ўзгани билмадим. Ва яна Навфал мани қизига сўз соламиш дебсан, мундог овора ва бечоралигида нечук бадномлиқдур. Ўзингга Ибн Салом сўз солғонини манга бадном қилмогинг нечук маъкулдур. Мундог бадном сўзлар бирла мандек оворани тирик ўлдумрак мухаббат ўйлида нечук бўлур?” деб битиб эрди. Номани тамом ўқили, бу сўзларга паришонлик бирла бисёр хижит ва шарманла бўзди.

Мажнунга Навфални қизини сўз солдириб тўй қилгони

Аммо ахли таҳқиқлар андог дебдурларки, бу аснода Мажнун тоғларда ва биёбонларда ҳайрон ва саргардан, веҳший жониворлар бирла улфат олишиб юрур эрдилар. Отаси-онаси Мажнуннинг фироқида ҳайрон бўлиб, саргашталиқда фарзанд мухаббати галиба килиди. Отаси излаб чикиб, дацит бадашт, биёбон бабиёбон, кўх бакўх тай қилиб, бир вайронала топди. Кўрдики, оху афғон қилур ва гоҳ нола-ю зорлар қилур ва гоҳи девоналардек бесарупо юғурур ва гоҳи ушок баччалардек уйдин томға чикиб, жастаҳезлик қилур эради. Мажнунни отаси мундог ҳолни кўриб нолау зори бирла конига борди ва аиди: “Эй дам куняниша макон гуттон ва фироқ даштида бесарупо юғурғон ва эй хижрон аламида қон юғон жигарпорам, бери келгаш”-деди. Мажнун отасини таниб, йиглаб обёкига йиқили, бисёр ташаррулар килиди. Отаси бисёр насиҳатлар килиб ўйига олиб борди. Онаси оддига чиқди. Мажнун онасини оёғига йиқилди. Кўзини оёғига суртиб, бехудона кучушиб, учовлон бисёр

ийгланылар. Охираламр борча хеш ва қабилалари жам бўлдилар, борча ахил ва жамоатари Мажнунга бисёр насиҳатлар килиб, саруойи кийдирилар, меҳмондорлик килидилар. Мажнун иочорликдин эл расми бўлиб каторда ўлтурди. Борча хеш қабиласи хуш вакт бўлиб эрдилар. Мунча ҳушвакт бўлғонда уйлантирсан шоядки тузалгай, деб сўзлашур эрдилар. Бу аснода Мажнунни мундог бўлғони Навфалга эшигилди. Навфал ҳам бисёр шодмон бўлиб, Мажнунни кўрголи келди. Мажнуннинг ота-онаси Навфални бисёр меҳмондорлик килиб ёндуруди. Охираламр Навфалининг бир қизи бор эрли, бисёр соҳибжамол эрди. Мажнунга ул қизни маслағат килидилар. Иттифок бирла ҳушфахм, пурсухан киши юбордилар. Навфал ҳам бисёр маъқул кўриб, кабул килид. Булар ҳам шоду хуррам бўлдилар. Масла-хатлари барқарор бўлди. Охираламр тўйнинг маслаҳатини килидилар. Мажнуннинг ота-онаси хеш ва қабиласи бирла Навфал қошига бордилар. Навфал ҳам ҳушвақтлиғ бирла бисёр меҳмондорлик килид. Бу аснода Мажнун уйидаги танҳо қолиб эрди ва яна Лайлани фирокида беором ва бетокат бўлиб, кўзларидин дарёлар равон бўлди. Охи тортди, бехудона бошини уриб, биёбон тарафиға равон бўлди. Даشت бадашг, биёбон бабиёбон ипола-ю зори, оху афғонлар бирла борур эрди, ногоҳ олдига бир парча кўй учради. Якин келди. Кўйчи Мажнунни кўриб таниди. Лайти бирла мактабда кўрмиш эрди, Мажнунга салом килид ва бисёр эъзозу икром килид. Мажнунга бисёр раҳми келди ва айди: “Ман Лайлани кўйчиси бўлурман. Ман сали Лайлиға восил қилас”-деди. Мажнун бисёр шодмон бўлиб дуолар килид. Охираламр бир кун кеч бўлди, кўйнин уй тарафиға ёнлирди. Мажнун била олиб борди. Қабилага якин етдилар, эрса Мажнунга бир кўй терисини берди ва айди: “Бу кўй терисини пўшиш килиб, кўй суратида бўлиб, кўйлар бирла оғилга киргил. Лайли ўтлож кўзиларни кўргали оғилга томоша қилиб келур, онда паззора килигил”-деди. Мажнун терини кийиб, кўйлар аросида оғилга борди. Бу аснода Лайли кизлар била тамоша килғали келди. Эрса Мажнун Лайлани кўриб бетокатлик била охи тортди, бехуд бўлиб йикилди. Лайли хабардор бўлиб, “Нечук воеалур?”-деб Мажнунни тўфасига келди. Мажнунни кўриб, таниди. Бу ҳам иштиёклар биша охи тортди ва бехушиб бўлиб Мажнунни тўфасига йикилди. Канизаклар бу воеаға хайрон бўлиб, якин келиб Мажнунни кўрдилар, бўгузлағон тери ичилга ётадур. Булар ҳам паришон бўлдилар. Лайлани маҳофага солиб уйига олиб кирдилар. Бу аснода Мажнунни отаси Навфалини уйидин ёниб, ўз уйига келди. Мажнун йўқ эрди, излаб топмади. Бисёр паришон бўлиб, изича излаб чиқди. Эрса излай-излай бу оғилда тоиди. Тевага юклаб, уйига олиб келди. Онаси бошини борча жамоаси мунтазир эрдилар, етиб келдилар. Мажнунни уйига олиб кирдилар. Мажнун ҳушига келди. Дарду сўз бисёр паришонни килид, аммо хижолатда маълум кильмади. Ота-онаси бисёр паришонлик бирла танд-у насиҳатлар килидилар. Ота-онасини

лард-у сўз бирла килған пасиҳати Мажнунга таъсир килди. Охираламр амр этдишар бизнинг бир сўзимиз бор, агар кабул килсанг хўбдур ва агар кабул килмасанг биз рози эмасдурмиз, дедилар. Мажнун ночор кабул килди. Булар айтдишар: “Сўзимиз ул ким, Навфал араб ичиди бисёр кобилу мукаррам ва муazzзам кишилур. Аммо санга бисёр кўнглиш мойил бўлубдур. Онинг бир кизи бор, хусну жамолда, аклу фаросатда баркамолдур. Ул кизга сени муносиб кўриб, ихтиёр қилмиш эрди. Сен бу тариқала бўлдин. Навфаллек кизни мундог хохиш киласа нечук фахру мубоҳотдур. Холю бизни рози килсанг они хохиш килғил” дедилар. Мажнун ночор кабул килди. Улар бисёр шодмон бўлдилар. Қабилаларини жам кирадилар. Тўйнинг асбобини рост килиб. Мажнунга подшохона саруполар кийдирдилар ва Навфалнинг уйи тарафига равон бўлдилар. Навфалга хабар килилар. Навфал ҳам бисёр шодмонлик билада ўз қабилаларини жам килиб, муҳайё бўллилар. Бу аснода етиб бордилар. Бисёр шодмонлик бирла неча кун базму мажлис ораста қилдилар. Охираламр тўйга муқаййид бўлдилар, никоҳ қитдирдилар, сарупой кийдирдилар. Охираламр Мажнун бирла кизини бир хужра тайип килиб, онда олиб бориб туширдилар. Борча ҳалойик тарканилар. Бу аснода Навфал бир гўшада мажлис килур эрди, кўнглига ранго ранги тафаккурлар сиди. Ахли мажлиси таркатиб, оҳиста кўпуб, Мажнун бирла кизини тушурган уйга келди. Борча ҳалойик уйқуна машғул бўлмиш. Бир тарафлини уйнинг ширкор килиб, наззора килди. Мажнун уйни бир бурчагида гамтин ўлтурибдур. Навфалнинг кизи кўпуб, Мажнуннинг кошига борди ва айди: “Эй ишк даштида ягонаи замон ва муҳаббат водийсида полираи даврон, аввал худонинг тақдири, иккичи ота-онамизнинг хохиши бирла мали санго жуфт кирадилар. Аммо санинг Лайллининг фирокида мундог шайдо бўлғоннинг оламни тутиб эрди. Масиниг ҳам бир бечора ошиким бор эрди, менинг ишкимда бисёр бескарор ва бесором эрди. Ман ҳам онинг фирокида бетокат ордим. Ул бечори мани санинг бирла жуфт килғонни эшитеа, ахволи нечук бўлғай?” –деб бисёр наришонлик килди. Мажнун ҳам Лайллини ёнила бисёр шарманда ўлтириб эрди, бу сўзлар таъсир килди. Охи тортди ва айди: Ман ҳам Лайллини фирокида шармандалиницин наришонликимни санига айттолмаб эрдим. Агар сен хохиш килсанг, бу маломатни бошимга олиб, Лайллининг кўйига борсам. Сен ҳам ўз ихтиёрингча қолнил”, –деб кўниб, хайрбод килиб, биёбон тарафига равон бўлди. Навфал бу воеаларни тамом кўриб, хайрон бўлиб ёнди. Бу аснода бу кизни бир ошики бор эрди, тўй бўлғонини эшитиб, кўлига пичноқ ва шамнир олиб, улар хилват қолгонда иккаласини ўлтурай, деб келиб, бу уйнинг яна бир тарафидин ширкор килиб, томонча килиб, ўлтуриб эрди. Ул ҳам бу воеаларни тамом кўриб, вактни ғанимат топиб, лархол маҳбуби конига кирди. Маҳбуби кўриб, хайрон бўлиб, дархол кўпуб, оғғига йикилди. Иккавлон зор-зор йиғлашиб, бехуш бўлдилар. Саҳар вактида яна хушига

келиб, кўпуб ошикини ўз манзилига юбарди. Киз уйла ёлғиз колди. Эртаси Мажнуннинг борча ҳеш ва кабиласи Мажнуннинг кошиға шоду хуррам бўлиб кирдилар. Кўрадиларки Мажнун йўқ. Излаб топмадилар. Кизни кўрадилар, ёлғиз ўтириблур. Ҳайрон бўллилар, ёниб чиқдилар. Бисёр паришонлик била Навфалга маълум қилдилар. Навфал айди: “Тақдирга ҳеч чора йўқдур. Биз онча насиҳат қилдук, қўлимизнинг киришича тадбир қилдик. Ҳеч фойда бермади. Эмли сеззлар ёниб боринглар”, -деб рухсат берди. Улар ёндишлар. Бу аснода Ибн Салом ҳам Лайлига тўй бошлиб келиб, тўй қисмили эрди. Лайлини Ибн Саломга никоҳ қилиб, Ибн Саломни Лайлини хужрасига олиб бордилар. Лайли бечора бисёр паришон бўлиб, Мажнунни фирокида ҳайрон эрди, айди: “Мажнун манинг фирокимда борчадин кечиб, биёбонларда юргай, нечук ҳаёлурким, ман яна бирорвни дегайман. Мундок қилғунча ўлган яхшироқдур, деб бир ҳанжари обдор пўшида саклаб эрди, мабодо даст дарозлик қисса ҳанжар бирла бир урай, жон берсинг, деб ўлтурур эрли. Ибн Саломга ул одат эрдиким, шароб тўла исса, хафакон бўлиб, бехуш бўлиб, икки, уч кун йикилиб қолур эрди. Бу аснода шароб тўла ичиб, маст бўлмиш эрди. Лайлини хужрасига келгунча хафакон бўлиб йикилди. Барчалари оғриқ тегди, деб ҳайрон бўлли ва баъзилар ўлди хаёл қиқидилар. Ночор Ибн Саломни ўз манзилига олиб ёндишлар. Барча ҳалойик онинг бирла мубталоликға қолдилар. Лайли ўз фирокида ёлғиз колди. Лайли вақти ганимат топиб, ёнида бир дашт бор эрди, кўпуб, бир теваға сувора бўлиб, ул даштга равон бўлди. Неча фарсанг йўл бориб эрди, бир овоз эшигилдиким, Лайли мутахайир бўлиб, қулоқ солди. Бисёр дарду сўз бирла тазарру киладур. Мажнуннинг овозига ўхшатиб якин борди. Ногоҳ Мажнун Навфалнинг кизи кошидин чиқиб, бу даштга келмиш эрди. Мажнунга якин бориб, охи тортиб, обёига йикилди. Мажнун ҳам Лайли эканини билди. Лайлини кучогига олиб, бир охи тортиб, бу ҳам бехуш бўлиб йикилди. Бир соатдин кейин яна хушларига келдилар. Анча рози дил айтишдилар: Лайли воеасини баён қилди. Мажнун ҳам ўз воеасини баён қилди. Худонинг кудратига оғарин қилдилар. Бир-бирлари била кўринғанларига шукру сано қилдилар. Бу аснода кеча кундуз мубаддал бўлди. Лайли охиста бориб, хужрасига кириб, ўлтурди. Мажнун ул биёбонда колди.

Мажнун била Лайлиниң фирок меҳнатида бир-бирларига жон нисор қиёнотлари

Алкисса, ривоятларда андоғ баён қилибдурларки, Мажнун Навфалини кизи кошидин чиқиб, биёбонга борди, эрса эртаси борча ҳалойикга маълум бўлди, Мажнунни ота-онаси Навфал бошлиқ борча ҳалойикга бисёр хижил ва шарманда бўлиб ёнлилар, эрса ўз манзилларига ёнғунча Мажнунни ота-онаси нохуш бўлди. Келиб

табибларға онча боктирдилар, сихат тоғмади. Күндин кунға затың зиёда бўлди. Охираламр тақдирга хеч чора топмай олами фонийдин олами бокийға риҳлат қилди. Аммо Мажнунни онаси ўғли учун дарду дўғда эрди, мотами икки баробар бўлди. Бисёр паришонликда дағн қиладилар. Икки кишини фирокида онаси ҳам вафот топди. Охираламр бу ҳам олами бокийға риҳлат қилди. Бу аснода Мажнун Нажд тогила макон тутмиш эрди, ногоҳ тушида кўрдикам, икки кабутар бир орда уя қўиди, бир бачча чикарди. Неча кун ул баччани тарбият қилди. Ул бачча ҳавога парвоз қилди, ваҳший жонларға қўшилди. Онча сабаб қилди, ўзларига ром бўймай сахроға чишиб кетди. Бу аснода ҳаводин икки қуш пайдо бўлди, бу икки кабутарни олиб кетди. Мажнун сесканиб уйгонди, ўризин сачраб қўпди. Бу тушинга таъбир мулоҳаза қилиб, ўзиға мувоғик топди, айди: “Ул кабутарни ҳаводин қуш келиб олғони отам бирла онамни олами бокийға риҳлат қилғони бўйгай, деб хойхуй бирла равон бўлди. Буларни тайинлик мозоротлари бор эрди. Мажнун ул мозорға борди. Кўрдики, янги икки қабр зоҳир бўлди. Матъум қилядиким отаси бирла онасининг қабри бўйгай, деб қабрни кучоқлаб йикилди. Бисёр нола-у зори бирла йиглаб айди:

*Ки эй боний бинағ вужудим,
Исёне забон ризоси сувдин.
Ириодинги билмадим ганимат,
Юзвойки, фавд ўтинди фурсат.
Юз ҳайфки тутмадим шарқиниг,
Бир неча кун ўлмадим рафиқиниг,
Файзинг манга ўлмади мусассар,
Сен хайр дединг мен айладим шар.
Эй маниши жавҳари ҳаётим,
Хуаштуғигингдадур нажотим,
Билдимки ишами гуноҳкорам,
Келдим санга хору шармисорам,
Дунёда сени мен айладим зар,
Уқбода мени сен айлама хор,
Чун кўрди отасини мозорин,
Шам айлади анго жисми зорин,
Лавҳ айлади қўксини мозора,
Тирногила қилди тоза мотам,
Ағғон ила қилди тоза мотам;
Ағғон ичида дер эрди ҳар дам:*

Эй отам бирла онам, мандип бисёр дарду алам бирла кетдинглар. Сизларга ўғил бўлиб хизматларигни кильмалтим. Сизларни маслаҳат-ларингизга кириб, сизларни шод кильмадим. Сизларни олдларингизда

шармандаурман. Рўйисиё колдим, қайси тил бирла сизларга узр қўяй. Ҳар нечук бўлса бу рўйисиё жигарпораларинги афв қилиб, бихил бўлинглар деб, бисёр нолаю зорлар килиб, бир дарди ўн баробар зиёда бўлиб, кабрга юзини суртиб ётар эрди. Бу аснода бу вокса Лайлига эшитилди. Лайли бисёр паришион бўлиб, Мажнунни холи нечук экан, деб бағрини пора килиб, оху афгонлар килиб, дарду меҳнатни зиёдалигидин ранжу бўлиб, ўрнидин кўпа олмади. Табибларга анча бокандирдилар сиҳат топмади. Кундин кунга зафи зиёда бўлди. Ўзи ҳам маълум килдиким, Мажнунни фирокида кетарман. Барча хеш ва қабиласи ҳам бўлакча эканини билдилар. Охирадам борчалари бихиллашдилар. Лайли хилватни ихтиёр килди. Мани ҳужрага олиб киринглар, деди. Ёлгиз ҳужрага олиб кирдилар. Лайли борча уруғ ва қабиласини чорлади ва айди: “Манинг бир васиятим бор, агар мани рози қилсанглар Мажнунни келтиринглар, деди. Аноси бажонидил кабул қилди. Лайли айди:

*Ҳолоки муқаррар бўлди кетмақ,
Фарз бўлди бу сирни зоҳир этимақ,
Ўлсен санга эй заифа равишан,
Ким тиги ҳаво ҳалокиурман,
Жисимимда йўқ ўзга дард тоби,
Илло гами шиқ изтироби,
Савдоси бирла йўқ бўлди борим,
Кечди ҳавас ила рўзгорим,
Ман ошики зору бенавоман,
Бир маҳлиқога мубталоман.
Кўп орзу айладим жамолин,
Бирдам кўра олмадим висолин.
Ҳоло кетурам кўнгилда сўзи,
Қўлдин на келур бу эрса рўзи.
Мажнун мани зора мубталодур,
Саргаштаю зору бенаводур.
Мандинидур они жунуну афзун,
Қайс эркан ўлибдур оти Мажнун.
Доим кечиурур замимда айём,
Бир кун онга ҳосил ўлмаюб кам.
Расвойи замона ўлди мандин,
Офоқа афсонча ўлди мандин.
Беҳуда эмас фигону оҳи,
Ёқнасми мани онинг гуноҳи.
Ман ким кетурам бу ҳокдондин,
Дардим буки, шармисорам ондин.
Эй муниси рўзгорим она,
Гамхориму гамгусорим она.*

*Ман дори бақоға азм этурда,
Дунёни видо этиб кетурда.
Менсиз кечиб оҳлар фигонлар,
Сахролара түшитугум замонлар.
Түнса йўлинг ул ўлан диёра,
Арзи гамим айла ул фигора.
Зинҳор анга ўзғонингда восил,
Хуни кимсадур ондин ўлма гофил.
Туш оёғина ризосин иста,
Ман мужрим учун дуосин иста.
Арз айлаки, эй вағфоги дилдор,
Жон берди йўлингда Лайлий зор.*

Эй она, мани васиятим улки, мани олами бокийга риҳнат килгонимни Мажпун эшигур ва яна мени фирокимда бесарую юргани борчаларингизга маълум эрди. Мағт тевадек гуркураб мени мозоримға келур. Албатта, ул ерда жон фидо килур. Рухи мани руҳим тарағига борур. Албатта, они сизлар эъзоз ва икромлар била орастга килиб, мани қабримга қўйинглар. Мундоғ килмасангизлар маним ёним ерга тегмас. Ул бечора ҳам ғарид бўлиб колмасин, деб васиятин тамом килиб, Мажпунни ёдид жон баҳак таслим килди. Ибн Салом ҳам ноком қолди. Борча ҳалойиклар зор-зор йиғлашдиар. Бу аснода Мажнун ота-онасининг қабрида йинглаб ётур эрди, бу воқеалар ғойибдин тамом кулоқига эшигиди. Мажнун охи тортиб, мағт тевадек гуркураб ётиб келди. Бу воқеани тамоми ҳатк кўрдилар. Мажнун ҳам келиб, бир охи сард аз дили шурдадр тортида ва жон баҳак таслим килди. Борча ҳалойик кўриб хайрон бўлдилар. Лайлидин зиёдароқ Мажнунга мотамдор бўлдилар. Охираламр бўларнинг иккаласининг поклониги борчага маълум бўлди. Иккисига бир кафандар килдистар, бир кафандага иккисини олиб жанозага солдилар.

*Бир наъиша солдилар иккавни,
Жонсиз келин ва ўзик куёвни.*

Иккаласини намозини ўтаб, бир марҳадда қўйилар. Ишқи мажозийда онча жабру жафолар тортилар. Худойи таоло муҳаббатларини ҳақиқатга мубаддил килиб, муреду максадлариға ётдилар ва ҳар бандай мўмин поклониги била эътиқодини рост килиб максадига қадам қўйса, ҳак субҳон ва таоло нечук маҳрум қўйгай ва ҳар ким диннат бирла кўнглини холис килиб, ишқи мажозийда ўртанса ва муҳаббат йўлида паймоял бўлса, ишқи ҳақиқийга мушарраф бўлса не ажаб дуур.

“Ва Оллохул ҳодий ила сабил ил иршод”

Илоҳи ул ошиқи содикларнинг ҳакки ҳурматидин борча мўминларни ғайрдин бегона килиб ўз муҳаббатингга ошно килиб, дийдорингтга

мушарраф қылғил.

ОШИҚ ҚУМРИ

Аммо ровийлар андоғ ривоят киулурларким, Бағдод шахрида Одилхон деган подшо бор эрди. Унинг бисотида ўғли йўқ эрди. Кунлардан бир кун жума кечаси подшо тахт устида ухлаб бир туш кўрди. Тушида айтдиларки, сенга худо бир ўғил берур, отини Қумриҳон кўй, деб кўздин гойиб бўлдилар. Подшо еридин туриб хушвақт бўлди. Шукур бисёр килди Подшонинг тўккиз заифаси бўлиб, шулардан бирини жуда яхши кўтаради. Уни Гуландом иаризод дер эрдилар. Ногоҳ у заифага олло таоло бир ўғил берди. Подшонинг кўрган воқеаси ёдидин чикиб, олимларга кенгашаб айди: “Ўғлимга яхши от кўйинглар”. Шул вактда кун ботар тарафдин бир ок соколлик киши келиб айди: “Эй нодон, бу ўғлоннинг оти Қумрижон деб аввалдин кўйилган эмасми”, деб кўздан гойиб бўлди. Ондин сўнг подшо юртига кирк кеча-кундуз тўй бериб, очга нон, ялонгочга тўн бериб, мамнун килди. Ногоҳ ўғлонни беш ёшида мактабга бердилар. 12 ёшида тамом илмни олло таоло кўнглида жо қилди. 14 ёшида сахро қылурга майл қилди. Қумрижон отасидан ижозат олиб бир сўз айди:

*Киблагоҳим инсанат бер чўллари,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.
От илгатиб мурғзорли чўллара,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

*Кимга поён этди ёлғон дунёни,
Кўнглим орзу этар дата майдонни,
Беажал чикмасдур маҳлукнинг жони,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

*Хизр бобом ўқидилар ҳал эта,
Мустафо нуридин тушимас нур зиё,
Киблагоҳим, жоним йўлзингда фидо,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

*Коғир олло йўқотин мени яратди,
Кўнглим орзу этар дузда ёронлар,
Гафлатимда отим кўйди әраштар,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

*Еағдод шоҳи таваккал қич оллога,
Сабр этарман ҳақдип келган билога,*

*Мен келсунча машгул бўлгил дуога,
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

*Шоҳимардоп худойининг шеридир,
Кўнглиминда широшикнинг ҳажридири,
Говсул Аъзам Кумрижоннинг пиридур.
Манинг кўнглим базми шикор айласун.*

Шахзода бу сўзларни тамом қилгандин сўнг подшо ўғлига насиҳат килиб бир сўз айди:

*Болам кетар бўлсанг Богдод элидин,
Аввал бир худони қўйма тилингдин,
Дод этарман қаёз фалакнинг илгидин,
Ҳак расул олонни қўйма ёдингдин*

*Тангрининг каломи ўттиз сад пора,
Айролик солибдири сийнангга яро,
Тогда маскан тутган ул Уваис қаро,
Норинжон Валини қўйма ёдингдин.*

*Сигиндим мен сенга ё раббим Аҳад,
Ба ҳаққи ҳурмати Аллоху Самад,
Баҳоваддин нирни қулол Накибанд,
Сойил кезганиларни қўйма ёдингдин.*

*Кўнглингнинг карвони айланмай қўчди,
Эмди бул чирогим ёнимайин ўчди,
Пайгамбар ғрони даҳ ёр беҳишти,
Алхусус тўрт ёрни қўйма ёдингдин.*

*Ҳакнинг забурини ўқиган Дуюд,
Зул Жалол ўзингдин етишгай маҳсуд,
Ҳаким ўғли ё Асқари Маҳмуд,
Забардаст Валини қўйма ёдингдин.*

*Ҳасан бирла Ҳўсин ўн икки имом,
Аларни тилингдин қўймагил мудом,
Ҳақ зикрини жорий қилгин субҳи шом,
Ҳафтанини, чилтанини қўйма ёдингдин.*

*Расулнинг қўллари мўйи муборак,
Кунинг тўлмай қазо йўқдир бебарак,*

*Ба ҳаққи ҳұрмати ёсип таборат,
Ҳақнинг каломини құйма ёдигдап,*

*Ота-аввал ўқып оқдип-қародин,
Ҳақ сақлагай бемақсаіда балодип,
Құдрат билан ерни құкни яратып,
Бир улуғ даргоҳи құйма ёдингдин.*

Алқисса, бу жавобни айттандын сүңг шахзода күнгли бузилиб, халқи билан хайрлашып, бир газал айди:

*Мен кетар бұлдым шикора,
Әлтар олло ёринг бұлсан.
Таваккал этдим Жиббора,
Әлтар олло ёринг бұлсан.*

*Юрагимда құпдир азам,
Мен чекар бұлдым дарду зам,
Оқ сүні берған Қасьбам өнам,
Отам, олло ёринг бұлсан.*

*Ваъда этсам жавонлари,
Бедов миниб сайронлари,
Аҳти сұлук эшонлари,
Нирлар олло ёринг бұлсан.*

*Багдодда манзил-маконам,
Ҳажер ўттика ёнді жонам,
Орзуланған қирқ полвоним,
Сапи ҳам олло ёринг бұлсан.*

*Билманам насиб қаёна,
Абу Бақр Умар, Үсмона,
Караиб турған қыз-жұуона,
Барчанг олло ёринг бұлсан.*

*Отамдин олдым рухсати,
Тигіаб ҳақдип инояти,
Багдоднинг барча шавкати,
Барчанг олло ёринг бұлсан.*

*Ошикіларга борму дағыл,
Муродимни берсін Жалил,*

*Этма шикоримни сабил,
Барчанг олло ёринг бўлсин.*

*Бекларнинг олдинда бозлар,
Кумрига бўлан дамсозлар,
Бўйни давочали қизлар,
Қизлар, олло ёринг бўлсин,*

Шахзода Кумрижон бу сўзни айтиб, минг беш юз отлиғ лашкари бирла Қосим Вазирни олиб, Ҳазрати Ғовасул Аъзамнинг муборак гумбазларига бордилар. Ўзининг ёш бошига шикор ҳаваси тушиб, ёшлигидин хавф этиб, бир сўз айди:

*Сигиндим мен сенга сунъи илоҳи,
Қодир олло сен билурсан ҳолими.
Банданг гуноҳкордир кўпдир гуноҳи,
Қодир олло сен билурсан ҳолими.*

*Ёш бошимдин изм айладим шикора,
Муножот айладим ҳақ бирубора,
Тогда маскан тутган ё Увайе қаро,
Эр бузруклар сен билурсан ҳолими.*

*Макканинг устуни Ханиону-Манион,
Холимдин хабар ол карамли сulton,
Муҳаммад пайғамбар охир замон,
Ё Муҳаммад сен билурсан ҳолими.*

*Ҳасан билан Ҳусинжонларнинг гули,
Кетимизда қолди Багдоднинг эли,
Сигиндим ман санга Норинжон Вали,
Саттор экам сен билурсан ҳолими.*

*Мунча ланикар бирла чўлда юурсан,
Билман, тақдир насиб қаён борурсан,
Яратган Зулжазол ўзинг билурсан,
Қодир олло сен билурсан ҳолими.*

*Билмам не савдолар тушиар бошима,
Удуглар тараҳҳум айлар қошима,
Ёшим етмиши ўн уч-ун тўрт ёнишима,
Аввал охир сан билурсан ҳолими.*

*Отам билан онам қолдилар йиглаб,
Айропик ўтина вагрини дөглаб,
Ман чиқманинам таваккалга бел болглаб,
Раҳмон эзам сап билурсан ҳолими.*

*Кумрижон сигинидим ё Раббим Жашил,
Агар сен қаргасанғ тонилмас дағыл,
Макка бунёд этган Иброҳим Халил,
Хақ Мустафо сен билурсан ҳолими.*

Ал қисса, бу жавобларни тамом этиб, ўн кун йўл юриб, Сафо тогининг канорига бориб тушшилар. Ўн кун от чонуб, кураш туттириб тўй бердилар. Сўз вактида Кумрижон айтди. “ Эй вазир бобо, бу тоғларни сен кўп кезгансан”. Манга баён қили. Бу тогли на тоғ дерлар? Анда вазир айди: “ Эй шахзода у тоғни отини айтсан хам, айтмасам хам бўлади. Лекин отангиз ўттиз кунда кайтиб кел деб эрди”, анда Кумрижон айди: “ Билгил ва огоҳ бўлгил, отам бўлса Богдодда колиб туур, тез бўл, баён кил деб”, газаби хурушига кириб ханжарини олиб, вазирига ҳамла қилди. Анда вазир жон ҳавлижон еридин турниб, айди: “ Ҳай-ҳай тўрам, жоним сизга фидо бўлсени. Бу тоғни отини Сафо тоги дерлар. 360 авлиёнинг манзилгоҳи туур, лекин кайси кеча ҳозир бўлур маълум эрмас”, анга воқеатарни баён килгач, шахзода тогнинг устига чиқиб боргохини барпо килиб шул кечада истиҳола килиб ётди. Аммо Кумрижонни шу кечада саҳар чоги воқеасинда тўрт чаҳорёр, ўн икки имом, олти ойлик йўлдан шаҳри Зарнигор подшохнинг қизи маликаи Тўтижонни олиб келиб, никоҳ қилиб бердилар. Шахзода тушида бу воқеани кўриб сесканиб турди. Махрамлари, вазирларини чақириб бир сўз деди:

*Беклар сиза сирим баён айласам,
Бошланг мани Зарнигорнинг элина.
Жонимни йўлинда қурбон айласам,
Бошланг мани Зарнигорнинг элина.*

*Бошимизда бордорир давлат ёронлар,
Висоли етқунича бўлдим дарбадар,
Атрофимни қуришаб олди эранлар,
Бошланг мани Зарнигорни элина.*

*Жам бўлиб келдилар тўрт моҳитобон,
Абу Бақр, Сиддиқ, ул Умар, Усмон,
Шул вақт ёхти жаҳон бўлибди равшан,
Бошланг мани Зарнигорни элина.*

*Ақду хүшім, өшінші кетди ҳарёна,
Қабла ёдін келди якка девона,
Оғзиндин ўт сочар ёхти жақона,
Бошланғ мани Зарнигорниң әліна.*

*Хаёлім олдириб ақним йаштирудим,
Хақнинг бирлигина имон келтирудим,
Хизр орқасида бир хирқа күрдим,
Бошланғ мани Зарнигорни әліна.*

*Гарқылдашиб, ўрдак учар ғоғ билан,
Булбул сайрап гүл шавқида ёз билан,
Балога қолибман данжик қыз билан,
Бошланғ мани Зарнигорни әліна.*

*Эранлар жасам бұлғиб шароб ичдилар,
Нафас ўғлим деюб бүйнім қүчдилар,
Согима, сұлтана анбар сочдилар,
Бошланғ мани Зарнигорни әліна.*

*Күмри айттур, түшнін ёлони бұлмас,
Иншолло етарман гүмони бұлмас,
Йұлинда ўлғанин армона бұлмас,
Бошланғ мани Зарнигорни әліна.*

Алқисса, бу жавобларни тамом қылғандан сүңг Қосым вазир айди:
Бу келган эранларни танирмусиз, деди. Анда Қумрижон бир сүз айди:

*Жұма кечасида, сахар чогинда,
Магрибдан Машриққа эранлар келди.
Құзим гафлат олди Сафо тоғида,
Атрофимиз құршақ эранлар келди.*

*Ақним лол бұлғидир аларни құриб,
Алар мені құриб, насыхат беріб,
Нікох қыліб берди марҳамат қалиб,
Хаққа хазинадор бұлғанлар келди.*

*Маскани Зарнигор, Шоҳ Махмуд қази,
Түкқан ойдай құрдим илгари ўзин,
Юз минг шева билан ўлдурди бизи,
Ноз билан ақнимни олғанлар келди.*

Бу сүздин сүнг 5500 отлик лашкар бирлан шахри Зарнигорга равона бўлдилар. Йўлда борурда Кумрижонни ёдина Тўтижон тушиб бир сўзни айди:

*Барчани яратған Олио,
Зарнигора етиш мани.
Диним Мухаммад Мустафо,
Тўтижона етиш мани.*

*Хақдин биза бўлди фармои,
Юракда кўп қолди армон,
Хақ хурмати фаҳрий жаҳон,
Севар ёра етиш мани.*

*Тўхтамас кўнглини боди,
Аҳзи пайгамбар авлоди,
Тангрина мингда бир оти,
Севар ёра етиш мани.*

*Мухаммад олама сарвар,
Қилма ботишни дарбидар,
Баҳақни жумла пайгамбар,
Севар ёра етиш мани .*

*Қайдо дардиганинг давоси,
Худо ҳар банди паноси,
Ҳизр Илғонинг онаси,
Севар ёра етиш мани .*

*Тангриниг калими Мусо,
Марим ўғли Ҳазрат Исо,
Хаққима айланг бир дуо,
Тўтижона етиш мани.*

*Худодир нушини паноҳим,
Даргоҳинеа еткази оҳим,
Говсул аъзам сайнигоҳим,
Севар ёра етиш мани.*

*Эмгакимни этма шё,
Баҳақни сураи таоло,
Хурмати даими Карбало,
Севар ёра етиш мани.*

*Күзда ёшим бўлди алвон,
Мундин ортик ҳўйна оғмон,
Кумри айтур, шохимардан,
Тўпнижона етири мани.*

Алқисса, бу жавобни тамом килагандин сўнг лашкар бирлан бир неча маңзил йўл юриб, бир дарёнинг канорина бордилар. Аңда вазир айди: “Эй тўрам бу дарё санинг юртингда бўлса эрди, санинг хотирингдин кемачилар ўтиргай эрди. Энди бу дарёни хунхордан нечук ўтгайсан”, деди. Шунла Кумрижоннинг каҳри келиб бир сўз деди:

*Тўрт чорёр келди асо шайтаниб,
Кирқ чилинган келдилар қилич бойтаниб,
Бир девона келди гирлаб айлануб,
Бурхи сармасст бузург бўлонглар келди.*

*Бир одам келдилар османа боқиб,
Зикр айтиб, кўзларидин ёш оқиб,
Чодирнинг ичига машъаллар ёқиб,
Баҳоваддин бурурук деганишар келди.*

*Сўнгра келди қора тўнли бир кини,
Ҳасрат бирла ўтган ёз бирла қини,
Осиё уммат учун оқиб кўз ёши,
Муҳаммад хирқасин кийганлар келди.*

*Манго қалди бир карамлик иноят,
Эранлар дуосин қалди ижеобат,
Кўзима кўринди бир шўх маюҳат,
Зулфими белига солгонлар келди.*

*Киймириб ёнимга келди шул замон,
Танимди қолмади бир зарра дармон,
Жилвасидин ҳеч ким қутулмас омон,
Олами гулгула солонлар келди.*

*Экин экиб, мевасидин тотмадим,
Сийнам очиб соясинда ётмадим,
Кўл узатиб жуфт мамасин тутмадим,
Жонима ўтларни солонлар келди.*

*Кўл узатиб севар ёрни ўзина,
Кўзларим тушибодир гулдек юзина,*

*Ехти жаҳон төр бўлибди кўзима,
Шуъласи оламин олонлар келди.*

*Кўмри айтур, поҳак ўтига ёнимадим,
Ўз кўлиндин шароб ичиб қонмадим,
Аҳдим будур иқоримдин дўнмадим,
Ноз бирла ақтимни олонлар келди.*

*Бу сўздин кейин Кўмрижон дарёга қараб бир муножжот айди:
Ерии, кўкни хатқ айлаган эй Жаббор,
Минга мадад беринг, дарё эранлар.
Карашти подиоҳум ман мазлум почор,
Минга мадад беринг, дарё эранлар.*

*Қудрат бирлан кўқдан энгани тўрт китоб
Сигиндим мансанга Умари Хаттоб,
Ёниши ўн тўртда айладим ҳисоб,
Манга мадад беринг, дарё эранлар.*

*Шайтон манманликдин бўлибди маълун,
Хожатим даргоҳда айниғиз қабул,
Бахакки хурмати ҳабиди Расул,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Наноҳ беринг ўзинг сақладинг Жалил,
Намрудининг ўтига сабр этган Ҳалил,
Пайгамбара вакий келтирган Жаброи,.
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Отам билга онам қолди коҳинда,
Ёрад мани ўзинг ўстикр бу шида,
Ҳақ ҳурмати тўрт мукаррар фаришта,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Бир пари деб тўлни кечдим гойибона,
Тушда кўриб бўлдим дали девона,
Ҳақ ўзи стиргай айни давона,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Алҳамда ёзиъмини айну гайндин,
Ё Ҳазратин ёсин ё еттиш мубин,
Ёра етмаклагим айлагил тайин,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Баҳти иқбалимни айла мұаззам,
Ишқнинг кемасида гарқ бўлиб сузам,
Баҳаққи ҳурмати маҳзаби Аъзам,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Хатоли биндаман кўпдур гуноҳим,
Даргоҳинга қачон етшр бу оҳим,
Сан зурсан арз этувчи подиоҳим,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

*Аввал азоп айтган ҳазрати Билол,
Мани мундин ортиқ айлама камол,
Кумри айттур, бир яратгон Зулэсалол,
Манго мадад беринг, дарё эранлар.*

Алқисса, бу жавобдан сўнг “инна фатахна” сурасини уч маротаба ўқиб, бир тупрокка дам солиб дарёга ташладилар, ўтиб кетабердилар. Етти кеча-кундуз йўл юриб бир чўлистона етдиilar. Кумрижон сувсаб вазири а бир коса сув беринглар, деди. Вазири камоли лашкари бирлан ахтариб, бир катра сув топа билмади. Алқисса, эргадан пешингача юриб, биёбоннинг ҳароратидан тоби токат эта бислмай, тамоми лашкари хароб бўлиб ўлиб колдилар. Қосим вазир бирлан Кумрижон омон колди. Кумрижон Қосим вазира караб лашкарларини йўклаб бир сўз айди;

*Чора йўқдир ҳақдин келган балога,
Бирга чиқкан сирдошлиарим, хўши энди.
Айюб сабр айлади келган балога,
Шаҳид бўлғон гўччоқиарим, хўши энди.*

*Қаҳбо фалак ёқдиг юрак ёғимни,
Кима айттай сийнамдаги дөғимни,
Бир сул эдим ҳазон урди боғимни,
Бирга келган сирдошлиарим, хўши энди.*

*Бизнинг билан келган ёру ёронлар,
Чўлга чиқиб ширин жонин беранлар,
Дастгирик этмади кўрган эранлар,
Армон билан ўлганиларим, хўши энди.*

*Имомлардек ташна бўлиб чўлларда,
Шум насиба кездиргандир бу ерда,
Каромат бормикан улуғ пирларда,
Шаҳид бўлған гўччоқиарим, хўши энди.*

*Онадин шум толеъ баҳти қароман,
Нечун Багдод ўлкасидин жудоман,
Қисматимга рози бўлиб бораман,
Ҳазон урган гунача гуллар, ҳўши энди.*

*Манинг кўнглим дарё каби тошибдур,
Фалак ўрдам бузиб ақдим чошибдур,
Тушда ёра Ҳизр тирим қўшибдур,
Армон билан ўлганларим, ҳўми энди.*

*Машаққат кўн чекдим жабру жағони,
Ё раб қачон кўргузурсан сафони,
Ҳақ мұжассар этини, заққу сафони,
Бирга келган биродарлар, ҳўши энди.*

*Кумрижоннинг нафси шайтон ташинда,
Туғроқ тақдирининг инкор еринда,
Кўришгаймиз тонгла маҳшар қунида,
Бирга келган павзувотлар, ҳўши энди.*

Алқисса, бу жавобни тамом қилсандан сўнг Кумрижон зор-зор йиглаб бир сўз айди:

*Ташрини билбиман ҳамина ҳозир,
Ёраб бу ерларда берма хавотир,
Ҳақга ҳазинадор ҳазрати Ҳизир,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингму.*

*Бикам бехабарди, кезар ойшида,
Ё раббани қўйма мани койшида,
“Кароман қаъбайин” икки фаринита,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингму.*

*Макканинг устуни Ҳаннону Манион,
Худойимдин манго бўлди бу фармон,
Дев парига подишо бўлган Сулаймон,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингму.*

*Ари устинда ўн икки минг муқаррар,
Ё жсонимни олгич, ё мақсудим бер,
Юз йигирма тўрт минг ўтган пайгамбар,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингму.*

*Кавсарнинг лабинда жасинат ичинда,
Ишқим сийнасинда, сумбул сочинда,
Сулаймондин ошоқ аршининг буржинда,
Менинг соҳибжамоҳимни кўрдигму.*

*Отамиз Одамдур, онамиз Ҳавво,
Дастим ёқамдадур, тилимда тавбо,
Жанодилда ўлган Адҳам Саҳоба,
Менинг соҳибжамоҳимни кўрдигму.*

*Бандадурман, қылған ишларим хото,
Яхшиликни доим айзагиз ато,
Маҳшадда жой тутган ё Имом ризо,
Менинг соҳибжамоҳимни кўрдигму.*

*Ошиқ Кумри чекар шининг гамини
Ахтариб топнадим рўйи замини,
Ё ҳазрат Жаброил тангири анини,
Менинг соҳибжамоҳимни кўрдигму.*

Акисса, етти кеча-кундуз йўл юриб, бир чинорнинг тагига етдиilar. Чинорнинг тагида бир неча кизлар жам бўлиб, бир неча завку томошолар этиб юрар эрдилар. Анила шахзода айди: “Эй вазир, тое бўрисиз бўлmas, эл ўтрасиз бўлmas”, бу кизларнинг орасида шояд бизнинг дилдоримиз бўлгай деб, кизларга караб бир сўз деди:

*Қаршим олиб турган қизлар,
Зарнигорни йўли қайдা?
Тилим сўхтаб, дийдам ўнглар,
Эркаксоннинг йўли қайди?*

*Тушіда кўриб хайрон этган,
Кўнглим уйин вайрон этган,
Чўлларда саргардон этган,
Паривашнинг йўли қайди?*

Кумрикон бу сўзни адо килгач, бир нозанин күшсураг қиз ўрнидан туриб, кўлларини алиф лом килиб, юз минг таъзиму тавозе килиб, шахзода Кумрига караб, жилва килиб, бир ширин сўз килғони:

*Отим Жамиладур қассобининг қизи,
Ёр бўлмақа қабул айладим сизи,
Ойнадан тиникдир сийнаманинг ўзи,
Бир замон сийнамади роҳат олиб кет.*

*Ёшум ўп тўртдадур, қаддим баркамол,
Мўмин бўлсанг, бечорананг кўнглини ол,
Муродининг бергай қодир Зулжалол,
Кўнглини бир Каъбадир они олиб кет.*

Бу сўздан сўнг шахзоданинг каҳри келиб, Жамилахонга насиҳат билан бир сўз деди:

*Пандим сенга ҳаддин ошиб сўзлама,
Мард ўғлиман, беникоҳни севманам.
То ўлгунча ёмон йўлни кўзлама,
Мард ўғлиман, беникоҳни севманам.*

*Мани беш вақт учун яратди Жаббор,
Билиб кўриб, нечун бўлай гуноҳкор.
Икки энгимададур гувоҳим Жаббор,
Аҳд, этибман, бевифони севманам.*

Бу жавобни тамом этгандан сўнг воҳасрато, надомато деб, шахзодага караб, Жамилахон бир сўз деди:

*Берган таваллом олмадинг,
Бир баъзага учрагайсан.
Додима қулоқ солмадинг,
Бир баъзага учрагайсан.*

*Бу дунёга келгани кетар,
Нолишум олложо етар,
Сайдидим булбулдан баптар,
Бир баъзага учрагайсан.*

Алкисса, бу жавобни адо кисигач Қумрижон Табриз вилоятидаи кўчиб юрий берди. Бир неча маизил тай кишиб, бир куни бир гумбази ҳазорага етишицилар. Кеч бўлғонга ҳайрон саросима бўлиб ўлтурдилар. Вакти хуфтои шахзода Қумрижон гумбази ҳазорага кириб, жами бузруклардан мадади истеътоат тилаб бир сўз деди:

*Йўқдан бор айладинг Тангри таоло,
Расул барҳақ сани бир деб келиб ман.
Молу лашкаримдан, элдан айрилиб,
Мунглиман иложжим кўриб келибман.*

*Күкрагим дарёдек қайнаюб, тошиб,
Отам зор қолди йиглашиб, қарошиб,
Ман келибман кече төгелардан ошиб,
Асбодым очарсан, бир деб келибман.*

Алкисса, бу жавобларни тамом күлғаңдин сүнг күн богар орка тарафдин яшил асоли бир бобо ҳозир бўлди. Бобо Масих нафаснинг оддига чиқиб, юз минг одоб бирла қўлин алиф лом қилиб бир сўз айди:

Саволи Қумри:

*Ман бугун йўлдин адаидим,
Сиринг изҳор айла бобо,
Ишқининг ётига шутацидим,
Ани ишҳор айла бобо.*

Жавоби бобо:

*Жонинг қурбондур йўлингда,
Аввал худо бирдур болам.
Қидрат ағлонинг ағанди,
Дининг Расул диндири болам.*

Саволи Қумри:

*Сан нечук чиқдинг бу ёна,
Рахминг келсин ширин жона,
Сирингни айла баёна,
Ани изҳор айла бобо.*

Жавоби бобо:

*Рұксати Расул тўрт ёри,
Ғарібларнинг ҳавондори,
Бир худо ҳазниадори,
Санго ҳамдам пирдур болам.*

Саволи Қумри:

*Айтарсан ҳақнинг ёдини,
Эшиятиб фикат додини,
Баён айла ўз отишни,
Отинг изҳор айла бобо,*

Жавоби бобо:

*Тўрт кишининг пиридурмиз,
Эранларнинг эридурмиз,
Гиёс хояса Ҳиззидурмиз,
Олло ёринг бўлсин болам.*

Саволи Қумри:

*Қумри айтур, бағрим нора,
Айрониқ қизди бечора,
Етмак борми нозли ёра,
Ани изҳор айла бобо.*

Алқисса, ондин сүнг бобо аиди: эй күзим холо чошгох турур, нешинда бир жойға етурсаи, Балх шаҳри дерлар. Батамоми ҳалойик кора кийгандир, пешонаның ёзилган бўлса кўрарсан, деб кўздин гойиб бўлди. Қумрижон парининг амрини тутиб отина бир тазёона урди. Барку бод масаллик шаҳри Балхга етиши. Сахарда ногоҳ ларвозай Балхдан кириб, атрофиға донишмандлик бирлан назар килса, шоху-гадо 7 яшардан 70 ёштагача мусибатзодалардек эйинларига кора кийиб жаза паза бирла паришон хол бўлиб, рангиари тайғир топған, аларни кўриб, олдига бориб, вазирнинг алинда ойболта, ул хам кора кийиб ўлтуруубдуур. Қумри вазирдан кора киймакдан не сабаб деб сўради:

Саволи Қумри:

*Мұхаммад уммати худонинг қуши,
Касбми, расмму киймаклик қаро.
Сарыға дўнайши бул юртнинг ули,
Касбми, расмму киймак қарони.*

Жавоби вазир:

*Қурбонинг бўлайни нердан келарсан,
Қирқ кун бўлди касб киймоқ қорани.
Бир-бир боқиб жоним ўтга соларсан,
Қирқ кун бўлди расм киймак қарони.*

Саволи Қумри:

*Бошингни туганмас балоси борму,
Ё бирорнинг етган давоси борми,
Фалак сенда қасди ҳавоси борми,
Касбму, расмму киймоқ қарони.*

Жавоби вазир:

*Эмлик йиғ шаҳарда турибди ажедар,
Уч йиғ кодио бўлолмади баробар,
Юртнинг қизи бари кетди саросар,
Ул сабабдин расм киймак қарони.*

Саволи Қумри:

*Ошақ Қумри ўқир айну доли,
Худо очгай бандасининг иқболи,
Ман ҳам билай ул ажедарнинг аҳволин,
Расмму, касбму киймак қарони.*

Жавоби вазир:

*Шоҳ Салим подшомиз отим Жаҳонғир,
Эраллар бўлмади бу йўлда дастгир,
Барча одам мотам билан ўй фикр,
Ул сабабдин расм киймак қарони.*

Алқисса, бу жавобни тамом қизгандан сўнг вазир Қумрижонни олиб шаҳарга келди. Қумрижонни подшонинг олдинга олиб борди:

Шунда шоҳ Салим шаҳзода Кумриға караб бир сўз деди:

Саволи подшо:

*Наслингни баён эт гул юзли ўғлон,
Эй соҳибқироним, қайдин бўларсан?*

*Ҳар бир сўзинг хаста дардларга дармон,
Сўзла павжусоним, қайдин бўларсан?*

Кумрижон жавоб берди:

*Ўн тўртимда сайри сафо азм қилдим,
Бир парининг ҳайрониман ҳайрони.*

*Сафо тог устинда бир тушни кўрдим,
Бир парининг ҳайрониман ҳайрони.*

Саволи подшо:

*Нечук тушибир кўрдинг Сафо тогинда,
Ё ярим кечада, саҳар чогинда,*

*Ул нечук паридир кимнинг боғинда,
Сўзла павжусоним, қайдин бўларсан?*

Жавоби Кумри:

*Ул тушни кўрмишам саҳар чогинда,
Булбуллар сайрашар гул будогинда,
Оти Тўти Зарнигорни боғинда,
Ул парининг ҳайрониман, ҳайрони.*

Саволи подшо:

*Йўқ парига ўзинг гоё этибсан,
Кўкрагинга бир сўз бино этибсан,
Бошинга шўрини гавго этибсан,
Тоза гулистоним, қайдин бўлурсан?*

Жавоби Кумри:

*Бир париваши келди сўлана боқиб,
Ҳақиқр ўтига манинг жонимни ёқиб,
Юз минг исилга бирлан қошини қоқиб,
Гамзалининг ҳайрониман, ҳайрони.*

Саволи подшо:

*Оти кимдур Зарнигорнинг ҳинда,
Булбулдайин сайрамнисан гулинда,
Юзин кўриб бош қўйибсан йўлинида,
Тоза гулистоним, қайдин бўлурсан?*

Жавоби Кумри:

*Отим Кумри дерлар, отам Одилэсон,
Кўзгами аламин зарагим вайрон,
Мискани Зарнигор, оти Тўтижон,
Ул парининг ҳайрониман -ҳайрони.*

Алкисса бу жағобдан сүнг подио болыптын ўтган вөксаларни баёц килип айди: Эллик йил бўлубдир. Бул юртимда бир аждархо пайдо бўлибдур хар кунда бир қизни олиб кетиб хароб килди. Шу кун ўзимнинг ёлизиз кизимга навбат етиблурур, леб турган холда ташкаридан бир гавто келди:

Баногоҳ подшонинг кизини маҳофага солиб, аждахога олиб бормокчи бўлиб турган эканлар. Анинг гавтоси эркап, аммо жон ҳавлида Бибижон бир газал ўкили:

*Ёлғончи дунёга келдим,
Найтайнин армонли кетдим.
Дунёга келиб на кўрдим,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Гунчаликда урди ҳазон,
Рози бўлинг ёру ёрон,
Дунёдин ўтдим навжусон,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Дунёда инират сурмадим,
Гуноҳим нафур билмадим,
Мурода етиб ўлмадим,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Кўнгил мақсудим бўлмади,
Оллонинг раҳми келмади,
Ҳеч ким қазодин қолмади,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Каримай белим букилди,
Бахтима қаро чекилди,
Қўшики айвоним ўнқилди,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Ажал келиб этди гарид,
Бу дардима йўқтур табиб,
Аждархога бўлдим насиб,
Найтайнин армонли кетдим.*

*Бибижон дер, бағрим пора,
Жудолик этди бечора,
Ҳак амрина йўқдир чора,
Найтайнин армонли кетдим.*

Алкисса, ондин сүнг Кумрижон аниң ноласига раҳми келиб бир сүз айтди:

*Еофил эрдим бу күп келдим қошингга,
Йиглама гамлардин халос айларам.
Сұла на иш түшиди санинг бошиннеги,
Иншоллох гамлардин халос айларам.*

*Навбатида кечар шоҳ ила гадо,
Хар бошлаган ишига бапдаси ризо,
Даргоҳинда ажсал йўқтур беказо,
Иншоллох гамлардин халос айларам.*

*Уч юз олтмиши пирдин дуо олганман,
Лашкар ўшиб вазир ёирлан қолганман,
Ишқнинг савдосида дали бўлганман,
Иншоллох гамлардин халос айларам.*

*Лайси Мажсун сенга йўқтур зор этгани,
Бирдур бинти, аждархони яратган,
Сенинг кўз ёшлиаринг мени лол этгин,
Иншоллох гамлардин халос айларам.*

*Ошик Кумри ёд этарман субҳонни,
Яратганим тандиа қўйса бу жонни,
Оқизиб аждардан қирмизи қопни,
Кўргин неча ишлар бунёд айларман.*

Алкисса, бу сўзни айтиб бўлғач, Бибижонни маҳофага солиб тегизгага олиб бордилар. Ҳамишаси аждархога келтирган кизларни солиб кетатургон кора уйга солиб кетдишлар. Тамоми аркони давлат кайта бердилар, Андин сўнг шахзода Кумрижон Бибижоннинг ёнига бориб, юз турли марҳамат бирлан, соғ тизина бошини кўйиб, айтди. Эй барний жаҳон, сарви равон, кўнглингга бу иш малол келмасин, сенинг гуллек баланингта раҳм килмай бир неча воинсофшар бу баюни жабрга ташлаб кетдилар. Лекин ман тириклигимда, санга келган балоға химмат кўрастурман. Суворимни жавдошга киргузиб газаб майдонинда суреб, каҳр киличин ялантоҳ қилиб, иншооллох ишлар кўрасатсан керак, деб, Бибижоннинг тиззасига бошини кўйиб, бир замон хобигафлатда ором олиб ётаи. Бу тарикала кун ҳам намози аср вактига якинлашиб келди. Алкисса сўз кўп, муҳтасар қилимок керакдур. Вакт- хуфтон бўлғач, аждархо ҳам шарлаб дарёни икки бўлиб, чор тарафни қалтиратиб, келаберди. Бибижоннинг наргиздай кўзидан окгон қатра-катра ёш боди

мухолиф бирла келган, саңг резадек шараклаб ёнишиб келгани хамона Күмрижон сесканиб күзини очди. Күрса, Бибижон казо домига гирифтөр бүлганин күриб, Күмрижонға айди, эй Күмрижон чап тарафингга назар киңгил, деди. Ул хам дархол назар киңса узуни 12 газ, эни 6 газ бир аждархо келиб туур. Шу пайт Күмрижон құлыға қиличини олиб, худога ёлвориб бир мухаммас ўқиди:

*Икки олами яратған қодирий, Ғаффорий Аҳад,
Бир отынгдир құлғу оллоху Аҳаддур, бири оллоху самад.
Бас нечук дүнға келдім, толе шум, баҳти бад,
Дастшими очиб дуо қылдым, худойим қылма рад,
Ки бу күн мүшкүлдаман, ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Холима раҳминиг келсин сан олами сайдерсан,
Бенаво кас, гариб, бечораларға әрсан,
Барчани бир күзді күрган сан ҳамшира борсан,
Ки, ҳамманинг ҳожасатин битказгуси биру борсан,
Ки бугун мүшкүлдаман ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Бир аліма ҳақ Али шери худонинг қуввати,
Гар худо бандам десе бүлсам Мұхаммад уммати,
Қажқрави тұққызы фаяқ солди ғонима шиддати,
Йылгадым бағқи үмід қылдым худодин ҳиммати,
Гар бугун мүшкүлдаман ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Ул қаломига ёзилмишідур айн бирлан гайн,
Сураи алқамда бор “ҳазо сиротша мустақим”,
Ҳазрати ёсинда бордур хурмати етти мубин,
Ман мадад сендин шаларман эй худо ванди қадим,
Гар бугун мүшкүлдаман ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Бул ажсалнинг шағидин барча келгандар беомон,
Гар ажсал ҳақ бүйругицир бемақал ўлған ёмон,
Ман саңғо юз тутмашам нағайамбари охир замон,
Үз панохингда мани түтешіл бугун сен бегумон,
Гар бугун мүшкүлдаман ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Нола қылдым бирлигине ҳақинда эй қодир Худо,
Бенаво кас, бечораларға бүл ўзине мұттаққо,
Ман гариб бечорага бүлгил ўзине сен раҳнамо,
Золим аждарнинг құлнандин сен ўзине бергил пано,
Гар бугун мүшкүлдаман ё Ғовсул Аъзам қыл мадад.*

*Чархи қажеравнинг илгидин пайтапин овораман,
Бирлигинг ҳақида токай ман санго ёлвораман,
Ҳазрати Жиржис каби багри юрак садпориман,
Қайди борсам ман гариф, бечора баҳти қароман,
Гар бугун мушкулдиман ё Говсул Аъзам қил мадад.*

*Шум фагакнинг гардашидин бағри бирёйман бугун,
Юсуфидин айрилон ёқуби Каинъонман бугун,
Ҳеч очилмас гунача янгиг таҳбаташ қонман бугун,
Манки баҳти қарозиқдин дайда гирёйман бугун,
Гар бугун мушкулдаман ё Говсул Аъзам қил мадад.*

*Шукр қылғил, бўлма гамгин қил ҳудога муттиққо,
Кумрига айланг шафоат, ё Мұхаммад Мустафо,
Бандаман озказману дармонда қўйма мубтило,
Гар манга айлаб карам, бўлғил манга сан раҳнамо.
Ки бу кун мушкулдаман, ё говсул Аъзам қил мадад,*

Алкисса, бу жавобдин сўнг кунботар тарафдан бир бобо келиб, Кумрини кўлиндан қиличини олиб, кўлини каса тутдириб ғойиб бўлли, эрса аждарҳо шахзодани дамнашиласиға торти. Кумрижон хам қиличини каса тутиб, гўё бир узим паҳтани ел учирғандек, аждархони оғиздан кириб, куйругидан икки бўлак килиб чиқиб кетди. Ондин сўнг аждархони ўздирганига вакти хуш бўлиб бир сўз айди:

*Ёлғончи дунёсан йўқтур поёпине,
Хар кима бир шева этарсан, дунё.
Борму мунда асло тузук қўйгонинг,
Келганни останга отарсан дунё.*

*Кўзинг кўрганини олмай қўймассан,
Бош кесарсан, қон ичарсан, тўймассан,
Коғир билан мусулмонни билмассан,
Кундан кундин қаҳри бадтарсан дунё.*

*Бир қисм туфрогдин одам яратти,
Юз ийгирма тўрт минг пайгамбар ўтди,
Санго келган қайси бири ер тутди,
Кўймассан борини ютарсан дунё.*

*Қани санго келган Одаму Ҳавво,
Борисини яксон айладинг андо,*

*Кани Рустам, Пуртүр, Искандар, Доро,
Бир күн ёқосидин тутарсан, дунё.*

*Кимсани айладынг таҳст узра султон,
Кимсани құңғашни айладынг вайрон,
Хазрати Екүб ўғли Юсуфи Канъон,
Мисрга құл этиб сотарсан дунё.*

*Одам фарзандидаир шахона тұғын,
Етти дарә бордур ҳеч бұлмас фоний,
Қирқи бирдағ ұлды Довуддинг ұғлы,
Хар кима бир олам этарсан, дунё.*

*Кимларни әиглатыб кимни құлдирдинг,
Бошдин бошқа қаззобикни билдиридинг,
Әмбек әшилек ажедархони ұлдирдинг,
Ошимиза огу қотарсан, дунё.*

*На ёмон күнларни солдинг бошима,
Эранлар рахм әтди құзда ёши ма,
Күшлар әги бу ажедарнинг лошина,
Бу мори, қажедумни нетарсан, дунё,*

*Чархи қазерав фалак қароринг әүқтүр,
Харсиз бир мақомда түроринг әүқтүр,
Хеч ким бирла равиш мадоринг әүқтүр,
Плох билан әдодни нетарсан, дунё.*

*Ҳасратда әиглатдинг отам-онамни,
Юрагима солдинг қайғу аламни,
Е раб сандын истаб бүгүн қарамни,
Әтганингча ситам этарсан, дунё.*

*Ошақ Құмри айттур, дунё ёлондор,
Бу дунё құлгардин кечиб қолондор,
Ким сұяңса бу дунёға нодондор,
Күрганларни ҳар дам алдарсан, дунё.*

Алкисса, бу жавобларни тамом қылғондин сүнг әндиги сүзині Балх вилютидин әшитинг, вазири жүжаганни топшириб кеттән ёйнға назар киңса ёғ томиб турур. Бул вактда вазирнинг вакти хүш бўлиб тоңганинг вактида икки ракъят намози шукур вузув ўқиб, келиб подшога салом берди. Эй, подшохим мен бир туш кўрдим. Ё ўзинг ё йўратурғон топғил,

деди. Подшонинг Мулла гўё деган бир кишиси келиб айди. Эй, подшохим, жавоб бўлса бу тушни йўрайин, деди. Анда вазир бир сўз айди:

*Ётурдим бир кечা бир аҳвол қўрдум,
Бир бўлак жамоат, турғил, дедилар.
Хизир келиб тутоди ўнг ён дастишмдин,
Сўлингдаги тўрт чориёр дедилар.*

*Жам бўлиб келдилар бир неча поднио,
Биринси Ҳаводур, Бабиғотима,
Барчаси айдилар ҳамд ила сано,
Кўрқма банди оғдингдадур, дедилар.*

*Кун ботардин келди икки девона,
Бир дамини оғимас ҳақдин бегона,
Бурхи сармасст, шоҳ Ҳашраб девона,
Кўл очиб доимо дуо қалилар.*

*Жам бўлиб келдилар ўн икки атом,
Аларни ёдингдин қўймагни мудом,
Тилимдадур ҳакнинг никри субху шом,
Жуфтинг Ҷалх шоҳининг қизи дедилар.*

*Тўрам оҳи етган экан, Жаббора,
Тангри таҳдирина тонилмас чора,
Аждарни қилибдур ул икки пора.
Шахри Балхда даурон сурғил, дедилар.*

*Атрофимши қўришаб олди ҳранлар,
Юз йигирма тўрт минг ўтгани пайғамбар,
Абубакр, Умар, Үсмону Ҳайдар,
Мехнатинг йўқ бўлди, кулгил, дедилар.*

*Қосим вазир тушни ёлони бўлмас,
Ишишто кўнглим армони бўлмас,
Етарман мақсадга гумони бўлмас,
Бу сўз айтиб қўздин гойиб бўлдилар.*

Алкисса, Қосим вазир бу сўзни тамом қилгандин сўнг воқеа жойига Кўрқмас қалини юбордилар. У бориб аждаҳодин уч тасма олиб келди ва Салим подшога қараб бир сўз деди:

*Арзимни эшигтагы Балхнанг подшоси,
Юртингга бир соҳибқирон келибдур.
Сигиндим ман санга катъба ҳудойи,
Гӯё Маҳдий охир замон келибдур.*

*Мудом кезар бир оғлонинг йўлинида,
Али зуғификори бордур белинда,
Аждарҳо ётибдур согу сўлинида,
Юртингга бир соҳибқирон келибдур.*

*Хуснини кўрмиташ гулдин гузора,
Бир нолиши етган экан жаబора,
Қора уйдин чақаб бокмай почора,
Гўёки бир Юсуфи Канъон келибдур.*

*Сўзимни олдинга айлай муҳтасар,
Суратингни кўрдим мисли Искандар,
Үрунда гўёки мисли газанфар,
Тирилиб Рустами достон келибдур.*

*Кўркмас кал дер, ваъда ўгулдур султоним,
Юракда қолмади зарра армоним,
Балх келини бўлсин менинг хирмоним,
Юртингга бир соҳибқирон келибдур.*

Алқисса, бу сўзларни тамом этгандан сўнг Кўркмас кални кулли кулларга қалантар қилиб улуғ ва кичик денгиз капорига бориб тушибилар. Анда подшо Кумрижонга караб бир сўз аиди:

*Нечук султон эдинг келдинг устима,
Молу мулким санго бўлсин, жон қўзим.
Жон поёндоз оёқининг остина,
Тоғи таҳтим санго бўлсин, жон қўзим.*

*Уч ўил бориб сийнаб кўрдим ўзимни,
Жоним курбон сен эшигтаги, сўзимни,
Ўлжса қилиб олдинг боядин қизимни,
Нозли қизим санго бўлсин, жон қўзим.*

*Суратингни кўриб мумдаи ҳрибман,
Хисоб этсан эллик ёшга карибман,
Умр кисқа подшоликга қизибман,
Эрку давлат санго бўлсин, жон қўзим.*

*Кетма, санго токсан таҳтам берайин,
Соглиқинде бени кун дағрон сурайин,
Хаётим боринча бүйинг күрайин,
Эрку дағлат санго бүлесин, жон күзим.*

*Подио Салим айттар, ихтиёр санда,
Хеч төкәт қолмада жон бирла танды,
Сотсанг құшнагдурман, сакласанг банды,
Бир дуогүй құшнагдурман, жон күзим.*

Алкисса, шох Салим бу сүзни тамом килгандан сүнг Күмрижоннинг вазирина Салимшохнинг қизи Бибижонни никох килиб бердишар. Андии сүнг шахзода Зарнигорга ёлғыз равона бўлди. У Балх вилоятидин чиқиб, етти кун йўл юриб, бир чўл-у биёбонга борди. Анда вазирнинг кадри ўтиб муножот килиб, бир сўз деди:

*Ерин кўкни халқ айлаган бирубор,
Барча ишини ё раб ўзинг билурсан.
Яккалиқда дардга бўлдим гирифтор,
Барча ишини ёраб ўзинг билурсан.*

*Кудрат била матго айлагил карам,
Юрагимдин чиқар бу дарду атам,
Исонинг отаси ёй Биби Марям,
Барча ишни ёраб ўзинг билурсан.*

*Арз айласам сандин ўзга кимим бор,
Бир отинг Каримдур, бир отинг Саттор,
Яна бир отингдур Аҳмад ул Каҳҳор,
Барча ишни ёраб ўзинг билурсан.*

*Ошик Кумри кўрган тушиб ёғонму,
Боғоддодаги бизни эллар омонми,
Ё зранлар, ёра стмак гумонми,
Барча ишни ё раб ўзинг билурсан.*

Алкисса, бу сўзни тамом килгандан сүнг бир оккуш Күмрижонни кўтариб ўз бекасининг боғига келтириб ташлади. Күмрижон ҳайрон бўлиб, бу на куш эркан, леди. Шу пайт оккуш бир силкиниб, Күмрижоннинг олцина келиб, бир бобо суратида бўлиб айди:

“Ёй шахзода энди ғам ема, бое ўз беканғи боги турур-деб кўзлип тойиб бўлди: Күмрижон кўзини очса тонг отибдур. Анда Күмрижон эранлар сўзи ёлғон эмас, деб зор-зор йиглаб бир газал айди:

*Келдим санго меҳмон бўлиб,
Севар ёрим, уйгон энди,
Тоза бода боғбон бўлиб,
Севар ёрим, уйгон энди.*

*Эранглар келдилар мунда,
Ман бўламан синга банда,
Манинг даркор вайсум қанди,
Манинг жоним, уйгон энди.*

*Танимадингми ёрингни,
Олло эшитгай зорингни,
Истасам жуфт анорингни,
Манинг бикам, уйгон энди.*

*Тушда никоҳ қилди сани,
Фалак кўп ўртади мани,
Икки қўзимнинг равшани,
Нозли ёрим, уйгон энди.*

*Чекдим кўп жабру жафони,
Кўп ўртадинг сен меҳмони,
Келди дардингни дармони,
Нозли гўзат, уйгон энди.*

*Қумри дер, оллонинг қули,
Очилди умримнинг ғули,
Олиб кезди ҳазрат Али,
Тур, нозанин, уйгон энди.*

Алкисса, бу сўздан сўнг Тўтижонни Акл кавизи Кумрижонга навозими килиб бир сўз деди:

*Сан нечун келдинг бу бода,
Сўзла ўғлон, на корасан,
Кўзинг ўйнб солсан чоҳга,
Сўзла ўғлон, на корасан.*

*Сани ким келтирди мунда,
Ё гадомикан ё газанда,
Бир киромат бордур санда,
Сўзла йигит на корасан.*

*Бу жойғы көлмәгінг ҳавас,
Бағанд құнғынг этибсан наст,
Бикам, санғо лайиқ әмас,
Сүзла йигит, на корасан.*

*Жондир бу танда омопат,
Асл зотынғы баён эт,
Бу ериң дүзах ғұмоп әт,
Сүзла јғлон на корасан.*

*Бу богни дерлар Зарнисор,
Танда жетимдур бекірор,
Үтдім ғұнахынғы дылдор,
Сүзла јғлон, на корасан.*

*Ақт қаныз манинг отим,
Оллога етігандур додим,
Иккі дүпёда муродим,
Сүзла јғлон на корасан.*

Ондін сүңг қаныз бу сүзни тамом күлгач, Күмрижон қанызға караб
бир сүз деді:

*Холима огох бұл ёрнинг маҳрами,
Мани бу тақдира олло келтирди.
Лоладек күзимшінг өқди шабнами,
Дини барҳақ Расул оллох келтирди.*

*Тангрининг қаломидур ўттың пора,
Гоҳи ерда шодмон, гоҳи бечора,
Тогда маскан шутылан ё Вайсул Каро,
Сүлтун Хубби, Дағон ота келтирди.*

*Биканғын күрмешін сабо тогинда,
Оти Тұти Зарнигорни богинда,
Субҳидам вакында, саҳар чөгінда,
Үн иккі иному түртін өзінде келтирди.*

*Молу лашкарларим үлгірда қолди,
Худонинг тақдиди бизга шул бұлды,
Биканғ учун қызыл юзим соралди,
Тонғда әсган боди сабо келтирди.*

*Ошиқ Қумри нетар бибинг билмаса,
Ажал етиб наимонамиз тұлмаса,
Илөжем йүк ҳақдип карам бұлмаса,
Илес хұјса ақиғрасо келшірди.*

Алқисса, Қумрижон бу сүзни тамом килгандан сүнг, Тұтижон канизига айди, меммонни мунида олиб кел, деди. Үзи еридин туриб үлтүрди. Тұтижон айди:

“Эй йигит бу боғта нечун көлдінг?” Ондин сүнг шахзода Тұтига караб бир сүз деди:

Қумри:

*Құлқын соғыб арзым әнніт сұлтаним,
Хұрлана бу келгән мәхмөн паризод.
Тасаддүсинг бұлсан бу шириң жоним,
Үтмасин беш күнлик даврон паризод.*

Тұтижон:

*Сан келибсан Зарнигорни юртина,
Биканғы танирсан, биканғ танирсан.
Бир күлкөң күй, дүстүнгі айтған сүніна,
Биканғы танирсан, биканғ танирсан.*

Қумри:

*Паризодим ўзинг гүлсан, сүзине гүл
Рафторинг гүл, гүфтөринг гүл, юзинг гүл,
Чаянапар ичинде маң келгап бұлбул,
Чекарман күйнегде нолам паризод.*

Тұтижон:

*Манинг учун кирдінг жағфо дастына,
Ажал етиказади ернинг остина,
Кел чиқиб, саір эт сийнам устина.
Хүрингни танирсан, биканғ танирсан.*

Қумри:

*Нече күн күйнегде дарбадар юрдим,
Гоҳида йыгладим, гоҳида күлдим,
Жаҳонни ўзима коронғу билдим,
Юрагимда дөгу ҳижерон паризод.*

Тұтижон:

*Зулғым санинг белгариңга болғансин,
Дарәларинг тұлғиб, суви лойлансин,
Шикасты құңғынгдан жұранғ айлансан,
Жұранғы танирсан, ернинг танирсан.*

Кумри:

*Сафо тогда берди эранлар сени,
Ман демадим ёрим сандан ўзгани,
Паризодим икки қўнгум равшани,
Бу дунё беш кунлик даврон паризод.*

Тўтижон:

*Сайр этиб келибсан бу този бога,
Нолишинг етибди қодир худога,
Ёринг бўлсан қоматингдан садога,
Ёрингни танирсан, ёринг танирсан.*

Кумри:

*Кумри айтар, келдим санга гойибона,
Хасратингда бўлдим дали девона,
Энди машгул бўлсане айши даврона,
Олай оқ сийнангда ором паризод.*

Тўтижон:

*Тўти айтар, ихтиёрим қўлингда,
Жоним қурбон бўлсан санинг йўлингда,
Кел ўйнасане жуфтим акорим қўзингда,
Ёрингни танирсан, ёринг танирсан.*

Аммо иккилари бу жавобни айтишгандан сўнг шахзода Кумрижонни Тўтижон ҳарам саройига олиб бориб, оқ сийнасидан жой бериб, иккитари боғдаги очилган ўзлек бир-бирининг бўйнига қўлтарипи солиб, икки ошик-маъшук муродтиарина етдилар. Илохи хамма уммати Мухаммадни муродига еткургайсан.

САЁДХОН ВА ҲАМРО

Озарбайжоннинг Таракамон юртида Ошик Ахмад, Ошик Махмуд деган икки дўст бор эди. Буларнинг иккovi қиёматликни ўртага солиб дўст бўлган эдилар. Ошик Ахмад айди: -Ошик Махмуд дўстим”, “Агар, менинг ўғлим, сенинг қизинг бўлса, сен қизингни менини ўғлимга бер, агар, менинг қизим, сенинг ўғлинг бўлса, мен қизимни сенинг ўғлингга берайин,-деб вайда этиб, вайдалашдилар. Авлиё-ма-авлиё тунадилар, зиёрат этдилар. Сахар вактида ухлаб ётар эдилар. Ошик Ахмад! Сенга бир ўғил бердик, Ошик Махмуд-сенга бир киз бердик-дедилар.

Ошик Ахмад ўридан туриб кўрса, сахарнинг файзли вакти эди. Турив уйларига кайтдилар. Ошик Ахмад билан Ошик Махмуд хотинлари билан жуфтлик килдилар. 9 ой, 9 кун деганда Ошик Ахмаддини ўгли бўлди, отини Ҳамроқон кўйди. Ошик Махмуднинг кизи бўлиб, отини Салбиниёз кўйди. Бир неча йил орадан ўтди. 7 дан 8 ёшга қадам кўйганда болаларни элтиб, муслияга бердилар. Булар бир-

бирлари билтан ўйнаизмокни машқ киздилар. Ҳамројон 15 дан 16 ёшига чикди. Салбиниёз ҳам 16 ёшига чикди. Энди тапни Ошик Ахмаддан сұрапт. Ҳамројон қады камола келди. Ошик Махмуд дүстим энди буларниң иккисини түй қилиб, томоша қилиб, күшсек нечук бўлар экан?-деди, Ошик Ахмад. Анда Ошик Махмуд-Ажаб бўлар, деди.

Етти кечакундуз тўй-тomoша этиб, Ҳамроға Салбиниёзни бердилар. Эндиги сўзни кимдан эннат. Ошик Ахмаднинг бир дўсти бор эди. Кальзама-калья, кентма кент юриб, карвон билан савдоғарчилик этар эрди. Бир куни шу дўсти Ошик Ахмаднинг карвон саройига келиб тушди. Ошик Ахмад билин омон эсонлик сўрашди. Қани дўстим: Ўглинг борми?-деди Ошик Ахмад: Орий бор бўлса керак, деди. Йўстим, ўглингни чакир, ўз кўзим билан кўрайин-деди. Ошик Ахмад-ажаб бўлар, -деб Ҳамројонни чакирди. Ҳамројон кениб, одоб бизан Ошик Ахмаднинг дўстининг кўлини олди. Салом берди, ўглинг шуми - деди дўсти. Орий шул бўлса керак, деди Ошик Ахмад.

Кани, буз ўглингни уйлантирган бўлсанг келинни хам чакир-деди. ўз кўзим билан кўрайин дўстим, тенгии топиб олиб бериб-санми ё йўкми-деди.

Ажаб бўлар-деб Салбиниёзни ҳам чакирдилар, у кўшика келиб, салом бериб, Ҳамројоннинг кошиға келиб ўтириди. Ошик Ахмаднинг дўстин -келиниң шуми,-деди, -шу, деди Ошик Ахмад. Салбиниёз кўшкига караб кайтди. Салбиниёз кетгандан кейин, эй Ошик Ахмад дўстим, ўглинг-ку ҳазрати Юсуфнинг инсони сийгтан ўчила экан, бунинг тенгини топиб олиб бермаган экансан. Унда Ошик Ахмад: Менинг ўрлимнинг тенги қаерларда бор.-деди.

Ўглингнинг, тенгии мен айтаман-деди дўсти. -Рум шахри деган шахар бор, унинг Маматхон подиоҳ леган подшоси бор. Қизил олма деган жойда 40 таноб боги бор. Сарховузи бор. Кув ва гози бор, унинг Саёдхон нари деган кизи бор. Ёнида кирк канизи бор. 90 газ кўшки бор. Шу кўшкда бўлади, ўглингнинг тенги-деди.

Буз сўзни айтиб карвон йўлига ҳушиб равона бўлди. Энди сўзни кимдан эшитинг, Ҳамројондан эшитинг. Бир йилдан берин Саёдхонни тушида кўриб, ичидан касал бўлиб, не ердалигини билмай юрур эди. Унинг дарагини эшитганинг эргасига азонда иргиб еридан туриб, эттига созини олиб, икки этагини чизгаб. Озарбайжон-Таракамон ютидан чикиб, “кайласан Рум шахри, Маматхон полшонинг юрти” -деб, йўлга туниб равона бўлди. Эндиги сўзни кимдан эшитинг, Салбиниёздан эшитинг. Ҳамројоннинг кетиб боринини канизи айтиб келди. Салбиниёз ириб еридан туриб, “Ҳамројонни кайтарайин” деб, кора кийиб, мотаси тутиб, Ҳамројоннинг кейнидан югуриб кетди. Бир неча мазғил йўл юриб. Ҳамројоннинг кейнидан етди, олдига чикиб, йиғлаб ётаберди. Ҳамројон айтиши: -Во лариг! Энди мунга не дерман?, бир давр соз, бир давр сўз айтсан, шу сўзга тушуниб, кетмасмикан,

деган хаёл пайдо бўлди. Эгнидан созини олиб, Салбиниёзга караб бир сўз айтиб, турган экан кўринти, не дер экан:

*Юзингни дўндириб, читма қошингни,
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил, қорани.
Хумор, ола кўздан тўкма ёшингни,
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил, қорани.*

*Ўзинг бир подшосан таҳтингда бордир,
Агар сабр айласанг баҳтингда бордир,
Қора кийма, сенинг ҳаддингда бордир?
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил, қорани.*

*Сарҳовуз бўйига доллар ярашур,
Оқ юзинга кўша холлар ярашур,
Ёрим қора кийма, қизи лярашур,
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил, қорани.*

*Ер юзида қиблагоҳни севарсан,
Ариш устинда ул даргоҳни севарсан,
Қора кийма, бир оғлони севарсан,
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил қорани.*

*Не сабабдаи этгани аҳдинг унумтдинг,
Тириклиайн менинг аъзамни тутдинг,
Ҳамронинг ўлганин сен қабул эттинг,
Кел-ҳо, нозлум сен киймагил қорани.*

Деб, бу сўзни айтиб Ҳамроҷон йўлга равона бўлди. Ҳамроҷондан бу сўзни эшитиб, Салбиниёз йиглай-йиглай кўшкига кайтаберди. Келаётниб ўлади. Мен отасининг ёнига борайин, отасига Ҳамроҷоннинг кетиб бораётганини айтгайнин, отасининг айтгани билан кайтмасмикан?—деган хаёл пайдо бўлиб, Ошиқ Ахмаднинг тилло пўш саройига караб йўлга тушиб, равона бўлди. Ошиқ Ахмаднинг эшигини очиб юбориб, адаф билан салом берди. Ошиқ Ахмад алиқ олди ва ҳайрон бўлди. Нечук келди экан бу деб. Шул вақтда Салбиниёз Ошиқ Ахмадга караб, Ҳамроҷоннинг кетиб бораётганини баён этиб, бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дер экан:

*Эй ёронлар мусудмонлар,
Бизнинг ёр кетмали бўлди.
Бошимни қўйдим ўйлина,
Босибон ўтмали бўлди.*

*Кўринглар ёрнинг инани,
Оқизиб кўздан ёшиини,
Ўзга юртларга боанини
Олибон кетмали бўлди.*

*Аввалда мени шод этиб,
Дўсту-душманга от этиб,
Охирда яна ёт этиб,
Тоза ёр тутмали бўлди.*

*Мен чекарман бу жафони,
Ўзгалар сурар сафони.
Мухаббат меҳри-вафони,
Ёрим унумтаниш бўлди.*

*Кунимни дўндириб ёса,
Кўна дардим этиб тоза,
Отами айлаб Салбиниёза,
Хамројсон кетмали бўлди.*

Бул сўзни эшитиб Оник Ахмад ўғлининг кеттанини билib, Салбиниёз келинини эргаштириб йўлга равона бўлди. Бир неча мазгили йўл юриб. Хамројоннинг кейнидан қичкириб борар эрди. Хамројон кейнита караса отаси билан Салбиниёз ёрининг келинини кўриб тўхтаб турли. Ошик Ахмад билан Салбиниёз ёри этиб борди. Хамројон отасига салом берди. Ошик Ахмад айтди:-Эй ўғлим Хамројон, кайда борарсан?-деди. Онда Хамројон:-мен Рум шахрига борарман,-деди. Онда Оник Ахмад:-ўғлим Хамројон: Ул юртларга сен кетма, Рум шахри деган узок юрг бўлса керак. Сенинг керагинг, сўрагинг яхши киз, яхши келин бўлатургон бўлса, этнингда созинг, юр ўғлим кальзама-кальза, кантмакант актариб хоҳлаган кизингни олиб берайин-деди. Хамројон: -Йўқ ота, мен Рум шахрига бормасам, Мамадхон подшонинг кизи-Саёдхон парини олмасам, тоби-токатим бўлмас.-деди. Отасининг айттанини тингламай, кайласан. Рум шахри леб йўлга тушиб равона бўлди. Ошик Ахмад ҳам ўз кўшкига кайтиди. Салбиниёз ҳам кайтиб кела ётиб ўйланди:-Иккимизни ўқиттагач мулланинг уйига борсам, Хамројоннинг кетиб бораётганини айтсан, мулласидан уялса-да кайтар, сийласа-да қайтар,-деган хаёл пайдо бўлди. Мулланинг уйига караб йўлга равона бўлди. Мулланинг уйига этиб борди. Эшигини очиб юбориб, алаб билан салом берди. Мулла саломга алик олди. Онда Салбиниёз Муллога: -ўғлингиз Хамројон, Рум шахридаги Маматхон подшонинг кизи Саёдхон парига ошигу гирифтор бўлиб кегиб бораётпир, бир тавалло этсангиз печук бўлар экан-деди. Мулла-ажаб бўлар кизим,-леб ирғиб

еридан туриб хассасини кўлига олиб, Салбиниёзниг олдига тушиб йўлга равона бўлди. Бир неча мазгил йўл юриб, Ҳамроҳон, деб кичкирди. Ҳамроҳон кейнига караса мулла билан Салбиниёз ёрининг келишини кўриб, келиб тўхтаб турди. Муллоси билан Салбиниёз кейнидан етиб борди. Ҳамроҳон муллосига адаб билан салом берди. Мулло! -Эй ўғлим Ҳамроҳон! Қайда борурсан?-деди. Ҳамроҳон:-Бораётган ери пинхони ошвилик, айтмайин деса бўлмади. Ахири алина созини олиб “бир давр соз, бир давр сўз айтсан тушунмасмикан” деб, кетиб бораётган томонини айтиб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дер экан:

*-Энди бундан кетар бўлдим бош олиб,
Бир парининг савдосина тушубман.
Багрим эзib, кўклиримга ёш олиб,
Хон парининг савдосина тушубман.*

*Ишақка тушсан иқду-хушин олдирип,
Ўзи йиглаб, душманини кулдирип,
Ога бўл дард бир кун мени ўлдирип,
Бир парининг савдосина тушубман.*

*Фатакнинг алшинан жиссим ёқарман,
Бир ёринг дардидан қонлар ютарман.
Тавалло айламан, муллам кетарман,
Хон парининг савдосана тушубман.*

*Ошиқ Ҳамро ошиқ тикининг йўлида,
Сўнагар гарқурар чашмим кўлида,
Бош қўйибон хон Саётшине йўлида,
Хон парининг савдосина тушубман.*

Деб бу сўзни айтган вактса муллого бу сўзлар яхшигина таъсир этди. Мулло айтди: Бунга тавалло бекор кетар, бунга гап айтмайин- деб, “Бор Ҳамроҳон ўғлим, йўлинг бўлсин”-деди. Оқ фотихани бериб колаберди. Ҳамроҳоннинг вакти хуш бўлиб йўлга равона бўлди. Мулло билан Салбиниёз уйларига қараб кайтаберди. Хабарни энди Ошиқ Ахмаддан сўранг. Ёлғиз ўғлимни ёт юртларга юборавердим, не яхшилик бор, не ёмонлик бор, ўғлимнинг кейнидан кетайин, не бўлса икболимдан кўрайин, деб бир йўргани эгарлаб, ўзи минли. Бир йўргани эгарлаб етаклади. Озик-овкатларни жам этиб, мешик-мутроларни сувдан тўлдириб, кайдасан Рум шахри-деб, Озарбайжон Таракамон юргидан чикиб, йўлга тушиб равона бўлди.

Бир неча кун юриб, Ҳамроҳоннинг кейнидан етди. Бир кора

кўрдим кўринаверди. Ҳамроҳон кўп узок кетган экан. Ҳамроҳоннинг кейнидан кичкирди. “Ҳей Ҳамроҳон ўғлим! Тўхта шу ерда”, -деди. Ошик Аҳмаднинг кичкирған товуши Ҳамроҳонга етиб борди. Ҳамроҳон кейнига караса отасининг от чопиб келишини кўрди. Ҳамроҳон тўхтаб турди. Қараса отасининг бир йўргани чиниб, бир йўргани етаклаб этнига созини осиб, келаётганини кўриб, Ҳамроҳон хайрон бўлди. Отаси етиб келди. Ҳамроҳон одоб билан салом берди. Отаси “алик” олди. Ўғлим Ҳамроҳон! Ёт юртларда не яхшилик бор, не ёмошлиқ бор, икбалимдан кўрайин, ана бу отга мин-деди. Ҳориган одамнинг иши ўзларингизга маълум-ажаб бўлади-деб, Ҳамро иргиб отга минди. Ҳа ота! Энди ўзинга келибсан-деди, Ҳамроҳон.

Отали-болали иккиси Озарбайжон Таракамон юртидан чикиб, Рум шахри кайдасан?-леб йўлга тушиб равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юрди, бир неча кун чўл юрди. Кунлардан бир куни буларнинг сувлари туканли. Ошик Аҳмад айди; -Эй Ҳамроҳон ўғлим! Бу чўлу биёбонда сувсизликдан ўлиб қолмойик, сен шу ерда отларни саклаб қолсанг, мен бир сув топарнинг иложини топсан, нечук бўлар экан, ўғлим?-деди.

-Ажаб бўлар! Деб Ҳамроҳон отларни саклаб колаберди. Ошик Аҳмад бир буюк тўбанинг устига чикиб хар тарафга каради. Қараса ўнг томонда кўз учиди ялтираб бир чашма кўринди. Ошик Аҳмад мешик-муртоларини оркалашиб шу чашмага караб юрди. Бир неча мазгил йўл босиб шу чашмага етиб борди. Сув ичди, сероб бўлди. Мешик, муртоларини ҳам тўлдириди. Энди қайтайн деб турганда, чашиманинг кун ботар тарафидан бир бўлак кизлар, келинлар кўлларнiga мис тунг унилаб, саллонинишиб сувга келабердилар.

Якин-яқин келгач караса, буларнинг ичиди бир киз бор 17 дан 18 га кадам кўйган, 14 кечанинг ойи каби, бир кечанинг кори каби. Ошик - Аҳмад бу кизни кўриб, ёш йигит вақтидаги кўхна касаллари кўзгалиб тураберди. Бу кизлар ҳам сув олиб, сероб бўлди. Мис тунгжарини сувдан тўлдириди. Анда Ошик Аҳмад: -бу кизларни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам армонда,, 5-6 оғиз сўз айтган ҳам армонда-айтмаган ҳам армонда-леб бир сўз айтиб, кизларга караб қийгириб тур. Кўрик не дер экан:

*Чашмасидан мис кўзасин тўлдиран,
Мамали қиз, бобонг билан кел таниши.
Ошигин ғлодириб яна жсон беран,
Сўнаги қиз, бобонг билан кел, таниши.*

*Боши бўлибсан бир бўлакча ушога,
Сўз соланда бўйининг солма ошога,
Ошиқ бўлдим белингдаги юшога,
Мамали қиз, бобонг билан кел, таниши.*

*Сагринга солибсан узун сочинги,
Ошиқтарга багишларсан жүжесинги,
Минг тұмана берсанғ, олам ұзингни,
Мамалы қыз, бобонг билан кел, таниш.*

*Мис күзани күтарибсан дөлиңга,
Күрбон бұлсам юшнда холингга,
Лабім күйсам лабиңдай болинга,
Мамалы қыз, бобонг билан кел, таниш.*

*Узоқ ійлідан келип әдім гойибона,
Сени құрган бокымас ҳуру гылмона,
Ошиқ Ахмадни сен келтирдинг омона,
Мамалы қыз, бобонг билан кел, таниш.*

Бу сүзни айтған вактда янғоғи кыздарнинг ичидати түзат кыズни –
Хон пари деб аттар әдилар. У юртларда оқсокодай кишини –хўжа киши-
дер эди. Соз күтартган кишини шоир -дер эди. Хон пари айди: -Эй Хўжа
киши-бундай сүзларны айтмокка ўёлмасмисан-деди. Бизлардай
келинининг ҳам бордир, кишиниң ҳам бордир, уят эмасми,-деди. Кўлида
сози бўлмаса-да, тилида сўзи, Ошиқ Ахмадга караб бир сўз деб турибди.
Кўрилг не дер экан.

*Таракамон ошиқи пердан келарсан,
Оллони севарсан бобом ал кўтар.
Чор тарафдан печа ҳабар берарсан,
Оллони севарсан, бобом ал кўтиар!*

*Бобо сенинг омеки-ожехи сўзине бор.
Манглайши да тошдан қантак кўзине бор,
Менингдайин келишине бор, қизине бор,
Шуларни севарсан бобом, ал кўтиар!*

*Бобо ўзинг қартиайбсан-чошибсан,
Хўжса бўлиб сен ҳаддиндан оинбсан,
Бир бўлакча қиз кейинина тушибсан,
Оллони севарсан бобом, ал кўтиар!*

*Сийнама солибсан мунчакиқ дөзи,
Сени киргизмаслар кишиниң бози,
Ошиққа ярашимас соқолиниң ози,
Оллони севарсан бобом, ал кўтиар!*

*Сувга чиққанимни ҳеч ким билмади,
Икки оғам мендан хабар олмади,
Чоңған карри қоптагимдан қолмади,
Оллони севарсан бобом, ал күтар!*

*Хон пари дер, өзү савдога тушибсан,
Эътиқодинг кимлар билан күшибсан,
Магар қартайбсан, йўқса сошибсан,
Оллони севарсан, бобом, ал күтар!*

деб бул сўзни айтган вақтда, Ошик Аҳмад: “ал күтар, сал күтар билан ўзинг бой бўлавер”-деб кутирган кўниш ёли югуриб боғда қизнинг ёнига бориб, кучоклаб остига босиб, ўпаберди. Ошик –Ахмаднинг тимлари қизнинг бетини даншона сурраганлай этиб, йиртиб-йиртиб ташлади. Бунга Хон парининг ёнидаги қизларнинг аччиги келиб айтди: Хон парини хўжакиши кўлига ташлаб кўймайлик, кўлидан олайлик, хўжакиши ура-ура кувмок керак, хон парини олмок керак, деб бари бирдан югурди. Қизлардинг ургани ўзларингизга маълум, ким уриб кочиб бораётир, ким буриб кочиб бораётир, ким тепиб кочиб бораётир. Ошик Аҳмадни улар эсанкиратди. Қизлар Ошик Аҳмаднинг ким оёғидан, ким кўлидан, ким ёкасидан, ким пешонасидан, тутиб судраб олиб, ўта кетди. Бир тепанинг устига чиқарди. Ошик Аҳмадни ётказиб кўйди. Икки неши билан кўлларини ўрадилар. Қизлар жамлашиб туриб, тепадан пастга каратиб, бари бирдан тепиб юборипди. Қизлар келган йўли билан, мис тунгчаларини орқалаб, кочиб кетишиди. Энди хабарни Ошик Аҳмаддан сўрапа. Шу тепадан тушишда Ошик Аҳмад юмалаб пастга тушди. Иргиб ўрнидан туриб, кўзини очиб караса, қизлар кўз учида кетиб борар эканлар.

Ошик-Аҳмад чўгирмасининг чангларини қокинидириб бошига кийди. Қайта қизларнинг изидан кувиб ўтирди. Қизлар ҳам кочиб ўтирди. Ошик Аҳмад қизларнинг кетидан етдим-етдим леган вақтда қизлар бир тепадан оширилиб тушди. Ошик Аҳмадни тепанинг устига миниб караса, кўз учила бир чорва элатини кўрди. Ошик Аҳмад айди: - Менинг узоқ йўлим якин бўлди, Ҳамроҳонни олиб Рум шаҳрига кетиб юргандан, шу элатга келиб, соз чертиб, сўз айтиб, Ҳамроҳонга Хон парини олиб беришнинг иложини кўрайин-леган хаёл пайдо бўлди. Чашмага караб кайта берди. Чацма болига келди, сув ичди. Мецик мутрасларини сувга қайтадан тўлдириди. Ҳамроҳоннинг ёнига караб йўлга равона бўлди. Бир дамиларда Ҳамроҳоннинг ёнига етиб келди. -Эй Ҳамроҳон ўғлим! Шу ерда мен бир киз кўрдим, бор бўлса Саёдхонинг шунчакли бордир, йўқ бўлса унинг кўлига сув ҳам куёлмас. Узоқ йўллимиз якин бўлди. Юр ўғлим, ўбосига бориб, соз четиб, сўз айтиб, сенга олиб берарнинг иложини кўрайин, -деди. Анда Ҳамроҳон: -Хов

ота! У элат не деган элат экан?-Анда Ошик Ахмад: -Ҳасанли курд – деган чорва злати-деди. Анда Ҳамројон: -Ота! у элат биз билан ёвми, ёлми?-деди. Анда Ошик Ахмад: -Ҳасанли курд-деган чорва злати,-деди. Анда Ошик Ахмад: биз билан ёв бўлса керак,-деди. Анда Ҳамројон?-Анда ота, у элатга бизлар бормайлик. Агар у элат ёв бўладиган бўлса, бизнинг олимизни егаи карға бу юртларда турмас, дели. Анда Ошик Ахмад,-Йўқ ўғлим, шу элатга борайтил, олажак Саёдхонинг шуучалик йўклири. Рум эли кайла, бирор кайди. Шу кизни олиб бериш иложиши кўрайин ўғлим,-деди

Ҳамројоннинг аччиғи келди. Азондан бери Ҳамројон отасининг этган ишларини бир тенанинг устида ўтириб кўриб турган эли:-Хов ота! Сен азооплан берли этаригини этдинг! Киларнинг қилдинг хеч бир вактида отасидан қолган нарсани боласининг олгани борми?-деди. Бу сўзини айтиб, Ҳамројон отга миниб, йўлга тушиб, Рум шахри кайласандеб от чопиб, бадар кетди. Ошик Ахмад ҳам ноилож бўлиб, боласининг кетига тушаберди. Бир неча кун йўз юрди. Бир неча кун чўл юрди. Рум шахрининг бир чистига етишдишар. Шундай бир ўбанинг ичидан ўтиб борар эдилар, бир бўлак кизлар, келинлар кўлларига гул ушлаб, сайрон этиб содлонишиб ўтабердилар. Ошик Ахмад қараб турса бул кизларнинг ичина бир киз бор. 15 дан 16 ёшга кадам кўйган. Ой деса оғзи бор, кун леса кўзи бор. Ошик Ахмад шул кизни кўргандан кейин ёпи йигит вактидаги кўхна касали яна кўзиб тураберди. Ошик Ахмад айли,-Хой Ҳамројон ўғлим! Тур шу ерда, алинга ол созингни, баланддан чикар овозингни, алинингни созин кўрсин гапичнинг тузин кўрсии, шу келаётган кизларга бир давр соз, бир давр сўз айтиб ўт. Агар Саёдхон ёринг шуларнинг ичилади бўлса, бир хабарин бераб ўгар, деди. Анда Ҳамројон:-Менинг ёрим Маматхон подшонинг кизи бўлса, ё боғда бўлса керак, ё боғчада бўлса керак, муниципдай ўба кезиб юрмас. Бунингдай юрт кезиб юрган кизларга созимни ҳам, сўзимни ҳам зоя этмасман,-деди. Анда Ошик Ахмад айтди. -Эй Ҳамројон ўғлим! Айтмасанг айтма, черимассанг чертма, мунингдай киз, келин кўринингдан, оташдан ҳам 5-6 оғиз варсаки сўз топилиб колар-деб этнидан созини олиб Ошик Ахмад кизларга қараб бир сўз айти берди. Кўринг не дер экан:

*Неча алвон дўнар юз турли боғлар,
Боғларнинг сафоси ёз билан келар.
Бир бўлак нозиллар чиқомини саирона,
Соллона-саллона ноз билан келар.*

*Парим кўксингдаги кўнина жумрилар,
Кўксингни кўрмасин жеохиг- жумрилар,
Боғдоф ўлкасидан тўти, кумрилар,
Кўшилмас ўрдакга гоз билан келар.*

*Күзларимдан оқиб давом қонли ёш,
Нечук раҳминг келмас золим бағри тоши!
Үйридан айралган ёлгиз ёшил боси,
Улар ҳам юз турли соз билан келар.*

*Йигитга ярашур орувлик, поклик,
Мавлонга ярашур яккалик, еклик,
Тур энди шу ерда сабр айла каклик,
Бек ўғли устингга боз билан келар.*

*Қызил гулни даста- диста теранилар.
Хабар беринг ёр жасолин кўрапилар
Ошиқ Аҳмад айттур: нирим эранилар!
Ҳар кулининг олдинга ёзилган келар.*

Деб, бу сўзни айтган вактда , қызлар менга айтдингми, яна бирорвга айтдингми, демай, оркасига карамай бораётган йўли билан кетаверди. Ҳамроҳон аиди:- Айтмадимми ота! Буларга созингни, сўзингни зоя этма, деб. Анда Ошиқ Аҳмад:- хой Ҳамроҳон ўғлим! Бунингдай кизларни кўрганда не бир созлар, не бир сўзлар зоя бўлиб кетаверса керак. Айтганда айтатурғон мен, чеरтганда чеरтатурғон мен шунинг учун Ҳамроҳон ўғлим хафа бўлма,- деб Ошиқ Аҳмад отини минаверди. Ҳамроҳон ҳам отини минди. Отасининг айтган сўзига аччиғи келиб, отига қамчи уриб, бадар кетди. Ошиқ Аҳмад ҳам кетида бораверди. Кун кеч бўлди. Кун ботар вактида бир чорва чўпонлар кўшида меҳмон бўлдилар. Чўпонлар буларга зиёфат килдилар. Тонг отди, кун чиқди. Кун ботардан бир кун чиқди. Кун чиқардан ҳам бир кун чиқди. Анда Ошиқ Аҳмад аиди: - эй чўпонлар! Жўралар! Кун чиқардан чиқкан кун ўзимизнинг кун, кун ботардан чиқкан кун не кун бу? - деди. Чўпонларнинг саркарласи айтди: - кун ботардан чиқкан- кун эмас - деди. Онда Ошиқ Аҳмад айтги: - у не? - деди. Чўпонлар саркарласи:- Ну Рум шахри – деган шахар, Маматхон подшо деган пописи бор. Қизил ойма деган срда кирқ таноб боги бор. Богида сарҳовузи бор, кув ва гози бор. Саётхон пари деган бир қизи бор. Ёнида кирк канизи бор. Сарҳовуз бошида тўқсон газ кўшики бор. Кўшикига олгиндан – кумушдан ранг берилган. Кун билан ёлтираб турған шунинг кўшки, деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди: - Ўзларимизнинг ҳам излаб келаётганимиз шу кўшик эди,- деб отларни эгарлашта киришди. Зартанг – забартанг, қойим-эгарлаб, жуфт айилларини маҳкам чекиб, иргиб отини миндилар. Рум шахри кайдасан? - деб ота- бола иккови от чопишиб, бадар кетдилар.

Бир неча мазғил йўл юрди, бир неча мазғил чўл юрди, боғнинг бир четига етиб бордилар. Ошиқ Аҳмад билан Ҳамроҳон от чопишиб боғни уч айландилар. Кўрсалар кираврга йўл йўк. Ён эшиклари танбали.

Дарвозалар кўмилган. Ошик Ахмад буни кўриб ҳайрон бўлди. - Эй Ҳамроҳон ўғлим! - Саётхонни оламиз- деб, бир камалиб ётган юрги келдик- деди. Анда Ҳамроҳон айтди: - ха нечун деди. - Йўқ ўғлим! Кўрмалингми? Ёз эшиклар, дарвозалар кўмилган, бунинг не еридан кирамиз ўғлим?- деди. Анда Ҳамроҳон айтди:- хов ота! Ҳовлиқма- деди. Теварагингга бир кара, - деди. Карасалар боғнинг орка ёни дарё экан Дарёдан бир оёқ солма олиб кирибдирилар. Уни тешиб, бокки ўтказибдирилар. Ошик Ахмад айтди - ана киратурғон ерни топлим, ўғлим - деди. Ҳамроҳон айтди: - Ота! Буни не деб айтадилар?- деди. Отаси бу киратурғон ернинг оти бор ўғлим,- деди. Анда Ҳамроҳон: - отини айтгиб беринш, мен хам ўрганайин, деди. Ажаб бўлали ўғлим деди. Ҳонка лабзинда- раванак- дерлар. Ҳазорасп тилида- мугдор дерлар, Мори тилида - сувадуш дейди. Юқори тилида - боғнинг сув ўткармаси, дейди. Туркман тилида- гечирма дейдир. Ўзбек лабзида, тўппа- тўғри сўз- тўнғиртка- лейдир. Ошик Ахмад айтди:- Ўғлим Ҳамроҳон! - сен шу ерла отларни сақлаб колсанг, мен бир кари одам, шу боғнинг ичига кирсам, не яхшилик бор, не ёмонлик бор, икбонимдан кўрсам. Нечук бўлар экан ўғлим? - деди. Анда Ҳамроҳон: - хов ота! Шунча йўлдан келиб, сен ошикма, мен ошикма, ким ошикади, деди. Анда Ошик Ахмад:- мен ошик- пошиғини билмасман ўғлим, боғнинг ичига кираман, деди. Анда Ҳамроҳон ушлади отасининг пешидан, ул у ёқка тортиди, бул бу ёқка тортиди. Отаси боласи иккоби хинкта- хинк тўбалашатурган бўлди. Анда Ошик Ахмад айтди:- Ҳамроҳон ўғлим бир шарт бор. Шу шартга турармисан, - деди. Ҳамроҳон:- хов ота! У не шарт, - деди. Йўқ, ўғлим иккимиз кураш этамиз, йикилган одам отларни сақлаб колсин, йиккан одам бокка кирсий - кани шунга турсамни -деди . Ҳамроҳон айтди: Ажаб бўлали, ота,- деди. Ул шартингга турдим, -деди. Отларни югандан кантариб ташмадилар. Бирорнинг таноб яримдай бир будой шудори бор эли. Отали бола иккоби чирмашиб олиб ўта кетди. Гоҳ Ошик Ахмад ураётир ёнбошни,гоҳ Ҳамроҳон ураётир ёнбошни, кари одамнинг иши ўзларининг гизга маълум, урди Ҳамроҳонни белидан кучоклаб, Ҳамроҳонши зўрға тиз чўктириди.- Эди отларни сақлармисан, ўғлим- деди. Ота! Ҳали мен йикилдимми? - деди.- Туркманча тиз чўксанг- йикилғанинг- деди.- йикилсам йикилдим, деб, кўлити юбориб тура берди. Ҳамроҳон отларнинг ёнига бориб, икки отни ушлаб, тураберди. Хабарни кимдан, Ошик Ахмаддан эшигин. Ошик Ахмад тугуриб келиб урди ўзини тўнгурткага-утмади. Ут-бошларини очиб, ентилрек бўлиб кирсам, деган хаёл пайдо бўлди, кўйлак-иштонидан бошкасини очиб очиб, боз девордан ошириб зингди. Кўйлак иштони билан югуриб бориб урди ўзини тўнгурткага тўни иртқадан йилишмади. Ошик Ахмад кўйлак иштонни ҳам очсан, йилмароқ бўлсан, ўтмасмиканман-деб, кўйлак-иштонини ҳам очиб, девордан иргитиб уриб, югуриб келиб урди ўзини тўнғирткага ўтмали. Ўйланиб, мен бу ерда тураверсам, подшонинг

богбони кўрса,-бокка тушаётирган ўгри-деб олиб борса Маматхон подшонинг олдиға. Мендан бошка одамни дорга осиб ўлдирмас деб, тўнгиртканинг оғзига кетди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Бу ерда кўп иркилиб, тураверсам, нарёгидан бирорвлар келиб, кийимларимни олиб кетса, мендан бошка одам шарманда бўлмас, нарёғига ўтайин бунинг-деб, югуриб келиб урди тўнгирткага йилишиб бораётир эди. Нариёғига ўтдим, ўтдим деган вактда тўнгиртканинг ўрта ерида бир атаноғи бор эли. Қундан Ошиқ-Аҳмаднинг калласи ўтиб, икки эгни атаноқдан ўтмай, тирп этмай ёғаверди. Ошиқ-Аҳмад айтди:-Ажалим етиб бу юртларга келган эканманов ўлигимни -тиргимни киши билмас бунда мен ётаверсам, не орқамга чиқолмасам, не-олдимга чиқаолмасам, Ҳамроҳон ҳам ўлигимни, тиргимни билмаса, бир кун ўтирар, икки кун ўтирар. Отарбайжонга караб қайтаверса, мен ҳам бу ерда ёғаверсам, подционинг кизи ҳам бир эрка бўлади. Боглар сувсади деб боғбонни чакириб, бокка сув оч-деб буюрса, боғбон ҳам дарёдан сувни очиб юборса, сув ҳам келиб тўнгирткага келиб бир катра окмай тураберса, анда Саёдхон пари ҳам боқка сув кирмади-ку леб, тўнгирткага бир чўп илди керак деб, бир телбанинг кўлига берса, бир кора тоининиузун ходасини, олиб уриб юборса, нима килтаман,-деб кўп кайғурди. Ошиқ Аҳмад айтди:-кел бунга бир зўр этиб кўрайин деб, обигини бир тираб юборди. Шу билан атанокни синдириб боғнинг ичига ўтди. Ошиқ Аҳмад ховлиқиб, кўйлак-иштонларини караса хеч ким олмаган экан. Ташлагани ташлаган жойида, тушгани-тушган жойида ётган экан. Ошиқ-Аҳмад кўйлак-иштонларини кийиб олди. Боқка назар этиб караса бир боғси, гуллар очилиб турган, булбуллар сайраб турган, кушлар ҳамду сано ўқиб турган, булоқлар ҳар тарафга оқиб турган. Богнинг ичи гулу-гулизор гўё, фасли баҳор бўлиб турган. Назар этиб караса, олма, анор, чиста, бодом, боғда ўзи пишиб, ўзи тушиб ётибди. Ошиқ-Аҳмад айтди, шунча кундан бери оч наҳор юрибман, бундай боқка назарим тушган вактда корнимини мевалардан тўйғазиб олиб, ундан сўнг Саёдхонни қидиртганда бир нима бўлалими, деди. Олмани бир четидан емакка киришди. Хиёл таъриф этиб айтсан таноб ярим ернинг олмасини еб битирди. Ошиқ Аҳмаднинг корни тўлиб яна ярим бўлди. Ошиқ Аҳмад юкоринга боқиб караса, олманинг шоҳасида қўш муштдай, чойнакдай қип-қизариб пишиб ётан олмаларга кўзи тушди. Ошиқ-Аҳмад айтди: бунинг остида ётиб курт-кумурскадан колган чирик ҳаромларини еб юрган эканманов-деб, “туф-туф” -деб, тупуриб, югуриб ўта кетди. Бир солманинг бўйига борди. Оғизларини сувда чайқаб ташлаб, “егангэ кўра бунинг ҳалолидан еяйин”-деб, югуриб келди олманинг тубига, тирмашиб бошига чиқди. Тепиб у шоҳани у ёкка синдириди, тепиб бу шоҳани бу ёкка сипидири. Олмадан тўманга тушди. Олмаларни термакка каради. Бир ерга хирмон этиб уйди. Бордошини текисдан ташлади. Қизилидан, яхисинни олиб, Ҳамроҳоннинг пойи бўлсин- деб, кўйинларига тигиб

тўлдириди, киссасидан паранги чаккисини чикариб, олмаларни сўйиб, емага машгул бўлди. Ошик Ахмаднинг корни тўйди.

Олманинг сувини сўриб иккисиги икки томонга пуркиб ташламакка қарди. Бул сўз бу ерда турсин, энди сўзни кимдан, эшитинг Сайёдхон паридан эшитинг.

Сайёдхон нари кирқ канизи билан тўкеси газ кўшки устида ўлтириб, буни кўриб ўтирган эди. Канизларига айтти:-Боринглар! Бокка бир хўжка киши кирди. Ура-ура икки кўлини орқасига боғлаб, бунда келтиринглар,-деди. Нечук бежавоб бокка кирган у, — деди. Ажаб бўлади- деб, эрмак тонимай юрган канизлар кетишди югуриб. Канизлар етиб борса, бир хўжя кини олмалариниң еганини ебди, емаганини сувини сўриб колганини икки ёкка пуркаб ўтирибди. Дархол канизлар туш- тушидан ушлаб, икки кўлини орқасига қайриб танидилар. Сайёдхон парининг олдига караб, ўртага олиб, ҳайдаб борарап эрдилар. Сайёдхон нари ҳам кўшикидан пастга тушиб, боғимга нега бежавоб кирдинг?- деб Ошик Ахмади караб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дёяр экан:

*Ҳўяса кини гуноҳингга қойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?
Кўзларимни жамоатина мойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?*

*Ўз ўзингдан қасд айладинг жонингга
Раҳминг келмас бекларингга – хонингга,
Буюрсан канизлар бўяр қонингга,
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?*

*Муҳаммаднинг ўёлан гузар этмадинг,
Бобо сен ўзингга назар этмадинг,
Қаҳру газабимдан нечун қўрқмадинг?
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?*

*Боғбон бўлсан, тар очилган гулингга,
Така кўйсан согинг билан сўлингга,
Ҳўяса кини тўғри келдинг ўзимсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?*

*Саёдхон нари дер шохи хўбондир,
Кулиб ўйнамага тили- забондир,
Урирман- сўкарман ҳукмим равонидир,
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?*

Деб бу сўзни айтган вактда Саёдхон пари айтди:- у юргларда ок соколли кишиларни хўжа киши дер эди. Соз кўтарган- одамни шоир дер эди. Ха, хўжа киши, бокка кирдинг, олмалан, анордан корнингни тўйлирдинг, бунда индамадим. Кейин қўйинларингни тўлдирдинг бунда индамадим. Йўқ, унгода каноат килемай, югуриб олманинг бошига чикдинг, тепиб у шохини у ёкка синидирдинг тепиб бу шохини бу ёкка синидирдинг, яна тушиб хирмон этиб уйдинг, бундада индамадим. Етанингни единиг, емаганингни икки ёкка жиннидай пуркаб ташлаб ўтирибсан. Менинг балога колиб мис тунг билан сув оркалаоб олиб келиб етган иморатимни нечун вайронладинг, деди. Унда Ошик-Аҳмад айтди:- Йўқ Саёдхон пари, менинг сизга арзим бор-леди. Саёдхон пари айтди:- Айт, арзинг бўлса,-леди. Анда Ошик-Аҳмад айтди: гунохимни кечсанг, айтарман-леди. Саёдхон пари айтди:-Бор кечдим, гунохингдан,-леди. Канизларига: -қўлларини ечинглар бобонинг, деди. Канизлар дарҳол унинг қўлларини ечдилар. Ошик-Аҳмад айтди: Эй Саёдхон пари бизнинг юртимизга Озарбайжон- Таракамон юрти -деб от берарлар, бул юртларда олма, анор, писта, бодом хар турли мевалар пишиб ётар эрди. Олган олиб яр, емаган емас, синидирган синидирар, ўчақка ёккан -ўчокка ёкар. Биз бу юртга келиб, билмадик бир тут ёғочиниг минг эгаси борини-деган вақтда Саёдхон пари айтди: -пох Хўжа киши! Осмонни еб ерга тушган экансан,-леди.

Эгнингда созинг бордай кўринади, не қасби, коринг бор, бобо-леди. Анда Ошик - Аҳмад айтди: -Саёдхон қизим! Менинг оз-моз шоирчилигим бор. Анда Саёдхон пари айтди:-Анда Хўжа киши, ол алингга созинигни, баланддан чиқар овозингни, алингнинг созин кўрали, гапингнинг тузин кўрали-леди. Ошик -Аҳмад: -Ажаб бўлди леди. Ошик Аҳмад алина созин олиб Саёдхон парига бир сўз айтиб, кийкириб турибди. Кўринг не жавоб берур экан: Гоҳ форсийлаб, гоҳ туркийлаб, гоҳ арабийлаб ғазал айтиб турибди:

*Ошиқ сайлга келмиши боз орасина,
Орайшиши айладинг будоқи олма.
Боз эгаси дегил, бозбон дегилам,
Истасанг берайин будоқи олма.*

*Мени қитмир айлаб ёнинга олгил,
Калинга ўйлодиши эт, қопинга солгил,
Кўша норинг каби сийнанга олгил,
Кўтарсин бўйнингнан будоқи олма.*

*Ошиқ Лола дерлар булбоз дегилгил,
Жонима ўт салон бул боз дегилгил,
Лоланинг истаги бул боз дегилгил,
Лоланинг сўйдиги будоқи олма.*

*Ошиқ Аҳмад хатто қылма ишингни,
Ажаса савдосига солма бошингни,
Кўзингнан оқизма қонти ёшингни,
Сел бўлиб иярсиги будоки олма.*

Деб, бу сўзни айтиб бўлгандан кейин, Саёдхон пари айтди: Ҳой Хўжа киши!-деди. У юргларда ок соколли кишиларни хўжа киши, соз кўтарған кишилни шоир дер эди. Эй хўжа киши, бул сўзингдан нуқат чикиб турнибди, деди. Бу гапинга ўзинг маъбо бер.-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди:-Айтувчи ахмок бўлса, тингловчи доно дейдирлар. Айтделинг айтдим, черт-дедини, чертдим. Маъбо берсанг ўзинг беравердели. Анда Саёдхон пари айтди: Сен билмасанг, биз билтамиз, қат-кат маъно берармиз, ўзимиз, -деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди:-берсанг-бер, кани эшигайлик-деди. Анда Саёдхон пари:

-Сен айтиб ўтирибсан, “Мени китмир айлаб ёнингга олғил, деб, Китмир деб форсий лафзда эчкига айтадилар, кўй-кўзиларнинг орасида эчкидай бўлиб юрмок эканда сенинг мақсадинг, яна айттаётисан, калонинг йўлдош, эт, копинга солғил, дейсан, калип деб форсий лафзда итни айтадилар. Ит бўлиб копимизда ястаниб ётмокка келган экансанда. Сенинг хаёлинг, яна айтиб ўтирибсан “Кўша поринг каби сийнанинга олғил”, дейсан. Келар- келмасингдан икки сийнам ўртасига бошингни ташлаб биз билан ачомлашмокка келибсанда, янада айтиб ўтирибсан, лолангни севдиги будоки олма, дейсан лола деб кизил боғ лафзинда ёш йигитни айтадилар. Мени олмокка келган ё ўглинг ё бир ининг борга ўхнайди. Ҳой хўжа киши, ростиши айт!- деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди:
- Иним хам йўқ, ўғлим хам йўқ. Айт лединг айтдим, черт дединг, чертдим,- деди. Саёдхон пари айтди: канизларга буорди, бу хўжани ура-ура ўлдириб ўликларини келтиринг, - деди. Ўтарман- кетарман хеч ким эшитмасин буни- деди.

Анда кирк каниз Ошиқ Аҳмадга тўпилдилар. Ошиқ Аҳмад таёқдан кўркиб:- тўхтаб турсинлар, тўппа- тўғрисини айтаман.- деди. Ажаб бўлади деб, кирк каниз урмай, тўхтаб турдиюлар. Ошиқ Аҳмад алина созини олиб, янгалдан Саёдхон парига караб бир сўз деб, форсийлаб, туркийлаб, гоҳ арабийлаб бир сўз айти берди, кўриниң не жавоб берар экан:

*Бугун сенса бир густоҳлиқ айлайин,
Бир печа терминсан олма, боғингда.
Гуноҳкорам гуноҳимни билмасман,
Бул гариб жонимни олма боғингда.*

*Кўзингни манзуматдим олгир лочина,
Хар бир холига тегар Чинумочина,
Муродим бер кардим боғнинг ичина,
Нарвонадай ўтга солма боғингда.*

*Сенинг оти – овозанга келмешам,
Бир гарифман, хизматында бўлмишам,
Гуноҳкорам гуноҳимни билмишам,
Бу ноҳақ қонима қолма боғингда.*

*Ошиқ Аҳмад айтур, шулдур гуноҳим,
Тилагимни бергай зулти – илоҳим,
Илтимос айтакур парилар шоҳим,
Бул гариф жонимни олма боғингда.*

Деб, бул сўзни айтгандан сўни Саёдхон пари айтди:- Эй хўжа киши, - бу гапингдан нуқат чиқиб турибди. Бу гапининг ўзинги маънo бер,- деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди: - айт дединг айтдим, черт дединг, чёртдим маънo, санонгни билмасман, айтувчи ахмок бўлса, тингловчи доно бўлса керак, деди. Маънo берагуртган бўлсанг ўзинг беравер,- деди. Анда Саёдхон айтди:- Ҳакикат берарман маънo, -- деди. Берсанг айт, деди Ошиқ Аҳмад. Саёдхон пари айтди: - сен айтиб ўтирибсан -- “кўзингни мангзатдим олиғир лочина”, - дейсан. Йекин ул гапинг дуруст. Яна айтиб ўтирибсан -- “Хар бир холинг тегар Чинумочина”, - дейсан. Хой хўжа киши!, мен хар бир холимни Рум шахридан улут шахар йўқ, шунга ҳам бермасман,- деди. Яна айтиб ўтирибсан “ Парвонадек ўтга солма боғингда” - дейсан, парвона деб форсийла губалакка айтадицар. Сен бу гапингда бизни “ўт” этиб, ўзингни губалак этиб ўтирибсан. Бизнинг фирокимизда куйиб ёниб йўқ бўлмоққа келган эказсан -да- деб, канизларга кичкирди: Эй канизлар...! бу хўжа кишини ура- ура ўзириллар, ўлигини келтиринглар. Ўтарман- кечарман хеч ким билмасни,- деди. Кирк каниз ҳам олакетди табқининг тагига. Ошиқ- Аҳмад айтди-Хов! Менини не ётиши бу. Бу ётишимда мени ўзидирап буладар!

мундин кочкан кутилар, тургон тутилар, деб, иргиб еридан туриб олиб ҳар канизни бир ёкка зингиб, кўтарди ўқчани. Ошиқ Аҳмад кичик соколин тишлаб, икки этагин чизғаб, “кайдасан боғинг ичилаги тўнгиртка” деб бокка караб кочиб ўта кетди.

Кирк канизлар ҳам, “кйла-кйиди” солиб кувиб бораётир. Ошиқ Аҳмад ҳам кочиб бораётир. Шул кочиндада кирк таноб боғни бир айланниб кечди. Чикария йўл тоғмади. Ошиқ Аҳмад ховлиниб кетиб, бояти кирган тўнгирткани тоғмади. Бир маҳаллари Ошиқ Аҳмадининг кўзига тўнгиртка кўринди. Югуриб келди, тўнгиртканинг ёнига, кайталан урди тўнгиртқага ўзини, бурун кип-тайлок ўтган одам бу сафар қории тўйған , кўйинлари тўлғон калла бети кириб, икки оёғи шиллаклаб ётаберди. Кирк каниз югуриб келиб Ошиқ-Аҳмадни урмокка киришидилар. Бу ердан ҳам бир хийлалар билан ҳар канизни бир итариб ташлаб, боғининг

кописи бетга караб күтарди ўқчани. Ошик-Ахмад кирк таноб боғни уч айланди. Чикарга йўл тоғиди. Ошик-Ахмад “ўлдим ўлдим” деган вактда олдидан бир эшик дучакор бўлди. Майдонга чикагурган энин чигар” деб кириб бориб копини тениб юборди. Ул хам ўз олдига йигирма таноб юзум боғи экан. Юзум ботнинг ичиди Ошиқ Ахмад тулкишинг карисидай буконоқлаб, у ёна чикди, буконоқлаб бу ёна чикди. Шул қочиб юрганида юзим боғда бир поя оёгидан илиб кетди. Ошик – Ахмад боши ошоқ ёғи юкори бўлиб, дустамон бўлиб йикилди. Ёғзи ер копди қирқ каниз дархол югуришиб келиб Ошик-Ахмадни тутиб олиб, янгалдан тепкининг остига олавердилар. Бу кирк канизнинг ичиди Саёдхон парининг Болли каниз, Жаҳон каниз исмли иккита маҳрам канизлари бор эди. Болли каниз билан Жаҳон каниз кизларга урманглар,-деди.

Ўзимиз ростини айтдирамиз, ледилар. Ул вактда канизлар айтди: шунчамиз бўлиб шунча таёк билан ростини айттира олмагандан, сиз иккингиз нечук ростини айттиражаксизлар? -деди. Болли каниз айтди: Менинг айттанимни этасизларми, кизлар-деди. Кизлар албатта этамиз, делилар. Болли каниз айтди: -Агар менинг айттанимни этатургон бўлсангизлар, хар бирингиз иккитадан-иккигадан навконнинг партини келтиринг,-деди. Ўзи хам бугдой ишигига кесилған бўлсин, ўзи хам сифир куйруги бўлиб, етишган бўлсига, ана шунда ўзим хўжа кишига ростини айттираман, -деди. Канизлар ажаб бўлади, деб югуришиб кетиб хар бири иккитадан-иккигадан навкон нартини келтирилар. Болли каниз билан Жаҳон канизлар Ошик-Ахмадни кип-тайлок этиб ялангрочлаши. Чалқончасига ёткизди. Калласини бир канизига боғириди. Оёгини бир канизига боғириб кўйди. Болли каниз жуфтдан чибикни олиб Ошик-Ахмаднинг қорнининг копгали билан, сонини тирмаштириб, юнка срларининг усти билан тирмаштириб, шарта ураберди.

Чивикка Ошик Ахмад чидолмай -“дод ўёним бор”, “бедод! Ўглим бор” деб кичкира берди. Кизлар дархол уни тургизиб Саёдхон парига олиб жўнадилар. Саёдхон ёнига олиб бордилар. Саёдхон пари айтди: “Не иши бор экан бунинг” ?-деди.

Ўғли бор экан бунинг -дедилар, Саёдхон айтди: -Эй! Хўжа киши! Ўглинг бормиши? -деди.

Ошик Ахмад айтди: Орий бор бўйса керак,-деди. Эртадан бери не айтмадинг уни,-деди Саёдхон.

Анда Ошик Ахмад айтди:

-Хов Саёдхон пари: -энди айтаверганда бирор нарса бўладими? --дели.

Саёдхон пари айтди: -Гур ўғлингни чакир!- деди.

Ошик-Ахмад: Ажаб бўлади,-деб ботнинг ичинга бориб, бир йўғон теракка оркасини бериб, алина созини олиб, аччиги келиб, ўғли Хамроёнга караб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не жавоб дер экан:

*Кел болам сени истарман,
Истагинг бодга экан-бодга.
Бало қазонг мен олайин,
Саёдхон бодга экан бодга.*

*Моҳи мунавардир юзи,
Шириндан шакардир сўзи,
Маматхон подшонинг қизи,
Саёдхон бодадир-бодга.*

*Ўрдаги бор гозлар билан,
Суҳбати бор соғлар билан,
Бир бўлакча қизлар билан,
Саёдхон бодга экан бодга.*

*Солганиб ёнимга келди,
Келиб мендан хабар олди,
Отани шунча иззат кўрди,
Истагинг бодга экан бодга.*

*Кел Аҳмад уйғил ол тоға,
Юзунг дўндер қибиғаҳа,
Ҳамро билан кирғил бода,
Саёдхон бодга экан бодга.*

Деб. бу сўзни айтиб бўяландан сўнг, Саёдхон сўради:-Ўғлингни кичкирлингми? –деди.

-Орий кичкирдим-деди.

Саёдхон пари айтди:-Агар кичкирган бўлсанг деди, Болли каниз билан Жаҳон канизга боринглар, дарвозани очинглар. Ҳамроҳон маҳтал бўлиб, дарвазадан киролмай турмасин, деди. Канизлар –ажаб бўлар-деб, Болли каниз билан Жаҳон каниз югуриб дарвозага бордилар. Борсалар, Ҳамроҳон кичкирмоқни айб санаб, кўзила ластали камчини олиб дарвозани аста –аста уриб турган экан. Болли каниз билан Жаҳон каниз бориб дарвозани жаранглатиб очиб юбордилар. Ҳамроҳончи кўриб Болли каниз билан Жаҳон канизнинг, калиаси тувладб, кўзлари ёшарид, этида калтиратма найдо бўзинб, бехол бўлиб, хайрон бўлиб турабердилар.

Болли каниз айтди-Хай Жаҳон каниз, менинг айтганимни этасами -деди.

-Этайн-деди Жаҳон каниз.

Агар этар бўлсанг, бузингдай ўғлон оламга келмас, буни кўрган хам армонда, кўрмаган хам армонда. Буни бир оқивом олиб колиб

сұхбатлашиб, завқ -сағо суриб, дунёдан беармон бўлармиз. Буни форсий тиллар билан, арабий тиллар билан кўркитсан, шунда қолар, деди. Ул вактда Болли каниз алина созини олиб, Ҳамројонга караб бир сўз айтиб кўркитмоқчи бўлиб, турган экан. Қани не деб турған экан:

*Бул боғининг сайёди кўпдир,
Овлаюргар ўғлон сени.
Ушбу чамаңлар ичинда,
Кувлаюргар ўғлон сени.*

*Менинг бу пандимни олсанг,
Оқ қўлинг бўйними солсанг.
Адаб билан бўса берсанг,
Кудирапман ўғлон сени.*

*Кетабер келган йўлнингга,
Қараша согу сўлингга,
Тўғри келибсан ўлима,
Ўлтирурман ўғлон сени.*

*Сўзимни десам Жаҳона,
Фаҳм айла яхши- ёмона,
Саҳар вақти бў зиндана,
Солдирапман ўғлон сени.*

*Отим каниз Болли- Жаҳон,
Йўқдир бу сўзимда ёлон,
Мамат хона ҳализамон,
Билдирапман ўғлон сени.*

Деб сўзни айтган вактда Ҳамројон ҳам, канизлар кўнглиниң юмшаганини билди ва кел бунарниң ҳам кўнглиига тегмайип, буларга караб бир лавр соз, бир давр сўз айтсан тушунмасминалар?- деб, алина созини олиб, Болли каниз, Жаҳон канизларга караб бир сўз айтиб, турган экан, кўринг не дер экан:

*Бир қиз билан бир келиннинг,
Зулифи ёноқина тушар.
Тақиниб ҳайкал туморин,
Ҳардам кучогина тушар.*

*Алларин бўёб хинадан,
Фарқ этиб бўлмас сўнадан,*

*Айрилган ота- онадан,
Жашнатнинг богина тушар.*

*Ёлғиз бошим қолди дарда,
Ақту – хүн қолмади сарда,
Мұхаббат бўйлас ёт ерда,
Ёрнинг ўтигина тушар.*

*Дала кўнглим қайнаб жўшимас,
Ишқининг ўтига тутанимас,
Ҳамро ўзга ёрга жўшимас,
Ёрининг ўтигина тушар.*

Деб, бу сўзни айтган вактда, каниздар айтди:- Ҳамроқон кўп ёмон ўғлон экан. Саёдхоннинг ёнига борсак унга ёмонлаб, бизга кўп таёк едирад, му сабабдан сир билдирамай, отининг икки жиловидан искимиз ушлайлик, Саёдхонга ҳеч нарса билматан кишидай бўлиб олиб борайлик,- леб йўла равона бўлдилар.

Боратуриб каниздар ўйланадилар:

Бизлар Ҳамроқондан бир жуфт, бир жуфт бўса олармиз десак, Ҳамроқон бизларнинг айтганимизни этмайтурган бўлдиёв,- деб Болли каниз билан Жаҳон каниз унинг отининг жиловидан ушлаб кетавердилар. Болли каниз айтди:- мен яхшиман- деди. Жаҳон каниз айтади- мен яхшиман -- деди. Иккиси жикка- жик эжашабердилар.

Анда Болли каниз айтди: -Ай Жаҳон каниз! Бизларнинг қайсимиз яхши, қайсимиз ёмон эканзигини Ҳамроқон айтиб берсин, деди. Ҳамроқон-ажаб бўлар-деди. Анда Болли каниз айтди: -Эй Ҳамроқон! Ол алинга созини, баланндан чикар овозиниги, алингнинг созин кўрали, гапнингнинг тузин кўрали.-деди. Ҳамроқон! --Ажаб бўлар-деб, алина созини олиб, каниздарга қараб бир сўз айтиб турибди. Бу каниздарнинг бирори киз эди. Бирори келин эди. Кизнинг хам, келиннинг хам кўнглига тегмайин-деб иккисини хам хушомадлай берди. Кўринг не лёган экан:

*Бир киз билан бир келиннинг баҳси бор,
Келин айтар ёшилим бор, олим бор,
Шаҳду-шаккар қайнар оғизим ичипда,
Лабтаримда кўп покиза болим бор.*

*Киз хам айтар манзамишам этама,
Хинжаш-маржон тақицибман сийнама,
Ал узатма, оғритьарсан, қўлима,
Яноқимда даста-даста гулим бор.*

*Келин айтар мен ростимни деярман,
Мазгилимга қанду-новвот еярман,
Соқолсиз-муртсиз јглон сүярман,
Хар кечада минг туманлык нозим бор.*

*Киз ҳам айтар манга олам ииқилур,
Олтин-кубба, ҳайкал, тумор тоқылур.
Истамбұлда құшқи айвон ёпилур,
Хон олонда Хунхордайин тишил бор.*

*Келин айтар, келинларнинг бөшишман,
Сүм билазук, олтин յузук қошиман,
Хелам бұлса сендей қыздан яхшиман,
Киз сүйлама, бир кечалик ҳолинг бор.*

*Ҳамро айтар: сиз ҳам, биз ҳам ўлармиз,
Ошикликда көл бүйнана солармиз,
Биз кептәнда сизлар бунда қоларсыз,
Мен құрқарман айрилиқ бор, ўлым бор!*

Деб, бу сўзни айттаудан кейин кизнинг вакти хуш бўлди, келиннинг ҳам вакти хуш бўлди. Саёдхон париппинг кўшкига караб олиб боравердишар. Бир неча манзил йўл юриб. Саёдхоннинг кўшкига етиб бордилар. Саёдхон пари ҳам кўшикининг олиди шохсупанинг устида олтиндан-кумушдан, зарваракдан ранг берилган каровотнинг устида ўтириб, эрди.

Саёдхон Ҳамрожонни кўриб, иргиб еридан туриб, Ҳамрожонга караб бир минг ноз, тўқсон минг жилва, ўғтиз икки минг замза билан эгилиб, бир таъзим берди. Мисоли ой таъзим бергандай бўлди. Саёдхон пари Ошиқ Ахмадга кийгириди. Ҳой ҳўжга киши! Шуми ўзиңинг?-деди.

Анда Ошиқ Ахмад:-Орий шул бўлса карак,-деди. Саёдхон нари:-Соз биларми ўзгинг?-деди.

Ошиқ Ахмад айтди: - Оз-моз билар,-деди. Саёдхон пари айтди:-Сўз биларми?-деди. Ошиқ Ахмад айтди:-Кам-кам билар-деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Унда ўзгинг бизга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсин,-деди. Алияning созин кўрали, гапининг тузин кўрали деди. Анда Ошиқ Ахмад айтди:-Ажаб бўлар,-деди. Ҳамрожонга қийгириди:-Ҳой, Ҳамрожон! Ўзлим! Ол алинга созингни, баланддан чикар овозингни. Саёдхон нарига караб бир давр соз, бир давр сўз айтиб бер, ўзлим!-деди.

Ҳамрожон айтди: ажаб бўлар-деди. Анда Ошиқ Ахмад айтди: -Эй ўзлим Ҳамрожон-деди. -Ха не гап ота!-деди, Ҳамрожон.

-Айтсанг хабардор бўлиб айт, ўзлим,-деди, Ошиқ Ахмад.
-Ха нечун?-деди Ҳамрожон.

Анда Ошик Ахмад айтди:

Бу ноинсоф кизнинг “нуқат”-деб тутаверадиган бир жанжали бор,-деди. Анда Ҳамроҳон айтди:-Ҳой ота! Мен нуқат-пуқатни билмасман, “айт” деса айтарман, “черт” деса чертарман,-деди. Анда Саёдхон айтди:-Айт Ҳамроҳон! –деди. Ҳамроҳон:-Ажаб бўлаши,-деб алина созин олиб тоҳ форсийлаб, тоҳ туркийлаб, тоҳ арабийлаб бир сўз айтаберди, кўринг не жавоб дер экан:

*Ночор бора кирдим бөгбон дуймади,
Кўзларим соташди ёр олмасина,
Гуноҳкорам гуноҳимни билмасман,
Ал узатсан етмас ёр олмасина*

*Калти бўлур зулфинг бўёки найшар,
Хар сатшар зулфинг бўёки найшар,
Мушкисга ног бўлди бўёки найшар,
Шоҳдек муродим бор ёр олмасина.*

*Бугу булни масканин боз яхни керак,
Мудом багрим боши мор яхни керак,
Жами ошигларга ёр яхни керак,
Ёр кўнглим йигибман ёр олмасина*

*Бир ёрим бор фаглак санго бермасман,
Сенингдек кимсага санго бермасман,
Бас бу дам ёр дейиб санго бермасман,
Ёр кўнглим йигибман ёр олмасина.*

Деб, бул сўзни айтгандан сўнг Саёдхон, пари айтди:

“Эй Ҳамроҳон!-деди бу сўзингдан нуқат чиқиб турибди, деди, бу сўзинга ўзинг маъно бер, деди, ул вактда Ҳамроҳон айтди:-Саёдхон пари! Мен “айт” лединг айтдим, “черт” лединг чартдим.

Маъно-санонгни билмасман,-деди. Анда Саёдхон пари айтди:- бу ноинсофнинг ўзи отасидан ҳам қайсар эканов деди, сен билмасанг ҳам мен билиб ўтирибман, деди. Ҳамроҳон айтди: Айтувчи аҳмок бўлса, тингловчи доно бўлиши керак, ўзинг маъно беракол, деди. Анда Саёдхон пари айтди:

“Шоҳдек муродим бор ёр олмасина” деб ўтирибсан, “шоҳ” деганинг бир кўкча күш бўлар, олма пиштунча сайрайди, олма пишгандан сўнг чундигини олмага сукади, олма чириб сарф бўлади, ўзи ҳам ўлиб йўқ бўлали.

Бу гапингда бизни олма этиб ўтирибсан, ўзигини эса шоҳ күш этиб ўтирибсан.

Бизни ўлдириб йўқ этмоқ эканда сенини муродинг. Эй канизлар!

Йигирмангиз отасини, йигирмангиз ўғлини ура-ура ўлдиритгиз, ўлпикларини кандириниз, ўтарман-кечарман хеч ким кўрмасин, деди. Ажаб бўлади, деб, кирк канизнинг йигирмаси отасини, йигирмаси ўғлини ётириб таёкнинг тагига олмокқа қаради. Ошиқ-Ахмад бу ишга ўрганишган кизлар урган сайин хаз этиб ётибди. Хабарни энди кимдан сўранг, Ҳамроҳондан сўранг. Ҳамроҳон таёкниш вахмидан кўркиб, алина созин олиб, канизларга караб ялиниб ёлвориб бир сўз айтиб йиглаб ўтирибди. кўринг не жавоб дер экан:

*Озалар коши қоранинг,
Дод ашиндан, дод ашиндан.
Сиё зулфи чор поранинг,
Дод ашиндан, дод ашиндан.*

*Қоши кўзи сутиклиниг,
Ўп бармоги юзуклиниг,
Аллари билак юзуклиниг,
Дод ашиндан, дод ашиндан,*

*Қаё-қаё бокалишининг,
Жоним ўтқа ёқишлининг,
Ўп бармоги нақишлиниг,
Дод ашиндан, дод ашиндан.*

*Коғоздан юпқа юзлининг,
Шириндан шакар сўзлиниг,
Дол бўйи жасирон кўзлиниг,
Дод ашиндан, дод ашиндан.*

*Ошиқликнинг дарори йўқ,
Бир сўзинда турарни йўқ,
Саёдхоннинг оёри йўқ,
Дод ашиндан, дод ашиндан.*

*Нори пишибир bogининг,
Майи шукамас соқийнинг,
Ҳамро дезар, шу ёшиниг,
Дод ашиндан, дод ашиндан.*

Деб бу сўзни айтган вақтда Саёдхон Ҳамроҳоннинг йиглаб ўлтирганига раҳми келиб:

Хой ноинсоф канизлар! Ҳамроҳоннинг гунохини тисласанлар бўлмайдими, деди. Анда канизлар айтди, гунохни чилайдирган бўлсангиз нега урдириб ўтирибсиз дедилар. Анда Саёдхон пари айтди:

Сүнгинда бул хам отасидай сўзни ёмонга кочирмасин, деб кўзини ўтини олайин деб калтаклатдим, деди.

Анда канизлар айтди: Ҳамроҳоннинг гунохларини ҳаммамиз тиладик, деди. Ажаб бўлади деб, -Саёдхон пари Ҳамроҳоннинг гунохини ўтиб Ҳамроҳонни ёнига олиб қелиб каравотнинг устида ўтиргизиб, Ошиқ Ахмадга кичкирди: Ҳай хўжа киши, Ино бу канизни ол, деб Саёдхон пари бир канизни Ошиқ Ахмадга кўлини ушлатиб юбораверди. Бор хўжа киши тилла-пўш саройга бор, кир-чирингни ювдир, кўлингдан келса кийшаланг- кийшаланг хам этавер, ноинсоф, деди. Ажаб бўлади,- деб, Ошиқ Ахмад канизни тилла пўш саройига равона бўлди. Ошиқ Ахмад ётаберсин, сўзни кимдан эшитинг, Саёдхон пари билан Ҳамроҳондан эшитинг. Кўлларини бўйнига илишиб мухаббат бўсалар олиб солланана-мастона тилла пўш саройига қараб юришдилар. Эл миннатдор бўлса борайин, ернинг каймогин бузмайин деб, ноз билан жилва билан тилла пўш саройига бордилар.

Кўрса, бир саройнинг ўн тўрт жойига устун ўрнатилган, баланддан бостирилган зарнитор, накшу нигор шамлар ўрнатилган. Ҳамроҳон қараб турса, уни Саёдхон қозонча қайнаб турган, самоварлар халлослаб турган, қандиллар шуъла бериб турган бир жойга олиб борди.

Саёдхон пари айтди: -Эй Ҳамроҳон, эртадан бери созингни, сўзингни не деганингни билганим йўқ.

Менга шу ерда қўлга олсанг созигни, баланд чиқарсанг овозингни. Алингнинг созини кўрсак, гапингнинг тузини кўрсак, нечук бўлар экан Ҳамроҳон- деди. Анда Ҳамроҳон ажаб бўлади, деб ноинсофнинг кизини хушомадиб, ялиниб-ёлвориб кўрайин, деб алинг созини олиб Саёдхон парига қараб бир сўз айтли. Кўринг не деган экан:

*Бар салотин бўйли сарви санобар,
Лабларингда ширин шакар бол бўлсин.
Қаддинг гула манзар, қоматинг ар-ар,
Чиматлар ичинда бўйинг хол бўлсин.*

*Сурма чекилиббур шул қиро кўзга,
Ёрим, ёшинг еткай эллига, юзга,
Не ёздим янгилдим тақдирим сизга,
Бир гализ сўз айтсан тилим лол бўлсин.*

*Богингда очилур ранг барапг гуллар,
Шоҳасинда сайрап шайдо булбуллар,
Гоҳ ёнар, гоҳ куяр хизматкор қуллар,
Кеча қундиз хизматингда бор бўлсин.*

*Менинг ёрим келган күла-куложса,
Кирк канизи билан билга-келяжса,
Эйининг ярошур яшил гиёныса,
Кийдисингиз ёнил бўлсин, ол бўлсан.*

*Менинг ёрим киир зарбоб-даройи,
Жоий эссаннат экан, кўшикн –саройи,
Хамроjon дер: оёқинда ду поин,
Сагри кавуш, отшин-кумуш нал бўлсин.*

Деб бул сўзни айтган вактда Саёдхоннинг вакти хун бўлиб, Хамроjонга караб, кийшанглаб, кулиб кўя берди. Хамроjон билан Саёдхон пари тилла пўш саройнинг ичинда базми давронга машғул бўлабердилар.

Энди сўзни кимдан эшигининг Ошик Ахмад билан бояги каниздан эпнитинг. Ошик-Ахмад тўккиз кеча –куидуз ётди. Ахири ўйланди:-Хов, менга бу не ётиш, деб иргиб еридан туриб, Саёдхон парининг кўшкига караб равона бўлди. Бир дамда Саёдхоннинг кўшкига етиб келди. Ошик-Ахмад келиб, Саёдхон паридан жавоб сўрали, Саёдхон пари хам жавоб берди. Саёдхон пари айтди:-Эй, хўжа киши: ўглингни олиб кетармисан ёки ташлаб кетармисан,-деди.

Анда Ошик Ахмад айтди: -Олиб кетарман ўглимни деди.

Саёдхон пари айтди:-Агар олиб кетатурон бўлсанг уни нега олиб келдинг-деди. Ундан бўлса мен изида дое бўлиб колаберарканман-дадеди.

Анда Ошик-Ахмад айтди:-Эй Саёдхон пари! Менинг ўглимнинг сабабидан неча бир элларда, неча бир юртларда неча бир кизлар, неча бир келинлар дое-дог бўлиб колюонлир, сен ким бўлисан,-деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Хов хўжа киши, хали биз хам шулардай дое бўлиб колаберадигани,-деди. Анда Ошик Ахмад айтди: Ховва! Саёдхон пари!

Дое бўлиб коладиганинг аввал болни сенсан,-деди. Йўк-деб Саёдхон пари-йиглаб, ёлвориб, ялиниб ўғлингни ташлаб кет!-деб хўжа кишининг олидига тушиб ётаверди.

Анда Ошик Ахмад айтди:-Кел энди сен кўн-кўп ялинавердинг, чўх-чўх ёлборавердинг, ўглимни ташласам ташлаб кетарманда-деди.

Саёдхон пари ундан вакти хуш бўлиб, куллук айтиб, таълим бериб ўтири. Саёдхон пари отларини эгаралаб Ошик Ахмадига тайёрлаб берти ва хонасидан бир хуржун тилла тўлдириб, уни хам отларга оргиб берли.

Ошик Ахмад икки отига иккиси хуржун тиллани оргиб Рум шахридан чиқиб Озарбайжон Таракамон юрти кайдасан, деб йўлга тушиб равона бўлди.

Саёдхон пари, хўжа кишини узатиб Рум шахрининг кун ботар тарафи тўқай эди. Шу тўқайдан ўtkазиб, хайр- хўш, деб колаберди.

Энди хабарни кимдан сўранг, Ошик Ахмаддан сўранг. Тўқайистонни оралаб кетиб бораётib эди. Қараса, бир сарховуз бўйига йўлиқди. Бир хуш хаво, дам олмога қойим жой –деб, отдан тушиб, кел шунча кундан бери ҳориб-чарчаб юрибман, кун хам кун ўрта бўди. Бир соатгина ором олайн деган, хаёл пайдо бўлиб, отларини соя ерга кантариб ташлаб, Ошик Ахмад сарховуз бошида соянинг куюк ерида чакманини кия ёпиниб хурраги дуд фалакка чикиб ухлаб қолаверди.

Ошик Ахмад ётаверсин, хабарни кимдан эшитинг коровуллардан эшитинг. Маматхон подшонинг тўқайни сақлааб ётган кирк барзанги коравули бор эди. Бу Ошик Ахмад ётган сарховуз шу коравулларнинг тушда лам олатурған манзилгохи эди. Бул коровуллар тушлайлик деб, от чопишиб, сарховуз бошига келдилар, кўрсалар сарховуз бошида икки от кантарилиб турибли. Ҳар отнинг оркасида бир-хуржун бир-хуржун қизия тилла бўктирилган. Қараса шоҳсуганинг устида, сарховуз бошида бир хўжа киши парвойи лалак ухлаб ётиди. Анда коровулларнинг саркардаси айтди: -Ана холос йигитлар! Бизларнинг кўқдан тилаганимизни ердан бердов бу. Подшонинг хазинасини тешиб, ухлаб ётган ўгри хакикат шул экан, деди. Коровулларнинг саркардаси айтди: Шу ётган ерида икки кўлини оркасига танғиб, Маматхон подшога олиб борайлик! Подшодан кўп-кўп инъомлар олармиз, подшомизнинг ўзи дорга чекиб ўлдирап деб, Ошик-Ахмадни ётган ерида икки кўлини оркасига кайириб таңгидилар.

Коровулларнинг саркардаси уни уйготмоқчи бўлиб калласига камчи билан туртиб-туртиб ўборди. Ошик-Ахмад жон-хавулжон кўзини очиб кўрса, устида кирк барзанги коровулларнинг турганини кўрди. Буни куриб Ошик Ахмаднинг юраги ёрилиб кетди. Водариг, сардорига менинг ўлигимни еган қаргалар бу юртларда турмайдиган бўлдов-деб, барзангиларнинг ўртасига тушиб йиглаб кегаверди. Ошик Ахмад икки кўли таңгувли бир неча манзил йўл юрди. Бир неча манзил чўл юрди.

Ошик Ахмад бораётib тўрт тарафга бокиб кўрса, осмонда беш турна Озарбайжон-Таракамон юргига қараб ўтиб бораётир. Ошик Ахмаднинг кўшили бузилиб элинин-юртини, Гулширини деган ёрини соғиниб, уларга салом айтиб, али боғли, алинда сози бўлмасада тилинда сўзи, бир сўз айтиб йиглаб бораётир экан. Кўринг не деб жавоб берар экан:

*Кўқдан учган бўлак-бўлак турналар,
Арзи ҳолим севар ёра дегайсан!
Йиглайиб кечирдим моҳи-солимни,
Йиглайиб- йиглайиб қолди дегайсан!*

*Ёмон ўйда юрган тингридан топар,
Тонгга бир кун янга аросат қўпор,*

*Туриң мениң саломиңни сен етир,
Ошиқ-Ахмад дүстүнгө қолди дегайсан!*

*Барзангилаар бөгләдилар күлимини,
Шохимардан банд айлади жұламини,
Кимга ийттай буқун ұлар ҳолимини,
Йиглайиб-йиглайиб қолди дегайсан!*

*Ёр құзина Озарбайжон күринур,
Баграм боши тиғиз-тиғиз бұлинур.
Салом сткәзакұр ёрим Шириндор,
Ошиқ Ахмад дүстүнгө қолди дегайсан!*

*Ошиқ-Ахмад ошиқшының құлапда,
Сұналар гарқ уурип чашым күлинде,
Банда бұлдым барзангилаар күлинде,
Ошиқ-Ахмад дүстүнгө ұлағ дегайсан!*

Деб, бу сүзни айтган вакыда, бу жой турналарнинг тушиб, дам олиб үттатурған манзилгохи эди. Барзангилаар бу турналарнинг Ошиқ-Ахмад сүзи билан бу сарховуз бүйнега тушаётганиларини күриб, күркиб юраклари ёрилиб-хов! ионисофлар, бул бир хұја киши үхшайды, бир оғиз сүз билан учыб бораётірган турналарни ерга күңидири, ғоздырынглар ионисофлар күлләрипни деди, барзангилаарнинг саркардаси. Коровулардан яна одам бошидан икки танға йиғнаб олиб, Ошиқ Ахмадға бердилар хамда Ошиқ Ахмадны Озарбайжон йўлиға солиб колавердилар.

Ана әнлигі сүзни кимдан әшитнинг, Ошиқ Ахмаддан әшитнинг. Ішүл юриншіга бир неча күн йўл юриб, бир неча күн чүл юриб, күнлардан бир күн Озарбайжон юртига етишди. Ўз уйнега бориб Гулшириппон кампирига көвушиб вақти хуш бўлиб, шул ерда каор топиб ёта берсин. Әнлигі гапни кимдан сўранг, Саёдхондан сўранг. Саёдхон наринининг бир дўстси бор эди. Ул хам бўлса Гуржи斯顿 подшосипининг кизи эди.

Онита Маликахон деб от берарлар эди. Маликахон әшитди, Саёдхон пари дўстларининг ёнинг Озарбайжон -Таракамон юртидан бир ажойиб ўглон келиб, бир неча күнлардан бери базми-сұхбат куриб ётган эмиш -деб. Саёдхон наринининг боянина караб, ўн икки канизларини эргаштириб йўлга равона бўлдилар. Бир неча мазгил йўл юриб. Саёдхон наринининг боянига етишидилар.

Дарвозадан кириб келабердилар. Хабарни кимдан сўранг, Ҳамрохондан сўранг.

Ҳамрохон бояпнинг ичида гул териб ўйнаб юриб эрди. Ҳамрохон бул ўн икки канизни кўриб хайроп бўлди. Назар солиб караб турса ўзининг юртида колган ўз ёри Салбиишъя үхшаган кизлар экан.

Ҳамрожон шунда алина созини олиб, Гуржистон подшосининг кизи Маликахонга караб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дер экан:

*Эй ёронлар мусулмонлар,
Бугун бизга жон йўлиқди.
Бизнинг сари қадам босиб,
Кўзлари мастан йўлиқди.*

*Үйдан чиқар гул-гул кийиб,
Хол устиниа холлар кўйиб,
Карқарани эгри кўйиб,
Жигоси ларзои йўлиқди.*

*Бу болгарнинг гул-лоғаси,
Чўл даштининг гузогаси,
Шириннинг оҳу-ноласи,
Сарви хиромон йўлиқди.*

*Үйдан чиқар қумгои олиб,
Икки бўйи гул-гун ёниб,
Карчигайдай хъёланниб,
Дардима дармон йўлиқди.*

*Ҳамро айтар шикастаман,
Орий бўйинга бас таман,
Ўлгунча санго хистаман,
Дардима дармон йўлиқди.*

Бу сўзни айтгандан сўнг, канизлар Саёдхон парининг тилла пўш кўшига караб йўлга равона бўлдилар. Бир неча манзил йўл юриб, Саёдхоннинг тилла нўш саройнiga кириб бордилар. Саёдхон пари хам кирк канизи билан базми-давронга маштуб бўлиб ўтириб эди.

Гуржистон подшосининг кизи Маликахон дўсти ҳам ўн икки канизлари бирлан Саёдхон дўстининг олдига кириб бордилар. Тилла пўш саройнинг ичи эллик икки каниз саройга киргандан сўнг, киркинчи кандил ёккандай шуъла бериб кўя берди. Узи вактда малика Саёдхондан наридан сўради. -Эй дўстим Саёдхон! Сизнинг ёнингизда бир ажойиб ўғлон бор эмиш деб эшигдик. Бизлар шуну кўринига келдик. Чакирсанг нечук бўлар экан? -деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Ажаб бўлар-деди. Богда ўйнаб юрган Ҳамрожонга бир канизни югуртириб юбориб-бор, Ҳамрожонни олиб кел! -деди. -Ажаб бўлади-деб, ул каниз Ҳамрожонга айтди-Юр Ҳамрожон! Сизни Саёдхон пари чакирадир, деди. --Ажаб бўлади-деб, Ҳамрожон тилла пўш саройга стиб келди. Анда

Саёдхон айтди:-Эй Ҳамроҳон! шул дўстим Маликахонга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг, нечук бўлар экан,-деди. Ҳамроҳон қизлар билан чой олиниб, ичинишб, Гуржистон подшосининг қизи - Маликахонга кўзи қизиб ўзи бир сўз айтишининг иложини толмай ўтирган эли. Саёдхон парининг билан сўзи Ҳамроҳонга маъкул тушиб тураберди. Ҳамроҳон бечора жўшиб кетиб, алина созини олиб, Маликахон билан ўн икки канизларига қараб, бир сўз айтиб турибди.. Кўринг не жавоб айтар экан:

*Бир салотин бўйла саллониб келан,
Кўзимга сотаиди холи гуржининг.
Кўрган ошиқ акси-хунин етишган,
Ҳасрати жонинида қолда гуржининг.*

*Богнисидан шайдо булибуг ўтишмас,
Оҳ чекарман нолам ёра етишмас,
Дироим чўхдир дармон ахима тушмас,
Кечар ҳрамчидан бели гуржининг.*

*Кийдиги ёшилдирир ўртиги оли,
Қадди гули мангзар лаблари бола,
Бўйи Салбига мангзар қомати доли,
Тили турки дегал, тили гуржининг.*

*Нирам Шоҳимардон даврон ўстирмии,
Алмудом ёр дейиб фарёда бермиш,
Боди сабо зулғин ғнида бўлмаш,
Тўкингар тўрт ёна тали гуржининг.*

*Ошиқ Ҳамро гулган терсам боғининг,
Тўйиб исчам ниёласин согининг,
Кезсан қописинда ёр ўтогининг,
Мен бўлсан ходими кули гуржининг.*

Деб, бул сўзни айтган вактда Саёдхон парининг кўкрагида бир хаёл пайдо бўлди.

Бул Ҳамроҳон айтиб ўтирибди:-Кийдиги ёшилдирир “ўртиги ола”, яна айтиб ўтирибди: “Бўйи Салбига мангзар, комаги дола”-деб. Ҳамроҳоннинг юртида қолган бир Салби деган ёри борга ўхшайди-ов-деб гумон этиб колаберди. Эртаси чошгоҳ вактича якинлашганда Саёдхон парининг дўсти-Малика ўзининг ўн икки канизлари билан, дўстидан жавоб олиб ўз кўшики саройига қараб йўлга тушиб равона бўлиб кетавердилар. Энди бул сўз бу сарда тураверсии, энди гэвчени Саёдхон паридан эшитинг. Саёдхон пари айтди: -Эй Ҳамроҳон! Юр

иккимиз сарховуз бошига бориб болгалимизда сайр этиб, вақтимизни хуш этиб бир сайр этиб кайтали-деди. Анда Ҳамројон ажаб бўлади-деб, иргиб еридан туриб, Саёдхон парининг бўйнига кўлларини солиб, Тилла пўши саройдан чикиб, сарховуз бошинга караб йўлга тушдилар. Ҷулар сарховуз бошига этишдилар. Саёдхон парининг сарховузида юрган бир бўлак сўналари бор эрди. Ул юртда сўна –дер эдилар. Бул юртда ўрдак – дер эдилар. Саёдхон пари айтди:-Эй Ҳамројон! Ол алинга созингни, баланд чикар овозингни, бизнинг шуз турган сўнайларни бир гаъриф этиб берсанг нечук бўлар экан?-деди.

Ҳамројон айтди:-Ажаб бўлади,-деди. Ҳамројон алина созини олиб, сўнайларга караб бир сўз айтиб турган ўхшайди. Кўринг не жавоб айттар экан:

*Келар эрдим ёнил бонни ўградим,
Сўна бизни кўриб юрмага тушди.
Ўзини чўмдариб дарё тубина,
Эгричча нарларин тузмага тушди.*

*Истар эрдим ўзим изидан отам,
Алимни узатиш саридан тутам,
Бир хаёл айтадим тои билан отам,
Олиб қатамларин ёзмага тушди.*

*Сўна бизни кўриб чекди кирого,
Кўзим ёша тўлди, қўнглим фироға,
Салбиден айрилиб тушдим йирого,
Тузмаган қўнглимиз иззага тушди.*

*Ўпар ёдим оқ юнишинг ходидан,
Эмар ёдим лабтарининг болидан,
Айро тушдим Салбижоннинг ўшидан,
Қўнглим таъласи ўти, кезмага тушди.*

*Ошик Ҳамро курбон бўлсам-ўчина,
Танишганда жон ғарранар сўзина,
Хинжус-маржон тақшинбидир юзина,
Ёр ҳумор кўзларин сузмага тушди.*

Деб, бул сўзни айтган вақтда, Саёдхоннинг аччиғи келди: Гуржи斯顿 подшосининг қизи-Маликахон келган вақтда. Салби-деган гапни кўзгаган эди. Бул сафар ҳам Салбидан айрилиб тушдим “йироғо” –деб ўтирибли. Бунинг Салби леган ёришини борлиги рост бўлди деб, Саёдхон пари Ҳамројон билан сўзлашмасдан аччиғи келиб, қаҳр этиб иргиб еридан турди-да, кўшкига караб ўта кетди. Энди хабарди кимдан

сўранг, Ҳамроҳондан сўранг. Ҳамроҳон ҳам бир соат ўтириди, икки соат ўтириди. Ҳамроҳон айтди:-Меники бу не ўлтирипп, -деди. Кел, бунинг изидан борайин, бунинг билан янгаидан сўзлашайин,-деб, иргиб еридан туриб, Саёдхон парининг кейнидан йўлга тувиб, равона бўлиди. Саёдхон парининг тишина пўш саройига кириб, бу ерда ҳам бир соат-икки соат ўтириди. Сўзлаша олмади.

Ахири Саёдхон парининг карори чидамади. Эй Ҳамроҳон!-деди. Нечун сен Ўржистон подшосининг жизи -Маликахон дўстим келганида ҳам айтиб эдинт-ки: “Салбидан айришиб тупидим йироға”-деб, бул сафар ҳам айтиб ўтирибсанг?- сенинг ўз юргингда Салби отли ёринг бор экан. “Йироқ” деб узок йўлни айтадилар. Агар мен бурундан сенинг Салби отли ёрингнинг борлигини билганимда сенга бунчалик кўнгул бермас эдим. Энди агар отам иккимизнинг бу бояда бўлиб ётганимизни била кўйса, иккимизни ҳам дорга чекиб ўлдиради. Ҳамроҳон: нечун сен айтмадинг, Салби ёрингни борлигини, менинг сенга бекорга кўнгул берган эканман,-деди Саёдхон пари. Анда Саёдхон парига Ҳамроҳон айтди:-Эй Саёдхон пари! Менинг ҳам сенингдай бўлмаса-да ҳар холда кирк таноблай бояим бор, сарховузим бор. Қув ва гозим бор, Сарховуз бўйила бир “Сарви” деган дараҳтим ҳам бор. Шу дараҳтим ёдимга тупиб кетиб-сарви-деганим турур. Унда не бўлибди?-деди. Мен лекин Салби деб айтмадим-деди. Саёдхон айтди:-Айтинг, деди. Ҳамроҳон -Айтмадим,-деди.

Бул “айтмадим”-деди. Ул “айттинг”-деди. Иккиси “хингда-хингқ” бўлшилар. Саёдхон пари айтди: Шул Салби демаганинг учун онт ичармисан, Ҳамроҳон?-деди.

Ҳамроҳон айтди:-Ўзимнинг юртимнинг онтини берсанг ичарман деди. Анда Саёдхон пари айтди: Сизнинг юртники нечук бўлар?-деди.

Ҳамроҳон айтди: бу ноинсоғининг кизини бир алдайин,-деди. Алла бизнинг юртнинг онти бунингдай бўлар-деди:

“Ул таёғи: бул таёғи иккимизгада теккан шул таёғи”-деди. Анда Саёдхон пари айтди: Паҳ, Ҳамроҳон: Шундан ҳам онт ичган бўлами, деди. Ҳамроҳон айтди: Бизнинг юртларда буни “чўпон онти” –деб от бералишар-деди. Саёдхон пари айтди:-дуруст чикар,-деди. Қиз бу сўзга инонди. Ундан сўнг ораға канизлари тушиб: Эй Саёдхон пари: Сизнинг тарлон қушларингиз бор, жайрон қушларингиз бор, каклик қушларингиз бор, ана шуларни бир-бир келтириб, Ҳамроҳонга таъриф эттириб кўринг:

Буларни таърифлагандада Салби-дсяберса, сиз туринг боши учина, бизлар турайлик оёқ учина, ура-ура ўлдирайлик, ўликларини келтирайлик, ўтарман-кечарман, ҳеч ким эшигимасин буни,-деди.

Бул сўз Саёдхонга маъқул тушиб, бир ерда сақлаб кўйтган тарлон –деган бир қупи бор эди. Ўул юртда тарлон-дейди. Ул юртда карчигай-деди. Эй Ҳамроҳон;-деди, Саёдхон пари-ол алинга созингни.

баланддан чиқар овозингни, алингнинг созини кўрайлик, галингнинг тузини кўрайлик, бизнинг шул тарлонни бир таъриф этиб бер, деди.

Ҳамрожон!-Ажаб бўлади-деб алина созини олиб, тарлонни таъриф этиб-Саёдхон пари билан каниелзрига караб бир сўз айтиб ўтирганга ўҳшайди. Кўринг не жавоб дер экан:

*Киши заҳмати чиқиб ёзи келганда,
Эрийиб тўкилар ёзи тарлоннинг.
Сабзи чаманларда табиг чоғинда,
Куёш тегса оқар ёзи тарлоннинг.*

*Куичига ярамур йўрга олаэса,
Ўнгидан отланса сўлига туши,
Табили қоқилса тарлон кельшиша,
Ботар тирноқлари қона тарлоннинг.*

*Мунаққашдур унинг пари боллари,
Кўлда ўрдак кўрдик титрар талиари,
Анинг юрти Озарбайжон эллари,
Келар қийғачиниб оги тарлоннинг.*

*Давралиб-давралиб чиқар осмона,
Кўзлари жаллооддир ўт солар жсона,
Қиргин солур чўлда кезган ҳайвона,
Аждаҳозга мангзар кўзи тарлоннинг.*

*Устилиздан ўтган оғир жиславалар,
Ўтирган қозилар, ичинг оғалар.
Қизил, ёшил бошига санчиб жисигалар,
Ҳамрожон дер, ўтди оги тарлоннинг.*

Деб, бул сўзни айтган вақтда, Саёдхон пари эштиб турса, бунинг ичидан “Салби” деган сўз эпнитилмаганидан вақти чандон хуши бўлиб, вактининг хуш бўлганиниги шундаки, бир жойда сақлааб кўйган жайрон деган бир куши бор эрди. Ана шуни олиб келди, Ҳамрожоннинг ёнига. У юртда жайрон дейди. Ҳозил-дейди. Саёдхон юртида марол дейди бу юртда эса кийик -деб ном берадилар. Саёдхон пари айтди: Эй Ҳамрожон!-деди. Ҳамрожон-Лаббай -деди. Бизнинг шу жайрон купни ҳам бир таърифлаб берсанг нечук бўлар экан?-деди. Ҳамрожон айтди:-Ажаб бўлар!-деди. Кўлига созини олиб, жайронни таъриф этиб бир сўз айтди. Кўринг не деб жавоб қиласар экан:

*Сарим курбон бўлсан сени кўрганда,
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!*

*Феъли кетган жайрон бунда ишиласин,
Үз элимнинг жайронидир бул жайрон!*

*Узоқдан кўринган жайроннинг тўзи,
Сарининг устинда қўша мўлози,
Эгам сурмалармит шул қора қўзни,
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!*

*Оққан чашималарин сувдан тўйдирсан,
Қизил юзим гул баидимиш сўйдирсан,
Олгир қушим, югурак тоғим ўйдирсан,
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!*

*Жайрон кетди тогдан тоша дўланиб,
Дўланибон чашимасина булониб,
Ошиқ Ҳамро гадой каби тиланиб,
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!*

Деб, бул сўзни айтган вактда бул сўздан хам нукат томади. “Саъби” деган сўз айтилмади. Саёлхоннинг чандон вакти хуш бўлди. Вақтининг хуш бўлгани шундаки, бир жойда кафасда кўйган бир каклик деган қуши бор эди. Шуни кўтариб Ҳамроҳсон ёнига ўзи келтирди. Эй Ҳамроҳсон:-деди, Саёлхон пари. Бизнинг каклик қушларни хам таъриф этиб бер, деди.

Ҳамроҳон -Ажаб бўлади,-деди. Алина согини олиб, каклик қушни таъриф этиб, бир сўз айтди. Кўринг не жавоб берар экан:

*Бизга ҳиммат беринг улуг зот эллар,
Ёраб менинг ҳолим олишор бўлди.
Магрибда, машриқда ўтган эранлар,
Кўнгуп мақсудина етишар бўлди.*

*Магрибда, машриқда ўтган эранлар,
Унинг ҳукмидаги замину - зарлар,
Бир оҳурсам ёқар еттии қат ерлар,
Жоним шақ ўтина туташар бўлди.*

*Жам бўлиб келинглар оғалар, беглар,
Сурмалии кўхларинг мени чўх англар,
Жилгадан айринган югурак какликлар,
Ҳар дам “қоғоғ” уриб, кулишар бўлди.*

*Хинолар кўйибди икки дастина,
Билса рақиб келаар бунар қасдина,*

*Мен минибман ёрим сийнанг устине,
Күша норинг пича эзилар бўлди.*

*Лочин каби урсам богинда давр,
Мендан боинқа ёрдан юзингни јигир,
Саёдхоним бунча айладинг жабр,
Хар дам ёр жабрина дўзилар бўлдим.*

*Мени оғлар кўйиб шод бўлан Салби,
Ошиноликдан биздан ёт бўлан Салби,
Азалдан Ҳамроға от бўлан Салби,
Хардам ётилар билан кучишар бўлди.*

Деб, бу сўнни айтгандан сўнг, Саёдхон пари Ҳамроҳоннинг Салби отли ёрининг борлигини таққик билиб, канизларига бакирди. – Боринглар! Ҳамроҳи олиб бориб зинданга ташланглар! – деб буйруқ берди. Канизлар югуриб бориб Ҳамроҳоннинг икки кўлни оркасига боғлаб, зинданга олиб жўнадилар. Бир неча манзил йўл юриб, Ҳамроҳонни келтириб зинданга солдилар. Эшигига кулф урдилар. Не оши бор, не нон бор, Ҳамроҳон очдан-оч ётаверди. Ҳамроҳон зинданда ётаберсин. Эндиғи хабарни кимдан сўранг! Саёдхондан сўранг! Саёдхон пари ҳам сал ўтмай, Ҳамроҳоннинг ишқида бўлди бир касал. Ошикнинг иши ўзларингизга маълум. Опоқдан тўрга ағнади, тўрдан туриб ошоқка ағнади. Бу ҳам уч кунгача касал бўлиб ётаверди.

Уч кун деган вактда Саёдхон парининг қарори чидай олмай, иргиб еридан туриб, Ҳамроҳоннинг ётган зинданига қараб йўлга тушиб равона бўлди. Узоқдан зинданнинг панжарасидан сар этиб каради. Бул сўз бу ерда туранерсин, ондиги сўзни Ҳамроҳондан эшигининг.

Ҳамроҳон зинданнинг ичида уч кун ётди. Ўзи ҳам очдан оч ётди. Ҳамроҳон кўп кийин ҳолда бўлди. Кўнглига камлик келди. Ўзининг хўрлангани эсига тушиб йиглаб ўтираверди. Саёдхоннинг бундай этарини аввалдан билганимда бу юртларга келмас эдим, – деди. Фойдаси бўлмади. Ҳамроҳон шуларни ўйлаб хафа бўлиб ўтирган эди. Зинданнинг панжарасидан ичкарига бир куннинг шуъласи тушгандай бўлди. Ҳамроҳон Саёдхоннинг келгапини билиб, панжарарадан караб, алина созини олиб, бир сўз айтиб йиглаб турибди. Кўриниг не дер экан:

*Ўгрин-ўгрин панжарадан боққан ёр,
Шул қора кўзларинг не тилар меннан!
Юрак бағрим ишқ ўтина ёққан ёр,
Ёр қора кўзларинг не тилар меннан?*

*Шул қора кўзларинг уйқу ўгриси,
Менинг дейтурганим сўзнинг тўғриси,*

*Ёр қора кўзларинг сўнар ўгриси,
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?*

*Курбонинг кетаини йўла кел, йўла,
Умидвор қўлтаринг бўйнима дўла,
Жодигўй кўзларинг жонимни олар,
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?*

*Шул қора кўзига башда бўлайин,
Мен сендан айрилиб қайдা борайин,
Мен бир тилга юзук сенда бўлайин,
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?*

*Баланд-баланд тогнинг кетмас думони,
Мункирнинг кўклидан кетмас гумони,
Саёдхон Ҳамроҳнинг севгили ёри,
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?*

Деб, бул сўзни айтгандан сўнг, хабарни кимдан сўранг, Саёдхон наридан сўранг. Саёдхон нари Ҳамроҳоннинг товутини эшишиб, ошиги бекарор бўлиб, калласи гувраб, кўзлари ёшга-тўлиб, этига қалтиратма тушиб, зиндоннинг панжарасигта югуриб келиб колганини билмай қолди.

Анда Ҳамроҳон айтди:

-Бу ноинсоғнинг уч кундан бери мени очдан-оч зиндонда ётқизиб коклаб, хўрлагани етар. Бу ноинсоғнинг бир аччиғити келтирайин-ё зиндонда ўларман, ё чиқарман,-деган хаёл пайдо бўлиб, Ҳамроҳон зиндоннинг ичидаги турибди, Саёдхон нари зиндоннинг панжарасининг оғзида турибди, Ҳамроҳон бир сўз айтиб турибди. Кўринг не жавоб айтар экан:

*Ога беглар бир сўзали мойилман,
Динга кирмас арманишур-армани.
Кеча кундуз ёр жабрина қойилман,
Кўйдан солиб, ҳалдан ашрди жени.*

*Устимизда Гуржистоннинг тогидир,
Манзамишлар бизнинг билан ёгаидир,
Саёдхоннинг кўчмоли бир чогидир,
Кизи гулнинг хирмонидир хирмони.*

*Ишқининг шаробиги менам ичардим,
Кунда юзминг ёниб, юзминг ўчардим,
Ота-эна, эл кунимдан кечардим,
Ғариф кўнглим дармонидир дармони.*

*Бизнинг беглар шибоз эди, боз эди,
Насиб қайси тақдир қайси –ёз эди,
Динга кирмас тарсо пари қиз эди,
Ночорликда ёмон этди ёр мени.*

*Кизил сұлны даста-даста төрағлар,
Теріб-теріб оқ синаға сараплар,
Саёхон қыз панжарадан қарағлар,
Хамро айттур, күра келди ёр мени.*

Деб, бу сұзда айттан вактда Саёхон пари: Ҳой қоинеоф
канизлар!-деб қичкирди. -Зиндондан дархол чикариб олиниглар, ўлиб
колакүрмасин, деб қыңқырғандан сўнг, ажаб бўлади!-деб канизлар
югуриб бориб зиндонни очиб кўрсалар, қичкира-қичкира Ҳамроҳон уч
куннинг очилигидан ходан кетиб, бехути бўлиб йикитиб ётган экан.

Саёхон пари Ҳамроҳоннинг ёнила бир-икки соат ўтириди.
Ҳамроҳон бир вактлари ҳушига келди. Ҳамроҳон ҳушига келгандан
кейин Саёхон пари шу ерда ўттис икки таомларни келтириб,
Ҳамроҳоннинг олила кўйди. Ҳамроҳонни овқаслантириб бўлиб,
канизларига топшириди:-Эй канизлар!-дели. Ҳамроҳонни ҳаммомга олиб
бориб орасталаб, менинг ёнимга олиб келинглар! дели.

-Ажаб бўлади!-деб Ҳамроҳонни канизлар ҳаммомга олиб, равона
бўлдишар. Ҳамроҳонни ҳаммомга олиб бориб орасталаб, ювиб, яхши,
турли гуллар билан сийлаб кийинтириб, Саёхон парининг тилла пўш
саройига караб, олиб жўнатдилар. Энди хабарни кимдан сўранг, Саёхон
паридан сўранг. У Ҳамроҳоннинг келар йўлига бокиб, ўтиз икки турли
кийимларни кийиниб ўзи а пардоз бериб, қонвларига сурма чекиб
Ҳамроҳоннинг келар йўлига бокиб ўтираберди.

Ҳамроҳон канизлар билан келәтираса, Саёхон парининг ўтиз
икки турли кийимларни кийганини кўриб Ҳамроҳоннинг хам кайфи
кўтарилиб, бу занғарнинг қизини узокдан хушомадиаб бормасам, яна
бир балоға тирифтор отмасин -деб Ҳамроҳон азина созини олиб, шул
келшишида Саёхонни хушомадиаб, бир сўз айтиб, келаётir. Кўриниг не
дер экан.

*Эй ёронлар мусулмонлар,
Ёр қирмизи кийинибdir.
Инк утига ёнгани жонлар,
Хол қирмизи кийинибdir.*

*Келшишигиз жайрон каби,
Рафтариагиз мироғ каби,
Икки зулфи шомор киби,
Ёр қирмизи кийинибdir.*

*Ёрим келар кула –кула,
Кулиши манзар булбула,
Ёнинда қирқ каниз билга,
Ёр қирмизи кийинибдири.*

*Юр Саёд кеталии бога,
Ёр билан кирсак ўтога,
Хамронинг жонин олмога,
Ёр қирмизи кийинибдири.*

Деб, бул сўзни айтган вактда Саёдхон парига караса, Ҳамроҳоннинг йўлига бокиб ўтирган экан. Анда Ҳамроҳонни канизлар, Саёдхоннинг тилла пўши саройига олиб бордишар.

Ул вақтда Саёдхон пари Ҳамроҳонга айтди: Эй Ҳамроҳон! Ол алинга созингни, баланддан чикар овозингни, менга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг нечук бўлар экан?-деди. Кўрқкан одамнинг иши ўзларингизга маълум, Ҳамроҳон айтди:-Ажаб бўлади,-деди. Ҳамроҳон айтди:-Бу ноинсоғнинг кизи мени яна бир балоларга чатмасин деб, ўзининг тог одами” эканини баён этиб бир сўз айтиб ўтирибди. Кўринг не жавоб айтгар экан:

*Қодир оллоҳ бадр айламаш жамолим,
Гўё икки қошим ҳилола душимиши.
Олло Ғариф берса шугун мисолин,
Гўё булбул каби билола душимиши.*

*“Алиф”нинг олдиға “мим” тушан каби,
Семургнинг танидии пар тушан каби,
Дибиржсоқ-дибиржсоқ тер тушан каби,
Лабингдан бол оқса пиёла душмуши.*

*Ўжса доддан анжир ун тушан каби,
Холлар орасига тун тушан каби,
Жами рўзалардин кун тушан каби,
Занаҳдан қўлларинг зулола душмуши.*

*Етиб бўлмас ошиқтарнинг зариндан,
Холинг хоризис этар Чинди ёридан,
Мен аклим ютиридим ҳарна боридан,
Кўранда бир ажаб хиёла душмуши.*

*Ҳамро-ақши бўлмас тог одамининг,
Тўбаси гул бўлар бое одамининг,
Сахро далисингиз, тог одамининг,
Кўзлари сенингдай қизлара душмуши.*

Деб, бул сўзни айтган вактда Саёдхоннинг чандон вақти хуш бўлиб, Саёдхон пари Ҳамроҳонга тиздан тўшак солиб, белбондан ёстик солаберди.

Саёдхон пари туриб айтди:-Эй Ҳамроҳон!-деди. Шул вактда энди бир вакти хунарни учун алинига оз созинги баланд чикар овозингни, бизга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг нечук бўлар экан дўстим!-деди. Ҳамроҳон;-Ажаб бўлар-дели. Ҳамроҳон Саёдхон парига караб бир сўз айтиб турибди. Газали Ҳамроҳон дерлар, кўрини не лер экани:

*Ногоҳонда савдо тушиди сарима,
Тегса менга тегсин, ёра тегмасин!
Кахдо фагак тегма менинг ёрима,
Чунки менга тессин, ёра тегмасин!*

*Гўзаллар ичинда сен гўзали шоси,
Бир замон кўрмасам ўйларман осий,
Қашининг зизинстони, ёзниг ҳавоси,
Ул ҳам менга тегсин, ёра тегмасин.*

*Гўзиллар ичинда сен гўзали шовқи,
Кўзимдан оқиздинг қон билан қўки,
Оллошиб фармони, ажалинг ўқи,
Чин думимонга тегсин, ёра тегмасин.*

*Энгиги кийинбодир оқдан олалар,
Уни кўриб шайдо булбул ногалар,
Кўкоки ерга энгиз юз-минг бағолар,
Чин думимонга тегсин ёра тегмасин.*

*Боевияда очилмиши ранг-баранс дуллар,
Инкрайда сайраншур шайдо булбуллар,
Очиқ, Ҳамро дечар широғинк кунлар,
Ул ҳам менга тегсин, ёра тегмасин!*

Бул сўзни айтгандан сўни Саёдхон парининг вакти чандон хуш бўлиб, Ҳамроҳон билан тилла пўши саройният ичидаги айшу ишратга машгул бўлиб, шу ерда карор топиб, муроду мақсадига стиб колабердилар.

ЛУГАТ

А

Ал-күл
Амудигарон-огир амуд (бошин мәжактайдыган темир түкмөк)
Ар-ар-арча дараҳти
Атонок-күшүв белгиси шакли, чарх (крест)
Ахлан вассахлан-(арабча) хүш көзбиз

Б

Беганмок-қаноатланмок
Бехроб-ахши, устун
Бихил-бүйсүнүү
Бордош-чордона
Ботил-берк
Буқоноңламок-писиб юрмок
Бүйла-бундай
Бүктарилимок-ғамламок

В

Важ-нарса
Ваззихо-очик, нур, ёргүү күн
Во-эй, вой
Возий-хоким, вилоят ҳукмдори
Валлайло-түн коронгуси
Варсаны-сүз, баён

Г

Гада - насткани, ёмон
Ганжинди бинини-бөр бүлгүн ганж
Гизламок-янирмок
Губалак-капалак
Гунаш-куёш
Гүндэрмок-жұнатмок

Д

Дали-жангари, чапани
Дандона-тиш
Дашжик-жангари, чапани
Дегра-дош-чор атроф
Дейиз-феъллинг ынкор шакли (Эмас)
Дилситон-дияни овловчи
Дөшпинди-теварагида, ташкарисыла
Дүз-тащкари, яй лоқ
Дүруд-олкини, дуо

Дустамон-агдарилмок
Душвор-мункул
Дүланди-бөгләнди, бирикди, айланди
Дүрамок-түгүшмок

Ё

Ёзгармок-бүшапимок
Ёзғиг-тақдир
Ёли-каби
Ёсинни тахо-куръон суралари (Ёсин ва Тохо)
Ёсона-мотамхона
Ёкти-ёргө

Ж

Жастаңез-аста-секин
Жиржис-мифик пайғамбар исми
Жониб-томон
Жумри-юмри-юмалоқ нарса
Жустужү-изланы
Жүжинг-күзинг
Жүлида мүй-тарқоқ сокол

З

Закариё-пайғамбар исми
Зили-бам-огир оханғ (музыкага сид)
Зингмоқ-ирғитмок, отиб юбормок
Зоринжи-әлбориш

И

Имир - туман
Инохат - қаршилик
Инкисор-сигиниши, ожизлик
Истеътоат-чидам
Иргиб - сакраб
Иқди никоҳ-никоҳланиши

Й

Йитирмок-йўқотмок

К

Каж-тескари
Капдирмок-куритмок
Каҳан- сомон, сомондай
Киса- чўнтақ
Кўпнак-ит
Кўшагим-бўталогим
Кўшиш-тасир кўрсатмок

Л

Лабз-иева
Ложарам-хижил

М

Мавт-ўлим
Мазхари акл-акл хазинаси, (махзан сўзининг бузилган шакли)
Марқад-мозор (марқад)
Масоҳиб-сұхбатдош
Маҳшар-киёмат
Маҳзан-хазина
Мешик-мутро-сув идиш ва хуржун
Мубаддал-алмашинган
Муқандар хафа, маҳзун
Мажаррам-балки
Мұстариф-изтироб чекувчи
Мукаррам-азиз
Мунқатиъ-ажралған
Мұтаважжиҳ-юзланиш, қарамок
Мұтәнайир-ўзгача
Мағкүм-фахмлантан
Мосил-ясовул
Мұжрим - айбли
Муруватандиши-муруевватли
Мүқотала-уруш, кирғин
Муқайид-бөгланған

Н

Навқон-ипак курти
На корасан-канака одамсан, қасбинг нима
Нарт-новда
Нишатса-нима қиласа
Нозил-юкоридан тушган

О

Оёқ солма-арик
Орув-поклик
Оркайин-хотиржам
Ошок-паст
Офок-олам, уфқ

П

Пайғом-хабар
Покидомон-иффатли
Пурсухан - сўзамол
Пўшиш-бекик, ёник

Р

Раванак-сув қувури
Роҳизан-қарокчи

С

Сувадун-сув қувури
Сайха-наъра, басириш
Санги хора-қаттиқ тош
Сар солмоқ-назар солмок
Саржаниш-кесатиш, ранжитиш (сарзаниш)
Сарка-бопчи
Сармок-ёймок
Саросар-бошдан оёк
Сипориши-хурмат, эхтиром
Сулухат-келишув

Т

Тааммул-сабр
Тавилаи-узунлик
Така-ёстиқ
Тал-соч
Таракамон-тарокима, туркманлар
Тараҳхум-раҳм килмок
Тайгир-ўзгариш (тагийир)
Ташдид-пиддатли
Гашминкӯш-жун кийимли
Тирборон-ўқ ёмғири
Тири этмай-кимир этмай
Тунг-сув идиши (мисдан ишланган)
Тўбалашиб-тортишув, жанжал
Тўман-паст
Тўз-чанг -тубор
Тўба-тена
Тўнгиртқа-сув қувури

У

Убулияят-бандлик, қуллик
Үйри тўда
Ушоқ-кичик, бола матьносида
Уқбо-охират

Ф

Фигор-мажрух

Х

Ховандор-ҳомий, таянч
Ховар-шарқ, қўёни
Хори мўғилон-янтоқзор

Хұжастахисол-құглұғ одат
Хұброй-чиройли юз

Ч

Чархи дүн-тескари дүнё
Чатмок-қүшмөк, бириктирмок
Чакки-ничоқ, каламтарош
Черик-навкар
Чизгамок-шимармок
Чоки-гирибон қалбни пора килмок
Чундуқ-түмшүқ
Чусты чобук-тез
Чугул-чақымчи
Чұх-күп, жуда

Ш

Шатир-шүтур-тез-тез, чақон
Шомор-илон (шоҳ мор)
Шона-тароқ
Шўрида-паришон

Э

Эжашмок-қазиллашмок
Элти-мулланинг хотини
Эмгак-мехнат

Я

Янгоғи-халиғи

Ү

Үба-әл, қавм
Үкта-устун, кучли
Үкча-товор
Үтлашмок-месьердан ошмок

Қ

Қийғириб тур-баданд охозда күшик айтиб түрмок
Қопи-әшик
Қоптол-ён, ён атроф
Қосид-хабарчи
Құпди-турди, күзгалди

Ғ

Ғузола-хашаротнинг бир тури
Ғүччок-жасур, мард

Ҳ

Ҳаз-маза
Ҳовва-ха

“Ошиқнома” мажмуаси 5-китобига киритилган достонлар ҳақида матъумот

“ТОХИР ВА ЗУХРА”

“Тохир ва Зухра” достони туркий халклар орасида кенг тарқалган. Ёзма адабиётда Сайёдий ва Мулланафасларнинг достонлари жуда машҳурлик қозонган.

Сайёдийнинг “Тохир ва Зухра”си А.Вамбери томонидан 1867 йилда Лейпцигда нашр ҳам этилган.

Достоннинг халқ варианти 1974 йилда Тошкентда нандр қилинган. Унинг оғзаки вариантлари аниани ташкил этади. Собиқ кўлёзмалар институтида достоннинг 86 вариантни мавжуллиги каталогда қайл қилинган.

Биз нанрга тайёрлаётган унбу матн шовотлик Ниёзжон хапфа бисотидан олинган кўлёзмага асосланади. Достон Мулланафаснинг асарига жуда ўхшаш, лекин шеърий нарчалар ундан анча кўн, шунингдек, бошка шеърий нарчалар, насрин магнлар ҳам вариант берарлик даражада алоҳидаликка эга. Фикримизна, бир найтлар Мулланафас варианти қўлёзма тарзида халқ орасида ёйлиб, котиблар томонидан қайта кўчирип жараённида турли вариантлар юзага келган.

Мазкур вариант илк маротаба чоп килинаёттир.

“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО”

“Таврот”даги Гўзал Иосиф, “Куръон”даги Юсуф билан боғлик ривоятлар асосида шаклланган бу достон IX асрдаёк ёзма адабиётга кириб келган. Фирдавсий, Балхий, Рабгузий, Шерозий, Дурбек ва бошка қатор шоирлар унбу сюжет асосида асарлар яратишган. Уни халқ достонлари услубига яқинлаштириб ижод қилинган шоир Андалибдир.

“Юсуф ва Зулайхо”нинг оғзаки вариантлари баҳшилар репертуарида учрамайди. Достон фақат киссаҳонлар ижросида ўқиб келинган.

Достоннинг О.Манглибоевга мансуб бир вариантни 2011 йилда зълон қилинган.

Биз нанрга тайёрланадиган кўлёзма шовотлик Ниёзжон халфага тегишли бўлиб, араб алфавитида кўчирилган. У ҳажман қайталиги ва мукаммаллини билан ажралиб туради.

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

Мажмуага киритилган мазкур достон Умар Бокий қаламига мансубdir. Бу асар 1910 йилда Гулом Ҳасан Орифжоновнинг топибосмасида чоп этилган. Асар “Лайли ва Мажнун” сюжетининг

насрий баёни бўлишига қарамай, унинг таркибига 68 мисра шеър киригилган. Асарнинг тили Мунис, Оғаҳий каби тарихнавислар услугуга анча яқин.

Достон илк маротаба табдил қилиниб чоп этилмоқда.

“ОШИК ҚУМРИ”

Бу достон Хоразмда “Қумри ва Тўти”, “Қумри тўра”, “Ошик Қумри” номлари билан кенг оммалашган. Достон бошқа туркий халклар фольклорида напир этилмаган. Асар асосан халфалар репертуарида қисса сифатида ижро этилиб келинсан. Упбу вариантни Ҳонқа туманиннинг Томадурғадик қишлоғида яшовчи Олмахон халфа Отажонова бисогидаги кўлёзма асосида филология факультети талабаси Бекметова Хуршида ёзib олган.

Матн 1993 йилда мулла Тожибой томонида араб алфавитида кўчирилган бўлиб, 71 сахифадан иборат. Кейинчалик ёзib олинган матн биз томонимиздан аслиятга солиштирилиб, камчиликлар тузатилди. Мулла Тожибой мазкур матнни 1908 йилда кўчирилган кўлёзмадан қайта кўчирган экан.

Достон илк маротаба нашр этилмоқда.

“САЁД ВА ҲАМРО”

“Саёд ва Ҳамро” достонининг кўлёзма нусха асосидаги нашри “Ошикнома” мажмуасининг 2006 йилда чоп этилган, I-китоби таркибига киригилган эди.

Достоннинг оғзаки вариантилари ҳам бўлиб, унинг манғитлик Хўжамурод бахши вариантини 1938 йилда лотин алфавитида Буюк Каримий ёзib олган. Бу матн ЎзР ФА ТАИ фольклор бўлими ҳазинасида 620- инвентар-раками остида сакланади. Унинг айрим сахифалари очик қолдирилган. Биз нашрга тайёрлаган вариантни манғитлик Худойбергтан бахши Үтагановдан 1960 йилда Усмон Ахмедов ёзib олган бўлиб, кўлёзма 61 сахифани ташкил этади. Достоннинг мазкур варианти Хўжамурод бахшидан ёзib олишган вариантдан ҳажман икки баравар каттадир. Бирок достонни ёзib олувчи киши фольклоринуос бўлмаганлиги сабабли кўпгина хатоларга йўл кўйган. Масалан, “Жайрон” сўзи “жаран”, “Гаракамон” сўзи “Талакамон”, “ходим” сўзи “кодим”, “шакардан ширин” бирикмаси “шириндан шакар” тарзила ногўри ёзib олинган.

Шундай бўлишига қарамай мазкур вариант Хўжамурод бахши вариантига караганда батафсиллиги, шеърй мисраларнинг кўплиги, бўёқдор ибораларга бойлиги билан мукаммаллик касб этади.

Достоннинг оғзаки варианти биринчи марта эълон қилинмоқда.

20/26

Мундаричжа:

“Тохир ва Зухра”	3
“Юсуф ва Зулайх”.....	141
“Лайли ва Мажнун”.....	184
“Ошик Кумри”.....	200
“Саёд ва Ҳамро”.....	205
Лугат	265
Мажмуата киритилган достонлар ҳакида маълумот.....	270

**С.Р.РЎЗИМБОЕВ, С.М.СОРИЕВ, И.О.ИСМОИЛОВ
М.Ш.ЖАММЕТОВА,**

ОВИҚНОМА

(Адабий-бадиий низм)

Муҳаррир *Марямжон Холмуродова*
 Тех муҳаррир *Фарҳод Ибадуллаев*
 Сахифаловчи *Ҳуришида Собирови*
 Мусаххих *Нилуғар Жуманиёзова*

Босмахонага берилди 26.08. 2011 йил
 Босицига рұхсат килинди 30.08. 2011 йил
 Бичими 60x84 1/6
 Ҳажми 17 босма тобок
 Адади 150
 Буюртма № 234

“Хоразм” нашриети
 Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кӯчаси, 23- уй.

“Куванҷбек - Машҳура” МЧЖ
 босмахонасида чоп килинди.
 Урганч шаҳри, Ёшлиқ кӯчаси, 4-“б” уй.



ISBN 978-9943-314-23-8



9 789943 314 23 8